

**ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

**ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛАР.  
ЛОЙИҲАЛАШ МЕЪЁРЛАРИ**

**ШНҚ 2.03.05-13**

**Расмий нашр**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ  
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ 2013**

УДК 69:624.014.2.04 (08374)

**ШНК 2.03.05-13** «Пўлат конструкциялар. Лойиҳалаш меъёрлари» / Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш, Тошкент шаҳри, 2012 – 174-бет.

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР:** “Ўзпўлатқурилмалойиҳа” МЧЖ  
(ЛБМ Г.В. Анапольский – мавзу раҳбари, бош мутахассис А.П.Тиков)

**КИРИТИЛГАН:** “Ўзпўлатқурилмалойиҳа” МЧЖ

**МУҲАРРИРЛАР:** М.И. Шодиев (Давархитекқурилишқўм),  
Ш.Т. Абдукамилов (“Ўзпўлатқурилмалойиҳа” МЧЖ)

**ТАСДИҚЛАШГА** Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш лойиҳалаш ташкилотларининг фаолиятини мониторинг қилиш Бошқармаси томонидан тайёрланган (М. Холхўжаев)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **ШНК 2.03.05-13** «Пўлат конструкциялар. Лойиҳалаш меъёрлари» амалга киритилган кунда бошлаб, **ҚМҚ 2.03.05-97** «Пўлат қурилмалар. Лойиҳалаштиришнинг меъёрлари» ўз кучини йўқотади.

**КЕЛИШИЛГАН:** Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш лойиҳалаш ташкилотларининг фаолиятини мониторинг қилиш Бошқармаси (М. Холхўжаев)

Меъёрий ҳужжатдан фойдаланганда, Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш ва Давлат стандарт қўмитаси томонидан чоп этиладиган шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларида, ҳамда давлат стандартларидаги ўзгартиришларни инобатга олиш шарт.

**ТАРЖИМОН:** «LINGVO SERVIS» ХК таржимонлик бюросида (Р.К. Гаиров)

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси руҳсатисиз, расмий ҳужжат сифатида тўлиқ ёки қисман чоп этилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси (Давархитектқурилиш)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 2.03.05-13
	Пўлат конструкциялар. Лойиҳалаш меъёрлари	ҚМҚ 2.03.05-97 ўрнига

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг мақсад ва мезонлари 2009 йил 23 апрелдаги ЎзРҚ-213-сонли “Техник тартибга солиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган, ишлаб чиқиш қоидалари эса – 2009 йил 23 апрелдаги 18-сонли ШНҚ 1.01.01-09 “Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тизими. Асосий ҳоллар” буйруқ билан белгиланган.

## 1 ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

1.1 Мазкур меъёрлар пўлат қурилиш конструкцияларга, уларнинг ишончилиги, хавфсизлиги, узоқ муддатга чидамлилиги ва тежамлилигини таъминлаш бўйича асосий талабларни белгилашади.

Мазкур меъёрлар қоидалари мажбурий ҳисобланади ва янги ва қайта қурилаётган биноларнинг ва турли мақсадли иншоотларнинг пўлат конструкцияларига (қуйида конструкция) нисбатан қўлланилади.

Ривожланиш ва аниқлик киритиш, батафсил маълумот бериш, тўлдириш мақсадида турли конструкциялар учун ишлаб чиқарилаётган мажбурий ва тавсия тавсифига эга меъёрий ҳужжатларнинг қоидалари, мазкур меъёрларнинг асосий қоидаларига зид бўлмаслиги шарт.

1.2 Конструкцияларнинг турли кўриниш ва шакллари, шу жумладан фойдаланишнинг махсус шароитларида бўлганлари (масалан, домна печи, резервуарлар конструкцияларини, сеймик таъсир остида, ҳароратнинг шиддатли таъсири, радиация ҳамда турли агрессив муҳит таъсири остида бўладиган биноларнинг конструкцияларини) лойиҳалашда, ягона бино ва иншоотларнинг конструкцияларини, ҳамда конструкцияларнинг махсус турларини (масалан, дастлаб таранглаштирилган, фазовий, осма, равони 36 метрдан ортиқ равонли, баландлиги 100 метрдан ортиқ антенна иншоотлари, минора иншоотларини) лойиҳалашда, мазкур конструкциялар ишининг хусусятларини ифодаловчи қўшимча талабларга риоя қилиш шарт.

Айтиб ўтилган конструкциялар ва уларни бирикмаларни, ва мазкур меъёрларга конструкциялар киритилмаган, ҳамда умумий металл сарфи 200 тоннадан ошган объектларни (алоҳида босқичларнинг металл сарфидан қатъий назар), бино ва иншоотларнинг ишончилиги ва тежамлилигини ошириш мақсадида, пўлат конструкциялар бўйича етакчи ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлар кучлари билан лойиҳалаш керак.

1.3 Мазкур меъёрлар талаблари доимий ва/ёки қисқа муддатли ҳарорати плюс 100°C дан ошмаган ва минус 40 °С дан паст бўлмаган шароитларда фойдаланиладиган конструкцияларни лойиҳалашда қўлланилиши керак.

Киритилган “Ўзпўлатқурилмалойиҳа” МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитасининг 9 апрел 2013 йилдаги № 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритиш муддати 1 май 2013 й.
---------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------

1.4 Меъёрлар кўприкларнинг пўлат конструкцияларини, кўприкларнинг табақалари кўтариладиган кўприкларнинг механизмлари, магистрал ва технологик қувурўтказгичлар, гидротехник ва мелиорация иншоотлари конструкцияларини лойиҳалашга жорий этилмайди.

## **2 МЕЪЁРИЙ ҲАВОЛАЛАР**

Мазкур меъёр ва қоидаларда А иловасида келтирилган ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган.

## **3 ТАЪРИФЛАР**

3.1 Мазкур меъёрларда В иловасига мувофиқ атама ва таърифлар келтирилган.

3.2 Асосий ҳарфий белгилар С иловасида келтирилган.

## **4 КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ, ХАВФСИЗЛИГИ УЗОҚҚА ЧИДАМЛИЛИГИ ВА ТЕЖАМЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ**

4.1 Пўлат конструкцияларни лойиҳалаштиришда, буюртмачи томонидан белгиланган фойдаланиш муддат ичида бино ва иншоотнинг нормал эксплуатациясини, атроф муҳит ҳимоясини ва лойиҳалаштиришга техник топшириқ билан белгиланган бошқа махсус шартлар бажарилишини таъминловчи меъёрларга риоя қилиш шарт. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

ташиш, монтаж ва фойдаланишда, бутун бино ва иншоотнинг ва уларнинг алоҳида қисмларининг мустаҳкамлигини, турғунлигини ва фазовий ўзгармаслигини таъминловчи конструктив схемаларни қабул қилиш;

ёнгин хавфсизлиги меъёрлари талабларига ва пўлат қурилиш конструкцияларни коррозиядан ҳимоялаш талабларига риоя қилиш. Конструкциянинг ўтга чидамлилиги чегарасини ошириш ва коррозиядан ҳимоялаш мақсадида прокат ва қувурлар деворларининг қалинлигини ошириш, фақат техник-иқтисодий асослаш мавжудлигида мумкин. Бунда конструкциянинг ишончлилигини коррозиявий ейилишни инобатга олган ҳолда текшириш керак;

прокатнинг рационал профилларини, самарали пўлат ва бирикмаларнинг прогрессив турларини қўллаш; прокат ва қувурлар сортаментини инобатга олган ҳолда, конструкциялар элементлари мазкур меъёрлар талабларига жавоб берувчи минимал кесимга эга бўлишлари керак;

конструкцияни ишлаб чиқариш, ташиш ва монтажнинг технологиклигини ва меҳнат сарфининг минимал даражасини назарда тутиш керак;

конструкцияни ишлаб чиқарувчи корxonанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва технологик ҳамда кран жиҳозларининг қувватини инобатга олиш керак;

лойиҳалаштиришда ишлаб чиқариш жараёнида аниқлик талабларини тайинлаш йўли билан меъёрий ҳужжатларга мувофиқ конструкция йиғилишини ва солинишини таъминлаш.

4.2 Ташқи ҳавонинг ҳисобга олинандиган минимал ҳарорати сифатида КМК 2.01.01 га мувофиқ, таъминоти 0.98 бўлган энг совуқ беш кунлик ҳароратини олиш керак.

Ҳисобланадиган технологик ҳарорат лойиҳалаштиришга техник топшириқ билан белгиланади.

4.3 Бетон ёки терилган ғиштга ва ҳоказоларга бекитилмаган очик конструкцияларга, уларни кузатиш, техник ҳолатини баҳолаш, профилактика ва таъмир ишларини амалга ошириш учун кириш мумкин бўлиши керак, улар намликни ушлаб қолмаслиги ва ҳаво

янгилашига тўқинлик қилмасликлари керак. Берк профиллар герметизацияланган бўлиши керак.

4.4 Вазифаси, фойдаланиш шароитлари, ишлаб чиқариш технологияси ва кучланиш-деформацияланган ҳолати бўйича, конструкциялар тўрт гуруҳга ажралади:

**1-гуруҳ.** Ўта оғир шароитларда, шу жумладан пластик деформация ривожланишини максимал даражада қисувчи ёки динамик (4.6-бандни қаранг), тебраниш ёки силжувчи кучланишларга бевосита таъсирланадиган шароитда ишловчи пайванд конструкциялар (4.5-бандни қаранг) ёки уларнинг алоҳида элементлари [краности тўсинлар; иш майдончаларининг тўсинлари; ҳаракатдаги транспорт йўллари тўсинлари; бункер ва юк ортиш-тушириш эстакадалар конструкцияларининг ҳаракатдаги составлардан юкланишни бевосита қабул қилувчи элементлари; динамик юкланишда бош тўсинлар ва ромларнинг ригеллари; транспорт галереяларининг равон қурилмалари; фермалар фасонкалари, резервуар ва газгольдерларнинг деворчалари, туби четлари, маҳкамлик ҳалқалари, сузувчан томлари, қопламалари; бункер тўсинлари; параболик бункерлар қобиғи; эркин туруган тутун қувурларининг пўлат қобиғи; баландлиги 60 метрдан ортиқ юқори кучланишли электр узатиш линияларининг (ЮКЛ) катта ўтишларининг махсус пайванд таянчлари; мачталарнинг тортмоқлари элементлари ва тортмоқ бўғинларнинг элементлари].

**2-гуруҳ.** Чўзувчи кучланишлар мавжудлигида статик юкланишда ишловчи пайванд конструкциялар ёки уларнинг элементлари [фермалар; ромлар ригеллари; қоплаш ва қоплама тўсинлари; зиналарнинг зинапоялари қўйиладиган, кўтариб турувчи қия тўсин (косоур); силос қобиқлари; ЮКЛ таянчлари, катта ўтишларининг махсус пайванд таянчлари бундан истисно; қуйи станцияларнинг очиқ тақсимловчи мосламаларнинг (ОТМ) йўғон сим ўрнатишларининг (ошинковка) таянчлари; транспорт галереялари таянчлари; прожектор мачталари; антенна иншоотларининг (АИ) курама таянчларининг элементлари ва бошқа чўзилган, чўзиқ-эгиладиган ва эгиладиган элементлар], ҳамда пайванд монтаж бирикмалар мавжудлигида, ГОСТ 19425 ва ТШ 14-2-427 бўйича қўштаврлардан пайванд бирикмалар ва осма йўллар тўсинлари мавжуд эмаслигида, 1-гуруҳдаги конструкциялар ва уларнинг элементлари.

**3-гуруҳ.** Асосан сиқишга статик юкланишда ишловчи пайванд конструкциялар ёки уларнинг элементлари [колонналар; устунлар; таянч плиталар; қаватлараро тўсик тўшамалари элементлари; технологик жиҳозларни ушлаб турувчи конструкциялар; Колонналар бўйича ҳисобланган боғланишлар кесимларида юкланиш  $0,4R_y$  дан ортиқ бўлган тик боғланишлар; транспортнинг контактли тармоғининг анкер, кўтариб турувчи ва маҳкамловчи конструкциялари (таянчлар, қаттиқ кўндаланг темирларнинг ригеллари, қайдлагичлар); узгичлар таянчларидан ташқари ОТМ жиҳозлари тагига таянчлар; АИ ўзаги ва миноралари элементлари; бетон ташувчи эстакадаларнинг колонналари; қопламаларнинг горизонтал конструктив элементлари (прогонлар) ва бошқа сиқилган ва сиқиб-эгиладиган элементлар], ҳамда пайванд бирикмалар мавжуд эмаслигида, 2-гуруҳдаги конструкциялар ва уларнинг элементлари.

**4-гуруҳ.** Бино ва иншоотларнинг ёрдамчи конструкциялари (3-гуруҳда кўрсатилгалардан ташқари ошқа боғланишлар; фахверк элементлари; зиналар, нарвонлар; майдончалар; тўсиқлар; кабель каналларнинг металл конструкциялари; иншоотларнинг ёрдамчи элементлари ва ҳоказо), ҳамда пайванд бирикмалар мавжуд эмаслигида, 3-гуруҳдаги конструкциялар ва уларнинг элементлари.

4.5 Конструкция ёки унинг элементи сезиларли ҳисобланган чўзувчи кучланишлар ( $\sigma > 0,3R_y$ ,  $\sigma > 0,3R_{wf}$ , ёки  $\sigma > 0,3R_{wz}$ ) жойларида жойлашган бўлса, ёки пайванд бирикма масалан, сезиларли қолдиқ кучланишлар оқибатида бузилиши мумкин бўлган ва натижада бутун конструкцияни фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтириши мумкин бўлган жойда жойлашган бўлса, конструкция ёки унинг элементи пайванд уланишга эга ҳисобланади.

4.6 Агар динамик юкланиш билан вужудга келтирилган нормал кучланишнинг абсолют қийматининг шу кесимнинг ўзида барча юкланишлардан жамланган чўзувчи

кучланишига нисбати  $\alpha > 0,2$  бўлса, конструкция динамик юкланишлар таъсири остидагилар қаторига киради.

4.7 ҚМҚ 2.01.07 бўйича 1-синф жавобгарликнинг бино ва иншоотлар конструкциялари учун пўлат тайинланганда, конструкциялар гуруҳининг рақамини бирга камайтириш керак (2-4 гуруҳлар учун).

4.8 Прокат қалинлиги  $t \geq 40$  мм бўлганда, конструкциялар гуруҳининг рақамини бирга камайтириш керак (2-4 гуруҳлар учун); прокат қалинлиги  $t \leq 6$  мм бўлганда, бирга ошириш керак (1-3 гуруҳлар учун).

4.9 Аниқ меъёрий-техник хужжатларни ишлаб чиқарганда, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, куриш, ишларни қабул қилиш, фойдаланиш ва қайта тиклаш меъёр ва қоидалари, ҳамда назоратнинг тегишли усулларига талаблар ягона мажмуа ҳисобланишини инобатга олиш керак ва улар бир бири билан узаро боғлиқ бўлишлари керак.

4.10 Пўлат конструкцияларнинг иш чизмалари лойиҳавий ва бошқа иш хужжатларини бажариш қоидаларига (ГОСТ 21.502), ҳамда конструкцияларни ишлаб чиқариш бўйича (ҚМҚ 3.03.02) ва монтаж бўйича талабларга (ҚМҚ 3.03.01) мувофиқ бўлиши керак.

МК (металл конструкциялар) турли ёки МДК (металл деталлаштирилган конструкциялар) турли конструкцияларнинг иш чизмаларида ва материалларга буюртма бериш хужжатларида, қуйидагилар кўрсатилиши керак:

пўлат нави ва уларга давлат стандартлари ёки техник шартлар ва мазкур меъёрлар билан назарда тутилган қўшимча талаблар;

пайванд уланишларни бажариш усули, пайвандлаш тури ва режими (фақат МДК ишлаб чиқилганда); автоматик ва механик пайванд учун материаллар ва электродларнинг турлари, русмлари, диаметрлари (фақат МДК ишлаб чиқилганда ва буюртма берилганда), пайвандлашда пайванд чокининг жойлашуви, чокларни бириктириш учун такглик тури (фақат МДК ишлаб чиқилганда ва буюртма берилганда);

болтларнинг мустаҳкамлик ва аниқлик синфлари;

ишқаланма бирикмалар учун контакт юзаларни тайёрлаш усули;

пайванд, болт ва ишқаланма бирикмаларнинг, улар завод ёки монтаж шароитларида бажарилишини кўрсатган ҳолда, жойлашуви ва ўлчамлари, зарурият бўлганда чокларни тушириш ва болтларни ўрнатиш кетма-кетлиги;

сифат назорати усуллари ва ҳажми;

конструкцияни коррозиядан ҳимоялашга талаблар.

## **5 КОНСТРУКЦИЯ ВА БИРИКМАЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБЛАНАДИГАН ТАВСИФЛАРИНИ АНИҚЛАШ ПРИНЦИПИ**

### **Конструкция ва бирикмалар учун материаллар**

5.1 Мазкур меъёрнинг 4.4-банди бўйича конструкциялар гуруҳига боғлиқ ҳолда, барча пўлатни, қуйидаги талабларга жавоб бериш шарти билан, D.1, D.2 жадваллар бўйича қабул қилиш керак:

пайванд конструкциялар учун D.3 жадвалга мувофиқ кимёвий таркиби ва углерод эквиваленти бўйича;

D.4 жадвалга мувофиқ, мустаҳкамлик даражасига боғлиқ ҳолда, зарбавий ковушқоқлик бўйича.

Сифат тўғрисида хужжатлар мавжуд эмаслигида ёки уларда келтирилган маълумотлар етарли бўлмаганда, конструкция ва бирикмалар материалининг хусусиятларига баҳо бериш, белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

5.2 Прокат юзасига нисбатан нормал йўналтирилган чўзиш кучланишлар таъсири остида бўлган конструкциялар элементлари учун пўлат прокат, прокатнинг қалинлиги йўналишида кафолатланган механик хусусиятларга эга бўлиши керак.

5.3 Прокат йўналиши бўйлаб ва кўндаланг йўналишда, ҳамда прокат юзасига нормал йўналишда чўзишда ва қисишда иш диаграммалари бир хил бўлишига йўл қўйиш мумкин.

5.4 Пластик деформацияларни инобатга олган ҳолда кесимнинг тўлиқ пластификациясигача ҳисобланадиган конструкция элементлари учун пўлат, пўлат иши диаграммасида оқувчанлик майдончасига эга бўлиши керак ва қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

$\sigma_u$  ( $\sigma_b$ ) вақтда қаршилигининг  $\sigma_y$  ( $\sigma_m$ ) оқувчанлик чегарасига нисбати 1,25 дан кам бўлмаслиги шарт;

Нисбий чўзилиш 15% дан кам бўлмаслиги керак; пўлат ишининг диаграммасида оқувчанлик майдончаси якуни ва бошига мувофиқ тўлиқ деформациялар нисбати 10 дан кам бўлмаслиги керак.

5.5 Конструкциялар учун шаклдор (бурчак, қўштавр, швеллер), тунукали, кенг қўламли универсал прокатдан ва ГОСТ 27772, ГОСТ 14637, ГОСТ 535, ГОСТ 19281 бўйича техник талабларга жавоб берадиган эгилган профилдан, ГОСТ 16523 бўйича углеродли пўлатдан ва ГОСТ 17066 бўйича ўта мустаҳкам пўлатдан юпка тунукали прокатдан, ГОСТ 11474 бўйича совуқлайин букилган профиллардан, ГОСТ 30245 бўйича эгилган ёпик квадрат профиллардан ва тўғрибурчак профиллардан, ГОСТ 535 ва ГОСТ 19281 бўйича навли прокатдан (айланма, квадрат, тасма), ГОСТ 10705 ва ГОСТ 10706 бўйича электр билан пайвандланган қувурлар, ГОСТ 8731 бўйича иссиқлайин деформацияланган қувурлардан фойдаланиш керак.

5.6 Пўлат конструкциялар учун қуйма шаклларни (таянч қисмлари ва ҳоказо) ГОСТ 977 бўйича II ёки III гуруҳ қуйма шакллар учун талабларга жавоб берадиган, 15Л, 25Л, 35Л ва 45Л навли пўлатдан, ҳамда ГОСТ 1412 талабларига жавоб берадиган, СЧ15, СЧ20, СЧ25 ва СЧ30 навли кул ранг чўяндан лойиҳалаштириш керак.

5.7 Пўлат конструкцияларни пайвандлаш учун қуйидагиларни қўллаш керак: қўлда ёйли пайванд учун ГОСТ 9467 бўйича электродлар; ГОСТ 2246 бўйича пайвандлаш сими; ГОСТ 9087 бўйича флюслар; автоматик ва механизациялаштирилган пайванд учун ГОСТ 26271 бўйича қуқунли сим, ГОСТ 8050 бўйича карбонат ангидрид газы, ГОСТ 10157 бўйича аргон.

Қўлланиладиган пайванд материаллари ва пайвандлаш технологияси, чок металининг  $R_{lim}$  вақтда қаршилиқнинг меъёрий қийматидан кам бўлмаган вақтда қаришилқ қийматини, ҳамда тегишли меъёрий ҳужатлар билан белгиланган ва D.5 жадвалга мувофиқ қаттиқлик, зарбавий қовушқоқлик ва пайванд бирикмалар металининг нисбий чўзилишининг кўрсаткичларини таъминлаши керак.

5.8 Болтли бирикмалар учун ГОСТ 1759.0, ГОСТ 1759.4, ГОСТ 1759.5 талабларига жавоб берадиган пўлат болт ва гайкалар, ГОСТ 18123 талабларига жавоб берадиган шайбалар ва 5.9-бандда кўрсатилган ўта мустаҳкам болтлар қўлланилади.

Болтларни ГОСТ 15589, ГОСТ 15591, ГОСТ 7798, ГОСТ 7796 ва ГОСТ 7805 бўйича қўллаш керак.

Гайкаларни ГОСТ 5915 ва ГОСТ 5927 бўйича қўллаш керак.

Болтлар кесишга ёки чўзишга ишлаганда, гайкаларнинг мустаҳкамлик синфларни болтлар мустаҳкамлик синфига мувофиқ қабул қилиш керак:

5.6 ва 5.8 да – 5; 8.8 да – 8; 10.9 да – 10; 12.9 да – 12.

Болтлар фақат кесишга ишлаганда, гайкаларнинг мустаҳкамлик синфларни болтлар мустаҳкамлик синфига нисбатан қуйидагича қўллаш мумкин: 5.6 ва 5.8 да – 4; 8.8 да – 5; 10.9 да – 8; 12.9 да – 10.

Қўлланилиши лозим бўлган шайбалар: юмалоқ ГОСТ 11371 бўйича, қийшиқ - ГОСТ 10906 бўйича ва пружинали нормал шайбалар ГОСТ 6402 бўйича.

Мустаҳкамлик синфи 10.9 паст бўлмаган болтлар ўта мустаҳкам болт ҳисобланади.



5.9 Пойдевор болтлари учун ГОСТ 24379.0 талабларига ва D.6 жадвал талабларига жавоб берадиган болтлар қўлланилади.

Пойдевор болтлари ва U шаклли, диаметри 48 мм.гача бўлган болтлар учун гайкалар ГОСТ 5915 техник талабларига мувофиқ, 48 мм дан ортиқ бўлган болтлар учун ГОСТ 10605 техник талабларига мувофиқ гайкалар қўлланилади. СтЗпс2, СтЗсп2, СтЗпс4, СтЗсп4 пўлатдан ва диаметри 20 дан 48 мм гача бўлган пойдевор болтлари учун ГОСТ 1759.5 бўйича мустаҳкамлиги 4-синф бўлган гайкалар қўлланилади, диаметри 48 мм дан ортиқ бўлган болтлар учун ГОСТ 18126 бўйича 02 гуруҳдан паст бўлмаган материалдан гайкалар қўлланилади.

Диаметри 48 мм гача 09Г2С навли пўлатдан ва ГОСТ 19281 бўйича бошқа навли пўлатлардан пойдевор болтлари учун ГОСТ 1759.5 бўйича мустаҳкамлик синфи 5 дан кам бўлмаган гайкалар қўлланилади, диаметри 48 мм дан ортиқ болтлар учун ГОСТ 18126 бўйича 05 гуруҳидан паст бўлмаган материалдан гайкалар қўлланилади.

Болтлар учун қўлланилган пўлатдан тайёрлаган гайкалар қўлланилиши мумкин.

5.10 Ишқаланма ва фланец бирикмалар учун ГОСТ 22356 талабларига жавоб берадиган 40X “селект” пўлатдан тайёрлаган ўта мустаҳкам болтлар қўлланилади, уларнинг конструкцияси ва ўлчамларини ГОСТ 22353 бўйича қабул қилинади, гайка ва шайбалар эса, ГОСТ 22354 ва ГОСТ 22355 бўйича қабул қилинади.

Фланец бирикмалари учун вақтда қаршилиги 1100 Н/мм<sup>2</sup> дан кам бўлмаган, ХЛ иқлимий шаклда бажарилган ўта мустаҳкам болтлардан фойдаланиш зарур.

5.11 Осма қопламаларнинг кўтариб турувчи элементлари, электр узатманинг ҳаво линиялари таянчларининг тортмоқлари, тақсимловчи мосламалар, транспортнинг контактли тармоқлари, мачта ва миноралар, ҳамда дастлаб кучланган конструкцияларнинг кучайтирилган элементлари учун қуйидагилар қўлланилади:

спиралсимон канат ГОСТ 3062, ГОСТ 3063, ГОСТ 3064 бўйича;

икки карра эшилган канат ГОСТ 3066, ГОСТ 3067, ГОСТ 3068, ГОСТ 3081, ГОСТ 7669, ГОСТ 14954 бўйича;

ёпиқ кўтариб турувчи канатлар ГОСТ 3090, ГОСТ 7675, ГОСТ 7676, ГОСТ 18901 бўйича;

параллел симларнинг даста ва боғламлари ГОСТ 7372 талабларига жавоб берадиган канат симидан шакллантирилади.

5.12 Пўлат конструкциялар учун қўлланиладиган материалларнинг физикавий тавсифлари D.7 жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

5.13 Механик хусусиятлар ва кимёвий таркибга мазкур меъёрларнинг D иловасининг талаблари бажарилиши шарти билан, тегишли шаклдаги мувофиқлик сертификатиغا эга бошқа материаллар ҳам қўлланилиши мумкин.

### **Ҳисобланган тавсифларни аниқлаш принциплари**

5.14 Пўлат прокатнинг ва қувурларнинг ҳисобланган қаршиликлари, конструкция ва элементларнинг чегаравий ҳолатлари оқувчанлик чегарасига тенг кучланишда пластик деформациялар ривожланиши оқибатида, ҳамда вақтдаги қаршилиқка тенг кучланишларда бузилиш оқибатида эришилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда аниқланиши керак.

5.15 Оқувчанлик чегараси ва вақтдаги қаршилиқ кўрсаткичларнинг меъёри кўрсаткичлардан, ҳамда кесимлар ўлчамларининг номинал ўлчамлардан салбий тарафга эҳтимолли оғишлари, материал бўйича  $\gamma_m$  пухталиқ коэффиценти билан ҳисобга олиниши керак.

5.16 Пўлат прокатнинг ва қувурларнинг ҳисобланган қаршиликлари E.1-жадвал формулаларига мувофиқ ҳисобланиши керак, бу ерда  $\gamma_m$  коэффицентиининг қийматини прокат бўйича стандартларда кўрсатилган назорат усулларига ва пўлатнинг механик хусусиятларини баҳолаш учун қўлланиладиган усулларга боғлиқ ҳолда, E.2-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.



Тунукали, кенг қўламли универсал ва шаклдор прокатни чўзиш, қисиш ва эгишда меъёрий ва ҳисобланган қаршилиқларнинг қийматлари Е.3-жадвалда (ГОСТ 27772 бўйича пўлат учун), қувурлар учун Е.4-жадвалда кўрсатилган.

Прокатнинг ён тарафининг эзилишга, цилиндрли шарнирларда маҳаллий эзишга ва филдиракларнинг диаметрал эзилишга қаршилигининг ҳисобланган қийматлари Е.5-жадвалда келтирилган.

5.17 Эгилган профилларнинг ҳисобланган қаршилигини улар тайёрланган тунукали прокатнинг ҳисобланган қаршилигига тенг деб қабул қилиш керак; совуклайин шакллантирилган, кўйдирилмаган ва руҳланмаган профилларнинг ҳисобланган қаршилигини эгилган жойларда пўлат маҳкамланишини инобатга олган ҳолда аниқлаш керак.

5.18 Пўлат толиқишининг ҳисобанадиган қаршилиги пўлат тавсифлари, зўриққан ҳолат тури, буғин ёки бирикманинг конструктив кўриниши, қисмларга ишлов бериш технологияси ва тешиқларни қилиш технологиясига боғлиқ ҳолда белгиланиши керак.

Пўлат толиқишининг ҳисобанадиган қаршилигини аниқлаганда, кўшимча равишда зўриқиш тури, зўриқиш цикллари сони, зўриқишнинг энг юқори ва энг паст қийматларини ҳисобга олиш зарур.

5.19 Қўйма, болғаланган қисмлар, пўлат канат, ўта мустаҳкам симдан тайёрланган даста ва эшилган иплар, пойдевор ва U-симон болтлар, ҳамда ишқаланма бирикмаларда ўта мустаҳкам болтларнинг қаршилиги Е.6-жадвал формулаларига мувофиқ аниқланиши керак.

Углеродли пўлатдан тайёрланган қўймаларнинг ҳисобланган қаршилиқлари қийматларини Е.7-жадвал, кул ранг чўяндан қўймаларнинг қаршилиқларини Е.8-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

5.20 Асосий металл механик хусусиятларидан паст бўлмаган хусусиятларга эга, эриттиб устига қолипланган металл билан пайванд материаллар қўлланганда ва тегишли пайванд технологиясидан фойдаланганда, пайванд бирикмаларнинг ҳисобланган қаршилиқлари Е.9-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

Бурчак чокли пайванд бирикмаларнинг чок металлининг меъёрий ва ҳисобланган қаршилиқларининг қийматларини Е.10-жадвалга мувофиқ қабул қилиш керак.

Ҳар хил ҳисобланган қаршилиқларга эга пўлаилардан тайёрланган элементларнинг туташув бирикмаларининг ҳисобланган қаршилиқларини ҳисобланган қаршилиги пастроқ бўлган пўлатдан туташган бирикма сифатида қабул қилиш керак.

Бурчак чокли пайванд бирикмаларнинг ҳисобланган қаршилигининг қийматини чок таъсир кўрсатувчи кучланишга нисбатан жойлашувидан қатъий назар қабул қилиш керак.

5.21 Бир болтли бирикмаларнинг ҳисобланган қаршилиқлари Е.11-жадвалга мувофиқ аниқланиши керак.

Бир болтли бирикмаларнинг кесишга ва чўзилишга қаршилигининг меъёрий ва ҳисобланган қийматини Е.12-жадвал бўйича қабул қилиш керак, болтлар билан бириктирилган элементларнинг эзилишга қаршилигининг ҳисобланган қийматини Е.13-жадвалга мувофиқ ҳисоблаш лозим.

Пойдевор болтларининг чўзилишга қаршилигининг ҳисобланган қийматлари Е.14-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

ГОСТ 22356 бўйича 40X “селект” навли пўлатдан ўта мустаҳкам болтларнинг меъёрий ва ҳисобланган қаршилиги қийматини Е.15-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

## **6 КОНСТРУКЦИЯ, БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ**

6.1 Пўлат конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усули бўйича ҳисоблаш керак.

Алоҳида вазиятларда (масалан, техник ҳолатни баҳолаганда, қайта қуришни лойиҳалаштирганда ва ҳоказо) конструкция элементларининг ишончилигини баҳолаганда, ҳисоблашнинг эҳтимоллик усулларида фойдаланишга руҳсат этилади.

6.2 Умумий вазиятда конструкция ҳисобланганда, чегаравий ҳолатларнинг икки гуруҳи кўрилиши керак:

а) биринчи гуруҳ – пластик (қовушқоқ), мўрт ва толиқишдан бузилиш; шакл ёки ҳолат турғунлиги йўқолиши; ўзгарувчан тизимга ўтиш; ташқи кўринишнинг сезиларли ўзгариши, ҳамда ўта қаттиқ пластик деформациялар натижасида геометрик шакл бузилиши, улар фойдаланишга умуман яроқсиз ҳолатга келтиришади;

б) иккинчи гуруҳ – бирикмаларда силжишлар, тебраниш амплитудалари, ҳамда конструкциядан нормал фойдаланишни қийнлаштирувчи ёки бино ва иншоотларнинг узоқ муддатга чидамлилигини пайсайтирувчи маҳаллий шикастлар ва чекланган дарзлар пайдо бўлиши.

6.3 Биринчи гуруҳнинг чегаравий ҳолатларини кўриб чиққанда, амалдаги ва чегаравий куч омилларини (кучланиш, юкланиш, зўриқишлар) қиёслаш шаклида текширувлар ўтказилиши керак.

Конфигурациянинг сифатий ўзгаришининг ёки ортиқча пластик деформациялар натижасида геометрик шакл бузилганини баҳолаганда, тегишли деформацияловчи омиллар (жой ўзгариши, деформация, бирикмаларда силжишлар) текшируви ўтказилиши керак.

Иккинчи гуруҳнинг чегаравий ҳолатларини кўриб чиққанда, ҳақиқий ва чегаравий деформацияловчи омилларни қиёслаш шаклида текширувлар ўтказилиши керак.

6.4 Конструкция элементларининг кўтариш қобилиятини ҳисоблаганда, юкланиш ва таъсирларнинг кучланишлари (зўриқишлари) кўриб чиқиладиган кесим ёки элементлар қабул қила олиши мумкин бўлган чегаравий кучланиш (зўриқишлар) дан ошмаслиги шарт. Чегаравий кучланиш (зўриқишлар), одатда дастлабки камчиликларни инобатга олган ҳолда оддий юклашда материалнинг ҳисобланган қаршиликларидан фойдаланган ҳолда аниқланиши керак.

6.5 Конструкцияларни ишга умуман яроқсизлик шarti бўйича ҳисоблаганда (чегаравий ҳолатларнинг биринчи гуруҳи), бирикмаларда юкланиш ва таъсирларнинг ҳисобланган қийматларига мувофиқ бўлган тўлиқ ёки қолдик кўчириш ва силжишлар, меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган уларнинг чегаравий қийматларидан ошмаслиги керак, ушбу қийматларга етган тақдирда конструкция капитал таъмирдан ўтказилиши керак ёки алмаштирилиши керак.

Биринчи гуруҳдаги чегаравий ҳолатларни текширганда, тўлиқ ёки қолдик силжишларни, материалнинг таранг деформациялар доирасидан ташқари ишини инобатга олган ҳолда аниқлаш керак. Бунда оддий ва бир маротабали юклаш тўғрисидаги тақлифдан фойдаланишга йўл қўйиш мумкин.

6.6 Конструкцияни нормал фойдаланиш қийинлашиши шarti бўйича ҳисоблаганда (чегаравий ҳолатларнинг иккинчи гуруҳи) тегишли ҳисобланган юкланишлардан бирикмалардаги кўчишлар, тебраниш амплитудалари, силжишлар ва ҳоказолар, технологик, конструкциявий, физиологик ёки эстетик-психологик талаблар асосида меъёрий ҳужжатларда белгиланган чегаравий қийматларидан ошмаслиги шарт.

Иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатларни текширганда, конструкцияларнинг тебраниш амплитудалари ва силжишлари, ҳамда бирикмалардаги силжишларни, қоидага асосан, материал таранг деформация доирасида ишлаганда, ҳамда кесим болтлар учун тешиклар билан заифлашганини инобатга олмаган ҳолда аниқлаш керак.

6.7 Янги конструкцияларни лойиҳалаганда, ҳамда мавжуд конструкцияларнинг техник ҳолатини баҳолаганда, адекват ҳисоблаш моделлари қўлланилиши керак, улар ёрдамида:

тизимнинг алоҳида элементлари ўртасида кучланиш (зўриқиш) тақсимланишини аниқлаш керак;

чегаравий мувозантнинг тегишли шartларининг таҳлили асосида чегаравий юкланиш (зўриқиш)ларни аниқлаш керак;

мувозанат турғунлигини баҳолаш лозим ва кучланиш (зўриқиш)ларнинг критик қийматларини аниқлаш керак;

бутун тизим ва алоҳида элементларнинг деформацияланишининг кўрсаткичларини аниқлаш.

Айтиб ўтилган мақсадларни амалга ошириш учун, қоидага кўра, қуйидаги ҳисоблаш моделларидан фойдаланиш керак:

ясси ва фазовий ўзакли тизимлар (тўсинли, ромли, равоқли, комбинацияланган ва хоказо);

яхлит ёки икки томони очиқ кўндаланг кесимли алоҳида ўзакли элементлар, шу жумладан, кесимнинг эгилувчан, тешикли ёки гофрланган қисмлари билан;

пластиналар, шу жумладан ўзакли элемент таркибига кирувчи элементлар (токча, деворлар, мустаҳкамлик қирралари);

юпқа деворли айланиш қобиклари (цилиндр, конус, шар ва хоказолар), шу жумладан моментсиз зўрикқан ҳолатда бўлганлар;

юпқа деворли мембранали тизимлар;

ванта-ўзакли, вантали ва ясси ва фазовий осилиб турган тизимлар;

конструкция элементлари бирикмаларини ва буғимларининг махсус моделлари.

Турли ҳисобланган тавсифларни аниқлаш учун (ики кучланишлар, чегаравий ва критик кучлар, силжишлар, тебранишнинг частотаси ва шакллари ва хоказолар) кўриб чиқиладиган конструкцияга тегишли бўлган бир нечта ҳисобланган моделларни кўриб чиқишга йўл қўйиш мумкин.

Ҳисобланадиган моделлар ва ҳисобнинг дастлабки асослари конструкция ишининг ҳақиқий шартларини акс эттириши керак.

6.8 Зарур вазиятларда кўчланиш (зўриқиш) тақсимланишини конструкцияни яхлит фазовий тизим сифатида, геометрик ва физикавий нозичиқчилигини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш йўли билан аниқлаш керак.

Фазовий конструкцияларни ясси тизимлар ва алоҳида элементларга тақсимлашга асосланган тахминий ҳисоблаш усулларида фойдаланиш рухсат этилади, бунда элементлар бир-бири ва асос билан ўзаро таъсирланишини ҳисобга олиш керак.

Элементларда кучланиш ва конструкциядаги силжишлар брутто кесимлар билан уларнинг иш шартларидан келиб чиқиб аниқланиши керак.

Конструкция элементларида кучланишларни аниқлаганда, пайванд ва ишқаланма бирикмаларни бузилмайдиган сифатида кўриш мумкин.


6.9 Статик аниқланмайдиган тизимлар учун, ҳисобланган кучланишларни (эгувчи ва айлантирувчи моментлар, юйлама ва кўндаланг кучлар) тизим иши таранг шарти билан, деформация бўлмаган схема бўйича аниқлаш керак.

Бундай тизимларнинг алоҳида элементлари, олинган ҳисобланган кучланишлар таърига деформацияланган схема бўйича ҳисобланиши мумкин, бунда материал иши таранг деформациялар доирасида, ҳамда учун чегарадан ташқарида ҳисобга олиниши керак.

6.10 Бир қатор кесимларда пластик шарнирлар вужудга келиши натижасида бузилишнинг кинематик механизмлари пайдо бўлишини инобатга олган ҳолда чегаравий мувозанат усули бўйича ҳисоблашни, статик аниқланмайдиган кесилмайдиган ва қисилган тўсин ва барқарорлик йўқолишидан маҳкамланган ром конструкциялар учун бажариш мумкин.

6.11 Ромли конструкцияларни ҳисоблаганда, маҳкамланган ва маҳкамланмаган фазовий ва ясси тизимларни ажратиш керак (1-расм). Биринчи вазиятда тизимнинг ҳар қандай ўзаги учлардаги чизиқли силжишларга эга бўлмайди, ва конструкциянинг кўтариш қобилиятини баҳолашни, унинг алоҳида элементлари бир бири билан ва асоса билан ўзаро таъсирланишини инобатга олган ҳолда, уларни текшириш йўли билан амалга ошириш мумкин. Иккинчи вазиятда, алоҳида элементларни текшириш билан бирга, буғинлардаги силжишларни инобатга олган ҳолда бутун тизим чегаравий ҳолатга келиши имкониятини баҳолаш керак.

Агар бўшатовчи конструкциялар (масалан, боғламлар) тизимнинг буғин силжишларини беш каррадан кам бўлмаган миқдорга камайтиришса, ва бунда уларга берилаётган барча кучланишни қабул қила олишса, тизим маҳкамлаган ҳисобланади.



1-расм. Тизимлар схемалари.

а – силжишлардан бўшатишган, б – силжишлардан бўшатилмаган

6.12 Ўзакли тизимнинг кўтариб туриш қобилиятини текширганда. Уларнинг бири билан ва асос билан ўзаро таъсирланишини ўзақларнинг ҳисобланган узунликларидан фойдаланган ҳолда инobatга олиш рухсат этилади, узунликларни, қоидага кўра, юкланишни тугунларга туширганда, таранг бенуқсон тизимларнинг барқарорлигини таҳлил қилиш асосида аниқлаш керак.

Ўзақнинг ҳисобланган узунлигини, кўриб чиқилаётган ўзақда қисувчи куч максимал бўлган юкланишлар тўплами учун аниқлаш рухсат этилади ва олинган қиймат юкланишларнинг бошқа тўпламлари учун текширувларда қўлланилиши мумкин.

6.13 Конструкция элементлари (тўсин, ўзақ, пластина ва ҳоказолар) геометрик чизикли нисбатлардан (эгрилик учун тақрибий қиймат, элемент ва хорда узунлиги ўртасида тенглик ва ҳоказо) фойдаланган ҳолда ҳисобланиши керак.

Конструкция элементлари силжиши оқибатида вужудга келган геометрик ночизиклик, ҳисобга олинганда кучланиш ва силжишлар 5% дан ортиқ миқдорга ўзгаришига олиб келадиган тизимлар ҳисобланишида инobatга олиниши керак.

Геометрик ночизикликни инobatга олган ҳолда ҳисобларни бажарганда, тизимнинг умумий деформациялари билан боғлиқ кучлар таъсири йўналишларининг ўзгариши аниқланиши керак (кузатиш самараси).

Геометрик ночизиклик назарияси асосида ҳисобларни тегишли меъёрлар асосида алоҳида, махсус белгиланган вазиятларда бажариш керак.

6.14 Нотаранг деформацияларни (жисмоний ночизиклик) ҳисобга олиб ҳисобларни бажарганда, оддий юклаш шароитида кичик таранг пластик деформациялар назариясидан фойдаланиш рухсат этилади.

Конструкцияларни юкланиш бир маротабали максимал миқдоргача ошишига ҳисоблаганда, ночизикли таранг материал тўғрисида тахминни қўллаш зарур, юкланиш

эҳтимолли пасайиши вазиятда эса, шу жумладан такроран ўзгарувчан юкланишда, таранг юкланиш (таранг пластик материал) тўғрисида фаразни қўллаш рухсат этилади.

6.15 Конструкция элементлари, қоидага кўра, деформацияланмайдиган контурли, юпка деворли, ҳисобланлдиган кесим модели асосида ҳисобланиши керак, бунда ясси кесимлар, секторли майдонлар ва тўғри нормаллар геометрик фаразлар қўлланилиши керак.

Кесимнинг деформацияланадиган контурли элементларни ҳисоблаганда, кесим контурининг бузилиши бутун элементнинг кўтариб турувчи қобилиятига тегишли таъсири ҳисобга олиниши керак.

6.16 Сезиларли пластик деформациялар нормал фойдаланишни қийнлаштиришмаган вазиятда ёки улар маҳаллий тавсифга эга бўлиб, бутун конструкциянинг иш қобилиятига таъсир кўрсатишмасе, пўлат эса 5.4-банд талабларига жавоб берса, конструкция ҳисобини, пўлатнинг вақтдаги қаршилиги бўйича аниқланадиган  $R_{i}$  ҳисобланган қаршилиқдан фойдаланган ҳолда, бажариш мумкин.

6.17 Мураккаб зўриққан шароитида ишловчи элемент ва кесимлар учун, мустаҳкамликнинг энергетик назарияси асосида аниқланадиган, келтирилган кучланишларни қўллаш мумкин.

6.18 Конструкция ва элементларни ҳисоблаганда, қоидага кўра, уларнинг қимайтлари бир-бирига мос келиши эҳтимолини инобатга олган ҳолда, қуйидаги эҳтимолли дастлабки камчиликларни ҳисобга олиш керак:

тайёрлаш ва қуриш вақтида вужудга келган, лойиҳавий ўлчам, шакл ва ҳолатлардан геометрик оғишлар (бутун элементлар эгилиши, девор ва белбоғлар қийшайиши, тугунларда ўқларнинг марказлари тўғри келмаслиги, элементларнинг ўқлари лойиҳавий ҳолатдан оғиши, маҳкамлаш нуқталари ўртасида элементлар қийшайиши ва ҳоказо);

юкланишлар лойиҳавий жойидан силжиши;

прокат, эгиш, совуқлайин шакл бериш, пайвандлаш ва ҳоказолардан вужудга келган ўз қолдиқ кучланишлар.

Агар ҳисоб мавжуд конструкциянинг техник ҳолатини баҳолаш учун бажарилса, тайёрлаш ва монтаж вақтида вужудга келган, ҳамда текширув маълумотлари бйўитча қабул қилинадиган, конструкциядан фойдаланиш вақтида пайдо бўлган ҳақиқий геометрик оғишлар ҳисобга олиниши керак.

Геометрик оғишлар нафақат конструкция итшончилигини баҳолаганда инобатга олиниши керак, балки биноларнинг габарит ўлчамларини белгилаганда (масалан, кран ва устун ўртасида ҳақиқий бўлиши мумкин ораликни баҳолаганда) фойдаланиш хавфсизлиги талаблари бўйича ҳам ҳисобга олиниши керак.

6.19 Ўз қолдиқ кучланишларни  $\sigma_r$  (пайвандлаш, прокат, совуқлайин шакл бериш ва ҳоказолардан) конструкцияларнинг шартли деформациялари  $\varepsilon_r = \sigma / E$  ташқи юкланишдан деформациялар билан алгебраик жамланиши фарази асосидаги ҳисобларда инобатга олиш рухсат этилади.

6.20 Умумий вазиятда дастлабки камчиликлар тизим ва конструкцияларнинг статик ҳисобида ҳам, алоҳидла элементларнинг кесимларини аниқлаганда ҳам ҳисобга олиниши керак.

6.21 Барқарорлаштирилган ҳисоблаш схемеси асосида фақат бўйлама кучланишлар аниқланган элементларни (масалан, марказий қисилган элементлар) ҳисоблаганда, зарурият бўлганда эҳтимолли дастлабки қийшайиш ва тугунларда ўқларнинг эҳтимолли номарказийлашиши ҳисобга олиниши шарт.

Барқарорлаштирилган ҳисоблаш схемеси фақат куч текислигида моментларни аниқлойдиган эгилувчан элементлар учун, зарурият бўлганда, куч текислигидан юкланишларнинг тасодикий силжиши ёки эҳтимолли дастлабки қийшайиш оқибатида вужудга келадиган эҳтимолли қўшимча айлантурувчи ва эғувчи моментлар ҳисобга олиниши керак.

6.22 Конструкция ва бирикмаларни ҳисоблаганда, 5.16, 5.20 ва 5.21-бандларда келтирилган талабларга қўшимча равишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

$R_u$  ҳисобланган қаршиликдан фойдаланган ҳолда мустаҳкамликка ҳисобланган конструкция элементлари учун материал бўйича ишончилиқнинг қўшимча коэффициентлари  $\gamma_m = 1,25$ ;

тегишли меъёрий ҳужжатларда келтирилган конструкция элементлари ва бирикмалар иш шароитлари коэффициентлари.

6.23 Конструкцияларнинг бир қатор элементлари учун иш шароити коэффициентлари  $F$  иловасида келтирилган.

## 7 ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЎҚ КУЧЛАРИ ВА БУКИЛИШГА ҲИСОБЛАШ

### Марказдан чўзилган ва марказдан сиқилган элементлар

7.1  $N$  куч таъсирида марказдан чўзилиши ёки сиқилиши мумкин бўлган элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш, 7.2-бандда кўрсатилганидан ташқари, қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{N}{A_n R_y \gamma_c} \leq 1. \quad (1)$$

Бир тоқчада болтлар билан қотириладиган якка бурчаклардан иборат чўзилган элементлар маҳкамланган жойларда кесимларни мустаҳкамликка ҳисоблаш (1) ва (2) формулалар бўйича бажарилиши лозим. Бунда (2) формулада  $\gamma_c$  киймати мазкур меъёрларнинг  $F$  иловаси бўйича қабул қилиниши керак.

7.2 Металл оқувчанлик чегарасига етгандан кейин ҳам фойдаланилиши мумкин бўлган  $R_u / \gamma_u > R_y$  нисбатли пўлат конструкцияларнинг чўзилган элементларини мустаҳкамликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{N}{A_n R_u} \frac{\gamma_u}{\gamma_c} \leq 1. \quad (2)$$

7.3  $N$  куч таъсирида марказдан сиқилиши мумкин бўлган яхлит деворли элементларни турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{N}{\varphi A R_y \gamma_c} \leq 1. \quad (3)$$

$\varphi$  кийматлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши керак:

$0 < \bar{\lambda} \leq 2,5$  бўлса,

$$\varphi = 1 - \left( 0,073 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda} \sqrt{\bar{\lambda}}; \quad (4)$$

$2,5 < \bar{\lambda} \leq 4,5$  бўлса,

$$\varphi = 1,47 - 13,0 \frac{R_y}{E} - \left( 0,371 - 27,3 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda} + \left( 0,0275 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda}^2; \quad (5)$$

$\bar{\lambda} > 4,5$  бўлса,


$$\varphi = \frac{332}{\bar{\lambda}^2(51 - \bar{\lambda})}. \quad (6)$$

$\varphi$  сонли қийматлари J.7-жадвалда келтирилган.

7.4 Якка бурчаклардан ўзаклар марказдан сиқилишга 7.3-да баён этилган талабларга мувофиқ ҳисобланиши лозим.

Якка бурчаклардан қўламли конструкцияларнинг белбоғлари ва панжара элементларини ҳисоблаш ушбу меъёрларнинг 17.8-банди талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

7.5 Очiq II-симон кесимли яхлит деворлардан иборат сиқилган элементларни,  $\lambda_x < 3\lambda_y$  бўлса, бу ерда  $\lambda_x$  ва  $\lambda_y$  – элементнинг тегишли равишда  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга перпендикуляр текисликлардаги ҳисобий эгилувчанликлари (2-расм), планкалар ёки панжара билан мустаҳкамлаш тавсия этилади, бунда 7.6 ва 7.8-бандларнинг талаблари бажарилиши керак.



2-расм. Элементларнинг II-симон кесимлари

а – очiq; б, в – планкалар ёки панжаралар билан мустаҳкамланган

Планкалар ёки панжаралар мавжуд бўлмаса, мазкур элементларни, (3) формула бўйича ҳисоблашдан ташқари, турғунликни йўқотишнинг букилишли-айланишли шаклида турғунликка қуйидаги формула бўйича текшириш керак:

$$\frac{N}{c\varphi_y AR_y \gamma_c} \leq 1, \quad (7)$$

бу ерда  $\varphi_y$  – бўйлама букилиш коэффициенти бўлиб, у 7.3-банд талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади;

$c$  – қуйидаги формула бўйича аниқланувчи коэффициент:

$$c = \frac{2}{1 + \delta + \sqrt{(1 - \delta)^2 + \frac{16\alpha^2}{\mu}}}, \quad (8)$$



$$\text{бу ерда } \delta = \frac{4\rho}{\mu}; \mu = \frac{8J_{\omega}}{J_y h^2} + 0,156 \frac{J_t}{Ah^2} \lambda_y^2;$$

$$\alpha = \frac{a_x}{h} - \text{оғирлик маркази ва букилиш маркази ўртасидаги нисбий масофа.}$$

$$\text{Бу ерда } \rho = \frac{J_x + J_y}{Ah^2} + \alpha^2; J_t = \frac{1}{3} \sum b_i t_i^3;$$

$J_{\omega}$  - кесим инерциясининг секториал моменти;

$b_i; t_i$  – кесимни ҳосил қилувчи тўғри бурчакли элементларнинг кенлиги ва қалинлиги.

2-расм, а да келтирилган кесим учун  $\frac{J_{\omega}}{J_y h^2}; \frac{J_t}{Ah^2}$  ва  $\alpha$  қийматлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши керак:

$$\frac{J_{\omega}}{J_y h^2} = \frac{39 + 2\beta}{(6 + \beta)^2}; \frac{J_t}{Ah^2} = \frac{1}{3} \left( \frac{t}{h} \right)^2; \alpha = \frac{4(3 + \beta)}{(2 + \beta)(6 + \beta)}, \quad (9)$$

$$\text{бу ерда } \beta = \frac{b}{h}.$$

7.6 Тармоқлари планкалар ёки панжаралар билан бириктирилган таркибли сиқилган ўзаклар учун  $\varphi$  коэффиценти эркин ўққа (планкалар ёки панжараларнинг перпендикуляр текислигига) нисбатан (4) ÷ (6) формулалар бўйича уларда  $\bar{\lambda}$  ни  $\bar{\lambda}_{ef}$  га алмаштириш йўли билан аниқланиши лозим.  $\bar{\lambda}_{ef}$  қиймати  $\lambda_{ef}$  нинг 1-жадвалда келтирилган қийматларига қараб аниқланиши керак.

Панжаралардан иборат таркибли ўзакларда ўзакни турғунликка ҳисоблашдан ташқари тугунлар ўртасидаги жойларда айрим тармоқларнинг турғунлиги текширилиши лозим.

Планкалар ўртасидаги жойда айрим тармоқлар  $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3$  эгилувчанлиги 40 дан ошмаслиги керак.

Текисликлардан бирида планкалар ўрнида яхлит варақ мавжуд бўлганда (2-расм, б, в) тармоқнинг эгилувчанлиги унинг планкалар текислигига перпендикуляр ўқига нисбатан ярим кесим инерциясининг радиусига кўра ҳисоблаб чиқарилиши лозим.

Панжарали таркибли ўзакларда айрим тармоқларнинг эгилувчанлиги тугунлар ўртаси 80 дан ортиқ бўлмаслиги ва ўзакнинг келтирилган эгилувчанлиги  $\lambda_{ef}$  дан ошиб кетмаслиги керак. Тармоқлар эгилувчанлигининг юқорироқ қийматларини олишга йўл қўйилади, бироқ улар, башарти мазкур ўзаклар ҳисоби деформацияланган схемага кўра бажарилган бўлса, 120 дан ошмаслиги керак.




7.7 Зичлаб ёки қистирмалар орқали уланган бурчаклар, швеллерлар ва шу кабилардан иборат таркибли элементлар ҳисоби яхлит деворли элементлар ҳисоби каби бажарилиши керак, башарти пайвандланган планкалар (очиқ жойда) ўртасидаги ёки чекка болтлар ўртасидаги энг катта масофалар қуйидаги қийматлардан ортиқ бўлмаса:

сиқилган элементлар учун	40 <i>i</i>
чўзилган элементлар учун	80 <i>i</i>

Бу ерда бурчак ёки швеллернинг инерция радиуси  $i$  таврли ёки қўштаврли кесимлар учун қистирмалар ўрнининг текислигига параллел ўққа нисбатан, хочсимон кесимлар учун эса – минимал деб олиниши керак.

Бунда сиқилган элементнинг узунлиги доирасида камида иккита қистирма қўйилиши лозим.


1-жадвал

есим типи	Кесим схемаси	Тешиб ўтувчи кесимли таркибли ўзақларнинг келтирилган эгилувчанликлари $\lambda_{ef}$		
		планкали		панжарали
		$J_s l / (J_b b) < 5$	$J_s l / (J_b b) \geq 5$	
1		$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda_y^2 + 0,82\lambda_1^2(1+n)}$ (10)	$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda_y^2 + \lambda_1^2}$ (13)	$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda_y^2 + \alpha_1 \frac{A}{A_{d1}}}$ (16)
2		$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda^2 + 0,82 \times [\lambda_1^2(1+n_1) + \lambda_2^2(1+n_2)]}$ (11)	$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda^2 + \lambda_1^2 + \lambda_2^2}$ (14)	$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda^2 + A \times \left( \frac{\alpha_1}{A_{d1}} + \frac{\alpha_2}{A_{d2}} \right)}$ (17)
3		$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda^2 + 0,82\lambda_3^2(1+3n_3)}$ (12)	$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda^2 + 1,3\lambda_3^2}$ (15)	$\lambda_{ef} = \sqrt{\lambda^2 + \alpha_1 \frac{2A}{3A_d}}$ (18)


1-жадвалда қабул қилинган белгилар:  
 $b$  – шохларнинг ўқлари ўртасидаги масофа;  
 $l$  – планкаларнинг масофалари ўртасидаги масофа;  
 $\lambda$  – бутун ўзақнинг энг катта эгилувчанлиги;  
 $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3$  – айрим тармоқлар пайвандланган планкалар (очиқ жойда) ўртасидаги ёки чекка болтларнинг марказлари ўртасидаги жойларда тегишли равишда 1-1, 2-2 ва 3-3 ўқларга перпендикуляр текисликларда букилганда уларнинг эгилувчанликлари;  
 $A$  – бутун ўзақ кесимининг юзи;  
 $A_{d1}, A_{d2}$  – тегишли равишда 1-1 ва 2-2 ўқларга перпендикуляр текисликларда ётувчи панжаралар кашаклари (хочсимон панжарада – икки кашак) кесимларининг юзлари;  
 $A_d$  – бир қирра текислигида ётувчи панжара кашаги (хочсимон панжарада – икки кашак) кесимининг юзи (уч қиррали тенг томонли ўзақ учун);  
 $\alpha_1, \alpha_2$  – коэффициентлар бўлиб, улар қуйидаги формула бўйича аниқланади  
 $\alpha = 10 \frac{a^3}{b^2 l}$ ,  
бу ерда  $a, b, l$  – 3-расмдан аниқланадиган ўлчамлар;  
 $n, n_1, n_2, n_3$  – тегишли равишда қуйидаги формулалар бўйича аниқланувчи коэффициентлар:

$$n = \frac{J_{b1} b}{J_s l}; n_1 = \frac{J_{b1} b}{J_{s1} l}; n_2 = \frac{J_{b2} b}{J_{s2} l}; n_3 = \frac{J_{b3} b}{J_s l},$$

бу ерда  $J_{b1}$  ва  $J_{b3}$  – тегишли равишда 1-1 ва 3-3 ўқларга нисбатан тармоқлар кесимининг инерция моментлари (1 ва 3 типдаги кесимлар учун);  
 $J_{b1}$  ва  $J_{b2}$  – тегишли равишда 1-1 ва 2-2 ўқларга нисбатан икки бурчак кесимининг инерция моментлари (2 типдаги кесим учун);  
 $J_s$  – бир планканинг ўз ўқи  $x-x$  га нисбатан инерция momenti (4-расм);  
 $J_{s1}, J_{s2}$  – тегишли равишда 1-1 ва 2-2 ўқларга нисбатан перпендикуляр текисликларда ётувчи планкалардан бирининг инерция моментлари (2 типдаги кесим учун).



3-расм. Кашакли панжара схемаси



4. Планкалардаги таркибли ўзак

7.8 Сиқилган таркибли ўзакларнинг бирлаштирувчи элементлари (планкалари, панжаралари) ҳисоби ўзакнинг бутун узунлиги бўйлаб ўзгармас деб олинadиган ва қуйидаги формуладан аниқланадиган шартли кўндаланг куч  $Q_{fic}$  га нисбатан бажарилиши керак:

$$Q_{fic} = 7,15 \cdot 10^{-6} \left( 2330 - \frac{E}{R_y} \right) \frac{N}{\varphi}, \quad (19)$$

бу ерда  $N$  – таркибли ўзакдаги бўйлама куч;

$\varphi$  – бўйлама букилиш коэффиценти бўлиб, у таркибли ўзак учун бирлаштирувчи элементлар текислигида олинади.

Шартли кўндаланг куч  $Q_{fic}$  тақсимланиши лозим:

фақат бирлаштирувчи планкалар (панжаралар) бўлган ҳолда, турғунликни текшириш қайси ўққа нисбатан бажарилаётган бўлса, шу ўққа перпендикуляр текисликларда ётувчи планкалар (панжаралар) ўртасида тенг;

яхлит варақ ва бирлаштирувчи планкалар (панжаралар) бўлганда – варақ ва вараққа параллел текисликларда ётувчи планкалар (панжаралар) ўртасида тенг;

тенг томонли уч қиррали таркибли ўзакларни ҳисоблашда бир текисликда жойлашган бирлаштирувчи элементлар системасига тушувчи шартли кўндаланг куч  $0,8 Q_{fic}$  га тенг деб олиниши керак.

7.9 Бирлаштирувчи планкалар ва уларни маҳкамлаш ҳисоби (4-расм) кашаксиз фермалар элементларининг ҳисоби сифатида:

планкани кесиб ўтувчи куч  $F$  га қуйидаги формула бўйича

$$F = \frac{Q_s l}{b}; \quad (20)$$

планкани унинг текислигида букувчи момент  $M_l$  га қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$M_l = \frac{Q_s l}{2}, \quad (21)$$

бу ерда  $Q_s$  – бир қирра планкасига тушувчи шартли кўндаланг куч.

7.10 Бирлаштирувчи панжаралар ҳисоби фермалар ҳисоби сифатида бажарилиши керак. Тиргакли хочсимон панжаранинг чапараста кашаклари (5-расм)ни ҳисоблашда ҳар бир кашакда белбоғлар сиқишидан юзага келадиган ва қуйидаги формула бўйича аниқланадиган қўшимча куч  $N_{ad}$  ҳисобга олиниши лозим:

$$N_{ad} = \alpha N \frac{A_d}{A}, \quad (22)$$

бу ерда  $N$  – ўзакнинг бир тармоғидаги куч;


$A$  – бир тармоқ кесимининг юзи;

$A_d$  – бир кашак кесимининг юзи;

$\alpha$  – коэффициент бўлиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\alpha = \frac{al^2}{(a^3 + 2b^3)}, \quad (23)$$

бу ерда  $a$ ,  $l$  ва  $b$  – 5-расмда кўрсатилган ўлчамлар.



5-расм. Тиргакли хочсимон панжара схемаси

7.11 Сиқилган элементларнинг ҳисобий узунлигини камайтириш учун мўлжалланган ўзақлар ҳисоби асосий сиқилган элементнинг (19) формуладан аниқланадиган кўндаланг кучига тенг бўлган кучга бажарилиши лозим.

### Букиладиган элементлар

7.12 Асосий текисликлардан бирида букиладиган элементларни (эгиловчан деворли, тешикли деворли тўсинлар ва кран ости тўсинларидан ташқари) мустаҳкамликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\frac{M}{W_{n,\min} R_y \gamma_c} \leq 1. \quad (24)$$

Букиладиган элементларнинг кесимларидаги уринма кучланишлар  $\tau$  нинг қийматлари қуйидаги шартни қаноатлантириши лозим:

$$\frac{QS}{JtR_s \gamma_c} \leq 1. \quad (25)$$

Девор болтлар учун тешиklar билан кучсизланган ҳолда (25) формулада  $\tau$  қийматлари қуйидаги формуладан аниқланадиган коэффициент  $\alpha$  га кўпайтирилиши керак:

$$\alpha = \frac{a}{(a-d)}, \quad (26)$$

бу ерда  $a$  – тешиklar қадами;

$d$  – тешик диаметри.

7.13 Бикрлик қовурғалари билан маҳкамланмаган тўсин деворини мустаҳкамликка ҳисоблаш, устки белбоққа юк туширилган жойларда маҳаллий кучланиш  $\sigma_{loc}$  амал қилганда, шунингдек тўсиннинг таянч кесимларида қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\sigma_{loc}}{R_s \gamma_c} \leq 1, \quad (27)$$

бу ерда  $\sigma_{loc} = F/l_{ef}t_w$ ,


$F$  – юк (куч)нинг ҳисобий қиймати;

$l_{ef}$  – юк тақсимланишининг шартли узунлиги бўлиб, у тираш шартларига қараб аниқланади;

6-расм бўйича тираш ҳолати учун

$$l_{ef} = b + 2h, \quad (28)$$

бу ерда  $h$  – агар пастки тўсин пайвандланган (6-расм, а) бўлса, тўсин устки белбоғининг қалинлиги ва белбоғ чокининг катети йиғиндисига тенг миқдор ёки, пастки тўсин прокатдан ясалган (6-расм, б) бўлса, токчанинг ташқи қиррасидан деворнинг ички бурилган қисми бошланган жойгача бўлган масофа.



6-расм. Тўсинга тушувчи юкнинг тақсимланиш узунлигини аниқлаш учун схемалар  
а – пайвандланган тўсинга; б – прокат тўсинга

7.14 Тўсинларнинг (24) формула бўйича ҳисоблаб чиқариладиган деворлари учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

$$\frac{0,87}{R_y \gamma_c} \sqrt{\sigma_x^2 - \sigma_x \sigma_y + \sigma_y^2 + 3\tau_{xy}^2} \leq 1; \quad \frac{\tau_{xy}}{R_s \gamma_c} \leq 1, \quad (29)$$

бу ерда  $\sigma_x = M \cdot y / J_n$  – деворнинг ўрта текислигидаги тўсин ўқиға параллел бўлган нормал кучланишлар;

$\sigma_y$  – деворнинг ўрта текислигидаги тўсин ўқиға перпендикуляр бўлган нормал кучланишлар, шу жумладан (27) формула бўйича аниқланадиган  $\sigma_{loc}$  ;

$\tau_{xy}$  – уринма кучланиш бўлиб, у (26) формулани ҳисобга олган ҳолда, (25) формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

(29) формулада ўз белгилари билан олинадиган  $\sigma_x$  ва  $\sigma_y$  кучланишлар, шунингдек  $\tau_{xy}$  тўсиннинг айна бир нуқтасида аниқланиши лозим.

7.15 Девор текислигида букиладиган, 7.12 ва 7.14-бандларнинг шартларини қаноатлантирадиган қўштаврли кесимли тўсинларни турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\frac{M}{\varphi_b W_c R_y \gamma_c} \leq 1, \quad (30)$$

бу ерда  $W_c$  – сиқилган белбоғ учун аниқланиши лозим;

$\varphi_b$  – G иловадан аниқланадиган коэффициент.

$\varphi_b$  қийматини аниқлашда тўсиннинг ҳисобий узунлиги  $l_{ef}$  сифатида кўндаланг силжишлардан бошлаб сиқилган белбоғни маҳкамлаш нуқталари (бўйлама ёки кўндаланг боғламаларнинг тугунлари, бикр тўшамани маҳкамлаш нуқталари) ўртасидаги масофа олиниши лозим;  $l_{ef} = l$  боғламалар бўлмаса (бу ерда  $l$  – тўсин равоғи), рафақнинг ҳисобий узунлиги сифатида олиниши керак: горизонтал текисликдаги рафақ учида сиқилган белбоғ маҳкамланган бўлмаса,  $l_{ef} = l$  (бу ерда  $l$  – рафақ узунлиги) ёки белбоғ рафақнинг учида ва узунлиги бўйлаб маҳкамланганда, горизонтал текисликда сиқилган белбоғнинг маҳкамланиш нуқталари ўртасидаги масофа.

7.16 Тўсинларнинг турғунлигини текшириш талаб этилмайди:

а) сиқилган белбоққа узлуксиз таянувчи ва у билан пайванд, болтлар, ўз-ўзидан қирқиладиган винтлар ёрдамида маҳкам боғланган яхлит бикр тўшам (оғир, енгил ва катаксимон бетондан темир-бетон плиталар, ясси ва профилланган металл тўшам, тўлқинсимон пўлат ва ш.к.) орқали куч узатилганда; бунда ишқаланиш кучлари ҳисобга олинмаслиги керак;

б) тўсин ҳисобий узунлиги  $l_{ef}$  нинг сиқилган белбоғ кенглиги  $b$  га нисбати қўштаврли симметрик кесимли тўсинлар учун 2-жадвал формулалари бўйича аниқланадиган қийматлардан ортиқ бўлмаганда ва нисбатан ривожланган сиқилган белбоғли тўсинлар учун чўзилган белбоғ кенглиги сиқилган белбоғ кенглигининг 0,75 дан кам бўлмаганда.

Сиқилган белбоғни горизонтал текисликда маҳкамлаш ҳақиқий ёки шартли кўндаланг кучга ҳисобланиши лозим. Бунда шартли кўндаланг кучни аниқлаш керак:

айрим нуқталарда мустаҳкамланганда (19) формула бўйича; унда  $\varphi$  эгилиувчанлик  $\lambda = l_{ef}/i$  бўлганда аниқланиши (бу ерда  $i$  – горизонтал текисликда сиқилган белбоғ кесимининг инерция радиуси),  $N$  эса қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилиши лозим:

$$N = (A_f + 0,25A_w)R_y; \quad (34)$$

узлуксиз мустаҳкамланганда қуйидаги формула бўйича аниқланиши керак:

$$q_{fic} = \frac{3Q_{fic}}{l}, \quad (35)$$

бу ерда  $q_{fic}$  – тўсин белбоғининг узунлик бирлигига тушувчи шартли кўндаланг куч;

$Q_{fic}$  – (19) формуладан аниқланувчи шартли кўндаланг куч, бунда  $\varphi = 1$  деб олиниши,  $N$  эса (34) формула бўйича аниқланиши лозим.

2-жадвал

Юк тушувчи жой	$l_{ef}/b$ нинг пайвандланган ва прокат тўсинларни турғунликка ҳисоблашни талаб этмайдиган энг катта қийматлари ( $1 \leq h/b < 6$ ва $15 \leq b/t \leq 35$ бўлса)
Устки белбоққа	$\frac{l_{ef}}{b} = \left[ 0,35 + 0,0032 \frac{b}{t} + \left( 0,76 - 0,02 \frac{b}{t} \right) \frac{b}{h} \right] \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (31)$
Пастки белбоққа	$\frac{l_{ef}}{b} = \left[ 0,57 + 0,0032 \frac{b}{t} + \left( 0,92 - 0,02 \frac{b}{t} \right) \frac{b}{h} \right] \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (32)$
Тўсиннинг боғламалар ўртасидаги қисмини ҳисоблашда ёки соф букилишда куч тушиш даражасидан қатъи назар	$\frac{l_{ef}}{b} = \left[ 0,41 + 0,0032 \frac{b}{t} + \left( 0,73 - 0,016 \frac{b}{t} \right) \frac{b}{h} \right] \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (33)$
<p>2-жадвалда қабул қилинган белгилар:  <math>b</math> ва <math>t</math> – тегишли равишда сиқилган белбоғнинг кенглиги ва қалинлиги;  <math>h</math> – белбоғ варақларининг ўқлари ўртасидаги масофа (баландлик).                  Изоҳлар:                  1. Ўта мустаҳкам болтлардаги белбоғли боғланишларга эга тўсинлар учун 2-жадвал формулалари бўйича олинувчи <math>l_{ef}/b</math> қийматлар 1,2 коэффицентга кўпайтирилиши лозим.                  2. <math>b/t &lt; 15</math> нисбатли тўсинлар учун 2-жадвал формулаларида <math>b/t</math> 15 деб олинishi керак.</p>	

7.17 Икки асосий текисликда букилувчи элементларнинг мустаҳкамлигини ҳисоблаш куйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\frac{M_x}{J_{xn} R_y \gamma_c} y \pm \frac{M_y}{J_{yn} R_y \gamma_c} x \leq 1, \quad (36)$$

бу ерда  $x$  ва  $y$  – кўриб чиқилаётган кесишиш нуктасининг асосий ўқларга нисбатан координаталари.

(36) формула бўйича аниқланувчи тўсинларда тўсин деворидаги кучланишларнинг қийматлари икки асосий букилиш текисликларида (25) ва (29) формулалар ёрдамида текширилиши керак.

7.16-банд, а талаблари бажарилганда икки текисликда букилувчи тўсинларнинг турғунлигини текшириш талаб этилмайди.

7.18 Оқувчанлик чегараси 530 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатдан ясалган яхлит кесимли қирқма тўсинларни мустаҳкамликка ҳисоблаш, 7.19 ÷ 7.21, 9.5 ва 9.23-бандларга риоя этилганда, пластик деформацияларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, куйидаги формулалар бўйича бажарилиши лозим:

$\tau < 0,9R_s$  уринма кучланишларда асосий текисликлардан бирида букилганда (таянч кесимлардан ташқари)

$$\frac{M}{c_1 W_{n, \min} R_y \gamma_c} \leq 1; \quad (37)$$

$\tau < 0,5R_s$  уринма кучланишларда икки асосий текисликларда букилганда (таянч кесимлардан ташқари)



$$\frac{M_x}{c_x W_{xn,\min} R_y \gamma_c} + \frac{M_y}{c_y W_{yn,\min} R_y \gamma_c} \leq 1, \quad (38)$$

бу ерда  $M$ ,  $M_x$  ва  $M_y$  – букувчи моментларнинг мутлақ қийматлари;  
 $c_1$  – (40) ва (41) формулалар бўйича аниқланувчи коэффициент;  
 $c_x$  ва  $c_y$  –  $G$  иловадан олинмайдиган коэффициентлар.

Тўсинларнинг таянч кесимида ҳисоблаш ( $M = 0$ ;  $M_x = 0$  ва  $M_y = 0$  бўлса) қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\tau}{R_s \gamma_c} = \frac{Q}{th R_s \gamma_c} \leq 1. \quad (39)$$

Соф букилиш зонаси мавжуд бўлса, (37) ва (38) формулаларда  $c_1$ ,  $c_x$ , ва  $c_y$  коэффициентлар ўрнига тегишли равишда қуйидагилар қабул қилиниши лозим:

$$c_{1m} = 0,5(1+c); c_{xm} = 0,5(1+c_x); c_{ym} = 0,5(1+c_y).$$

Кесимда момент  $M$  ва кўндаланг куч  $Q$  бир вақтнинг ўзида амал қилганда  $c_1$  коэффициент қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши керак:

$$\tau \leq 0,5R_s \text{ бўлса,}$$

$$c_1 = c; \quad (40)$$

$$0,5R_s < \tau \leq 0,9R_s \text{ бўлса,}$$

$$c_1 = 1,05\beta c, \quad (41)$$

бу ерда

$$\tau = \frac{Q}{th}; \quad \beta = \sqrt{\frac{1 - (\tau/R_s)^2}{1 - \alpha(\tau/R_s)^2}}; \quad (42)$$

Бу ерда  $c$  –  $G$  иловага кўра олинмайдиган коэффициент;

$t$  ва  $h$  – тегишли равишда деворнинг қалинлиги ва баландлиги;

$\alpha$  – коэффициент, девор текислигида букилувчи қўштаврили кесим учун  $\alpha = 0,7$ ;  
бошқа турдаги кесимлар учун  $\alpha = 0$ ;

$c_1$  – бирдан кам ва  $c$  коэффициентдан ортиқ олинмайдиган коэффициента.

Тўсинларни оптималлаштириш мақсадида уларни ҳисоблашда 7.20, 9.5, 9.23 ва 15.1-бандларнинг талабларига мувофиқ (37) ва (38) формулаларда  $c$ ,  $c_x$  ва  $c_y$  коэффициентларнинг қийматларини  $G$  иловада келтирилган қийматлардан кам қабул қилишга йўл қўйилади, бироқ улар 1,0 дан кам бўлмаслиги керак.

Девор болтлар учун тешиқлар билан кучсизланган бўлса, уринма кучланишлар  $\tau$  нинг қийматлари (26) формула бўйича аниқланувчи коэффициентга кўпайтирилиши керак.

7.19 Ўзгарувчан кесимли тўсинларни пластик деформацияларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мустақамликка ҳисоблаш фақат  $M$  ва  $Q$  кучларнинг энг ноқулай бирикмаси мавжуд бўлган битта кесим учун бажарилиши лозим; қолган кесимларда пластик деформацияларнинг ривожланишини ҳисобга олишга йўл қўйилмайди.

Оқувчанлик чегараси 530 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатдан ясалган, динамик, вибрацион ёки ҳаракатчан юкланишларни қабул қиладиган букилувчи элементларни мустақамликка ҳисоблашни конструкциялар ва асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг зарурий

шароитларига монелик қилмайдиган пластик деформациялар ривожланишини ҳисобга олган ҳолда бажаришга йўл қўйилади.

7.20 Пластик деформацияларнинг ривожланишини инобатга олган ҳолда ҳисобланган тўсинларнинг умумий турғунлигини таъминлаш учун ё 7.16-банд талаблари бажарилган бўлиши, ё силқилган белбоғ кенлигига тўсин ҳисобий узунлиги нисбатлари  $l_{ef}/b$  нинг 2-жадвал формулалари бўйича аниқланувчи энг катта қийматлари қуйидаги коэффициентга кўпайтириш йўли билан камайтирилиши керак:  $\delta = [1 - 0,7(c_1 - 1)/(c - 1)]$ , бу ерда  $1 < c_1 \leq c$ .

Чўзилган белбоғдан камроқ ривожланган сиқилган белбоғли тўсинларнинг пластиклигини ҳисобга олишга фақат 7.16-банд, а шартлари бажарилган йўл қўйилади.

7.21 Пластик деформацияларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқариладиган тўсинларда деворлар шу жумладан бир жойга тўпланган куч тушувчи жойларда 9.10, 9.12, 9.13-бандларнинг талабларига мувофиқ бикрлик кўндаланг қовурғалари билан мустаҳкамланиши лозим.

7.22 Энг катта бикр текисликда букиладиган, кўпи билан 20% га фарқ қиладиган, кўшни ораликларга эга бўлган, статик юкни кўтарадиган ўзгармас кўштаврли кесимли қирқилмаган ва қисилган тўсинларни мустаҳкамликка ҳисоблаш, 7.20, 7.21, 9.5 ва 9.23-бандларнинг талабларига риоя қилинганда, таянч ва оралик моментларининг қайта тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, (37) формула бўйича бажарилиши лозим.

Букувчи момент  $M$  нинг ҳисобий қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$M = \alpha M_{\max}, \quad (43)$$

бу ерда  $M_{\max}$  – оралик ёки таянчдаги энг катта букувчи момент бўлиб, у материал эгиловчан ишлашини тахмин қилган ҳолда, қирқилмаган тўсин ҳисобидан аниқланади;

$\alpha$  – моментларни қайта тақсимлаш коэффициенти бўлиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\alpha = 0,5 \left( 1 + \frac{M_{ef}}{M_{\max}} \right); \quad (44)$$

Бу ерда  $M_{ef}$  – шартли букувчи момент бўлиб, у қуйидаги қийматларга тенг:

а) эркин тиралган учли қирқилмаган тўсинларда қийматларнинг энг каттасига:

$$M_{ef} = \max \left\{ \frac{M_1}{1 + a/l} \right\}; \quad (45)$$

$$M_{ef} = 0,5M_2, \quad (46)$$

бу ерда тах белгиси ундан кейин келувчи ифоданинг максимумини топиш кераклигини англатади;

$M_1$  – эркин тиралган тўсиндаги каби ҳисоблаб топилган четки ораликдаги букувчи момент;

$M_2$  – бир ораликли эркин тиралган тўсиндаги каби ҳисоблаб топилган ўрта ораликдаги максимал букувчи момент;

$a$  –  $M_1$  момент амал қилувчи кесимдан четки ораликқача бўлган масофа;

$l$  – четки оралик узунлиги;

б) учлари қисилган бир ораликли ва қирқилмаган тўсинларда  $M_{ef} = 0,5M_3$ ,

бу ерда  $M_z$  – таянчларида ошиқ-мошиқ ўрнатилган тўсинлардаги каби ҳисоблаб топилган моментларнинг энг каттаси;

в) бир учи қисилган, иккинчи учи эркин тиралган тўсинда  $M_{ef}$  қиймати (45) формула бўйича аниқланиши лозим.

(42) формулада кўндаланг куч  $Q$  нинг ҳисобий қиймати  $M_{max}$  амал қилувчи жойда олиниши керак. Агар  $M_{max}$  – ораликдаги момент бўлса, тўсиннинг таянч кесимини текшириб кўриш лозим.

7.23 Икки асосий текисликларда букилиш мавжуд бўлган ҳолда 7.22-банд шартларини қаноатлантирувчи қирқилмаган ва қисилган тўсинларни мустаҳкамликка ҳисоблаш  $\tau \leq 0,5R_s$  бўлганда (38) формула бўйича, икки асосий текисликларда таянч ва оралик моментларининг 7.22-банд талабларига мувофиқ қайта тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

### Букилиш билан ўқ кучи таъсирига йўлиқувчи элементлар

7.24 Марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букиладиган элементларни мустаҳкамликка ҳисоблашни (47) формула бўйича бажариш келтирилган эксцентриситет қиймати  $m_{ef} \leq 20$  бўлганда, кесимнинг кучсизланиши ҳамда мустаҳкамлик ва турғунликка ҳисоблашларда олинадиган букувчи моментларнинг тенг қийматлари мавжуд бўлмаганда талаб этилмайди.

7.25 Оқувчанлик чегараси  $530 \text{ Н/мм}^2$  гача бўлган пўлатдан ясалган, динамик кучларнинг бевосита таъсирига йўлиқмайдиган марказдан сиртда сиқилган, сиқилган-букиладиган, марказдан сиртда чўзилган ва чўзилган-букиладиган элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш,  $\tau \leq 0,5R_s$  ва  $N/(A_n R_y) > 0,1$  бўлса, қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\left( \frac{N}{A_n R_y \gamma_c} \right)^n + \frac{M_x}{c_x W_{xn, \min} R_y \gamma_c} + \frac{M_y}{c_y W_{yn, \min} R_y \gamma_c} \leq 1 \quad (47)$$

бу ерда  $N, M_x, M_y$  – тегишли равишда бўйлама куч ва букувчи моментларнинг уларнинг энг ноқулай бирикмасидаги мутлақ қийматлари;

$n, c_x, c_y$  – G иловадан олинадиган коэффицентлар.

Агар  $N/(A_n R_y) \leq 0,1$  бўлса, (47) формула 9.5 ва 9.23-бандларнинг талаблари бажарилганда қўлланиши лозим.

Бошқа ҳолларда ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\frac{N}{A_n R_y \gamma_c} \pm \frac{M_x}{J_{xn} R_y \gamma_c} y \pm \frac{M_y}{J_{yn} R_y \gamma_c} x \leq 1, \quad (48)$$

бу ерда  $x, y$  – кўриб чиқиладиган кесишув нуқтасининг асосий ўқларига нисбатан координатлари.

7.26 Марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букиладиган элементларни турғунликка ҳисоблаш ҳам моментнинг амал қилиш текислигига (турғунликни йўқотишнинг ясси шакли), ҳам моментнинг амал қилиш текислигидан (турғунликни йўқотишнинг букилувчи-айланма шакли) бажарилиши лозим.

7.27 Симметрия текислиги билан мос келувчи моментнинг амал қилиш текислигида ўзгармас кесимли марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букиладиган элементларни турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\frac{N}{\varphi_e AR_y \gamma_c} \leq 1. \quad (49)$$

(49) формулада  $\varphi_e$  коэффициент аниқланиши лозим:

а) яхлит деворли ўзаклар учун шартли эгиловчанлик  $\bar{\lambda}$  ҳамда қуйидаги формула бўйича аниқланадиган келтирилган нисбий эксцентриситет  $m_{ef}$  га қараб Н.2-жадвалдан:

$$m_{ef} = \eta m, \quad (50)$$

бу ерда  $\eta$  – кесим шакли таъсири коэффициентлари бўлиб, у Н.1-жадвалдан аниқланади;

$m = \frac{eA}{W_c}$  – нисбий эксцентриситет (бу ерда  $e$  – эксцентриситет;  $W_c$  – энг сиқилган тола учун кесимнинг қаршилик моменти);

б) букилиш текислигига параллел текисликларда жойлашган панжарали ёки планкалик икки томони очик ўзаклар учун келтирилган шартли эгиловчанлик  $\bar{\lambda}_{ef}$  ( $\lambda_{ef}$  1-жадвал бўйича) ва қуйидаги формула бўйича аниқланувчи нисбий эксцентриситет  $m$  га қараб Н.3 жадвалдан:

$$m = e \frac{Aa}{J}, \quad (51)$$

бу ерда  $a$  – букилиш текислигига перпендикуляр кесимнинг бош ўқидан энг сиқилган тармоқ ўқигача, бироқ тармоқ деворининг ўқигача бўлган масофадан кам эмас.

Эксцентриситет  $e = M/N$  ни ҳисоблаганда  $M$  ва  $N$  қийматлари 7.29-банд талабларига мувофиқ олиниши керак.

Турғунликка ҳисоблаш яхлит деворли ўзаклар учун  $m_{ef} > 20$  бўлганда ва икки томони очик ўзаклар учун  $m > 20$  бўлганда талаб этилмайди, бундай ҳолларда ҳисоблаш букилувчи элементлар учун белгиланган тартибда бажарилиши лозим.

7.28 Оқувчанлик чегараси 530 Н/мм<sup>2</sup> дан юқори бўлган пўлатдан ясалган, ўта носимметрик кесимларга эга бўлган (кесимларнинг типлари Н.1-жадвал бўйича 10 ва 11) марказдан сиртда сиқилган элементлар, (49) формула бўйича ҳисоблашдан ташқари, қуйидаги формула бўйича мустаҳкамликка текширилиши керак:

$$\left| \frac{N}{A_n} - \frac{M}{\delta W_{nt}} \right| \times \frac{\gamma_u}{R_u \gamma_c} \leq 1, \quad (52)$$

бу ерда  $W_{nt}$  қиймати чўзилган тола учун ҳисоблаб топилиши,  $\delta$  коэффициент эса қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$\delta = 1 - N \lambda^2 / (\pi^2 EA) \quad (53)$$

7.29 Элементда бўйлама куч  $N$  ва букувчи момент  $M$  нинг ҳисобий қийматлари юкланишларнинг айна бир бирикмаси учун пўлатнинг эгиловчан деформацияларини тахмин қилиб, тизимнинг деформацияланмаган схемага мувофиқ ҳисобидан олинади.

Бунда  $M$  қиймати қуйидаги катталикларга тенг деб олиниши керак:

ром системаларининг ўзгармас кесими колонналари учун – колонналар узунлиги доирасида энг катта моментга;

поғонасимон колонналар учун – ўзгармас кесим участкасининг узунлигидаги энг катта моментга;

бир томони қисилган, иккинчи томони эса бўш колонналар учун – маҳкамлаш моментига, бироқ маҳкамланган жойдан колонна узунлигининг учдан бир қисмига тенг ораликдаги кесим моментидан кам эмас;

тугундан ташқаридаги юкланишни қабул қилувчи фермалар ва структурали плиталарнинг устки сиқилган белбоғлари учун – белбоғнинг эгиловчан қирқилмаган тўсин сифатидаги ҳисобидан аниқланувчи белбоғ панели узунлигининг ўртача учдан бир қисми доирасидаги энг катта моментга;

букилиш текислиги билан мос келувчи симметриянинг бир ўқиға эға бўлган ошиқ-мошиқли-тиралган учли ва кесимли сиқилган ўзаклар учун – 3-жадвал формулалари бўйича аниқланувчи моментга;

иккита симметрия ўқиға эға бўлган ошиқ-мошиқли-тиралган учлар ва кесимларға эға бўлган сиқилган ўзаклар учун эксцентриситетлар  $m_{ef}$  нинг ҳисобий қийматлари Н.4-жадвал бўйича аниқланиши керак.

7.30 Ўзгармас кесимли марказдан сиртда сиқилган элементларни моментнинг амал қилиш текислигидан турғунликка ҳисоблаш улар симметрия текислиги билан мос келувчи ўта бикр текисликда букилганда ( $J_x > J_y$ ) қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим

$$\frac{N}{c\varphi_y AR_y \gamma_y} \leq 1, \quad (54)$$

бу ерда  $c$  – 7.31-банд талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилувчи коэффициент;

$\varphi_y$  – 7.3-банд талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилувчи коэффициент.

### 3-жадвал

$M_{max}$ га мос келувчи нисбий эксцентриситет	Ўзакнинг шартли эгиловчанлигида $M$ ҳисобий қийматлари	
	$\bar{\lambda} < 4$	$\bar{\lambda} \geq 4$
$m \leq 3$	$M = M_2 = M_{max} - \frac{\bar{\lambda}}{4}(M_{max} - M_1)$	$M = M_1$
$3 < m \leq 20$	$M = M_2 + \frac{m-3}{17} \times (M_{max} - M_2)$	$M = M_1 + \frac{m-3}{17} \times (M_{max} - M_1)$
<p>бу ерда <math>M_{max}</math> – ўзакнинг узунлиги доирасида энг катта букувчи момент;  <math>M_1</math> – ўзак узунлигининг ўртача учдан бир қисми доирасидаги энг катта букувчи момент, бироқ <math>0,5M_{max}</math> дан кам эмас;  <math>m</math> – нисбий эксцентриситет бўлиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $m = M_{max} A / (NW_c)$ <p>Изоҳ. Барча ҳолларда <math>M \geq 0,5M_{max}</math> деб олиниши керак.</p>		



7.31 (54) формулада  $c$  коэффициент қуйидагича аниқланиши керак:

нисбий эксцентриситет қийматлари  $m_x \leq 5$  бўлса, қуйидаги формула бўйича:

$$c = \frac{\beta}{1 + \alpha m_x}, \quad (55)$$

бу ерда  $\alpha$  ва  $\beta$  – 4-жадвалдан олинандиган коэффициентлар;

4-жадвал

Кесимларнинг типлари	Коэффициентларнинг қийматлари			
	$\alpha$ , бунда		$\beta$ , бунда	
	$m_x \leq 1$	$1 < m_x \leq 5$	$\lambda_y \leq \lambda_c$	$\lambda_y > \lambda_c$
<p>Очиқ</p> 	0,7	$0,65 + 0,05m_x$	1	$\sqrt{\varphi_c / \varphi_y}$
	$1 - 0,3 \frac{J_2}{J_1}$	$1 - (0,35 - 0,05m_x) \frac{J_2}{J_1}$	1	$1 - \left(1 - \sqrt{\frac{\varphi_c}{\varphi_y}}\right) \times$ $\times \left(2 \frac{J_2}{J_1} - 1\right);$ бунда $J_2 / J_1 < 0,5 \beta = 1$
<p>Туташ:</p> <p>панжаралар билан (планкалар билан)</p>  <p>яхлит</p> 	0,6	$0,55 + 0,05m_x$	1	$\sqrt{\varphi_c / \varphi_y}$
<p>4-жадвалда қабул қилинган белгилар:</p> <p><math>J_1, J_2</math> – кесимнинг <math>y - y</math> симметрия ўқиға нисбатан катта ва кичик тоқчалари инерция моментлари;</p> <p><math>\varphi_c - \lambda_y = \lambda_c = 3,14 \sqrt{E/R_y}</math> бўлганда <math>\varphi_y</math> қийматлари.</p> <p>Изоҳ. Панжарали (ёки планкали) икки томони очик ўзақлар учун <math>\alpha</math> ва <math>\beta</math> коэффициентларнинг қийматлари ўзақ узунлиги бўйлаб камида иккита оралик диафрагмалар мавжуд бўлганда туташ кесимларники каби олинishi лозим. Акс ҳолда қўштаврли очик кесимли ўзақлар учун белгиланган коэффициентлар олинishi керак.</p>				

нисбий эксцентриситет қийматлари  $m_x \geq 10$  бўлса, қуйидаги формул бўйича

$$c = \frac{1}{1 + m_x \varphi_y / \varphi_b}, \quad (56)$$

бу ерда  $\varphi_b$  – 7.15-банд талаблари ва G иловаға мувофиқ сиқилган белбоғ икки ва ундан ортиқ жойда маҳкамланган тўсин учун сингари аниқланувчи коэффициент;  
туташ кесимлар учун  $\varphi_b = 1.0$ ;

нисбий эксцентриситет қийматлари  $5 < m_x < 10$  бўлса, қуйидаги формула бўйича

$$c = c_5(2 - 0,2m_x) + c_{10}(0,2m_x - 1), \quad (57)$$

бу ерда  $c_5$  (55) формула бўйича аниқланади, бунда  $m_x = 5$ ;  $c_{10}$  (56) формула бўйича аниқланади, бунда  $m_x = 10$ .

Нисбий эксцентриситет  $m_x$  ни аниқлашда ҳисобий момент  $M_x$  сифатида олиниши лозим:

момент амал қилувчи перпендикуляр текислик силжиган жойдан бошлаб маҳкамланган ошиқ-мошиқли-тиралган учли ўзаклар учун – узунликнинг ўртача учдан бир қисми доирасидаги (бирок ўзак узунлиги бўйлаб энг катта моментнинг ярмидан кам бўлмаган) максимал момент;

бир томони қисилган, бошқа томони эса очик ўзаклар учун – маҳкамлаш жойидаги момент (бирок маҳкамлаш жойидан ўзак узунлигининг учдан бир қисмига нарида жойлашган кесимдаги моментдан кам эмас).

Эгилувчанлик  $\lambda_y > \lambda_c = 3,14\sqrt{E/R_y}$  бўлса,  $c$  коэффициент ошмаслиги керак:

туташ кесимли ўзаклар учун – бирдан;

иккита симметрия ўқили қўштаврли кесимли ўзаклар учун – қуйидаги формула бўйича аниқланувчи қийматлардан

$$c_{\max} = 2 / \left[ 1 + \delta + \sqrt{(1 - \delta)^2 + \frac{16 \left( \frac{M_x}{Nh} \right)^2}{\mu}} \right], \quad (58)$$

бу ерда  $\delta = 4\rho/\mu$ ;  $\rho = (J_x + J_y)/(Ah^2)$ ;  $\mu = 2 + 0,156 \frac{J_t}{Ah^2} \lambda_y^2$ ;  $J_t = 0,433 \sum b_i t_i^3$ ,

бу ерда  $b_i, t_i$  – кесимни ҳосил қилувчи варақларнинг кенлиги ва қалинлиги;

$h$  – белбоғларнинг ўқлари ўртасидаги масофа;

бир симметрия ўқили қўштаврли ва таврли кесимлар учун  $c$  коэффициентлар (Н.1) формула бўйича аниқланувчи қийматлардан ошмаслиги керак.

7.32 Энг кам бикрликка эга ( $J_y < J_x$  ва  $e_y \neq 0$ ) текисликда букилувчи марказдан сиртда сиқилган элементлар,  $\lambda_x > \lambda_y$  бўлса, (49) формула бўйича ҳисоблаб чиқарилиши, шунингдек марказдан сиқилган ўзаклар сингари моментнинг амал қилиш текислигидан турғунликка қуйидаги формула бўйича текширилиши керак:

$$\frac{N}{\varphi_x AR_y \gamma_c} \leq 1, \quad (59)$$

бу ерда  $\varphi_x$  – 7.3-банд талабларига мувофиқ олинувчи коэффициент.

$\lambda_x \leq \lambda_y$  бўлса, моментнинг амал қилиш текислигидан турғунликни текшириш талаб этилмайди.

7.33 Букилиш текислигига параллел текисликларда жойлашган панжарали икки томони очик марказдан сиртда сиқилган ўзакларда, (49) формула бўйича ўзакни турғунликка ҳисоблашдан ташқари, айрим тармоқлар марказдан сиқилган ўзаклар сингари (3) формула бўйича текширилиши лозим.

Ҳар бир тармоқда бўйлама куч моментдан тушувчи қўшимча кучни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Мазкур кучнинг қиймати букилиш у-у ўққа перпендикуляр



текисликда бўлганда (1-жадвал), қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши лозим:  $N_{ad} = M/b - 1$  ва 3 типдаги кесимлар учун;  $N_{ad} = M/2b - 2$  типдаги кесимлар учун; букилиш  $x-x$  ўққа перпендикуляр текисликда бўлганда, 3 типдаги кесим учун моментдан тушувчи куч  $N_{ad} = 1,16M/b$  (бу ерда  $b$  – тармоқларнинг ўқлари ўртасидаги масофа).

Планкали икки томони очик марказдан сиртда сиқилган ўзакларнинг айрим тармоқлари марказдан сиқилган элементлар сингари турғунликка текширилиши, бунда тармоқлар моменти ва маҳаллий букилишидан тушувчи кучлар, ҳақиқий ёки шартли кўндаланг куч таъсири (кашаксиз ферма белбоғларидаги каби), шунингдек ушбу меъёрларнинг 7.36-банди ҳисобга олиниши лозим.

7.34 Икки асосий текисликда сиқиладиган ва букиладиган яхлит деворли ўзакларни турғунликка ҳисоблаш, энг катта бикрлик текислиги ( $J_x > J_y$ ) симметрия текислиги билан мос келганда, қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\frac{N}{\varphi_{exy} AR_y \gamma_c} \leq 1, \quad (60)$$

бу ерда  $\varphi_{exy} = \varphi_{ey} (0,6\sqrt[3]{c} + 0,4\sqrt[4]{c})$ ;

бунда  $\varphi_{ey}$  7.27-банд талабларига мувофиқ формулаларда  $m$  ва  $\lambda$  тегишли равишда  $m_y$  ва  $\lambda_y$  билан алмаштирилган ҳолда,  $c$  эса – 7.31-банд талабларига мувофиқ аниқланади.

Токчалари бир хил бўлмаган қўштаврли кесимли ўзаклар учун келтирилган нисбий эксцентриситет  $m_{ef,y} = \eta m_y$  ни ҳисоблашда  $\eta$  коэффициент 8 типдаги кесим учун сингари Н.1-жадвалдан аниқланиши лозим.

Агар  $m_{ef,y} < m_x$  бўлса, (60) формула бўйича ҳисоблашдан ташқари (49) ва (54) формулалар бўйича қўшимча текшириш амалга оширилиши, бунда  $e_y = 0$  деб олиниши керак.

Нисбий эксцентриситетларнинг қийматлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши лозим:

$$m_x = e_x \frac{A}{W_{cx}} \text{ ва } m_y = e_y \frac{A}{W_{cy}}, \quad (61)$$

бу ерда  $W_{cx}$  ва  $W_{cy}$  – тегишли равишда  $x-x$  ва  $y-y$  ўқларга нисбатан ўта сиқилган тола учун кесимларнинг қаршилик моментлари.

Агар  $\lambda_x > \lambda_y$  бўлса, (60) формула бўйича ҳисоблашдан ташқари, (49) формула бўйича қўшимча текшириш амалга оширилиши, бунда  $e_y = 0$  деб олиниши керак.

Энг катта бикрлик текислиги ( $J_x > J_y$ ) симметрия текислиги билан мос келмаган ҳолда,  $m_x$  ҳисобий қиймати 25% га кўпайтирилиши лозим.

7.35  $y-y$  ўққа нисбатан симметрик бўлган икки яхлит деворли тармоқлардан иборат икки томони очик, асосий текисликларнинг иккаласида ҳам сиқилувчи ва букилувчи икки параллел текисликлардаги панжарали ўзакларни (7-расм) турғунликка ҳисоблаш қуйидагича бажарилиши лозим:


бутун ўзак учун – панжаралар текислигига параллел текисликда, 7.27-банд талабларига мувофиқ,  $e_y = 0$  тенг деб олган ҳолда;

айрим тармоқлар учун – марказдан сиртда сиқилган элементлар сифатида (49) ва (54) формулалар бўйича, бунда ҳар бир тармоқда бўйлама куч  $M_x$  моментдан тушувчи кучни ҳисобга олиб аниқланиши (7.33-бандга қаранг),  $M_y$  момент эса тармоқлар ўртасида уларнинг бикрликларига пропорционал тақсимланиши керак (агар  $M_y$  момент тармоқлардан биридаги текисликда амал қилаётган бўлса, у мазкур тармоққа тўлиқ узатилувчи деб

ҳисобланиши лозим). Айрим тармоқнинг эгилювчанлиги ҳисобда (49) формула бўйича ушбу меъёрларнинг 8.11-банди талабларига мувофиқ, (54) формула бўйича ҳисоблаганда эса – панжара тугунлари ўртасидаги максимал масофага кўра аниқланиши лозим.

7.36 Икки томони очик марказдан сиртда сиқилган ўзақларнинг бириктирувчи планкалари ёки панжараларини ҳисоблаш ушбу меъёрларнинг 7.9 ва 7.10-бандлари талабларига мувофиқ икки қиймат: ҳақиқий кўндаланг куч  $Q$  ёки 7.8-банд талабларига мувофиқ ҳисоблаб топиладиган шартли кўндаланг куч  $Q_{fic}$  нинг энг каттасига тенг бўлган кўндаланг кучга нисбатан бажарилиши лозим.

Ҳақиқий кўндаланг куч шартли кўндаланг кучдан катта бўлган ҳолда, одатда, марказдан сиртда сиқилган икки томони очик элементларнинг тармоқлари панжаралар билан бириктирилади.



7-расм. Икки яхлит деворли тармоқлардан иборат ўзақнинг икки томони очик кесими

### Таянч қисмлар

7.37 Марказловчи қистирмалар ўрнатилган ошиқ-мошиқли ҳаракатсиз таянчлар, тангенциал таянчлар, анча катта реакцияларда эса – шайинли таянчлар таянч остидаги босимни қатъий бир текис тақсимлаш талаб этилган ҳолда қўлланиши лозим.

Ясси ёки ғалтакли ҳаракатчан таянчлар қуйида ётган конструкция тўсин ёки ферма ҳаракатсиз тиралганда юзага келувчи горизонтал кучлардан юксизланиши лозим бўлган ҳолда қўлланилиши керак.

Ишқаланиш коэффиценти ясси ҳаракатчан таянчларда 0,3 га тенг деб, ғалтакли таянчларда эса – 0,03 га тенг деб олинади.

7.38 Шайинли таянчларнинг цилиндрсимон ошиқ-мошиқлари (цапфалари)да эзилишга ҳисоблаш (юзаларга тегиш марказий бурчаги  $\pi/2$  га тенг ёки ундан катта бўлса) қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{F}{1,25rlR_{lp}\gamma_c} \leq 1, \quad (62)$$

бу ерда  $F$  – таянчга тушувчи босим (куч);

$r$  ва  $l$  – тегишли равишда ошиқ-мошиқ радиуси ва узунлиги;

$R_{lp}$  – тегиш зич бўлганда маҳаллий эзилишга ҳисобий қаршилик бўлиб, у ушбу меъёрларнинг Е.1-жадвали талабларига мувофиқ олинади.

7.39 Ғалтакларнинг диаметрал сиқишига ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{F}{ndlR_{cd}\gamma_c} \leq 1, \quad (63)$$

бу ерда  $n$  – ғалтаклар сони;

$d$  ва  $l$  – тегишли равишда ғалтак диаметри ва узунлиги;

$R_{cd}$  – тегиш эркин бўлганда ғалтакларнинг диаметрал сиқишига ҳисобий қаршилиқ бўлиб, у ушбу меъёрларнинг Е.1-жадвали талабларига мувофиқ олинади.

## 8 ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ҲИСОБИЙ УЗУНЛИКЛАРИ

### Ясси фермалар ва боғламалар элементларининг ҳисобий узунликлари

8.1 Ясси фермалар ва боғламалар элементларининг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$ , фермалар чапараста панжарасининг элементларидан ташқари, 5-жадвалдан олинishi керак.

8.2 Узунлиги бўйлаб ферма текислигидан сиқувчи кучлар таъсир  $N_1$  ва  $N_2$  ( $N_1 > N_2$ ) кўрсатаётган элемент (8-расм, в, г)нинг ҳисобий узунлиги  $l_{ef}$  қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилиши лозим:

$$l_{ef} = l_1 \left( 0,75 + 0,25 \frac{N_2}{N_1} \right). \quad (64)$$

Бу ҳолда турғунликка ҳисоблаш  $N_1$  кучга бажарилиши керак.

5-жадвал

Бўйлама букилиш йўналиши	Ҳисобий узунлик $l_{ef}$		
	белбоғлар	таянч кашаклар ва таянч устунлар	панжаранинг бошқа элементлари
1. Ферма текислигида: а) 1,б да кўрсатилгандан бошқа фермалар учун	$l$	$l$	$0,8l$
б) якка бурчаклардан ясалган фермалар ва панжара элементлари белбоғларга тақаб маҳкамланган фермалар учун	$l$	$l$	$0,9l$
2. Ферма текислигига перпендикуляр йўналишда (ферма текислигидан): а) 2,б да кўрсатилгандан бошқа фермалар учун	$l_1$	$l_1$	$l_1$
б) туташ профиллардан ясалган белбоғларга эга бўлган, панжара элементлари белбоғларга тақаб маҳкамланган фермалар учун	$l_1$	$l_1$	$0,9l_1$
5-жадвалда қабул қилинган белгилар (8-расм): $l$ – ферме текислигидаги элементнинг геометрик узунлиги (тугунлар ўртасидаги масофа); $l_1$ – ферма текислигидан силжишдан маҳкамланган тугунлар (белбоққа пайванд чоклари ёки болтлар билан қотирилган фермаларнинг белбоғлари, махсус боғламалар, қопламаларнинг бикр плиталари ва ш.к.) ўртасидаги масофа			

8.3 Чапараста панжара ўзаро бириктирилган элементлари (8-расм, д)нинг ҳисобий узунликлари олинishi лозим:

ферма текислигида – ферма тугунининг марказидан уларнинг кесишув нуқтасигача бўлган масофага тенг деб ( $l_{ef} = l$ );


ферма текислигидан: сиқилган элементлар учун – 6-жадвалдан;

чўзилган элементлар учун – тўлиқ геометрик узунликка тенг деб ( $l_{ef} = l_1$ ).

8.4 Якка бурчаклардан иборат элементлар кесимларининг инерция радиуслари  $i$  олиниши лозим:


элементнинг ҳисобий узунлиги  $l$  ёки  $0,9l$  га тенг бўлганда (бу ерда  $l$  – энг яқин тугунлар ўртасидаги масофа) – минимал деб ( $i = i_{min}$ );

қолган ҳолларда – бурчакнинг ферма текислигига перпендикуляр ёки параллел ўқига нисбатан (бўйлама букилиш йўналишига қараб  $i = i_x$  ёки  $i = i_y$ ).



8-расм. Элементларнинг ҳисобий узунликларини аниқлаш учун фермалар панжараларининг схемалари (белгиларини 5-жадвалда қаранг)

а – устунли учбурчак; б – кашакли; в – шпренгелли учбурчак; г – ярим кашакли учбурчак; д – чапараста.



9-расм. Ферма белбоғининг ҳисобий узунлигини текисликдан аниқлаш учун схемалар а – ферма схемаси; б – фермалар ўртасидаги боғламалар схемаси (юқоридан кўриниши)

### Кўламли панжарасимон конструкциялар элементларининг ҳисобий узунликлари

8.5 Якка бурчаклардан иборат сиқилган ва юкланмаган элементларнинг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$  ва кесимларининг инерция радиуслари  $i$  эгилиувчанликни аниқлашда 7-жадвалдан олиниши керак. Якка бурчаклардан иборат чўзилган элементларнинг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$  ва инерция радиуслари  $i$  эгиливанликни аниқлашда олиниши лозим:

белбоғлар учун – 7-жадвалдан;

10-расм, а, д, е бўйича чапараста кашаклар учун:

қирра текислигида – узунлик  $l_d$  ва инерция радиуси  $i_{min}$  га тенг деб;

қирра текислигидан – белбоққа маҳкамлаш жойидаги тугунлар ўртасидаги масофага


6-жадвал

Панжара элементлари кесишув тугунининг конструкцияси	Қуйидаги ушлаб турувчи элементда ферма текислигидан ҳисобий узунлиги $l_{ef}$		
	чўзилган	ишламайдиган	сиқилган
Иккала элемент ҳам узилмайди	$l$	$0,7l_1$	$l_1$
Ушлаб турувчи элемент узилади ва фасонка билан қопланади: кўрилаётган элемент узилмайди;	$0,7l_1$	$l_1$	$1,4l_1$
кўрилаётган элемент узилади ва фасонка билан қопланади.	$0,7l_1$	–	–

6-жадвалда қабул қилинган белгилар (8-расм, д):  
 $l$  – ферма тугуни марказидан элементларнинг кесишув нуқтасигача бўлган масофа;  
 $l_1$  – элементнинг тўлиқ геометрик узунлиги.

тенг бўлган кашакнинг тўлиқ геометрик узунлиги  $L_d$  ва қирра текислигига параллел ўққа нисбатан инерция радиуси  $i_x$  га тенг деб;

10-расм, б, в, г бўйича кашаклар учун – узунлик  $l_d$  ва инерция радиуси  $i_{min}$  га тенг деб



10-расм. Кўламли панжарасимон конструкцияларнинг схемалари  
 а, б, в – тугунлари қўшни қирраларда туташтирилган; г, д, е – тугунлари қўшни қирраларда туташтирилмаган

7-жадвал

Элементлар	$l_{ef}$	$i$
Белбоғ: 10-расм, а, б, в бўйича 10-расм, г, д, е бўйича	$l_m$ $1,14l_m$	$i_{min}$ $i_x$ ёки $i_y$
Кашаклар: 10-расм, б, в, г бўйича 10-расм, а, д бўйича 10-расм, е бўйича	$\mu_d l_d$ $\mu_d l_{dc}$ $l_d$	$i_{min}$ $i_{min}$ $i_{min}$
Тиргаклар: 10-расм, б бўйича 10-расм, в бўйича	$0,8l_c$ $0,65l_c$	$i_{min}$ $i_{min}$
<p>бу ерда <math>l_{dc}</math> – кашакнинг шартли узунлиги бўлиб, у 8-жадвалдан олинади;  <math>\mu_d</math> – кашакнинг ҳисобий узунлиги коэффиценти бўлиб, у 9-жадвалдан олинади.                      Изоҳлар:                      1. 10-расм, а, д, е бўйича кашаклар кесишув нуқталарида ўзаро бириктирилган бўлиши керак.                      2. 10-расм, е бўйича кашаклар учун уларни қирра текислигидан деформацияланган схемага мувофиқ ҳисобни инобатга олган ҳолда қўшимча текшириш талаб этилади.                      3. 10-расм, в бўйича тиргаклар учун <math>l_{ef}</math> қиймати тенг токчали бурчаклар учун берилган.</p>		

8-жадвал

Панжара элементлари кесишув тугунининг конструкцияси	Қуйидаги ушлаб турувчи элементда кашакнинг шартли узунлиги $l_d$		
	чўзилган	ишламайдиган	сиқилган
Иккала элемент ҳам узилмайди	$l_d$	$1,3l_d$	$0,8L_d$
Ушлаб турувчи элемент узилади ва фасонка билан қопланади; кўрилаётган элемент узилмайди: 10-расм, а бўйича конструкцияларда 10-расм, д бўйича конструкцияларда: $1 < n \leq 3$ бўлса $n > 3$ бўлса	$1,3l_d$  $(1,75 - 0,15n) l_d$ $1,3l_d$	$1,6l_d$  $(1,9 - 0,1n) l_d$ $1,6l_d$	$L_d$  $L_d$ $L_d$
Элементларнинг кесишув тугуни қирра текислигида силжишдан маҳкамланган (диафрагма ва ш.к. билан)	$l_d$	$l_d$	$l_d$
<p>бу ерда <math>L_d</math> – 10-расм, а, д бўйича кашак узунлиги;  <math display="block">n = \frac{J_{m,min} l_d}{J_{d,min} l_m}</math>                     бу ерда <math>J_{m,min}</math> ва <math>J_{d,min}</math> – тегишли равишда белбоғ ва кашак кесимининг энг кичик инерция моментлари.</p>			

## 9-жадвал

Элементнинг белбоғларга маҳкамланиши	$n$	$\frac{l}{i_{\min}}$ қуйидагича бўлганда, $\mu_d$ қийматлари		
		60 гача	60 дан 160 гача	160 дан ортиқ
Элемент бўйлаб жойлашган пайванд чоклари, болтлар (камида иккита) билан, фасонкаларсиз	2 гача	1,14	$0,54 + 36 \frac{i_{\min}}{l}$	0,765
	6 дан ортиқ	1,04	$0,56 + 28,8 \frac{i_{\min}}{l}$	0,74
Бир болт билан фасонкасиз	$n$ дан қатъи назар	1,12	$0,64 + 28,8 \frac{i_{\min}}{l}$	0,82

9-жадвалда қабул қилинган белгилар:  
 $n$  – 8-жадвалга қаранг;  
 $l$  – узунлик бўлиб, у олинади;  
 $l_d$  – 10-расм, б, в, г дан;  $l_{dc}$  – 8-жадвалдан (элементлар учун – 10-расм, а, д дан).

Изоҳлар:

- $n$  қийматлари 2 дан 6 гача бўлганда,  $\mu_d$  қийматлари чизиқли интерполяция ёрдамида аниқланиши лозим.
- Кашакнинг бир учи фасонкалар белбоғига пайвандлаб ёки болтлар билан, иккинчи учи эса фасонка орқали маҳкамланганда, кашак ҳисобий узунлиги коэффиценти  $0,5(1 + \mu_d)$  га тенг деб; кашакнинг иккала учи фасонкалар орқали маҳкамланганда –  $\mu_d = 1,0$  деб олиними керак.
- 10-расм бўйича кашакларнинг учлари, одатда, фасонкаларсиз маҳкамланади. Бу ҳолда улар тиргак ёки белбоққа кашак бўйлаб жойлашган пайванд чоклари ёки болтлар (камида иккита) билан маҳкамланганда,  $\mu_d$  коэффицент қиймати  $n$  қиймати «2 гача» бўлганда сатрдан олиними керак. Уларнинг учлари битта болт билан маҳкамланган ҳолда  $\mu_d$  коэффицент қиймати «Битта болт билан фасонкасиз» сатридан олиними лозим,  $l_{ef}$  қиймати 7-жадвал бўйича ҳисобланганда  $\mu_d$  ўрнига  $0,5(1 + \mu_d)$  олиними керак.

8.6 Тенг токчали якка бурчаклардан сиқилган ва чўзилган ўзақларнинг эгилувчанлиги  $\lambda = l_{ef} / i$  ни аниқлашда бурчакларнинг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$  ва уларнинг инерция радиуслари  $i$  8.5-бандда айтиб қўйилмаган ҳолларда 10-жадвал ва 11-расмга мувофиқ олиними керак.

Кашаклар фасонкалар ёрдамида маҳкамланганда кашаклар ҳисобий узунлиги коэффицентлари 9-жадвалга 2-изоҳ бўйича аниқланиши лозим.

Шпренгелларнинг элементлари учун ҳисобий узунликлар  $l_{ef}$  ва инерция радиуслари  $i$  асосий кашаклар учун сингари аниқланиши керак.

8.7 Якка бурчаклардан ясалган диафрагма диагонал кесишувчи элементларининг ҳисобий узунликлари, агар бир элемент сиқилган, иккинчиси эса чўзилган бўлса, диагонал узунлигининг ярмига тенг деб, инерция ҳисобий радиуси эса  $i = i_{\min}$  деб олинади.

Агар иккала элемент сиқилган бўлса, ҳисобий узунлик элементнинг тўлиқ узунлигига тенг, инерция ҳисобий радиуси эса  $i = i_x$

8.8 Тенг токчали бурчаклардан ясалган таянчлар таянч элементларининг ҳисобий узунликларини ва уларнинг инерция ҳисобий радиусларини 8.6 ва 8.7-бандларида кўрилмаган ҳолларда аниқлашда қуйидаги шартлар ҳисобга олиними лозим:

агар ўзақ фақат учларидан маҳкамланган бўлса, ҳисобий узунлик геометрик ҳисобий узунликка тенг деб, инерция ҳисобий радиуси эса  $i = i_{\min}$  деб олинади;

агар ўзақ ҳам биринчи, ҳам иккинчи токча текислигида маҳкамланаётган нуқталарнинг силжишларига монелик қилувчи оралик маҳкамлашларга эга бўлса, ҳисобий




узунлик маҳкамлашлар ўртасидаги максимал масофага тенг деб, инерция ҳисобий радиуси эса  $i = i_{min}$  деб олинади;

10-жадвал

Таянчларнинг элементлари	$l_{ef}$	$i$
Белбоғлар 11-расм, <i>a-d</i> бўйича	$l_m$	$i_{min}$
Кашаклар:		
11-расм, <i>a, z, d</i> бўйича ( $P_1$ ва $P_2$ кашаклар)	$l_d$	$i_{min}$
11-расм, <i>б, в</i> бўйича; 2-чизма, <i>z, d</i> бўйича ( $P_3$ кашак)	$l_d$	$i_x$
Тиргақлар:		
11-расм, <i>a, б, z, d</i> бўйича	$0,9 l_c$	$i_{min}$
11-расм, <i>в</i> бўйича	$l_c$	$i_{min}$

Изоҳ. 2-чизма, *в* бўйича кашаклар учун  $l_{ef}$  ва  $i$  ни аниқлаш юзасидан келтирилган тавсиялар бир кашак сиқилган, иккинчи кашак эса чўзилган ҳолатга тегишли.



11-расм. Шпренгелли панжара схемалари

*a* – текисликдан кашак таянчнинг ўрта қисми қиррасига маҳкамланган; *б* – текисликдан кашак таянчнинг ўрта қисми қиррасига маҳкамланмаган; *в* – таянчнинг ўрта қисмида диафрагмасиз; *z* – таянчнинг қуйи қисмида ромбсимон панжарасимон диафрагмали; *д* – таянчнинг қуйи қисмида панжарасимон учбурчак диафрагмали

агар оралик маҳкамлашлар маҳкамланаётган нуқталарнинг силжишларига фақат бир токча текислигида монелик қилса, ҳисобий узунлик учлардаги маҳкамлашлар ўртасидаги масофага тенг деб, инерция ҳисобий радиуси эса  $i = i_x$  деб олинади;

агар бир оралик маҳкамлаш фақат бир токчанинг текислигида силжишга монелик қилса ва маҳкамланаётган ўзакни тенг бўлмаган узунликдаги қисмларга ажратса, ўзак турғунлигига оид иккита текшириш бажарилиши керак:

а) маҳкамланмаган токча текислигида, ҳисобий узунликни учлардаги маҳкамлашлар ўртасидаги масофага тенг деб олган ҳола, бунда инерция ҳисобий радиуси  $i = i_x$ ;

б) оралик маҳкамлашдан учдаги маҳкамлашгача бўлган максимал масофага тенг узунликда, бунда инерция ҳисобий радиуси  $i = i_{min}$ .

8.9 Қувурлардан ёки жуфт бурчаклардан иборат элементларнинг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$  ва инерция радиуси  $i$  «Ясси фермалар ва боғламалар элементларининг ҳисобий узунликлари» кичик бўлимининг талабларига мувофиқ олинishi лозим.

### Таркибли конструкциялар элементларининг ҳисобий узунликлари

8.10 Таркибли конструкциялар элементларининг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$  11-жадвалдан олинishi керак.

Таркибли конструкциялар элементлари кесимларининг инерция радиуслари  $i$  эгилувчанликни аниқлашда олинishi лозим:

сикилган-букилувчи элементлар учун букилиш текислигига перпендикуляр ёки параллел ўққа нисбатан ( $i = i_x$  ёки  $i = i_y$ );

қолган ҳолларда – минимал ( $i = i_{min}$ )

### Колонналар (устунлар)нинг ҳисобий узунликлари

8.11 Ўзгармас кесимли колонналар ва устунлар ёки поғонасимон колонналар айрим участкаларининг ҳисобий узунликлари  $l_{ef}$  қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$l_{ef} = \mu l, \quad (65)$$

бу ерда  $l$  – колонна, унинг айрим қисми узунлиги ёки қават баландлиги;

$\mu$  – ҳисобий узунлик коэффициентлари.

8.12 Ўзгармас кесимли колонналар ва устунлар ҳисобий узунлиги коэффициентлари  $\mu$  уларнинг учларини маҳкамлаш шароитлари ва юкланиш турига қараб олинishi лозим. Маҳкамлаш айрим ҳолатлари ва юкланиш тури учун  $\mu$  қийматлари J.6-жадвалда келтирилган.

8.13 Ром текислигидаги ўзгармас кесимли колонналарнинг ҳисобий узунлиги коэффициентлари  $\mu$  ригеллар колонналарга бикр маҳкамланганда бўш ва бўш бўлмаган ромлар учун устки тугунлар бир хилда юкланганда 12-жадвал формулалари бўйича аниқланиши лозим.

Бир қаватли ромлар учун (67) формулада, кўп қаватли ромлар учун (68), (69) ва (75) формулаларда пастки ёки устки ригеллар колонналарга ошиқ-мошиқлар билан маҳкамланганда  $p = 0$  ёки  $n = 0$  ( $J_i = 0$  ёки  $J_s = 0$ ) деб, бикр маҳкамланганда  $p = 50$  ёки  $n = 50$  ( $J_i = \infty$  ёки  $J_s = \infty$ ) деб олинади. Бунда (67) формулада  $\mu$  коэффициент иккига тенг деб олинади, бўш ромлар учун (68), (69) формулалар ва бўш бўлмаган ромлар учун (75) формула соддалаштирилиши мумкин (12-жадвалнинг айрим ҳолатларига қаранг).

Нисбат  $H / B > 6$  бўлганда (бу ерда  $H$  – кўп қаватли ромнинг тўлиқ баландлиги,  $B$  – ром кенглиги) ромнинг заминда қисилган таркибли ўзак сифатидаги умумий турғунлиги текширилиши лозим.

8.14 Бинонинг бир қаватли бўш роми текислигидаги энг кўп юкланган колоннанинг ҳисобий узунлиги коэффициентлари  $\mu$  устки тугунлар нотекис юкланганда ва қопламанинг

бикр диски ёки барча колонналарнинг юқорисида бўйлама боғламалар мавжуд бўлганда куйидаги формула бўйича аниқланиши керак:

$$\mu_{ef} = \mu \sqrt{J_c \sum N_i / (N_c \sum J_i)} \geq 0,7, \quad (78)$$

бу ерда  $\mu$  – текширилаётган колонна ҳисобий узунлигининг 12-жадвал бўйича ҳисоблаб топилган коэффициентини;

$J_c$  ва  $N_c$  – кўрилаётган ромнинг энг кўп юкланган колоннасидаги кесимнинг инерция моменти ва куч;

$\sum N_i$ ,  $\sum J_i$  – тегишли равишда кўрилаётган ром ва кўшни тўрт ром (ҳар томондан иккитадан) ҳисобий кучлари ва кесимлар инерция моментларининг йиғиндиси;

барча кучлар  $N_i$  ни юкланишларнинг текширилаётган колоннада куч ҳосил қилувчи айна бир бирикмасида топиш керак.

#### 11-жадвал

Таркибли конструкцияларнинг элементлари	Ҳисобий узунлик $l_{ef}$
1. Мазкур жадвалнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилганлардан ташқари	$l$
2. Қирқилмаган (тугунларда узилмайдиган) ва тугунларда шарсимон ёки цилиндрсимон элементларга пайвандлаш йўли билан тақаб маҳкамланувчи белбоғлар	0,85l
3. Тугунларда бир токчага маҳкамланувчи якка бурчаклардан:	
а) элемент бўйлаб жойлашган пайванд чоклари ёки болтлар (камида иккита) билан, бунда $l / i_{min}$ :	
90 гача	$l$
90 дан 120 гача	0,9l
120 дан 150 гача (фақат панжара элементлари учун)	0,75l
150 дан 200 гача (фақат панжара элементлари учун)	0,7l
б) битта болт билан, бунда $l / i_{min}$ :	
90 гача	$l$
90 дан 120 гача	0,95l
120 дан 150 гача (фақат панжара элементлари учун)	0,85l
150 дан 200 гача (фақат панжара элементлари учун)	0,8l
бу ерда $l$ – элементнинг геометрик узунлиги (таркибли конструкция тугунлари ўртасидаги масофа).	

8.15 Ром текислигида поғонасимон колонналар айрим қисмларининг ҳисобий узунлиги коэффициентлари  $\mu$   $J$  иловага мувофиқ аниқланиши лозим.

Бир қаватли ишлаб чиқариш бинолари ромларининг поғонасимон колонналари учун ҳисобий узунлик коэффициентлари  $\mu$  ни аниқлашда руҳсат этилади:

кўшни колонналарнинг юкланиш ва бикрлик даражаси таъсирини ҳисобга олмаслик;


колонналарнинг ҳисобий узунликларини фақат юкланишларнинг колонналар айрим қисмларида бўйлама кучларнинг энг катта қийматларини берувчи бирикмаси учун аниқлаш ва  $\mu$  нинг олинган қийматларидан юкланишларнинг бошқа бирикмалари учун фойдаланиш;

кўп (икки ёки ундан ортик) ораликли ромлар учун қопламанинг барча колонналарни юқоридан туриб боғловчи ва иншоотнинг кўламли ишлашини таъминловчи бикр диски ёки бўйлама боғламалар мавжуд бўлганда, колонналарнинг ҳисобий узунликларини ригеллар сатҳида ҳаракатсиз маҳкамланган устунлар учун сингари аниқлаш;

бир поғонали колонналар учун  $l_2 / l_1 \leq 0,6$  ва  $N_1 / N_2 \geq 3$  шартларга риоя этилганда  $\mu$  қийматларини 13-жадвалдан олиш.

12-жадвал

Бўш ромларнинг ҳисобий схемалари	$\mu$ коэффициентни аниқлаш учун формулалар	$n$ ва $p$ коэффициентлар	
		бир ораликли ромлар учун	кўп ораликли ромлар учун ( $k \geq 2$ )
Бўш ромлар			
	$\mu = 2\sqrt{1 + \frac{0,38}{n}} \quad (66)$	$n = \frac{J_s l_c}{J_c l}$	$n = \frac{k(n_1 + n_2)}{k + 1}$
	$\mu = \sqrt{\frac{n + 0,56}{n + 0,14}} \quad (67)$		
	$\mu = \frac{(p + 0,68)\sqrt{n + 0,22}}{\sqrt{0,68 p(p + 0,9)(n + 0,08) + 0,1n}}; \quad (68)$	Устки қават	
		$n = \frac{J_s l_c}{J_c l};$	$n = \frac{2k(n_1 + n_2)}{k + 1};$
		$p = \frac{J_i l_c}{2J_c l}$	$p = \frac{k(p_1 + p_2)}{k + 1}$
		Ўрта қават	
	$n = \frac{J_s l_c}{2J_c l};$	$n = \frac{k(n_1 + n_2)}{k + 1};$	
	$p = \frac{J_i l_c}{2J_c l}$	$p = \frac{k(p_1 + p_2)}{k + 1}$	
	Пастки қават		
	$n = \frac{J_s l_c}{2J_c l};$	$n = \frac{k(n_1 + n_2)}{k + 1};$	
	$p = \frac{J_i l_c}{J_c l}$	$p = \frac{2k(p_1 + p_2)}{k + 1}$	
Айрим ҳолатлар	$\mu = 2,15\sqrt{\frac{n + 0,22}{n}} \quad (70)$	$0,03 \leq n \leq 0,2$	$p = 0$
	$\mu = 2,0\sqrt{\frac{n + 0,28}{n}} \quad (71)$	$n > 0,2$	
	$\mu = \frac{(p + 0,63)}{\sqrt{p(p + 0,9) + 0,1}} \quad (72)$	$n = 50$	$0,03 < p < 50$
	$\mu = 1,21\sqrt{\frac{n + 0,22}{n + 0,08}} \quad (73)$	$0,03 \leq n \leq 0,2$	$p = 50$
	$\mu = \sqrt{\frac{n + 0,28}{n}} \quad (74)$	$n > 0,2$	

Бўш ромларнинг ҳисобий схемалари	$\mu$ коэффициентни аниқлаш учун формулалар	$n$ ва $p$ коэффициентлар	
		бир оралиқли ромлар учун	кўп оралиқли ромлар учун ( $k \geq 2$ )
Бўш бўлмаган ромлар			
	$\mu = \sqrt{\frac{1 + 0,46(p + n) + 0,18pn}{1 + 0,93(p + n) + 0,71pn}} \quad (75)$	Устки қават	
		$n = n_1;$ $p = 0,5p_1$	$n = n_1 + n_2;$ $p = 0,5(p_1 + p_2)$
		Ўрта қават	
		$n = 0,5n_1;$ $p = 0,5p_1$	$n = 0,5(n_1 + n_2);$ $p = 0,5(p_1 + p_2)$
		Пастки қават	
		$n = 0,5n_1;$ $p = p_1$	$n = 0,5(n_1 + n_2);$ $p = p_1 + p_2$
Айрим ҳолатлар	$\mu = \sqrt{\frac{1 + 0,46n}{1 + 0,93n}} \quad (76)$	$p = 0$	
	$\mu = \sqrt{\frac{1 + 0,39n}{2 + 1,54n}} \quad (77)$	$p = 50$	
<p>12-жадвалда қабул қилинган белгилар:</p> <p><math>J_{s1}, J_{s2}</math> ва <math>J_{i1}, J_{i2}</math> – текширилаётган колоннанинг тегишинча устки ва пастки учига туташувчи ригеллар кесимининг инерция моментлари;</p> <p><math>J_c, l_c</math> – текширилаётган колоннанинг тегишинча кесим инерция моменти ва узунлиги;</p> <p><math>l, l_1, l_2</math> – ром оралиқлари;</p> <p><math>k</math> – оралиқлар сони;</p> $n_1 = \frac{J_{s1}l_c}{J_c l_1}; n_2 = \frac{J_{s2}l_c}{J_c l_2}; p_1 = \frac{J_{i1}l_c}{J_c l_1}; p_2 = \frac{J_{i2}l_c}{J_c l_2}$ <p>Изоҳ:</p> <p>1. Кўп оралиқли бўш ромнинг чекка колоннаси учун <math>\mu</math> коэффициент <math>p</math> ва <math>n</math> қийматларида бир оралиқли ром колонналари учун сингари аниқланади.</p> <p>2. (75) формулада <math>p</math> ва <math>n</math> бир қаватли бир оралиқли ромда қуйидагиларга тенг деб олинади:</p> $p = \frac{J_{i1}l_c}{J_c l}; n = \frac{J_{s1}l_c}{J_c l};$			

8.16 Бино бўйлаб йўналишдаги колонналарнинг (ромлар текислигидан) ҳисобий узунликлари ром текислигидан силжишдан маҳкамланган нуқталар (колонналар, кран ости тўсинлари ва тўсин ости фермаларининг таянчлари; боғламалар ва ригелларни маҳкамлаш тугунлари ва ш.к.) ўртасидаги масофаларга тенг деб олиниши лозим. Ҳисобий узунликларни колонналарнинг учларини маҳкамлаш ҳақиқий кучларини ҳисобга олувчи ҳисобий схема асосида аниқлашга йўл қўйилади.

8.17 Транспортерли галереялар ясси таянчлари тармоқларининг ҳисобий узунлиги қуйидагига тенг деб олиниши керак:

галереянинг бўйлама йўналишида – таянч баландлигининг (асос остидан ферма ёки тўсин пастки белбоғининг ўқигача) ўзгармас кесимли устунлар учун уларнинг учларини маҳкамлаш шароитларига қараб аниқланадиган  $\mu$  коэффицентга кўпайтмасига;

кўндаланг йўналишда (таянч текислигида) – тугунларнинг марказлари ўртасидаги масофага, бунда таянчнинг заминда қисилган ва юқорида эркин таркибли ўзак сифатидаги умумий турғунлиги ҳам текширилиши лозим.

8.18 Сиқилган ва чўзилган элементларнинг чегаравий эгилувчанлиги  $K$  иловадан олиниши керак.

### 13-жадвал

Колоннанинг устки учини маҳкамлаш шароитлари	Колонна қисми учун $\mu$ коэффицентлари		
	қуйи қисм, бунда $J_2/J_1$		юқори қисм
	0,1 дан 0,3 гача	0,05 дан 0,1 гача	
Бўш уч	2,5	3,0	3,0
Фақат бурилишдан бошлаб маҳкамланган уч	2,0	2,0	3,0
Ҳаракатсиз, ошиқ-мошиққа тиралган уч	1,6	2,0	2,5
Ҳаракатсиз, бурилишдан бошлаб маҳкамланган уч	1,2	1,5	2,0

бу ерда  $l_1; J_1; N_1$  – тегишли равишда колонна қуйи қисмининг узунлиги, кесим инерция моменти ва бу ерда таъсир этувчи бўйлама куч;  
 $l_2; J_2; N_2$  – тегишли равишда колонна юқори қисмининг узунлиги, кесим инерция моменти ва бу ерда таъсир этувчи бўйлама куч.

## 9 БУКИЛУВЧИ ВА СИҚИЛГАН ЭЛЕМЕНТЛАР ДЕВОРЛАРИ ВА ВАРАҚСИМОН БЕЛБОҒЛАРИНИНГ ТУРҒУНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

### Тўсинларнинг деворлари

9.1 Тўсинларнинг деворлари уларнинг турғунлигини таъминлаш учун маҳкамланиши лозим:

деворнинг бутун баландлигига қўйилган кўндаланг асосий қовурғалар билан;

кўндаланг асосий ва бўйлама қовурғаралар билан;

кўндаланг асосий ва оралик калта қовурғалар ва бўйлама қовурға билан (бунда оралик калта қовурғалар сиқилган белбоғ ва бўйлама қовурға ўртасида жойлаштирилиши керак).

Деворнинг белбоғлар ва қўшни кўндаланг асосий бикрлик қовурғалари ўртасидаги тўғри бурчакли бўлимлари (пластиналар) турғунликка ҳисобланиши лозим. Бунда қуйидагилар текширилаётган пластинанинг ҳисобий ўлчамлари ҳисобланади:

$a$  – кўндаланг асосий қовурғаларнинг ўқлари ўртасидаги масофа;

$h_{ef}$  – деворнинг ҳисобий баландлиги (12-расм), у прокатли профиллардан тузилган тўсинларда ички бурилишлар бошланган жойлар ўртасидаги масофага, пайвандланган тўсинларда деворнинг тўлиқ баландлигига, белбоғлар ўта мустаҳкам болтлар билан уланган тўсинларда белбоғли бурчакларнинг тўсин ўқига энг яқин четлари ўртасидаги масофага, букилган профилларда (13-расм) – букилишларнинг четлари ўртасидаги масофага тенг;

$t$  – деворнинг қалинлиги.

9.2 Тўсинларнинг деворларини турғунликка ҳисоблаш кучланганлик ҳолатининг барча компонентлари ( $\sigma$ ,  $\tau$  ва  $\sigma_{loc}$ )ни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

$\sigma$ ,  $\tau$  ва  $\sigma_{loc}$  кучланишлар материал брутто кесимда эгилувчан ишлаши тахмин қилиниб,  $\varphi_b$  коэффицентни ҳисобга олмасдан аниқланиши лозим.

9.3 Деворнинг ҳисобий чегараси яқинидаги «мусбат» белги билан олинadиган сиқувчи кучланиш  $\sigma$  ва ўртача уринма кучланиш  $\tau$  қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши лозим:

$$\sigma = \frac{M}{J_x} y; \tag{79}$$

$$\tau = \frac{Q}{th}, \tag{80}$$

бу ерда  $h$  – деворнинг тўлиқ баландлиги;

$M$  ва  $Q$  – бўлим доирасидаги момент ва кўндаланг кучнинг ўртача қийматлари;


агар бўлимнинг узунлиги унинг ҳисобий баландлигидан катта бўлса,  $M$  ва  $Q$  кўпроқ даражада кучланган қисм учун бўлим баландлигига тенг узунлик билан ҳисоблаб чиқарилиши керак;

агар бўлим доирасида момент ёки кўндаланг куч белгисини ўзгартирса, уларнинг ўртача қийматлари бўлим қисмида битта белги билан ҳисобланиши лозим.


Жамланган юкланиш остидаги деворда  $\sigma_{loc}$  маҳаллий кучланиш ушбу меъёрларнинг 7.13 ва 15.38-бандлари талабларига мувофиқ аниқланиши керак ( $\gamma_{fl} = 1,1$  бўлганда).

Жамланган юкланиш чўзилган белбоққа берилган бўлимларда бир вақтнинг ўзида кучланган ҳолатнинг икки компоненти:  $\sigma$  ва  $\tau$  ёки  $\sigma_{loc}$  ва  $\tau$  ҳисобга олиниши лозим.

Белбоғ бир ёклама чоклари деворларнинг турғунлиги текширилганда (81) формула чап қисмининг қийматлари  $\bar{\lambda}_w < 3,8$  бўлганда 0,9% дан ва  $\bar{\lambda}_w \geq 3,8$  бўлганда % дан ошмайдиган тўсинларда қўлланиши керак.



12-расм. Таркибли тўсин деворнинг ҳисобий баландлиги



13-расм. Букилган профиллар кўндаланг кесимларининг схемалари

9.4 Агар (29) формула шартлари бажарилганда деворнинг шартли эгилювчанлиги

$$\bar{\lambda}_w = \frac{h_{ef}}{t} \sqrt{\frac{R_y}{E}}$$

қуйидаги қийматлардан ошмаса, тўсинлар деворларининг турғунлигини текшириш талаб этилмайди:

3,5 – икки томонли белбоғли чокларга эга тўсинларда маҳаллий кучланишлар мавжуд бўлмаганда;

3,2 – бир томонли белбоғли чокларга эга тўсинларда маҳаллий кучланишлар мавжуд бўлмаганда;

2,5 – икки томонли белбоғли чокларга эга тўсинларда маҳаллий кучланишлар мавжуд бўлганда.

9.10; 9.12 ва 9.13-бандларнинг талабларига мувофиқ кўндаланг асосий қовурғалар ўрнатилиши лозим.

9.5 Фақат кўндаланг асосий бикрлик қовурғалари билан маҳкамланган симметрик кесимли тўсинларнинг деворларини турғунликка ҳисоблаш, маҳаллий кучланиш мавжуд бўлмаганда ( $\sigma_{loc} = 0$ ) ва деворнинг шартли эгилувчанлиги  $\bar{\lambda}_w \leq 6$  бўлганда қуйидаги формула бўйича бажарилиши керак:

$$\sqrt{(\sigma/\sigma_{cr})^2 + (\tau/\tau_{cr})^2} / \gamma_c \leq 1, \quad (81)$$

бу ерда  $\gamma_c$  – ушбу меъёрларнинг F иловасидан олинандиган коэффициент;

$$\sigma_{cr} = \frac{c_{cr} R_y}{\bar{\lambda}_w^2}; \quad (82)$$

$$\tau_{cr} = 10,3 \left( 1 + \frac{0,76}{\mu^2} \right) \frac{R_s}{\bar{\lambda}_{ef}^2}. \quad (83)$$

(82) формулада  $c_{cr}$  коэффициент олиниси лозим:

пайвандланган тўсинлар учун – 14-жадвалдан  $\delta$  коэффициент қийматига қараб:

14-жадвал

$\delta$	$\leq 0,8$	1,0	2,0	4,0	6,0	10,0	$\geq 30$
$c_{cr}$	30,0	31,5	33,3	34,6	34,8	35,1	35,5

$$\delta = \beta \frac{b_f}{h_{ef}} \left( \frac{t_f}{t} \right)^3, \quad (84)$$

бу ерда  $b_f$  ва  $t_f$  – тўсин сиқилган белбоғининг кенглиги ва қалинлиги;

$\beta$  – 15-жадвалдан олинувчи коэффициент; ўта мустаҳкам болтлардаги тўсинлар учун  $c_{cr} = 35,2$ .

15-жадвал

Тўсинлар	Сиқилган белбоғнинг иш шароитлари	$\beta$
Кран ости элементлари	Кран рельслари пайвандланмаган	2
	Кран рельслари пайвандланган	$\infty$
Бошқа элементлар	Плиталар узлуксиз тиралганда	$\infty$
	Бошқа ҳолларда	0,8

Изоҳ. Жамланган юкланиш чўзилган белбоққа берилган кран ости тўсинларининг бўлимлари учун  $\delta$  коэффициентни ҳисоблашда  $\beta = 0,8$  деб олиниси керак.



(83) формулада

$$\bar{\lambda}_{ef} = \frac{d}{t} \sqrt{\frac{R_y}{E}},$$

бу ерда  $d$  – пластина томонларидан энг кичиги ( $h_{ef}$  ёки  $a$ );

$\mu$  – пластика катта томонининг кичик томонига нисбати.

9.6 Пластик деформациялар ривожланишини ҳисобга олган ҳолда симметрик кесимли тўсинларнинг деворларини турғунликка ҳисоблаш маҳаллий кучланиш мавжуд бўлмаганда ( $\sigma_{loc} = 0$ ) ва  $\tau \leq 0,9R_s$ ,  $A_f/A_w \geq 0,25$ ;  $2,2 < \bar{\lambda}_w \leq 6$  бўлганда, қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$M/h^2_{ef} t (A_f/A_w + \alpha) R_y \gamma_c \leq 1, \quad (85)$$

бу ерда  $\alpha = 0,24 - 0,15(\tau/R_s)^2 - 8,5 \cdot 10^{-3}(\bar{\lambda}_w - 2,2)^2$ ,

бунда  $\gamma_c$  F иловадан олинади,  $\tau$  эса (80) формула бўйича аниқланиши керак.

9.7 Фақат кўндаланг асосий бикрлик қовурғалари билан маҳкамланган симметрик кесимли тўсинларнинг деворларини (14-расм) турғунликка ҳисоблаш, маҳаллий кучланиш мавжуд бўлмаганда ( $\sigma_{loc} \neq 0$ ) қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\sqrt{\left(\frac{\sigma}{\sigma_{cr}} + \frac{\sigma_{loc}}{\sigma_{loc,cr}}\right)^2 + \left(\frac{\tau}{\tau_{cr}}\right)^2} / \gamma_c \leq 1, \quad (86)$$

бу ерда  $\gamma_c$  – ушбу меъёрларнинг F иловасидан олинади;

$\sigma$ ;  $\sigma_{loc}$ ;  $\tau$  – 9.2-банд талабларига мувофиқ аниқланади;

$\tau_{cr}$  – (83) формула бўйича аниқланади;

(86) формулада  $\sigma_{cr}$  ва  $\sigma_{loc,cr}$  қийматлари аниқланиши лозим:

а)  $a/h_{ef} \leq 0,8$  бўлса,  $\sigma_{cr}$  – (82) формула бўйича;

$$\sigma_{loc,cr} = \frac{c_1 R_y}{\bar{\lambda}^2 a}, \quad (87)$$

бу ерда  $c_1$  – пайвандланган тўсинлар учун  $a/h_{ef}$  нисбатга ва (84) формула бўйича аниқланувчи  $\delta$  қийматига қараб 16-жадвалдан, ўта мустаҳкам болтлардаги тўсинлар учун эса – 17-жадвалдан олинувчи коэффициент;

$$\bar{\lambda}_a = \frac{a}{t} \sqrt{R_y/E}.$$


Агар чўзилган белбоғ юкланган бўлса, девор фақат  $\sigma_{loc}$  ва  $\tau$  ни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланганда,  $\delta$  коэффициентни (84) формула бўйича аниқлашда  $b_f$  ва  $t_f$  юкланган чўзилган белбоғнинг тегишинча кенлиги ва қалинлиги деб олинади керак;

16-жадвал

$\delta$	$a / h_{ef}$ қуйдагига тенг бўлганда, пайвандланган тўсинлар учун $c_1$ қийматлари								
	$\leq 0,5$	0,6	0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	1,8	$\geq 2,0$
$\leq 1$	11,5	12,4	14,8	18,0	22,1	27,1	32,6	38,9	45,6
2	12,0	13,0	16,1	20,4	25,7	32,1	39,2	46,5	55,7
4	12,3	13,3	16,6	21,6	28,1	36,3	45,2	54,9	65,1
6	12,4	13,5	16,8	22,1	29,1	38,3	48,7	59,4	70,4
10	12,4	13,6	16,9	22,5	30,0	39,7	51,0	63,3	76,5
$\geq 30$	12,5	13,7	17,0	22,9	31,0	41,6	53,8	68,2	83,6

17-жадвал

$a / h_{ef}$	0,5	0,6	0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	1,8	2,0
$c_1$	13,7	15,9	20,8	28,4	38,7	51,0	64,2	79,8	94,9



14-расм. Кўндаланг асосий қовурғалар билан мустаҳкамланган тўсин схемаси  
 а – жамланган куч  $F$  сиқилган белбоққа берилган; б – жамланган куч чўзилган белбоққа берилган

б)  $a/h_{ef} > 0,8$  ва  $\sigma_{loc}/\sigma$  нисбат 18-жадвалда кўрсатилган қийматлардан катта бўлса,  $\sigma_{cr}$  – қуйидаги формула бўйича:

$$\sigma_{cr} = \frac{c_2 R_y}{\bar{\lambda}_w^2}, \quad (88)$$

бу ерда  $c_2$  – 19-жадвалдан аниқланувчи коэффициент;

$\sigma_{loc,cr}$  – (87) формула бўйича, унда  $a/h_{ef} > 2$  бўлганда  $a = 2h_{ef}$  деб олиниши керак;

в)  $a/h_{ef} > 0,8$  бўлганда ва  $\sigma_{loc}/\sigma$  нисбат 18-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ортиқ бўлмаганда:

$\sigma_{cr}$  – (82) формула бўйича;

$\sigma_{loc,cr}$  – (87) формула бўйича, бироқ  $\bar{\lambda}_a$  ни аниқлашда (87) формулада ва 16-жадвалда  $a$  ўрнига  $0,5a$  ни қўйган ҳолда.

Барча ҳолларда  $\tau_{cr}$  бўлимнинг ҳақиқий ўлчамларига кўра аниқланиши лозим.

18-жадвал

Тўсинлар	$\delta$	$a / h_{ef}$ қуйидагига тенг бўлганда, $\sigma_{loc}$ чегаравий қийматлари							
		0,8	0,9	1,0	1,2	1,4	1,6	1,8	$\geq 2,0$
Пайвандланган	$\leq 1$	0	0,146	0,183	0,267	0,359	0,445	0,540	0,618
	2	0	0,109	0,169	0,277	0,406	0,543	0,652	0,799
	4	0	0,072	0,129	0,281	0,479	0,711	0,930	1,132
	6	0	0,066	0,127	0,288	0,536	0,874	1,192	1,468
	10	0	0,059	0,122	0,296	0,574	1,002	1,539	2,154
	$\geq 30$	0	0,047	0,112	0,300	0,633	1,283	2,249	3,939
Ўта мустаҳкам болтларда	-	0	0,121	0,184	0,378	0,643	1,131	1,614	2,347

19-жадвал

$a / h_{ef}$	$\leq 0,8$	0,9	1,0	1,2	1,4	1,6	1,8	$\geq 2,0$
$c_2$	14-жадвал бўйича, яъни $c_2 = c_{cr}$	37,0	39,2	45,2	52,8	62,0	72,6	84,7

9.8 Кўндаланг асосий қовурғалардан ташқари бўлимнинг ҳисобий (сиқилган) чегарасидан  $h_1$  масофада жойлашган битта бўйлама бикрлик қовурғаси билан маҳкамланган симметрик кесимли тўсин деворида (15-расм) мазкур қовурға бўлимни ажратиб турган пластиналарнинг иккаласи алоҳида ҳисобланиши лозим:

а) сиқилган белбоғ ва бўйлама қовурға ўртасида жойлашган 3 пластина қуйидаги формула бўйича:

$$\left[ \frac{\sigma}{\sigma_{cr1}} + \frac{\sigma_{loc}}{\sigma_{loc,cr1}} + \left( \frac{\tau}{\tau_{cr1}} \right)^2 \right] / \gamma_c \leq 1, \quad (89)$$

бу ерда  $\gamma_c$  ушбу меъёрларнинг F иловасидан олинishi,  $\sigma$ ,  $\sigma_{loc}$  ва  $\tau$  эса 9.2-банд талабларига мувофиқ аниқланиши керак.

$\sigma_{cr1}$  ва  $\sigma_{loc,cr1}$  қийматлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши лозим:

бунда  $\sigma_{loc} = 0$

$$\sigma_{cr1} = \frac{4,76 R_y}{1 - h_1/h_{ef} \bar{\lambda}_1^2}, \quad (90)$$


бу ерда  $\bar{\lambda}_1 = \frac{h_1}{t} \sqrt{\frac{R_y}{E}}$ ;

бунда  $\sigma_{loc} \neq 0$  ва  $\mu_1 = a/h_1 \leq 2$

$$\sigma_{cr1} = \frac{1,19 \nu R_y}{1 - h_1/h_{ef} \bar{\lambda}_1^2}, \quad (91)$$

$$\sigma_{loc,cr1} = (1,24 + 0,476 \mu_1) \nu \frac{R_y}{\bar{\lambda}_a^2}, \quad (92)$$

$$\left. \begin{aligned} \text{бу ерда } \psi &= \left( \mu_1 + \frac{1}{\mu_1} \right)^2; \\ \bar{\lambda}_a &= \frac{a}{t} \sqrt{\frac{R_y}{E}}. \end{aligned} \right\} \quad (93)$$



15-расм. Кўндаланг асосий қовурғалар ва бўйлама бикрлик қовурғаси билан маҳкамланган тўсин схемаси

а – сиқилган белбоққа берилган жамланган куч  $F$ ; б – чўзилган белбоққа берилган жамланган куч  $F$ ; 1 – кўндаланг асосий бикрлик қовурғаси; 2 – бўйлама бикрлик қовурғаси; 3 – сиқилган белбоғ ёнидаги пластина; 4 – чўзилган беобоғ ёнидаги пластина

Агар  $a/h_1 > 2$  бўлса,  $\sigma_{cr1}$  ва  $\sigma_{loc,cr1}$  ни ҳисоблашда  $a = 2h_1$  деб олиниши;  $\tau_{cr1}$  (83) формула бўйича унга текширилатган пластина ўлчамларини киритиш йўли билан аниқланаши лозим;

б) бўйлама қовурға ва чўзилган белбоғ ўртасида жойлашган 4 пластина қуйидаги формула бўйича:

$$\sqrt{\left[ \frac{\sigma(1 - 2h_1/h_{ef})}{\sigma_{cr2}} + \frac{\sigma_{loc2}}{\sigma_{loc,cr2}} \right]^2 + \left( \frac{\tau}{\tau_{cr2}} \right)^2} / \gamma_c \leq 1, \quad (94)$$

$$\text{бу ерда } \sigma_{cr2} = \frac{5,43 R_y}{(0,5 - h_1/h_{ef})^2 \bar{\lambda}_w^2}; \quad (95)$$

$\sigma_{loc,cr2}$  – (87) формула ва 16-жадвал бўйича,  $\delta = 0,8$  бўлганда  $a/h_{ef}$  нисбат қийматини  $a/(h_{ef} - h_1)$  қиймати билан алмаштирган ҳолда аниқланиши керак;

$\tau_{cr2}$  – (83) формула бўйича, унга текширилатган пластина ўлчамларини киритган ҳолда аниқланиши керак;

$\sigma_{loc2} = 0,4\sigma_{loc}$  – сиқилган белбоққа куч берилганда (15-расм, а);

$\sigma_{loc2} = \sigma_{loc}$  – чўзилган белбоққа куч берилганда (15-расм, б).


$\gamma_c$  коэффициент ушбу меъёрларнинг F иловасидан аниқланиши лозим.

9.9 3 пластина қўшимча калта қўндаланг қовурғалар билан маҳкамланганда улар бўйлама қовурғача етказилиши керак (16-расм).

Бу ҳолда 3 пластинани ҳисоблаш (89) ÷ (93) формулалар бўйича бажарилиши, уларда  $a$  катталиқ  $a_1$  катталиқ билан алмаштирилиши керак, бу ерда  $a_1$  – қўшни калта қовурғаларнинг ўқлари ўртасидаги масофа (16-расм); 4 пластинани ҳисоблаш 9.7-банд, б талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

9.10 Носимметрик кесимли (янада ривожланган сиқилган белбоғли) тўсинларнинг деворларини турғунликка ҳисоблаш 9.4, 9.6 ÷ 9.8-бандларнинг формулалари бўйича, қуйидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим:

фақат қўндаланг бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланган деворлар учун, (82) ва (88) формулаларда ва 19-жадвалда  $h_{ef}$  қиймати бўлимнинг нейтрал ўқидан ҳисобий (сиқилган) чегарасигача бўлган масофанинг иккиланмасига тенг деб олиними керак.  $a/h_{ef} > 0,8$  ва  $\sigma_{loc} \neq 0$  бўлса, 9.6, б ва 9.6, в бандларда кўрсатилган иккала ҳисоблаш  $\sigma_{loc}/\sigma$  қийматидан қатъи назар бажарилиши лозим;



16-расм. Қўндаланг асосий бикрлик қовурғалари билан (1), девор бўлимини сиқилган белбоғ ёнидаги пластина (3) ва чўзилган белбоғ ёнидаги пластинага (4) ажратувчи бўйлама бикрлик қовурғаси (2), шунингдек калта бикрлик қовурғалари (5) билан мустаҳкамланган тўсин схемаси

қўндаланг қовурғалар ва сиқилган зонада жойлашган битта бўйлама қовурға билан мустаҳкамланган деворлар учун:

а) (90), (91) ва (94) формулаларга  $h_1/h_{ef}$  ўрнига  $\alpha h_1/2h_{ef}$  киритилиши лозим;

б) (95) формулага  $(0,5 - h_1/h_{ef})$  ўрнига  $\left(\frac{1}{\alpha} - \frac{h_1}{h_{ef}}\right)$  киритилиши керак.

Бунда  $\alpha = \frac{\sigma - \sigma_t}{\sigma}$ ,

бу ерда  $\sigma_t$  - бўлимнинг ҳисобий чегараси яқинидаги четки (“манфий” белгили) чўзувчи кучланиш.

Ривожланган (юкланмаган) белбоғ билан боғлиқ ҳолда, турғунликка ҳисоблаш  $\sigma$  ва  $\tau$  кучланишлар бир вақтда таъсир этганда (97) формула бўйича бажарилиши лозим.

9.11 Деворларнинг тўсинлари қўндаланг бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланиши лозим, башарти тўсин деворининг шартли эгилувчанлиги қийматлари  $\bar{\lambda}_w$  ҳаракатчан юкланиш мавжуд бўлмаганда 3,2 дан ва тўсин белбоғида ҳаракатчан юкланиш мавжуд бўлганда 2,2 дан ортиқ бўлса.

Асосий кўндаланг қовурғалар ўртасидаги масофа  $\bar{\lambda}_w > 3,2$  бўлганда  $2h_{ef}$  дан,  $\bar{\lambda}_w \leq 3,2$  бўлганда эса  $2,5h_{ef}$  дан ошмаслиги керак.

Агар тўсин девори 9.4, 9.6 – 9.9-бандларга мувофиқ текширувларни қаноатлантирса ва тўсиннинг умумий турғунлиги 7.16-банд, а ёки 7.16-банд, б талабларини бажариш орқали таъминланган бўлса, қовурғалар ўртасидаги юқорида кўрсатилган масофаларни  $3h_{ef}$  қийматиғача оширишга йўл қўйилади, бунда  $l_{ef}/b$  қийматлари сиқилган белбоғ учун устки белбоққа берилган куч учун 2-жадвал формулалари бўйича аниқланувчи қийматлардан ошмаслиги керак.

Катта ҳаракатсиз жамланган юклар тушувчи жойларда ва таянчларда кўндаланг қовурғалар ўрнатилиши лозим.

Фақат кўндаланг қовурғалар билан мустаҳкамланган деворда уларнинг бўртиб турувчи қисмининг кенглиги  $b_h$  жуфт симметрик қовурға учун  $h_{ef}/30 + 40$  мм дан; бир томонлама қовурға учун  $- h_{ef}/24 + 50$  мм дан кам бўлмаслиги; қовурға қалинлиги  $t_s$   $2b_h \sqrt{R_y/E}$  дан кам бўлмаслиги керак.

Тўсинларнинг деворларини деворга перо билан пайвандланувчи якка бурчаклардан иборат бир томонлама кўндаланг қовурғалар билан мустаҳкамлашга йўл қўйилади. Бундай қовурғанинг унга энг яқин девор қирраси билан мос келувчи ўққа нисбатан ҳисоблаб чиқариладиган инерция моменти жуфт симметрик қовурға учун белгилангандан кам бўлмаслиги керак.

9.12 Девор битта бўйлама қовурға билан мустаҳкамланганда бикрлик қовурғалари кесимларининг зарурий инерция моментлари  $J_s$  аниқланиши лозим:

кўндаланг қовурғалар учун – қуйидаги формула бўйича

$$J_s = 3h_{ef}t^3; \quad (96)$$

бўйлама қовурға учун – 20-жадвал формулалари бўйича унинг чегаравий қийматларини ҳисобга олган ҳолда.

Бўйлама ва кўндаланг қовурғалар деворнинг бир томонида жойлашганда улардан ҳар бири кесимларининг инерция моментлари деворнинг қовурғага энг яқин қирраси билан мос келувчи ўққа нисбатан ҳисоблаб топилади.

Кўндаланг ва бўйлама бикрлик қовурғалари бўртиқ қисмининг минимал ўлчамлари 9.10-банд талабларига мувофиқ олиниши керак.

20-жадвал

$h_1/h_{ef}$	Бўйлама қовурға кесимининг зарурий инерция моменти $J_{sl}$	Чегаравий қийматлар	
		минимал $J_{sl,min}$	максимал $J_{sl,max}$
0,20	$(2,5 - 0,5a / h_{ef}) \times a^2 t^3 / h_{ef}$	$1,5h_{ef}t^3$	$7h_{ef}t^3$
0,25	$(1,5 - 0,4a / h_{ef}) \times a^2 t^3 / h_{ef}$	$1,5h_{ef}t^3$	$3,5h_{ef}t^3$
0,30	$1,5h_{ef}t^3$	-	-


Изоҳ.  $J_{sl}$  оралиқ қийматлар  $h_1/h_{ef}$  учун ҳисобланганда чизиқли интерполяцияга йўл қўйилади.

9.13 Таркибли кесимли тўсин деворининг таянч устидаги қисми у бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланганда текисликдан бўйлама букилишга таянчли реакция билан юкланган устун сингари ҳисобланиши керак.

Мазкур устуннинг ҳисобий кесимига бикрлик қовурғасининг кесими ва қовурғанинг ҳар бир томонидаги деворнинг  $0,65t \sqrt{E/R_y}$  кенгликдаги бўлаклари киритилиши лозим. Устуннинг ҳисобий узунлиги девор баландлигига тенг деб олиниши лозим.

Таянч қовурғаларнинг пастки ён юзалари (17-расм) рандаланган ёки тўсиннинг пастки белбоғи жойига зич мосланган ёки пайвандланган бўлиши керак. Мазкур кесимлардаги кучланишлар таянч реакцияси таъсир этганда ошмаслиги лозим: биринчи ҳолда (17-расм, а) – прокатли пўлатнинг  $a \leq 1,5t$  бўлганда эзилиш  $R_p$  га ва  $a > 1,5t$  бўлганда сиқилиш  $R_y$  га; иккинчи ҳолда (17-расм, б) – эзилиш  $R_p$  га ҳисобий қаршилигидан.

Таянч қовурғаси тўсиннинг пастки белбоғига пайвандланган ҳолда пайванд чоклари таянч реакция таъсирига ҳисобланиши лозим.




17-расм. Таянч бикрлик қовурғаси қурилмасининг схемаси

а – ён юзада рандалаш орқали; б – ён юзадан узоқда пастки белбоғ жойига зич мослаган ёки пайвандлаган ҳолда

9.14 Устки белбоққа жамланган куч берилган ерда жойлашган бир томонлама бикрлик қовурғаси деворнинг ўрта текислигидан устун ҳисобий кесимининг оғирлик марказигача бўлган масофага тенг эксцентриситет билан сиқилган устун сифатида ҳисобланиши лозим. Мазкур устуннинг ҳисобий кесимига бикрлик қовурғасининг кесими ва қовурғанинг ҳар бир томонидаги деворнинг  $0,65t\sqrt{E/R_y}$  кенгликдаги бўлаклари киритилиши керак. Устуннинг ҳисобий узунлиги девор баландлигига тенг деб олиниши лозим.

### Марказда, марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементларнинг деворлари

9.15 Девор ҳисобий баландлигининг қалинликка нисбати  $h_{ef} / t$  марказда сиқилган ( $m = 0$ ), шунингдек 18-расм бўйича марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементларда ( $m > 0$ ), 9.15-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қоида тариқасида,  $\bar{\lambda}_{uw}\sqrt{E/R_y}$  қийматларидан ошмаслиги керак, бу ерда  $\bar{\lambda}_{uw}$  қийматлари 21-жадвалдан аниқланиши лозим.



18-расм. Қўштаврли ва қутисимон кесимли марказдан сиртда сиқилган элементлар схемаси

9.16 (54) формула бўйича ҳисобланувчи қўштаврли ва қутисимон кесимли марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементлар (18-расм) учун девор ҳисобий баландлиги  $h_{ef}$  нинг қалинлик  $t$  га нисбати  $\alpha = (\sigma - \sigma_1) / \sigma$  қийматига қараб

аниқланиши ( $\sigma$  – деворнинг ҳисобий чегараси яқинидаги “мусбат” белгиси билан олинган ва  $\varphi_e, \varphi_{exy}$  ёки  $c\varphi$  коэффициентларни ҳисобга олмасдан аниқланган энг катта сиқувчи кучланиш;  $\sigma_1$  – деворнинг қарама-қарши ҳисобий чегараси яқинидаги тегишли кучланиш) ва қуйидагича аниқланувчи қийматлардан ортиқ олинмаслиги керак:

$\alpha \leq 0,5$  бўлса, ушбу меъёрларнинг 9.14-банди бўйича;

$\alpha \geq 1$  бўлса, қуйидаги формула бўйича:

$$\frac{h_{ef}}{t} = 4,35 \sqrt{\frac{(2\alpha - 1)E}{\sigma(2 - \alpha + \sqrt{\alpha^2 + 4\beta^2})}} \leq 3,8 \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (97)$$

бу ерда  $\beta = 1,4(2\alpha - 1)\frac{\tau}{\sigma}$  (бунда  $\tau = \frac{Q}{th}$  – кўрилаётган кесимдаги ўртача уринма

кучланиш);

$0,5 < \alpha < 1$  бўлса,  $\alpha = 0,5$  ва  $\alpha = 1$  бўлган ҳолатларда ҳисоблаб чиқарилган қийматлар ўртасидаги чизиқли интерполяция билан.

9.17 Қўштаврли ва қутисимон бўлмаган кесимли (таврли кесим бундан мустасно) марказдан сиртдан сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементлар учун  $h_{ef}/t_w$  нисбатларнинг 9.15-бандда белгиланган қийматлари 0,75 коэффициентга кўпайтирилиши лозим.

9.18 Шартли эгилувчанлиги  $\bar{\lambda}$  0,8 дан 4 гача бўлган марказда, марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи таврли кесимли элементлар учун тавр девори ҳисобий баландлигининг қалинликка нисбати  $1 \leq b_f/h_{ef} \leq 2$  бўлганда қуйидаги формула бўйича аниқланувчи қийматлардан ошмаслиги керак:

$$\frac{h_{ef}}{t} = (0,4 + 0,07\bar{\lambda}) \left( 1 + 0,25 \sqrt{2 - \frac{b_f}{h_{ef}}} \right) \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (98)$$

бу ерда  $b_f$  – тавр токчасининг кенглиги;

$h_{ef}$  – тавр деворининг ҳисобий баландлиги.

$\bar{\lambda} < 0,8$  ёки  $\bar{\lambda} > 4$  қийматларда (98) формулада тегишли равишда  $\bar{\lambda} = 0,8$  ёки  $\bar{\lambda} = 4$  деб олиниши керак.

Элемент кесими чегаравий эгилувчанликка мувофиқ тайинланганда, шунингдек ҳисоблаш йўли билан тегишинча асосланганда  $h_{ef}/t$  энг катта қийматлари  $\sqrt{R_y \varphi_m / \sigma}$  коэффициентга кўпайтирилиши лозим (бу ерда  $\varphi_m = \varphi$  ёки  $\varphi_m = \varphi_e$ ,  $\sigma = N/A$ ), аммо бу коэффициент 1,25 дан ошмаслиги керак.

9.19 Қўштаврли кесимли марказдан сиқилган элементларда ҳисобий баландлиги  $h_{ef}$  бўлган ва ўртада жойлашган жуфт бўйлама қовурға билан мустақамланган деворлар учун  $h_{ef}/t$  нинг 9.14-бандда белгиланган қиймати  $J_{sl}/(h_{ef}t^3) \leq 6$  шартларда қуйидаги формула бўйича аниқланувчи коэффициент  $\beta$  га кўпайтирилиши керак:

$$\beta = 1 + 0,4 \frac{J_{sl}}{h_{ef}t^3} \left( 1 - 0,1 \frac{J_{sl}}{h_{ef}t^3} \right) \quad (99)$$

бу ерда  $J_{sl}$  – бўйлама қовурға кесимининг инерция моменти.



Марказдан сиртда сиқилган ёки сиқилган-букилувчи элемент девори инерция моменти  $J_{sl} \geq 6h_{ef}t^3$  бўлган, девор ўртасида жойлашган бўйлама бикрлик қовурғаси билан мустақамланганда, деворнинг белбоғ ва қовурға ўқи ўртасидаги энг кўп юкланган қисми алоҳида пластина сифатида қаралиши ва 9.14 ёки 9.15-бандларнинг талабларига мувофиқ текширилиши лозим.

Қовурға деворнинг бир томонида жойлашган ҳолда унинг инерция моменти деворнинг энг яқин қирраси билан туташ ўққа нисбатан ҳисобланиши керак.

Бўйлама бикрлик қовурғалари элементларнинг ҳисобий кесимларига киритилиши лозим.

Бўйлама қовурға девор гофри кўринишида бажарилган ҳолда  $h_{ef}$  ни ҳисоблашда гофрнинг ёйилган узунлиги ҳисобга олиниши керак.

Бўйлама бикрлик қовурғалари бўртиқ қисмининг минимал ўлчамлари ушбу меъёрларнинг 9.10-банди талабларига мувофиқ олиниши лозим.

9.20  $h_{ef}/t$  ҳақиқий қиймати 9.14-бандга мувофиқ аниқланувчи қийматдан (марказда сиқилган элементлар учун кўпи билан икки баравар) ортиқ бўлган ҳолларда ҳисоблаш формулаларида  $A$  қиймати сифатида девор баландлиги  $h_{red}$  билан бирга ҳисоблаб топилган  $A_{red}$  қиймати олиниши керак (қутисимон кесимда кесим ҳосил қилувчи ва букилиш текислигига тегишинча параллел ва перпендикуляр жойлашган пластиналар учун  $h_{red}$  ва  $h_{red1}$  аниқланади):

$$\text{қўштаврли ва швеллерли кесимлар учун } A_{red} = A - (h_{ef} - h_{red})t;$$

қутисимон кесим учун:

$$\text{марказда сиқилганда } A_{red} = A - 2(h_{ef} - h_{red})t - 2(h_{ef1} - h_{red1})t;$$

марказдан сиртда ва букилиш билан сиқилганда

$$A_{red} = A - 2(h_{ef} - h_{red})t_w.$$

$h_{red}$  қийматлари аниқланиши лозим:

швеллерли кесимли марказда сиқилган элементлар учун қуйидаги формула бўйича:

$$h_{red} = t\bar{\lambda}_{uw}\sqrt{E/R_y}, \quad (100)$$

бу ерда  $\bar{\lambda}_{uw}$  – швеллерли кесимли деворнинг шартли эгилувчанлиги бўлиб, у 21-жадвалдан олинади;

қўштаврли ва қутисимон кесимли марказда сиқилган элементлар учун қуйидаги формула бўйича:

$$h_{red} = t \left[ \bar{\lambda}_{uw} - \left( \frac{\bar{\lambda}_w}{\bar{\lambda}_{uw}} - 1 \right) (\bar{\lambda}_{uw} - k) \right] \sqrt{\frac{E}{R_y}}, \quad (101)$$

бу ерда  $\bar{\lambda}_{uw}$  – тегишли кесимли деворнинг шартли эгилувчанлиги бўлиб, у  $m=0$  бўлганда 21-жадвалдан олинади;

$\bar{\lambda}_w = \frac{h_{ef}}{t} \sqrt{\frac{R_y}{E}}$  – деворнинг шартли эгилувчанлиги бўлиб,  $h_{red1}$  ни ҳисоблашда

$\bar{\lambda}_{w1} = \frac{h_{ef1}}{t_1} \sqrt{\frac{R_y}{E}}$  га тенг деб олинади;

$k$  – коэффициент бўлиб, у қўштаврли кесим учун  $k = 1,2 + 0,15\bar{\lambda}$  га ( $\bar{\lambda} > 3,5$  бўлса,  $\bar{\lambda} = 3,5$  деб олиниси керак) ва қутисимон кесим учун  $k = 2,9 + 0,2\bar{\lambda} - 0,7\bar{\lambda}_w$  га ( $\bar{\lambda}_w > 2,3$  бўлса,  $\bar{\lambda}_w = 2,3$  деб олиниси керак) тенг деб олинади; бу ерда  $\bar{\lambda}$  – элементнинг 21-жадвалдан олинган шартли эгилувчанлиги;

марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементлар учун (101) формула бўйича, бу ерда  $\bar{\lambda}_{uw}$  қиймати 21-жадвалдан,  $k$  қиймати эса  $\bar{\lambda} = \bar{\lambda}_1$  шартга кўра аниқланиши лозим.

Девор ҳисобий баландлигининг кўрсатилган ўзгаришлари фақат (3), (49), (59) ва (60) формулалар бўйича ҳисоблашда  $A$  кесим юзасини аниқлаш учун олиниси керак.

21-жадвал

Нисбий эксцентриситет	Элемент кесими	$\bar{\lambda}$ ва $\bar{\lambda}_1$ қиймати	$\bar{\lambda}_{uw}$ ни аниқлаш учун формулалар
$m = 0$	Қўштаврли	$\bar{\lambda} < 2,0$ $\bar{\lambda} \geq 2,0$	$\bar{\lambda}_{uw} = 1,30 + 0,15 \bar{\lambda}^2$ $\bar{\lambda}_{uw} = 1,20 + 0,35 \bar{\lambda}$ , аммо 2,3 дан ортиқ эмас
	Қутисимон, швеллерли прокатли	$\bar{\lambda} < 1,0$ $\bar{\lambda} \geq 1,0$	$\bar{\lambda}_{uw} = 1,2$ $\bar{\lambda}_{uw} = 1,0 + 0,2 \bar{\lambda}$ , аммо 1,6 дан ортиқ эмас
	Швеллерли; прокатлидан ташқари	$\bar{\lambda} < 0,8$ $\bar{\lambda} \geq 0,8$	$\bar{\lambda}_{uw} = 1,0$ $\bar{\lambda}_{uw} = 0,85 + 0,19 \bar{\lambda}$ , аммо 1,6 дан ортиқ эмас
$m \geq 1,0$	Қўштаврли, қутисимон	$\bar{\lambda}_1 < 2,0$ $\bar{\lambda}_1 \geq 2,0$	$\bar{\lambda}_{uw} = 1,30 + 0,15 \bar{\lambda}_1^2$ $\bar{\lambda}_{uw} = 1,20 + 0,35 \bar{\lambda}_1$ , аммо 3,1 дан ортиқ эмас

21-жадвалда қабул қилинган белгилар:

$\bar{\lambda}$  – элементнинг шартли эгилувчанлиги бўлиб, у турғунликка ҳисоблашда марказда сиқилишга олинади;

$\bar{\lambda}_1$  – элементнинг шартли эгилувчанлиги бўлиб, у турғунликка ҳисоблашда моментнинг амал қилиш текислигида олинади.

Изоҳлар:

1. Қутисимон кесимларга тўғри бурчакли (таркибли, букилган тўғри бурчакли ва квадрат) туташ профиллар киради.

2. Қутисимон кесимда  $m > 0$  бўлганда  $\bar{\lambda}_{uw}$  қиймати букувчи момент текислигига параллел девор учун аниқланиши лозим.

3.  $0 < m < 1,0$  бўлса,  $\bar{\lambda}_{uw}$  қиймати  $m = 0$  ва  $m = 1,0$  шартларда аниқланган қийматлар ўртасидаги чизиқли интерполяция билан аниқланиши лозим.

9.21  $h_{ef}/t \geq 2,3\sqrt{E/R_y}$  бўлса, яхлит колонналарнинг деворлари бири иккинчисидан  $(2,5 \div 3)h_{ef}$  масофада жойлашган кўндаланг бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланиши лозим; жўнатилаётган ҳар бир элементда камида иккита қовурға бўлиши керак.

Кўндаланг бикрлик қовурғалари бўртиқ қисмининг минимал ўлчамлари ушбу меъёрларнинг 9.10-бандига мувофиқ олиниси лозим.

**Марказда, марказдан сиртда сиқилган, сиқилган-букилувчи ва букилувчи элементларнинг varaқсимон белбоғлари (токчалари)**

9.22 Varaқсимон белбоғлар (токчалар) осилмасининг ҳисобий кенглиги  $b_{ef}$  қуйидаги масофага тенг деб олиниси лозим: пайвандли элементларда – девор қиррасидан (бир тарафлама чокларда деворнинг чок томонидаги қиррасидан) varaқсимон белбоғ (токча) четигача бўлган масофага; прокатли профилларда – ички бурилиш бошланган жойдан токча четигача бўлган масофага; букилган профилларда (13-расм) – девор бурилган жойнинг четидан varaқсимон белбоғ (токча) четигача бўлган масофага.

9.23 Шартли эгилувчанлиги  $\bar{\lambda}$  0,8 дан 4 гача бўлган марказда, марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементларда varaқсимон белбоғ (токча) осилмаси ҳисобий кенглиги  $b_{ef}$  нинг қалинлик  $t$  га нисбати 22-жадвал формулалари бўйича аниқланувчи қийматлардан ортиқ олинмаслиги керак.

$\bar{\lambda} < 0,8$  ёки  $\bar{\lambda} > 4$  бўлса, 22-жадвал формулаларида тегишли равишда  $\bar{\lambda} = 0,8$  ёки  $\bar{\lambda} = 4$  олиниси лозим.

22-жадвал

Токча (varaқсимон белбоғ) ва элемент кесимининг тавсифи	$\frac{b_{ef}}{t}$ энг катта нисбатлари
Ҳошияланмаган қўштавр ва тавр	$\frac{b_{ef}}{t} = (0,36 + 0,10\bar{\lambda}) \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
Қовурға билан ҳошияланган қўштавр ва тавр	$\frac{b_{ef}}{t} = (0,54 + 0,15\bar{\lambda}) \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
Ҳошияланмаган тенг токчали бурчаклар ва букилган профиллар (швеллер бундан мустасно)	$\frac{b_{ef}}{t} = (0,40 + 0,07\bar{\lambda}) \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
Тенг токчали бурчаклар ва букилган профиллар қовурғаси билан ҳошияланган	$\frac{b_{ef}}{t} = (0,50 + 0,18\bar{\lambda}) \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
Ҳошияланмаган катта нотенг токчали бурчак ва швеллер токчаси	$\frac{b_{ef}}{t} = (0,43 + 0,08\bar{\lambda}) \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
Қовурға билан ҳошияланган ва планкалар билан кучайтирилган букилган профиллар	$\frac{b_{ef}}{t} = (0,85 + 0,19\bar{\lambda}) \sqrt{\frac{E}{R_y}}$

9.24 Букилувчи элементларда сиқилган белбоғ осилмаси кенглиги  $b_{ef}$  нинг қалинлик  $t$  га нисбати 23-жадвал бўйича аниқланувчи қийматлардан ортиқ олинмаслиги керак.

9.25 Токча ҳошияловчи қовурғасининг токча ўқидан бошлаб ўлчанувчи баландлиги  $a_{ef}$  планкалар билан кучайтирилмаган элементларда (13-расм)  $0,3b_{ef}$  дан, планкалар билан кучайтирилган элементларда эса –  $0,2b_{ef}$  дан кам бўлмаслиги лозим, бунда қовурға қалинлиги  $2a_{ef} \sqrt{R_y/E}$  кам бўлмаслиги керак.

9.26 Қутисимон кесимли марказда сиқилган элементларда белбоғ ҳисобий кенглигининг қалинликка энг катта нисбати  $b_{ef}/t$  21-жадвалдан қутисимон кесимли деворлар учун сингари олиниси лозим.

Қутисимон кесимли марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементларда  $b_{ef}/t$  энг катта нисбати олиниши лозим:

$$m \leq 0,3 \text{ бўлса, марказда сиқилган элементлар учун сингари;}$$

$$m \geq 1,0 \text{ ва } \bar{\lambda} \leq 2 + 0,04m \text{ бўлса, } b_{ef}/t = \sqrt{E/R_y};$$

$$m \geq 1,0 \text{ ва } \bar{\lambda} > 2 + 0,04m \text{ бўлса, } b_{ef}/t = (0,4 + 0,3\bar{\lambda})(1 - 0,01m) \sqrt{\frac{E}{R_y}}.$$

Нисбий эксцентриситет қийматлари  $0,3 < m < 1$  бўлганда,  $b_{ef}/t$  энг катта нисбатлари  $b_{ef}/t$  нинг  $m = 0,3$  ва  $m = 1$  шартларда ҳисоблаб чиқарилган қийматлари ўртасидаги чизикли интерполяция билан аниқланиши лозим.

23-жадвал

Букилувчи элементларни ҳисоблаш	Осилма тавсифи	$\frac{b_{ef}}{t}$ нисбатининг энг катта қийматлари
Эгиловчан деформациялар доирасида	Ҳошияланмаган	$\frac{b_{ef}}{t} = 0,5 \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
	Қовурға билан ҳошияланган	$\frac{b_{ef}}{t} = 0,75 \sqrt{\frac{E}{R_y}}$
Пластик деформациялар ривожланишини ҳисобга олган ҳолда <sup>1)</sup>	Ҳошияланмаган	$b_{ef}/t = 0,11h_{ef}/t_w$ , аммо $0,5\sqrt{E/R_y}$ дан ортиқ эмас
	Қовурға билан ҳошияланган	$b_{ef}/t = 0,16h_{ef}/t_w$ , аммо $0,75\sqrt{E/R_y}$ дан ортиқ эмас
<p><sup>1)</sup> <math>h_{ef}/t_w \leq 2,7\sqrt{E/R_y}</math> бўлса, <math>b_{ef}/t</math> нисбатининг энг катта қиймати олиниши лозим:</p> <p>ҳошияланмаган осилма учун <math>b_{ef}/t = 0,3\sqrt{E/R_y}</math> ;</p> <p>қовурға билан ҳошияланган осилма учун <math>b_{ef}/t = 0,45\sqrt{E/R_y}</math> .</p> <p>23-жадвалда қабул қилинган белгилар:  <math>h_{ef}</math> – тўсиннинг ҳисобий баландлиги;  <math>t_w</math> – тўсин деворининг қалинлиги.</p>		

9.27 Марказда, марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементларнинг кесимлари чегаравий эгиловчанлик бўйича, букилувчи элементларнинг кесимлари эса – чегаравий эгилишлар бўйича тайинланганда, шунингдек ҳисоблаш йўли билан тегишли равишда асосланганда осилма ҳисобий кенглиги қалинликка нисбати  $b_{ef}/t$  нинг энг катта қийматлари  $\sqrt{R_y \varphi_m / \sigma}$  коэффициентга кўпайтирилиши, аммо бу коэффициент 1,25 дан ортиқ бўлмаслиги керак. Бу ерда олиниши лозим:

марказда, марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи элементлар учун:  $\varphi_m$  –  $\varphi, \varphi_e, \varphi_{exy}, c\varphi$  қийматларининг элемент турғунлигини текширишда фойдаланилган жнг кичиги:

$$\sigma = N/A;$$

букилувчи элементлар учун:  $\varphi_m = 1;$

$\sigma$  – икки қиймат  $\sigma = \frac{M}{W\varphi_b}$  ёки  $\sigma = \frac{M_x}{J_x}y \pm \frac{M_y}{J_y}x$  дан каттаси.

## 10 ВАРАҚСИМОН КОНСТРУКЦИЯЛАР ҲИСОБИ

### Мустаҳкамликка ҳисоблаш

10.1 Моментсиз кучланган ҳолатда турган варақсимон конструкциялар (айланиш қобиклари)ни мустаҳкамликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\sqrt{\sigma_x^2 - \sigma_x\sigma_y + \sigma_y^2 + 3\tau_{xy}^2} / R_y \gamma_c \leq 1, \quad (102)$$

бу ерда  $\sigma_x$  ва  $\sigma_y$  – икки ўзаро перпендикуляр йўналишлар бўйича нормал кучланишлар;

$\gamma_c$  – конструкцияларнинг иш шароитлари коэффиценти бўлиб, у sanoat корхоналари иншоотларини лойиҳалаш меъёрларининг талабларига мувофиқ тайинланади.

Бунда асосий кучланишларнинг мутлақ қийматлари ҳисобий қаршилиқларнинг  $\gamma_c$  га қўпайтирилган қийматларидан ортиқ бўлмаслиги керак.

10.2 Суюқлик, газ ёки сочилувчан материал босими остида бўлган юпқа деворли моментсиз айланиш қобиклари (19-расм)даги кучланишлар қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши лозим:

$$\frac{\sigma_1}{r_1} + \frac{\sigma_2}{r_2} = \frac{p}{t}; \quad (103)$$

$$\sigma_1 = \frac{F}{2\pi r t \cos\beta}, \quad (104)$$

бу ерда  $\sigma_1$  ва  $\sigma_2$  – тегишли равишда меридионал ва ҳалқали кучланиш;


$r_1$  ва  $r_2$  – қобик ўрта юзасининг асосий йўналишларидаги эгрилик радиуслари;

$p$  – қобикнинг юза бирлигига тушувчи ҳисобий босим;

$t$  – қобик қалинлиги;

$F$  – қобикнинг  $abc$  қисмига таъсир этувчи тўлиқ ҳисобий босимнинг қобик  $z - z$  ўқиға проекцияси (19-расм);

$r$  ва  $\beta$  – 19-расмда кўрсатилган радиус ва бурчак.



19-расм. Айланиш қобиғи схемаси

10.3 Ички бир текис босим остида бўлган юпқа деворли моментсиз берк айланиш қобикларидаги кучланишлар қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши лозим:

цилиндрсимон қобиклар учун

$$\sigma_1 = \frac{pr}{2t} \text{ ва } \sigma_2 = \frac{pr}{t}; \quad (105)$$

доирасимон қобиклар учун

$$\sigma_1 = \sigma_2 = \frac{pr}{2t}; \quad (106)$$


конуссимон қобиклар учун

$$\sigma_1 = \frac{pr}{2t \cos \beta} \text{ ва } \sigma_2 = \frac{pr}{t \cos \beta}, \quad (107)$$

бу ерда  $p$  – қобикнинг юза бирлигига тушувчи ҳисобий ички босим;

$r$  – қобик ўрта юзасининг радиуси (20-расм);

$\beta$  – конус ҳосил қилувчи ва унинг  $z$ - $z$  ўқи ўртасидаги бурчак (20-расм).



20-расм. Конуссимон айланиш қобиғи схемаси

10.4 Қобикларнинг шакли ёки қалинлиги ўзгарган, шунингдек юкланиш ўзгарган жойларда маҳаллий кучланишлар (қирра эффекти) ҳисобга олиниши лозим.

### Турғунликка ҳисоблаш

10.5 Параллел ҳосил қилувчи билан бир текис сиқилган берк айланали цилиндрсимон айланиш қобикларини турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\sigma_1}{\sigma_{cr1} \gamma_c} \leq 1, \quad (108)$$

бу ерда  $\sigma_1$  – қобикдаги ҳисобий кучланиш;

$\sigma_{cr1} = \psi R_y$  ёки  $cEt/r$  қийматларининг энг кичигига тенг бўлган критик кучланиш (бу ерда  $r$  – қобик ўрта юзасининг радиуси;  $t$  – қобик қалинлиги).

$\psi$  коэффицентларнинг қийматлари  $0 < r/t \leq 300$  бўлганда қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$\psi = 0,97 - \left( 0,00025 + 0,95 \frac{R_y}{E} \right) \frac{r}{t}. \quad (109)$$

$c$  коэффицентларнинг қийматлари 24-жадвалдан аниқланиши керак.

24-жадвал

$r/t$	100	200	300	400	600	800	1000	1500	2500
$c$	0,22	0,18	0,16	0,14	0,11	0,09	0,08	0,07	0,06

Параллел ҳосил қилувчи марказдан сиртда сиқилган ёки диаметрал текисликда соф букилган ҳолда, энг катта момент жойида уринма кучланишлар  $0,07E(t/r)^{3/2}$  қийматларидан ошмаганда,  $\sigma_{cr1}$  кучланиш  $(1,1 - 0,1\sigma'_1/\sigma_1)$  барабар кўпайтирилиши лозим, бу ерда  $\sigma'_1$  – энг кичик кучланиш (чўзувчи кучланиш манфий деб ҳисобланиши керак).

10.6 Сиқилган ёки сиқилган-букилувчи ўзақлар сингари ҳисобланувчи қувурларда, шартли эгилювчанлик  $\bar{\lambda} = \lambda\sqrt{R_y/E} \geq 0,65$  бўлган ҳолда қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$r/t \leq 3,14\sqrt{E/R_y}. \quad (110)$$

Бундай қувурларни турғунликка ҳисоблаш ушбу меъёрлар 7-бўлимнинг талабларига мувофиқ деворларнинг турғунликка ҳисобидан қатъи назар бажарилиши керак.

Агар  $r/t$  қиймати (110) формула бўйича аниқланувчи қийматларнинг ярмидан ошмаса, чоксиз ёки электр пайвандланган қувурларнинг деворларини турғунликка ҳисоблаш талаб этилмайди.

10.7 Икки ҳосил қилувчи ҳамда йўналтирувчининг икки ёйи бўйлаб тиралган, ҳосил қилувчилар ёқалаб бир текис сиқилган цилиндрсимон панель,  $b^2/(rt) \leq 20$  бўлганда (бу ерда  $b$  – йўналтирувчининг ёйи бўйича ўлчанган панкель кенглиги), турғунликка пластина сингари қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланиши лозим:

ҳисобий кучланиш  $\sigma \leq 0,8R_y$  бўлса,

$$\frac{b}{t} \leq 1,9\sqrt{\frac{E}{\sigma}}; \quad (111)$$

ҳисобий кучланиш  $\sigma = R_y$  бўлса,

$$\frac{b}{t} \leq 37/\sqrt{1 + 500\frac{R_y}{E}}; \quad (112)$$

$0,8R_y < \sigma < R_y$  бўлса,  $b/t$  энг катта нисбати чизиқли интерполяция билан аниқланиши лозим.

Агар  $b^2/(rt) > 20$  бўлса, панель турғунликка қобиқ сингари 10.5-банд талабларига мувофиқ ҳисобланиши лозим.

10.8 Берк айланали цилиндрсимон айланиш қобиғини турғунликка ҳисоблаш ён юзага нисбатан нормал бўлган ташқи бир текис босим  $p$  таъсир этганда қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\sigma_2}{\sigma_{cr2}\gamma_c} \leq 1, \quad (113)$$

бу ерда  $\sigma_2 = pr/t$  – қобикдаги ҳисобий ҳалқали кучланиш;

$\sigma_{cr2}$  – критик кучланиш бўлиб, у қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$0,5 \leq l/r \leq 10$  бўлса,

$$\sigma_{cr2} = 0,55E(r/l)(t/r)^{3/2}; \quad (114)$$

$l/r \geq 20$  бўлса,

$$\sigma_{cr2} = 0,17E(t/r)^2; \quad (115)$$

$10 < l/r < 20$  бўлганда,  $\sigma_{cr2}$  кучланиш чизиқли интерполяция билан аниқланиши лозим. Бу ерда  $l$  – цилиндрсимон қобик узунлиги.

Ўқлар ўртасида  $s \geq 0,5 r$  кадамда жойлашган ҳалқали қовурғалар билан мустаҳкамланган аини шу қобик турғунликка (113) ÷ (115) формулалар бўйича, уларга  $l$  ўрнига  $s$  қийматларини қўйиб ҳисобланиши лозим.

Бу ҳолда қовурғанинг ўз текислигида сиқилган ўзак сифатида турғунлиги шарти 7.3-банд талабларига мувофиқ қаноатлантирилиши керак, бунда  $N = prs$  ва ўзакнинг ҳисобий узунлиги  $l_{ef} = 1,8r$ ; аини ҳолда қовурға кесимида қобикнинг қовурға ўқида нисбатан ҳар бир томонда кенглиги  $0,65t\sqrt{E/R_y}$  бўлган қисмлари киритилиши, ўзакнинг шартли эгилувчанлиги  $\bar{\lambda} = \lambda\sqrt{R_y/E}$  6,5 дан ошмаслиги керак.

Бир томонли бикрлик қовурғаси қўлланилганда унинг инерция моменти қобикнинг энг яқин юзаси билан мос келувчи ўққа нисбатан ҳисобланиши лозим.

10.9 Ушбу меъёрларнинг 10.5 ва 10.8-бандларида кўрсатилган кучлар бир вақтда таъсир этувчи берк айланали цилиндрсимон айланиш қобиғини турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\left( \frac{\sigma_1}{\sigma_{cr1}} + \frac{\sigma_2}{\sigma_{cr2}} \right) / \gamma_c \leq 1, \quad (116)$$

бу ерда  $\sigma_{cr1}$  10.5-банд талабларига мувофиқ,  $\sigma_{cr2}$  эса – 10.8-банд талабларига мувофиқ аниқланиши лозим.

10.10 Конуслик бурчаги  $\beta \leq 60^\circ$  бўлган, ўй бўйлаб  $N$  билан сиқилган конуссимон айланиш қобиғи (21-расм)ни турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{N}{N_{cr}\gamma_c} \leq 1, \quad (117)$$

бу ерда  $N_{cr}$  – критик куч бўлиб, у қуйидаги формуладан аниқланади:

$$N_{cr} = 6,28r_m t \sigma_{cr1} \cos^2 \beta, \quad (118)$$

бу ерда  $t$  – қобик қалинлиги;

$\sigma_{cr1}$  – 10.5-банд талабларига мувофиқ  $r$  радиусни  $r_m$  радиус билан алмаштириш йўли билан аниқланган кучланиш қиймати, бунда



$$r_m = \frac{0,9r_2 + 0,1r_1}{\cos \beta}. \quad (119)$$

10.11 Конуссимон айланиш қобиғини турғунликка ҳисоблаш ён юзага нисбатан нормал бўлган ташқи бир текис босим  $p$  таъсир этганда қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\sigma_2}{\sigma_{cr2}\gamma_c} \leq 1, \quad (120)$$


бу ерда  $\sigma_2 = pr_m/t$  – қобикдаги ҳисобий ҳалқали кучланиш;

$\sigma_{cr2}$  – критик кучланиш бўлиб, у қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\sigma_{cr2} = 0,55E(r_m/h)(t/r_m)^{3/2}, \quad (121)$$

бу ерда  $h$  – конуссимон қобик баландлиги (асослар ўртасида);

$r_m$  – (119) формула бўйича аниқланувчи радиус.



21-расм. Бўйлама сиқиш кучи таъсири остидаги конуссимон айланиш қобиғи схемаси

10.12 Ушбу меъёрларнинг 10.10 ва 10.11-бандларида кўрсатилган кучлар бир вақтда таъсир этувчи конуссимон айланиш қобиғини турғунликка ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\left( \frac{N}{N_{cr}} + \frac{\sigma_2}{\sigma_{cr2}} \right) / \gamma_c \leq 1; \quad (122)$$

бу ерда  $N_{cr}$  ва  $\sigma_{cr2}$  қийматлари (10.17) ва (10.20) формулалар бўйича аниқланиши керак.

10.13 Тўлиқ доирасимон қобикни (ёки унинг сегментини) турғунликка ҳисоблаш  $r/t \leq 750$  бўлганда ва унинг юзасига нисбатан нормал бўлган ташқи бир текис босим  $p$  таъсир этганда қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\sigma}{\sigma_{cr}\gamma_c} \leq 1, \quad (123)$$

бу ерда  $\sigma = pr/2t$  – ҳисобий кучланиш;

$\sigma_{cr} = 0,1Et/r - R_y$  дан ошиқ эмас деб олинувчи критик кучланиш;

$r$  – доира ўрта юзасининг радиуси.

## Металл мембранали конструкцияларни ҳисоблашга қўйиладиган асосий талаблар

10.14 Мембранали конструкцияларни ҳисоблашда мембрана зихларининг контур эгилувчан элементларига тиралиши тиралиш чизиғи бўйлаб ошиқ-мошиқли ва контур элементларига силжишни узатишга қодир деб ҳисобланиши лозим.

10.15 Мембранали конструкцияларни ҳисоблаш мембрана ва контур элементларининг биргаликдаги иши асосида, уларнинг деформацияланган ҳолатини ва мембрананинг геометрик ночизиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

10.16 Мембрана зихлари бўйлаб тақсимланган нормал ва уринма кучланишлар таянч контурининг тангенциал текисликда сиқилиши ва букилиши билан мувозанатга солинган деб ҳисобланиши лозим.

Мембранали конструкциялар контурининг таянч элементларини ҳисоблашда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

тангенциал текисликдаги букилиш;

контур элементларидаги ўкли сиқилиш;

мембрананинг контур элементлари билан контакт чизиғи бўйлаб уринма кучланишлар таъсиридаги сиқилиш;

вертикал текисликдаги букилиш.

10.17 Мембрана контур элементлари кесимининг оғирлик марказига нисбатан эксцентриситет билан маҳкамланганда, контурларни ҳисоблашда 10.16-бандда кўрсатилган омиллардан ташқари буралиш ҳисобга олиниши лозим.

10.18 Текисликда юмалоқ бўлган ясси мембраналар марказидаги кучланишларни аниқлашда таянч контур деформацияланмайдиган ҳисобланади деб олишга йўл қўйилади.

10.19 Деформацияланувчи контурда маҳкамланган эллипссимон мембрана марказидаги кучланишларни аниқлаш учун 10.18-банд талабларини радиус қийматини эллипсининг катта бош ярим ўқи қиймати билан алмаштириш орқали қўллашга йўл қўйилади (катта ярим ўқнинг кичик ярим ўққа нисбати 1,2 дан ортиқ бўлмаслиги керак).

## 11 ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТОЛИҚИШГА ҲИСОБЛАШ

11.1 Толиқишга олиб келиши мумкин бўлган, кўп карра таъсир этувчи ҳаракатчан, вибрацион ёки юклашлар цикллариининг сони  $10^5$  ва ундан ортиқ бўлган бошқа турдаги юкланишларни бевосита қабул қилувчи пўлат конструкциялар ва уларнинг элементлари (кран ости тўсинлари, иш майдончалари тўсинлари, бункерли ва юк тушириш эстакадалари конструкцияларининг элементлари, двигателлар остига конструкциялар ва бошқ.) кучланишлар сезиларли даражада жамланишига олиб келмайдиган конструктив ечимларни қўллаган ҳолда лойиҳаланиши ва толиқишга ҳисоблаш йўли билан текширилиши лозим.

Юклашлар цикллариининг сони фойдаланишга оид технологик талабларга мувофиқ олиниши керак.

Антенналар, мўрилар, мачталар, миноралар каби баланд иншоотлар ва юк кўтариш-транспорт қурилмаларининг шамол таъсиридаги резонансга текширилувчи конструкциялари толиқишга ҳисоблаш йўли билан текширилиши лозим.

Конструкцияларни толиқишга ҳисоблаш меъёрларнинг юкланишлар ва таъсирларга оид талабларига мувофиқ белгиланувчи юкланишлар таъсирига амалга оширилиши керак.

11.2 Толиқишга ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\frac{\sigma_{\max}}{\alpha R_v \gamma_v} \leq 1, \quad (124)$$

бу ерда  $R_v$  – толиқиш ҳисобий қаршилиги бўлиб, у L.2 жадвалдан олинади.

$\alpha$  – юклашлар цикллари сони  $n$  ни ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$n > 3,9 \cdot 10^6$  бўлса, қуйидаги формулалар бўйича:

1 ва 2 элементлар гуруҳлари учун

$$\alpha = 0,064 \left( \frac{n}{10^6} \right)^2 - 0,5 \left( \frac{n}{10^6} \right) + 1,75; \quad (125)$$

3 – 8 элементлар гуруҳлари учун

$$\alpha = 0,07 \left( \frac{n}{10^6} \right)^2 - 0,64 \left( \frac{n}{10^6} \right) + 2,2; \quad (126)$$

бунда  $n \geq 3,9 \cdot 10^6$   $\alpha = 0,77$ ;

$\gamma_v$  – кучланган ҳолат тури ва кучланишларнинг носимметрия коэффициенти  $\rho = \sigma_{\min} / \sigma_{\max}$  га қараб 25-жадвалдан аниқланувчи коэффициент;

бу ерда  $\sigma_{\max}$  ва  $\sigma_{\min}$  – ҳисобланаётган элементда нетто кесимга мувофиқ, динамиклик коэффициентини ва  $\varphi, \varphi_e, \varphi_b$  коэффициентларни ҳисобга олмасдан аниқланган, мутлақ қийматга кўра тегишинча энг катта ва энг кичик кучланишлар.

Ҳар хил қийматли кучланишларда кучланишлар носимметрия коэффициенти “манфий” белгиси билан олинishi лозим.

(124) формула бўйича толиқишга ҳисоблашларда  $\alpha R_v \gamma_v$  кўпайтмаси  $R_u / \gamma_u$  дан ошмаслиги керак.

11.3 Юклашлар цикллариининг сони  $10^5$  дан кам бўлмаган юкланишларни бевосита қабул қилувчи пўлат конструкциялар ва уларнинг элементлари кучланишлар сезиларли даражада жамланишига олиб келмайдиган конструктив ечимларни қўллаган ҳолда лойиҳаланиши ва зарур ҳолларда кам циклли мустақкамликка ҳисоблаш йўли билан текширилиши лозим.

25-жадвал

$\sigma_{\max}$	Кучланишлар носимметрия коэффициенти $\rho$	$\gamma_v$ коэффициентни аниқлаш учун формулалар
Чўзилиш	$-1 \leq \rho \leq 0$	$\gamma_v = \frac{2,5}{1,5 - \rho}$
	$0 < \rho \leq 0,8$	$\gamma_v = \frac{2,0}{1,2 - \rho}$
	$0,8 < \rho < 1$	$\gamma_v = \frac{1,0}{1 - \rho}$
Сиқилиш	$-1 \leq \rho < 1$	$\gamma_v = \frac{2}{1 - \rho}$

## 12 ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ МЎРТ БУЗИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ҲИСОБЛАШ

Марказий ва марказдан ташқари чўзилган элементларни, ҳамда конструкциянинг эгилувчан элементларининг чўзилиш зоналарини, мўрт бузилишга қаршилиқни инобатга олган ҳолда, қуйидаги формула бўйича мустаҳкамликка текшириш керак:

$$\frac{\gamma_u}{\beta R_u} \sigma_{\max} \leq 1, \quad (127)$$

Бу ерда,  $\sigma_{\max}$  - нетто кесими бўйича динамиклик коэффициентлари ва  $\varphi_b$ ; ни инобатга олмаган ҳолда ҳисобланган, элементнинг ҳисобланган кесимида энг катта чўзувчи кучланиш;

$\beta$  - L.3-жадвал бўйича қабул қилинадиган коэффициент.

Мўрт бузилишни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамликка текшириладиган элементларни, мазкур меъёрларнинг 7-бўлими талабларига мувофиқ ҳисоблар билан белгиланган кесим майдонини оширишни талаб этмайдиган қилиб лойиҳалаш зарур.

## 13 ПЎЛАТ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ БИРИКМАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

### Пайванд бирикмалар

13.1 Туташган пайванд бирикмаларни марказий чўзилиш ёки сиқилишга қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш керак:

$$\frac{N}{t l_w R_{wy} \gamma_c} \leq 1, \quad (128)$$

Бу ерда  $t$  - бирлаштириладиган элементларнинг энг кичик қалинлиги;

$l_w$  - чокнинг ҳисобланган узунлиги, у  $2t$  га камайтирилган тўлиқ узунлигига ёки чок учлари туташувдан ташқарига чиқса, унинг тўлиқ узунлигига тенг.

7.2-бандга мувофиқ ҳисобланган конструкция элементларининг пайванд туташган бирикмаларини ҳисоблаганда, (128) формулада  $R_{wy}$  ўрнига  $R_{wu} / \gamma_u$  ни қабул қилиш керак.

13.2 Бурчак чокли пайванд бирикмаларни, бўйлама ва кўндаланг кчлар таъсирида икки кесим бўйича кесишга (шартли) ҳисоблаш керак (22-расм):


Чок метали бўйича (1-кесим)

$$N / (\beta_f k_f l_w R_{wf} \gamma_c) \leq 1; \quad (129)$$

Эриш чегараси метали бўйича (2-кесим)

$$N / (\beta_z k_f l_w R_{wz} \gamma_c) \leq 1, \quad (130)$$

Бу ерда,  $l_w$  – чокнинг тўлиқ узунлигидан 10 мм.га камроқ олинган, чокнинг ҳисобланган узунлиги;



22-расм. Бурчак чокли пайванд бирикманинг ҳисобланган кесимларининг схемаси  
1 – чок металли бўйича кесим; 2 – чок металли бўйича эриш чегараси металли бўйича кесим

$\beta_f$  ва  $\beta_z$  – пўлатдан элементларни пайвандлаганда, қабул қилинадиган коэффициентлар:

оқувчанлик чегараси  $530 \text{ Н/мм}^2$  гача бўлганда – 26-жадвал бўйича;

оқувчан чегараси  $530 \text{ Н/мм}^2$  дан ортиқ бўлганда, пайвандлаш тури, чок жойлашувчи ва пайванд сими диаметридан қатъий назар  $\beta_f = 0,7$  ва  $\beta_z = 1$ ;

Ўлчамлари ҳисоблашга мувофиқ аниқланган бурчак чоклар учун, оқувчанлик чегараси  $285 \text{ Н/мм}^2$  гача бўлган пўлатдан элементларда, чок металли бўйича кесишга ҳисобланган  $R_{wf}$  қаршилиги  $R_{wz}$  дан ортиқ бўлиши керак, қўлда пайвандлашда эса, эриш чегараси металли бўйича кесишга ҳисобланган  $R_{wz}$  қаршилигидан камида 1.1 маротабага ортиқ бўлган, аммо  $R_{wz} \beta_z / \beta_f$  қийматидан ошмаган электрод ва пайванд симини қўллаш керак, оқувчанлик чегараси  $285 \text{ Н/мм}^2$  дан ортиқ пўлатдан тайёрланган элементларда эса, қуйидаги шартга жавоб берувчи электрод ва пайванд сими қўлланилиши мумкин:

$$R_{wz} < R_{wf} \leq R_{wz} \beta_z / \beta_f.$$

Электрод ёки пайвандлаш симини танлаганда, конструкциялар гуруҳларини инобатга олиш керак.

13.3 Бурчак чокли пайванд бирикмаларни чок жойлашган текисликка перпендикуляр текисликда момент таъсирига ҳисоблашни, икки кесимда қуйидаги формулалар бўйича бажариш керак:

чок металли бўйича

$$\frac{M}{W_f R_{wf} \gamma_c} \leq 1; \quad (131)$$

эриш чегараси металли бўйича

$$\frac{M}{W_z R_{wz} \gamma_c} \leq 1, \quad (132)$$

Бу ерда,  $W_f$  - чок металли бўйича ҳисобланган кесимнинг қаршилик momenti;

$W_z$  - эриш чегараси металли бўйича ҳисобланган кесимнинг қаршилик momenti.

26-жадвал

Пайванд симининг диаметри $d$ , мм да пайвандлаш усули	Чок ҳолати	Коэффициент	Чоклар катетларида $\beta_f$ ва $\beta_z$ коэффициентлар қиймати, мм			
			3-8	9-12	14-16	18 ва ортиқроқ
$d = 3 - 5$ да автоматик	Қайиқча шаклида	$\beta_f$	1,1			0,7
		$\beta_z$	1,15			1,0
	Пастки	$\beta_f$	1,1	0,9		0,7
		$\beta_z$	1,15	1,05		1,0
$d = 1,4 - 2$ да автоматик ва ярим автоматик	Қайиқча шаклида	$\beta_f$	0,9		0,8	0,7
		$\beta_z$	1,05		1,0	
	Пастки, горизонтал, вертикал	$\beta_f$	0,9	0,8	0,7	
		$\beta_z$	1,05	1,0		
$d < 1,4$ да яхлит кесимли сим билан ёки кукунли сим билан қўлда; ярим автоматик	Қайиқча шаклида, пастки, горизонтал, вертикал, шифтга оид	$\beta_f$	0,7			
		$\beta_z$	1,0			
Изоҳ. Коэффициентлар қиймати пайвандлашнинг нормал режимига мувофиқ.						

Бурчак чокли пайванд бирикмаларни чок жойлашган текисликда момент таъсирига ҳисоблашни, икки кесимда қуйидаги формулалар бўйича бажариш керак:

чок металл бўйича

$$\frac{M}{(J_{fx} + J_{fy})R_{wf}\gamma_c} \sqrt{x^2 + y^2} \leq 1; \quad (133)$$

эриш чегараси металл бўйича

$$\frac{M}{(J_{zx} + J_{zy})R_{wz}\gamma_c} \sqrt{x^2 + y^2} \leq 1, \quad (134)$$

Бу ерда,  $J_{fx}$  ва  $J_{fy}$  – чок металл бўйича унинг асосий ўқларига нисбатан ҳисобланган кесимнинг инерция моментлари;

$J_{zx}$  ва  $J_{zy}$  - эриш чегараси металл бўйича ҳисобланган кесимнинг асосий ўқларига нисбатан инерция моментлари;

$x$  ва  $y$  – чокларнинг ҳисобланган кесимининг оғирлик марказидан энг узоқ масофада бўлган чок нуктанинг, ушбу кесимнинг бош ўқларига нисбатан координаталари.

13.4 Сифатнинг физикавий назоратсиз тайёрланган пайванд улашиш бирикмаларни, бир вақтнинг ўзида битта кесимда нормал ва уринма кучланишлар таъсир қилганда, (29) формула бўйича текшириш керак, унда  $\sigma_x, \sigma_y, \tau_{xy}$  ва  $R_y$  қийматларини

тегишлича:  $\sigma_x = \sigma_{wx}$  ва  $\sigma_y = \sigma_{wy}$  - пайванд бирикмада иккита ўзаро перпендикуляр йўналишда нормал кучланишлар сифатида;  $\tau_{xy} = \tau_{wxy}$  - пайванд бирикмада уринма кучланиш;  $R_y = R_{wy}$  сифатида қабул қилиш керак.

13.5 Бурчак чокли пайванд бирикмаларни бир вақтнинг ўзида бўйлама ва кўндаланг кучлар ва момент таъсирига ҳисоблаганда, қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

$$\frac{\tau_f}{R_{wf} \gamma_c} \leq 1 \text{ ва } \frac{\tau_z}{R_{wz} \gamma_c} \leq 1, \quad (135)$$

Бу ерда  $\tau_f$  ва  $\tau_z$  - ҳисобланган кесимда тегишлича чок металл ва эриш чегараси металл бўйича кучланишлар, улар бўйлама ва кўндаланг кучлар ва момент билан вужудга келтирилган кучланишларнинг геометрик йиғиндисига тенг.

### Болтли бирикмалар

13.6 Болтли бирикмаларда, бирикманинг оғирлик маркази орқали ўтувчи  $N$  бўйлама кучи таъсир кўрсатганда, мазкур куч болтлар ўртасида тақсимланишини тенг деб қабул қилиш керак.

13.7 Битта болт томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган ҳисобланган  $N_b$  кучланишни қуйидаги формулалар бўйича ҳисоблаш керак:

кесишга:

$$N_b = R_{bs} \gamma_b A n_s; \quad (136)$$

эзилишга:

$$N_b = R_{bp} \gamma_b d \sum t; \quad (137)$$

чўзилишга:

$$N_b = R_{bt} A_{bn}, \quad (138)$$

Бу ерда  $R_{bs}, R_{bp}, R_{bt}$  - болтли бирикмаларнинг ҳисобланган қаршиликлари;

$d$  – болт ўзагининг ташқи диаметри;

$A = \pi d^2 / 4$  - болт ўзаги кесимининг ҳисобланган майдони;

$A_{bn}$  - болтнинг нетто кесими майдони;

$\sum t$  - битта йўналишда эзилаётган элментларнинг энг кам йиғинди қалинлиги;

$n_s$  – битта болтнинг ҳисобланган кесилишларининг сони;

$\gamma_b$  - бирикма иши шароитларининг коэффиценти, коэффицент F.2-жадвал бўйича қабул қилинади.

13.8 Бирикмада  $N$  бўйлама кучи таъсирида болтларнинг сонини –  $n$  қуйидаги формула бўйича аниқлаш керак:

$$n \geq \frac{N}{\gamma_c N_{\min}} \quad (139)$$

Бу ерда,  $N_{\min}$  – мазкур меъёрлар 13.7-банди талабларига мувофиқ ҳисобланган, битта болт учун ҳисобланалиган кучланишнинг энг паст қиймати.

13.9 Бирикмага бирлаштирилаётган элементлар силжишини вужудга келтирадиган момент таъсир қилганда, болтларга кучланишлар тақсимланишини, бирикманинг оғирлик марказидан кўрилаётган болтгача масофаларга мутаносиб қабул қилиш керак.

13.10 Бир вақтнинг ўзида кесиш ва чўзишга ишловчи болтларни алоҳида кесишга ва алоҳида чўзишга текшириш керак.

Бўйлама куч ва моментнинг бир вақтдаги таъсиридан кесишга ишловчи болтларни тенг таъсир этувчи кучланишга текшириш керак.

13.11 Битта элемент бошқа элементга қистирма ёки бошқа оралиқ элемент орқали уланган бўлса, ҳамда бир томонли қопламали бирикмаларда, болтлар сони ҳисобланган болтлар сонига нисбатан 10% га кўпроқ бўлиши керак.

Бурчак ёки швеллерларнинг чиқиб турувчи токчаларини майда элемент билан қотирганда, битта токчани маҳкамловчи болтларнинг сони, ҳисобланган болтлар сонига нисбатан 50% га кўпроқ бўлиши керак.

### Ўта мустаҳкам болтларда бирикмалар

13.12 Ўта мустаҳкам болтлардан бирикмаларни, бирлаштирилаётган элементларнинг туташган текисликларида ўта мустаҳкам болтлар чўзилиши натижасида вужудга келадиган ишқаланиш орқали тутатиш жойида ва маҳкамловчи мосламаларда таъсир кўрсатувчи кучланишлар узатилиши тахминидан келиб чиқиб ҳисоблаш керак. Бунда болтлар ўртасида бўйлама куч тақсимланишини бир хил деб қабул қилиш керак.

13.13 Битта ўта мустаҳкам болт билан тортиб маҳкамланган элементларнинг ҳар бир ишқаланиш юзаси билан қабул қилиниши мумкин бўлган ҳисобланган кучланиш  $Q_{bh}$  қуйидаги формула бўйича аниқланиши керак

$$Q_{bh} = \frac{R_{bh} \gamma_b A_{bn} \mu}{\gamma_h}, \quad (140)$$

Бу ерда,  $R_{bh}$  - ўта мустаҳкам болтнинг чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;

$\mu$  - 27-жадвал бўйича қабул қилинадиган ишқаланиш коэффиценти;

$\gamma_h$  - 27-жадвал бўйича қабул қилинадиган ишқончилилик коэффиценти;

$A_{bn}$  - болтнинг нетто кесими майдони;

$\gamma_b$  - бирикманинг иш шароитлари коэффиценти, у ҳисобланган кучланишни қабул қилиш учун зарур бўлган болтлар сони  $n$  га боғлиқ, ва қуйидагиларга тенг олинади:

$n < 5$  бўлганда 0,8;

$5 \leq n < 10$  бўлганда 0,9;

$n \geq 10$  бўлганда 1,0.

Бўйлама куч таъсир қилганда бирикмада ўта мустаҳкам болтлар сони  $n$  ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш керак

$$n \geq \frac{N}{Q_{bh} k \gamma_c}, \quad (141)$$

Бу ерда  $k$  – қўшилаётган элементларнинг ишқаланиш юзалари сони.



Ўта мустаҳкам болтнинг тортилишини  $P = R_{bh} A_{bn}$  ўқ кучланиши билан амалга ошириш керак.

27-жадвал

Кўшилаётган юзаларга ишлов бериш (тозалаш) усули	Болтлар тортилишини созлаш усули	Ишқалан иш коэффициентлари $\mu$	Юкланишда ва тешиқлар ва болтларнинг номинал диаметрларининг $\delta$ , мм фарқида $\gamma_h$ коэффициентлари	
			динамик ва $\delta = 3-6$ да; статик ва $\delta = 5-6$ да.	динамик ва $\delta = 1$ да; статик ва $\delta = 1-4$ да
1. Консервациясиз, икки юзага питра отиш ёки питра оқизиш усули билан	$M$	0,58	1,35	1,12
	« $\alpha$	0,58	1,20	1,02
2. Шунинг ўзи, консервация билан (рух ёки алюминийни кукунлаштириш билан металлаш)	« $M$	0,50	1,35	1,12
	« $\alpha$	0,50	1,20	1,02
3. Битта юзани пира билан, полимер елим билан консервациялаш, ва карборунд кукунини сепиш. Иккинчи юза консервациясиз пўлат чўткалар билан	« $M$	0,50	1,35	1,12
	« $\alpha$	0,50	1,20	1,02
4. Икки юзани газ аланга усули билан консервациясиз	« $M$	0,42	1,35	1,12
	« $\alpha$	0,42	1,20	1,02
5. Икки юзани консервациясиз пўлат чўткалар билан	« $M$	0,35	1,35	1,17
	« $\alpha$	0,35	1,25	1,06
6. Ишловсиз	« $M$	0,25	1,70	1,30
	« $\alpha$	0,25	1,50	1,20
Изоҳлар:				
1. Болтлар тортилишини созлаш усулида $M$ бўйича, бураш моменти бўйича созлашни билдиради, $\alpha$ – гайка бурилиши бурчаги бўйича.				
2. Кўшилаётган юзаларга $\mu$ ишқаланиш коэффициентларининг жадвалда кўрсатилган қийматларидан кам бўлмаган кўрсаткичларини таъминловчи бошқа усуллар билан ишлов бериш рухсат этилади.				

13.14 Ўта мустаҳкам болтлар учун тешиқлар билан заифлаштирилган, кўшиладиган элементларни мустаҳкамликка ҳисоблашни, кўриб чиқиладиган кесимда ҳар бир болтга тўғри келадиган кучланишнинг ярми, ишқаланиш кучлари билан узатилганлигини инобатга олган ҳолда бажариш керак. Бунда заифлашган кесимлар текширувини: динамик кучланишда – нетто кесимнинг майдони  $A_n$ , статик кучланишда брутто кесимнинг майдони  $A$  бўйича,  $A_n \geq 0,85A$  да ёки  $A_n < 0,85A$  бўлганда  $A_c = 1,18A_n$  шартли майдонида амалга ошириш керак.

### **Фрезерланган кўндаланг кесилган жойлар (торец) билан бирикмалар**

13.15 Фрезерланган кўндаланг кесилган жойлар (торец) билан элементларнинг бирикмаларида (устунлар туташувларида ва базаларида ва ҳоказо) қисувчи куч тўлиқ торец орқали узатилувчи ҳисобланади.

Марказдан ташқари қисилган ва қисилган-эгиловчан элементларда пайванд чоклар ва болтларни, шу жумладан ўта мустаҳкамларни момент ва бўйлама кучнинг энг номувофиқ таъсиридан максимал чўзувчи кучланишга, ҳамда кўндаланг кучнинг таъсиридан силжитувчи кучланишга ҳисоблаш керак.

### **Уланадиган тўсинларда белбол бирикмалари**

13.16 Уланма қўштаврли тўсинларнинг деворлари ва белбоғларини бирлаштирувчи пайванд чокларни ва ўта мустаҳкам болтларни 28-жадвалга мувофиқ ҳисоблаш керак.

Қаттиқлик қирралари мавжуд эмаслигида катта, қўзғалмайдиган бир жойга тўпланган кучланишларни ўтказиш учун, тепа белбоғ маҳкамланишини қўзғаладиган бир жойга тўпланган кучланиш учун ҳисоблагандай ҳисоблаш керак.

Қўзғалмайдиган бир жойга тўпланган кучланиш тсиннинг пастки белбоғига таъсир қилганда, мазкур белбоғни деворга бириктирган пайванд чоклар ва ўта мустаҳкам болтларни, юклар қўлланган жойларда қаттиқлик қирралари мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъиё назар 28-жадвалдаги (147) ÷ (149) формулалари бўйича ҳисоблаш керак.

Деворнинг бутун қалинлигига пайванд чок эриган металл билан тўлдириб уланганда, бундай пайванд белбоғ чокларни девор билан тенг мустаҳкам деб ҳисоблаш керак.

13.17 Кўп варақли белбоғ пакетлар билан ўта мустаҳкам болтли бирикмали тўсинларда, ҳар бир варақнинг назарий узилиши жойи орқасида маҳкамланишини варақ кесими қабул қилиши мумкин бўлган кучланишнинг ярмига ҳисобланиши керак.

Варақнинг ҳақиқатан узилган жойи ва аввалги варақ узилиши жойи ўртасидаги жойда ҳар бир варақнинг маҳкамланишини варақ кесими қабул қилиши мумкин бўлган бутун кучланишга ҳисоблаш керак.

## 28-жадвал

Юкланиш тавсифи	Бирикма тури	Уланма тўсинларда белбоғ бирикмаларни ҳисоблаш учун формулалар	
Қўзғалмайдиган	Бурчак чоклар: икки томонлама	$T / (2\beta_f k_f R_{wf} \gamma_c) \leq 1;$	(142)
		$T / (2\beta_z k_f R_{wz} \gamma_c) \leq 1$	(143)
	бир томонлама	$T / (\beta_f k_f R_{wf} \gamma_c) \leq 1;$	(144)
		$T / (\beta_z k_f R_{wz} \gamma_c) \leq 1$	(145)
Ўта мустаҳкам болтлар	$aT / Q_{bh} k \gamma_c \leq 1;$	(146)	
Қўзғаладиган	Бурчак чоклар: икки томонлама	$\sqrt{T^2 + V^2} / (2\beta_f k_f R_{wf} \gamma_c) \leq 1;$	(147)
		$\sqrt{T^2 + V^2} / (2\beta_z k_f R_{wz} \gamma_c) \leq 1$	(148)
	Ўта мустаҳкам болтлар	$a \sqrt{T^2 + \alpha V^2} / Q_{bh} k \gamma_c \leq 1;$	(149)

28-жадвалда қабул қилинган белгилар:

$T = \frac{QS}{J}$  -  $Q$  кўндаланг куч билан вужудга келадиган, белбоғни узунлик бирлигига силжитувчи кучланиш, бу ерда  $S$  – тўсин белбоғининг нейтрал ўққа нисбатан брутто статик моменти;

$V = \frac{\gamma_f F}{l_{ef}}$  - бир жойга тўпланган  $F$  юкидан босиб (краности тўсинлар учун,

динамиклик коэффициентисиз қабул қилинадиган, кран ғилдирагидан босим), бу ерда  $\gamma_f$  – юкланиш ва таъсирлар бўйича меъёрлар талабларига мувофиқ қабул қилинадиган коэффициент,  $l_{ef}$  - бир жойга тўпланган юк тақсимланишининг шартли узунлиги, у махкур меъёрларнинг 7.13 ва 15.32-бандларига мувофиқ қабул қилинади.;

$\alpha$  – девори тепа белбоққа рандаланган тўсиннинг тепа белбоғи бўйича юкланишда қабул қилинадиган коэффициент,  $\alpha = 0,4$ , девор рандаланиши мавжуд бўлмаганда ёки кучланиш пастки белбоғ бўйича бўлганда,  $\alpha = 1$ ;

$a$  - белбоғ ўта мустаҳкам болтларнинг қадами;

$Q_{bh}$  – битта ўта мустаҳкам болтнинг ҳисобланган кучланиши. У (140) формула бўйича аниқланади;

$k$  - қушилаётган элементларнинг ишқаланиш юзаларининг сони.

## **14 КОНСТРУКЦИЯЛАР ВА ИНШОТЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШГА ОИД АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

### **Асосий қоидалар**

14.1 Конструкцияларда сейсмик, иқлим ҳарорат таъсирлари туфайли юзага келувчи кучланишлар ва деформацияларни камайтириш учун бинолар ва иншоотларда, қоида тариқасида, ҳарорат ўзгаришига қарши чоклар, зилзилага қарши чоклар, компенсаторлар назарда тутилиши лозим ва уларнинг ўртасидаги масофалар мазкур таъсирларга ҳисоблашдан аниқланиши керак.

14.2 Синчли бино ва иншоотнинг ҳар бир блокида боғламаларнинг мустақил тизими назарда тутилиши ва у бутун синчнинг кўламда бикрлигини, конструкция элементларининг лозим даражада мустаҳкамлиги ва турғунлигини, горизонтал кучлар ва таъсирларни қабул қилиш ва тақсимлашни, бино ва иншоотни мустаҳкам ва қулай барпо этиш учун шароитларни таъминлаши лозим.

Боғламалар схемаси ва ўрнини танлаш бино ва иншоотнинг конструктив схемаси, улардан фойдаланиш шароитлари, габаритлар, кучлар ва таъсирларнинг турларига қараб амалга оширилиши керак.

14.3 Конструкциялар элементларининг эгиловчанлиги, қоида тариқасида, сиқилган ва чўзилган ўзаклар, шунингдек юпка деворли кўндаланг кесим ҳосил қилувчи пластиналар учун чегаравий қийматлардан ошмаслиги керак.

14.4 Тўшама ва ёпмалар конструкцияларининг букилишларини компенсация қилиш учун қурилиш кўтармасидан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу ҳолда чегаравий букилишни текширишда ҳисобдан аниқланувчи вертикал букилиш қурилиш кўтармаси микдорига камайтирилиши лозим.

14.5 Пўлат конструкцияларни лойиҳалашда уларни транспорт воситаларининг тавсифлари (турлари, юк кўтариш қобилияти, габаритлари), металл прокатининг ўлчаш узунликлари, элементларнинг кучланган ҳолати ва ўрнатишнинг қулайлик даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни жўнатиш туркумларига ажратиш назарда тутилиши керак.

Бир типли конструктив элементларнинг жўнатиш туркумлари имкониятга қараб унификация қилиниши лозим.

14.6 Конструкцияларда (жўнатиш туркумларида) прокат турлари ва хил ўлчамлари, пўлатнинг мустаҳкамлик тоифалари (туркумлари, номлари), пайвандлаш материаллари ва чоклар катетларининг ўлчамлари, болтларнинг мустаҳкамлик ва аниқлик туркумлари, тешиклар диаметрларининг мумкин қадар кам сони қўлланилиши лозим.

14.7 Лойиҳалашда конструкцияларнинг таркибий кесимлари ва бошқа деталлари (фасонкалар, бикрлик қовурғалари, бирлаштирувчи кистирмалар ва бошқ.) деворлари ва белбоғларининг ўлчамлари имкониятга қараб варақсимон прокатнинг стандарт ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши керак; яқин ўлчамларга эга бўлган деталлар имкониятга қараб унификация қилиниши лозим.

14.8 Лойиҳалашда, зарур ҳолда, конструкциялар терилишининг керакли даражасини ва иншоот геометрик параметрларининг зарурий аниқлик даражасини таъминловчи монтаж уланмалари (компенсаторлар ва бошқа конструктив тадбирлар) назарда тутилиши керак.

14.9 Кўламли панжарасимон конструкциялар (икки томони очик устунлар, таянчлар, мачталар ва бошқ.)нинг жўнатиш туркумлари, қоида тариқасида, элементнинг учлари яқинида жойлашган диафрагмалар билан мустаҳкамланиши лозим.

Конструкцияларнинг бутлигини таъминлаш учун транспортда ташиш, сақлаш ва барпо этиш пайтида уларни алоҳида ўзаклар билан мустаҳкамлашга йўл қўйилади.

14.10 Панжарасимон конструкцияларнинг тугунларида элементлар ўқларининг марказдан силжиши қабул қилинаётган конструктив ечимларни ҳисобга олганда минимал бўлиши керак.

14.11 Пайвандланувчи таркибий кесимларнинг ўлчамлари пайвандлаш жараёнининг технологик чеклашларини, юз бериши мумкин бўлган пайвандлаш деформацияларини ва тўғрилаш шартларини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши лозим.

14.12 Эриган металл, нурсимон ёки конвекцион иссиқлик, олов ва шу кабилар таъсирига йўлиқиши мумкин бўлган кўтариб турувчи конструкциялар қопламалар, оловга чидамли ёшт ёки иссиқбардош бетондан тўсувчи деворлар, металл тўсиқлар билан муҳофазаланиши лозим.

14.13 Пайвандланувчи конструкцияларни лойиҳалашда пайвандлаш деформациялари ва кучланишларнинг зарарли таъсирини камайтиришни ва кучланишлар жамланишини камайтиришни (кучланишларни элементлар ва деталларда мумкин қадар мутаносиб тақсимлаган ҳолда, кирувчи бурчаклар, кесим сатҳларининг кескин фарқларисиз ва кучланишларнинг бошқа жамлагичларисиз) таъминловчи конструктив ечимлар назарда тутилиши, шунингдек чокларнинг ўзаро жойлашувига, эришни таъминлаш ва чокларнинг минимал ўлчамларини қўллашга доир талабларга риоя қилиниши лозим.

### Пайвандлаб улашлар

14.14 Пайвандлаб улашларни лойиҳалашда:

пайвандлаб улашлар конструкциясига оид стандартлар ва бошқа ҳужжатларнинг талабларига риоя этилиши;

пайванд чоклари мумкин қадар оз сонда қабул қилиниши;

самарали пайвандлаш усуллари ва материалларни қўллаш назарда тутилиши;

пайванд чокларининг уларга эркин ўтишни, пайвандлаш ишларининг қулайлигини ва пайвандлаб улашлар сифатини зарурий назорат қилиш имкониятини таъминловчи ўрни назарда тутилиши;

КМ ва КМД чизмаларида сифатини назорат физик методлари ёрдамида текшириш талаб этиладиган пайвандлаб улашлар кўрсатилиши лозим.

14.15 Пайванд бурчак чокларининг ўлчамлари ва шакли қуйидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим:

а) бурчак чокларининг катетлари  $k_f$  1,2*t* дан ошмаслиги керак, бу ерда *t* – уланаётган элементларнинг энг кам қалинлиги;

қалинлиги *t* бўлган фасонли прокатнинг юмалоқланган қиррасида ўтказилган чок катети, қоида тариқасида, 0,9*t* дан ошмаслиги керак

б) бурчак чокларининг катетлари  $k_f$  ҳисоб бўйича қабул қилиниши, бироқ 29-жадвалда кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак;

в) бурчак пайванд чокининг ҳисобий узунлиги  $4k_f$  дан кам ва 40 мм дан кам бўлмаслиги керак;

г) ён қанот чокининг ҳисобий узунлиги  $85k_f \beta_f$  дан ошмаслиги керак ( $\beta_f$  – 26-жадвалдан олинувчи коэффицент), куч чокнинг бутун кўлами бўйлаб амал қилувчи чоклар бундан мустасно;

д) устма-уст улоқ ўлчами пайвандланаётган элементларнинг энг ингичкаси қалинлигининг беш бараваридан кам бўлмаслиги керак;

е) бурчак чоклари катетлари ўлчамларининг нисбатлари, қоида тариқасида, 1:1 деб олиниши керак. Пайвандланаётган элементларнинг қалинликлари ҳар хил бўлганда нотенг катетли чокларни қабул қилишга йўл қўйилади, бунда нисбатан ингичка элементга туташувчи катет 14.15-банд, а талабларига, нисбатан йўғон элементга туташувчи катет эса – 14.15-банд, б талабларига мос келиши лозим;

ж) динамик ва вибрацион кучларни қабул қилувчи конструкцияларда бурчак чоклари толиқишга ёки мўртликдан бузилишни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамликка ҳисоблаш йўли билан асосланганда асосий металлга охиста ўтиш орқали бажарилиши лозим.

14.16 Пайвандланувчи қўштаврларнинг бикрлик қовурғалари, диафрагмалари ва белбоғларини 9.2, 9.3, 15.9, 15.23-бандлар бўйича ва 4 гуруҳ конструкцияларини маҳкамлаш учун бир томонлама бурчак чокларини қўллашга йўл қўйилади, бунда уларнинг катетлари  $k_f$  ҳисоб бўйича олиниши, бироқ 29-жадвалда кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак.

Қуйидаги конструкцияларда мазкур бир томонлама чокларни қўллашга йўл қўйилмайди:

I гуруҳ конструкцияларида;

ўртача агрессив ва ўта агрессив муҳитларда фойдаланиладиган конструкцияларда (таснифи – қурилиш конструкцияларини коррозиядан муҳофазалаш меъёрларига мувофиқ).

14.17 Ҳисобий ва конструктив бурчак чоклари учун лойиҳада пайвандлаш тури, электродлар ёки пайванд сими, пайвандда чокнинг ўрни кўрсатилиши лозим.

14.18 Варақсимон деталларни туташтирувчи пайвандлаб улашлар, қоида тариқасида, тик тўлиқ эритиш йўли билан ва чиқувчи планкаларни қўллаган ҳолда бажарилиши лозим.

Монтаж шароитларида чок ўзагини эритиш йўли билан бир томонлама пайвандлашга ва қолувчи пўлат таглик устида пайвандлашга йўл қўйилади.

Узлукли чокларни, шунингдек олдиндан тешиқлар очиш орқали қўлаки пайвандлаш йўли билан бажариладиган электр парчин михларни қўллашга фақат 4 гуруҳ конструкцияларида йўл қўйилади.

29-жадвал

Уланма тури	Пайвандлаш тури	Пўлатнинг оқувчанлик чегараси, Н/мм <sup>2</sup>	Чокларнинг минимал катетлари $k_f$ , мм, пайвандланаётган элементлардан энг йўғонининг қалинлиги $t$ , мм бўлганда						
			4-5	6-10	11-16	17-22	23-32	33-40	41-80
Икки томонлама бурчак чокларидан иборат таврли; устма-уст ва бурчак	Қўлаки	430 гача	4	5	6	7	8	9	10
		430 дан 530 гача	5	6	7	8	9	10	12
	Автоматик ва ярим автоматик	430 гача	3	4	5	6	7	8	9
		430 дан 530 гача	4	5	6	7	8	9	10
Бир томонлама бурчак чокларидан иборат таврли	Қўлаки	380 гача	5	6	7	8	9	10	12
	Автоматик ва ярим автоматик		4	5	6	7	8	9	10
Изоҳлар:									
1. Оқувчанлик чегараси 530 Н/мм <sup>2</sup> дан ортиқ бўлган пўлатдан ясалган конструкцияларда, шунингдек элементларининг йўғонлиги 80 мм дан ортиқ бўлган барча пўлатлардан ясалган конструкцияларда бурчак чокларининг минимал катетлари махсус техник шартлар бўйича олинади.									
2. 4 гуруҳ конструкцияларида бир томонлама бурчак чокларининг минимал катетлари пайвандланувчи элементларнинг йўғонлиги шу жумладан 40 мм гача бўлган 1 мм га, элементларнинг йўғонлиги 40 мм дан ортиқ бўлганда эса – 2 мм га камайтирилиши керак.									

### Болтли уланмалар

14.19 Болтли уланмаларни лойиҳалашда:

болтларнинг аниқлик туркуми асосли равишда олиниши;

уланмада болтлар мумкин қадар оз сонда қабул қилиниши;  
болтлар учун тешиқлар ўрнига оид стандартлар ва қурилиш қоидаларининг талабларига риоя этилиши;

туташ жойлар ва тугунларда болтлар, қоида тарикасида, минимал оралиқларда жойлаштирилиши;

болтларни қўйиш ва гайкаларни бураб қотиришнинг қулайлиги (шу жумладан механизациялаштирилган асбоб ёрдамида), шунингдек болтли уланмалар сифатини зарурий назорат қилиш имконияти таъминланиши;

ҳисобий уланмаларда, иккинчи даражали элементларни маҳкамлашдан ташқари, гайкалар ўз-ўзидан бўшаб қолишига қарши чоралар назарда тутилиши лозим.

14.20 Кучларнинг бир қисмини пайванд чоклари, бир қисмини эса – болтлар қабул қилувчи аралаш уланмаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

14.21 Ишқаланма уланмаларни лойиҳалашда:

стандартларнинг мазкур уланмаларни қўллаш, болтлар ва улар учун тешиқларнинг диаметрларини тайинлаш, тешиқлар ўрни, уланаётган юзаларга ишлов бериш ва уларни консервациялашга доир талабларига риоя қилиниши;

болтлар ўрнатилиши ва гайкалар буралиши учун эркин ўтиш ва қулайлик, шунингдек ишқаланма уланмалар сифатини зарурий назорат қилиш имконияти таъминланиши лозим.

14.22 *A* аниқлик туркуми болтлари тешиқлар терилган элементда лойиҳавий диаметрға ёки айрим элементлар ва деталлардаги кондукторлар бўйича пармалаб тешилган, айрим деталларда кичикроқ диаметрға пармалаб ёки босиб тешилган ва сўнгра терилган элементларда лойиҳавий диаметрға пармалаб тешилган уланмалар учун қўлланиши лозим.

*B* ва *C* аниқлик туркуми болтлари кўп болтли уланмаларда оқувчанлик чегараси 380 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатдан ясаладиган конструкциялар учун қўлланиши лозим.

14.23 Қирқмасиз қисмининг узунлиги бўйлаб ҳар хил диаметрли қисмларға эга болтларни мазкур болтлар қирқишға ишлайдиган уланмаларда қўллашға йўл қўйилмайди.

Силжитувчи кучни қабул қилувчи болт қирқмаси гайка билан туташувчи элемент йўғонлигининг ярмидан кўп ёки 5 мм дан ортиқ чуқурликда турмаслиги керак, таркибли конструкциялар, электр узатиш линиялари ва очик тақсимлаш қурилмалари ҳамда транспорт контакт тармоқлари линияларининг таянчлари бундан мустасно бўлиб, уларда қирқма уланаётган элементлар пакетидан ташқарида жойлашиши керак.

14.24 Болтлар (шу жумладан ўта мустаҳкам болтлар) 30-жадвалға мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

Улаш болтлари, қоида тарикасида, максимал оралиқларда жойлаштирилиши керак; туташ жойлар ва тугунларда болтлар минимал оралиқларда жойлаштирилиши лозим.

Болтлар шахматсимон тартибда жойлаштирилганда куч бўйлаб уларнинг марказлари ўртасидаги масофа  $a + 1,5 d$  дан кам олинмаслиги керак, бу ерда  $a$  – кучға кўндаланг қаторлар ўртасидаги масофа,  $d$  – болт учун тешиқ диаметри. Жойлаштиришнинг мазкур тартибида элемент кесими  $A_n$  унинг фақат битта кесимда кучға кўндаланг (“зигзаг” бўйлаб эмас) жойлашган тешиқлар билан кучсизланиши ҳисобға олинган ҳолда аниқланади.

Бурчак битта токча билан маҳкамланганда унинг учидан энг узокдаги тешиқ унинг муҳрасидаги энг яқин сатҳ чизигида жойлаштирилиши керак.

## 30-жадвал

Масофанинг тавсифи	Болтларни жойлаштиришда масофалар
1. Исталган йўналишда болтларнинг марказлари ўртасидаги масофа: а) минимал б) чет қаторларда ҳошияловчи бурчаклар бўлмаганда чўзилиш ва сиқилишда максимал в) ўрта қаторларда, шунингдек чет қаторларда ҳошияловчи бурчаклар бўлганда максимал: чўзилишда сиқилишда	$2,5d^{1)}$ $8d$ ёки $12t$  $16d$ ёки $24t$ $12d$ ёки $18t$
2. Болт марказидан элемент четигача бўлган масофа: а) куч бўйлаб минимал б) кучга қўндаланг йўналишда минимал: қирқимли қирраларда прокат қирраларда в) максимал г) ўта мустаҳкам болтлар учун ҳар қандай қиррада ва кучнинг ҳар қандай йўналишида минимал	$2d$  $1,5d$ $1,2d$ $4d$ ёки $8t$ $1,3d$
<p><sup>1)</sup> Оқувчанлик чегараси <math>380 \text{ Н/мм}^2</math> дан ортиқ бўлган пўлатдан ясалган уланаётган элементларда болтлар ўртасидаги минимал масофа <math>3d</math> тенг деб олинishi керак.</p> <p>30-жадвалда қабул қилинган белгилар:  <math>d</math> – болт учун тешик диаметри;  <math>t</math> – энг ингичка ташқи элементнинг қалинлиги.</p> <p>Изоҳ. Оқувчанлик чегараси <math>380 \text{ Н/мм}^2</math> гача бўлган пўлатдан ясалган уланаётган элементларда болт марказидан элемент четигача бўлган куч бўйлаб масофани ва болтларнинг марказлари ўртасидаги минимал масофани ҳисоблаш 13.7 ва 17.12-бандларга мувофиқ уланмалар иш шароитларининг тегишли коэффицентларини ҳисобга олиб амалга оширилган ҳолларда камайитиришга йўл қўйилади.</p>	

## 15 ТУРЛИ ХИЛ БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

### Конструкциялар элементларини букиш ва силжитишлар

15.1 Конструкциялар элементларини букиш ва силжитишлар кучлар ва таъсирлар бўйича меъёрлар билан белгиланган чегаравий қийматлардан ошмаслиги керак.

### Ҳарорат ўзгаришига қарши чоклар ўртасидаги масофалар

15.2 Бир қаватли бинолар ва иншоотларнинг ҳарорат ўзгаришига қарши чоклари ўртасидаги энг катта масофалар 31-жадвалдан қабул қилиниши лозим.

31-жадвалда кўрсатилган масофалардан 5% га ошганда, шунингдек синчнинг бикрлиги деворлар ёки бошқа конструкциялар билан кўпайтирилганда ҳисоблашда иқлим ҳарорат таъсирлари, конструкцияларнинг ноэластик деформациялари ва тугунларнинг қайишқоқлиги ҳисобга олинishi лозим.



31-жадвал

Бинолар ва иншоотлар тавсифи	Энг катта масофалар, м		
	ҳарорат ўзгаришига қарши чоклар ўртасида		ҳарорат ўзгаришига қарши чок ёки бинонинг ён юзасидан энг яқин вертикал боғлама ўқиғача
	блок узунлиги бўйлаб (бино бўйлаб)	блок кенглиги бўйлаб	
Иситиладиган бинолар	230	150	90
Иситилмайдиган бинолар ва иссиқ цехлар	200	120	75
Очиқ эстакадалар	130	-	50

Изоҳ. Бино ёки иншоотнинг ҳарорат ўзгаришига қарши чоклар ўртасида икки вертикал боғлама мавжуд бўлганда боғламалар ўртасидаги масофа ўқларда бинолар учун 40-50 м дан, очиқ эстакадалар учун – 25-30 м дан ошмаслиги керак.

### Тўшамаларнинг фермалари ва таркибли плиталари

15.3 Фермалар ва таркибли плиталар (матнда кейинги ўринларда таркиблар деб юритилади) ўзақларининг ўқлари, қоида тариқасида, барча тугунларда марказланган бўлиши керак. Ўзақларни марказлаш пайвандланган фермаларда кесимларнинг оғирлик марказлари бўйлаб (5 мм гача юмалоқлаган ҳолда), болтли фермаларда эса – бурчакларнинг уларнинг муҳрасидаги энг яқин сатҳ чизиғи бўйлаб амалга оширилиши лозим.

Кесимлар ўзгарганда фермалар белбоғлари ўқларининг силжиши, агар у кичик кесимли белбоғ баландлигининг 1,5% дан ошмаса, ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Тугунларда эксцентриситет бўлганда фермалар ва таркибларнинг элементларини ҳисоблаш тегишли букувчи моментларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Тугунлардан ташқарида кучлар берилганда белбоғ фермалари бўйлама кучлар ва букувчи моментларнинг қўшма таъсирига ҳисобланиши лозим.

15.4 Тўшамалар фермаларининг оралиқлари 36 м дан ортиқ бўлганда ўзгармас ва давомли юкланишлардан букилишга тенг бўлган қурилиш кўтармаси назарда тутилиши керак. Том ёпмаси ясси бўлганда қурилиш кўтармаси оралиқ катталигидан қатъи назар назарда тутилиши, у жами меъёрий юкланиш таъсирида букилиш плюс 1/200 оралиққа тенг деб олиниши керак.

15.5 Бурчаклар ёки таврлардан иборат элементларга эга фермаларни ҳисоблашда фермаларнинг тугунларидаги элементларнинг уланмаларини ошиқ-мошиқли деб олишга йўл қўйилади. Элементларнинг қўштаврли, Н-симон ва найсимон кесимларида фермаларни ошиқ-мошиқли схема бўйича ҳисоблашга кесим баландлигининг элементлар узунлигига нисбати 1/10 дан ортиқ бўлмаганда йўл қўйилади.

Мазкур нисбатлар белгиланган меъёрдан ортиқ бўлганда элементларда тугунлар бикрлиги таъсирида қўшимча букувчи моментлар ҳисобга олиниши лозим. Фермалардаги тугунлар бикрлигини ҳисобга олиш яқинлаштирилган методлар ёрдамида амалга оширилишига йўл қўйилади; ўқли кучларни ошиқ-мошиқли схема бўйича аниқлашга йўл қўйилади.

15.6 Фасонкали пайвандлаб уланган фермаларнинг тугунларида панжара ва белбоғ элементларининг четлари ўртасидаги масофа камида  $a = bt - 20$  мм деб олиниши, бироқ 80 мм дан ошмаслиги керак (бу ерда  $t$  – фасонканинг йўғонлиги, мм).

Ёпқичлар билан тўсилувчи фермалар белбоғлари туташтириладиган элементларининг ён юзалари ўртасида қолдириладиган тирқиш 10 мм дан ошмаслиги, туташган жой ўқининг ҳар бир томонида 25 мм масофадаги зона пайвандланмаслиги керак.

Ферма панжарасининг элементларини фасонкаларга маҳкамловчи пайванд чоклари элементнинг ён юзасига камида 20 мм узунликда чиқарилиши лозим.

15.7 Таврлар, қўштаврлар ва якка бурчаклардан ясалган белбоғлардан иборат фермаларнинг тугунларида фасонкаларни белбоғларнинг токчаларига туташтириб маҳкамлаш фасонканинг бутун қалинлигига эритиш йўли билан амалга оширилиши лозим. I гуруҳ конструкцияларида, шунингдек ҳисобий ҳароратлари минус 40°C дан паст бўлган ҳудудларда фойдаланиладиган конструкцияларда тугун фасонкаларини белбоғлар билан туташтириш L.1 жадвалнинг 7-бандига мувофиқ бажарилиши лозим.

15.8 Найсимон ва қўштавр кесимли ўзақларга эга бўлган ва панжара элементлари бевосита белбоққа (фасонкаларсиз) маҳкамланган фермаларнинг тугунларини ҳисоблашда куйидагиларнинг кўтариб турувчи қобилияти текширилиши лозим:

белбоғ деворининг панжара элементлари туташган жойларда маҳаллий букилиш (эзиш) мавжуд бўлганда (юмалоқ ва тўғри бурчакли қувурлар учун);

белбоғ ён деворининг панжара сиқилган элементи туташган жойда (тўғри бурчакли қувурлар учун);

белбоғ токчаларининг букикликка (қўштаврли кесим учун);

белбоғ деворининг (қўштаврли кесим учун);

белбоққа туташ кесимдаги панжара элементларининг;

панжара элементларини белбоққа маҳкамловчи пайванд чокларининг.

Мазкур текширишлар М иловада келтирилган.

### Устунлар

15.9 Икки текисликда панжарали икки томони очиқ устунларнинг жўнатиладиган элементлари жўнатилувчи элементнинг учлари яқинида жойлаштириладиган диафрагмалар билан маҳкамланиши лозим.

Бир текисликда бирлаштирувчи панжарали икки томони очиқ устунларда диафрагмалар камида ҳар 4 метр ораликда жойлаштирилиши керак.

15.10 Бир томонли белбоғ чокларига эга марказда сиқилган устунлар ва устунларда боғламалар, тўсинлар, тиргаклар ва бошқа элементларни маҳкамлаш тугунларида куч узатиладиган зонада бириктириляётган элемент (тугун) контурлари ортига ҳар бир томондан  $30k_f$  узунликка чикувчи икки томонлама пайванд чоклари қўлланиши лозим.

15.11 Бирлаштирувчи панжара фасонкаларини устунларга устма-уст қўйиб маҳкамловчи бурчак чоклари ҳисоб бўйича тайинланиши ва фасонканинг икки томонида устун бўйлаб алоҳида участкалар кўринишида шахмат тартибида жойлаштирилиши лозим, бунда мазкур чокларнинг учлари ўртасидаги масофа фасонканинг 15 қалинлигидан ошмаслиги керак.

15.12 Устунларнинг монтаж улоқлари қирқилган ён юзалар билан, туташ пайвандлаб, ёпқичлардаги пайванд чоклари ёки болтлар, шу жумладан ўта мустаҳкам болтлар билан бажарилиши лозим. Ёпқичларни пайвандлашда чоклар ҳар бир томондан туташув жойига 25 мм етказилмаслиги керак. Сикувчи кучларни зич тегиш орқали, чўзувчи кучларни эса – болтлар воситасида узатувчи фланецли улашларни қўллашга йўл қўйилади.

### Боғламалар

15.13 Бинонинг ҳар бир ҳарорат блокада боғламаларнинг мустақил тизими назарда тутилиши керак.

15.14 Кран ости тўсинлари ва кран йўллари фермаларининг оралиғи 12 м дан ортиқ бўлган пастки белбоғлари горизонтал боғламалар билан мустаҳкамланиши лозим.

15.15 Кран ости тўсинлари сатҳидан (қуйи поғонадан) пастда асосий устунлар ўртасидаги вертикал боғламалар ҳарорат блокининг ўртасига мумкин қадар яқин жойлаштирилиши керак.

Кран ости тўсинлари сатҳидан юқорида вертикал боғламаларни ҳарорат блокининг ён юзалари бўйлаб, шунингдек қуйи поғона боғламалари жойлашган ерларда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бинонинг бўйлама йўналишидаги устунларнинг тармоқлари лозим даражада эгиловчан бўлмаган ҳолда боғламаларнинг тугунларида маҳкамланган қўшимча тиргаклар ўрнатишга йўл қўйилади.

Икки тармоқли устунларда боғламалар устун тармоқларидан ҳар бирининг текислигида жойлаштирилиши керак. Икки тармоқли боғламаларнинг тармоқлари, қоида тариқасида, бириктирувчи панжаларлар ўзаро бирлаштирилиши лозим.

15.16 Тўшама боғламалари тизими синч типига (пўлат ёки аралаш), тўшама типига (сарровли ёки сарровсиз), қурилиш худудининг зилзилалилигига, кранларнинг юк кўтариш қобилияти ва иш режимига, осма кўтариш-транспорт қурилмалари ва тўсин ости фермаларининг бор-йўқлигига, шунингдек қурилишнинг зилзилабардошлик меъёрлари талабларига боғлиқдир.

15.17 Тўсин ости фермаларининг пастки белбоғлари сатҳида бинонинг ҳар бир оралиғида унинг ён юзалари яқинида, шунингдек бинонинг ҳарорат ўзгаришига қарши чоклари яқинида қўндаланг горизонтал боғламалар назарда тутилиши лозим. Ҳарорат блокининг узунлиги 144 м дан ошганда ва юк кўтариш қобилияти катта (50 т га тенг ёки ундан ортиқ) кранлар мавжуд бўлганда тахминан ҳар 60 м да оралиқ қўндаланг горизонтал боғламалар ҳам назарда тутилиши керак.

Юк кўтариш қобилияти 10 т ва ундан ортиқ бўлган кўприксимон кранлар билан жиҳозланган пўлат синчли биноларда, тўсин конструкциялари қуйи қисмининг сатҳи 18 м дан ортиқ бўлганда – кранларнинг юк кўтариш қобилиятидан қатъи назар, тўсин ости фермаларидан иборат биноларда, шунингдек зилзилалилик 7 баллдан ортиқ бўлганда, тўсин фермалари пастки белбоғларининг четки панеллари бўйлаб жойлаштириладиган ва қўндаланг боғламалар билан бирга фермаларнинг пастки белбоғлари текислигида бикр контур ҳосил қиладиган бўйлама боғламалар назарда тутилиши керак.

Шу типдаги бир ва икки оралиқли биноларда пастки белбоғлар бўйлаб бўйлама боғламалар устунларнинг четки қаторлари бўйлаб тайинланиши лозим.

Кўп оралиқли биноларда (оралиқлар сони учтадан ортиқ бўлганда), юк кўтариш қобилияти 50 т гача ёки унга тенг кранлар мавжуд ва уларнинг иш режими 1К – 6К бўлса, бўйлама алоқалар, қоида тариқасида, устунларнинг четки қаторлари бўйлаб ва ўрта устунлар бўйлаб бир қатор оралатиб жойлаштирилиши лозим.

Кўп оралиқли биноларда, юк кўтариш қобилияти 50 т дан ортиқ кранлар мавжуд ва уларнинг иш режими ГОСТ 25546 бўйича 7К – 8К бўлса, шунингдек баландликда фарқлар мавжуд бўлган биноларда улар бир-биридан ҳисоблаш йўли билан аниқланувчи нисбатан қисқа масофада жойлаштирилиши керак.

Кўшни оралиқлар баландлиги бир хил бўлганда устунларнинг ўрта қаторлари бўйлаб бўйлама боғламалар устунларнинг четки қаторлари бўйлаб жойлаштирилган бўйлама боғламалар каби лойиҳаланиши лозим.

Фермалар пастки белбоғларининг икки қўндаланг боғлама фермалар оралиғида жойлашган панеллари қўндаланг текислигидаги эгиловчанлик (К.1 жадвалнинг 1-бандига қаранг) етарли бўлмаса, у боғлама фермаларнинг тугунлари ортига бириктирилган тортгичлар ўрнатиш йўли билан таъминланиши лозим.

15.18 Тўсин фермаларининг устки белбоғлари бўйлаб қўндаланг горизонтал боғламалар сарровлар билан қоплаш амалга оширилганда ҳар қандай бир қаватли саноат

биносида тайинланиши лозим. Устки ва пастки белбоғлар бўйлаб кўндаланг боғлама фермаларни текисликда туташтириш тавсия этилади.

Тўсин фермаларининг кўндаланг боғламалар билан бевосита туташмайдиган устки белбоғлари мазкур боғламалар жойлашган текисликда торткичлар билан бўшатилиши керак.

15.19 Сарровларсиз тўшамаларда фермаларнинг устки белбоғлари сатҳида том ёпманинг бикр диски мавжуд бўлганда, агар тўшамаларда йирик ўлчамли темир-бетон плиталар фермаларнинг устки белбоғларига пайвандланган ёки тўшаманинг профилланган варағи ҳар бир гофрда фермаларнинг белбоғларига маҳкамланган бўлса, фермаларнинг устки белбоғлари бўйлаб кўндаланг боғламалар фақат бинонинг ён юзларида ва ҳарорат ўзгаришига қарши чокларнинг яқинида ўрнатилиши керак. Қолган панелларда тепа қирра яқинида ва тўсин фермалари яқинида тиргаклар ўрнатилиши лозим.

Фермаларнинг устки белбоғлари сатҳида топ ёпманинг бикр диски мавжуд бўлганда конструкцияларни тўғрилаш ва монтаж жараёнида уларнинг турғунлигини таъминлаш учун ечиладиган инвентарь боғламалар назарда тутилиши лозим.

Сарровларсиз тўшамаларда пастки ва устки белбоғлар бўйлаб горизонтал боғламалар тўшама типидан қатъи назар фақат юк кўтариш қобилияти катта (50 т ва ундан ортиқ) кранлар мавжуд, металлургия ишлаб чиқаришлари цехларида иш режими 7К ва ишлаб чиқариш туридан қатъи назар ГОСТ 25546 бўйича 8К бўлган биноларда ўрнатилиши лозим.

Сарровсиз бир ораликли тўшамаларда ва бир сатҳда жойлашган кўп ораликли тўшамаларда тўсин ости фермалар мавжуд бўлганда, фермаларнинг устки белбоғлари текислигида фермаларнинг четки панелларидан бирида бўйлама горизонтал боғламалар ўрнатилиши лозим.

15.20 Тўшамалар турли сатҳларда жойлашганда ҳар бир сатҳда биттадан бўйлама боғламалар тизими назарда тутилиши керак.

Фермаларнинг устки белбоғи бўйлаб сарровлар мавжуд бўлмаган фонус доирасида тиргаклар назарда тутилиши лозим. Фермаларнинг тепа қиррадаги тугунлари бўйлаб бундай тигаклар мавжудлиги мажбурийдир.

15.21 Фонуслар бўйлаб боғламалар устки белбоғлар (ригеллар) текислигида фонуснинг ён юзлари яқинида ва ҳарорат ўзгаришига қарши чокларнинг иккала томонида жойлаштирилиши керак.

15.22 Тўшаманинг кўндаланг боғламалари жойлашган ерларда фермалар ўртасида вертикал боғламалар ўрнатиш назарда тутилиши лозим.

Ҳисобий ҳароратлар минус 40°C бўлган ҳудудларда фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларнинг тўшамаларида, қоида тариқасида, бутун бино бўйлаб ҳар бир ораликнинг ўртасида (одатда қўлланиладиган боғламаларга қўшимча) вертикал боғламалар назарда тутилиши керак.

Вертикал боғламалар, қоида тариқасида, тўсин фермаларининг таянч устунлари текисликларида, оралиғи 30 м гача бўлган фермалар учун тепа қирра устунларининг текисликларида, шунингдек оралиғи 30 м дан ортиқ бўлган фермалар учун фонус ташки оёқлари маҳкамланган тугун остидаги устунларнинг текисликларида жойлаштирилиши лозим.

Вертикал боғламалар элементларининг кесимлари, қоида тариқасида, ҳисоб бўйича тайинланиши, бироқ чегаравий эгилувчанликдан паст бўлмаслиги керак (К.1 жадвалнинг 6-бандига қаранг).

15.23 Транспортёрли галереялар ораликли иморатлари қирқма фермаларининг устки ва пастки белбоғлари бўйлаб горизонтал боғламалар ҳар бир оралик учун алоҳида конструкцияланиши лозим.

15.24 Тўшамалар боғламаларининг хочсимон панжараси қўлланилганда, I масъулият даражасига мансуб бинолар ва иншоотлардан ташқари, кашаклар фақат чўзувчи

кучларни қабул қилади, деган тахмин билан ҳисоблашни шартли схема бўйича амалга оширишга йўл қўйилади.

Боғламаларнинг элементларида кучларни аниқлашда фермалар белбоғларининг сиқилиши, одатда, ҳисобга олинмайди.

15.25 Фермалар пастки белбоғларининг текислигида мембранали тўшамани ўрнатишда мембрананинг ишини ҳисобга олишга йўл қўйилади.

15.26 Текисликли (икки белбоғли, букилувчан-бикр сим арқонли ва ш.к.) кўтариб турувчи системаларга эга бўлган осма тўшамаларда кўтариб турувчи системалар ўртасида вертикал ва горизонтал боғламалар назарда тутилиши лозим.

15.27 Боғламаларни маҳкамлаш В ва С аниқлик туркумига мансуб болтларда амалга оширилиши лозим.

Катта юк кўтариш қобилиятига эга бўлган кранлар билан жиҳозланган, иш режими 7К ва 8К бўлган биноларда, зилзилалилик даражаси 7 баллдан ортиқ бўлганда, шунингдек боғламаларнинг элементларида анча катта кучлар амал қилганда (шамол фермалари ва ш.к.) боғламаларнинг элементларини маҳкамлаш пайвандлаб ўрнатиш йўли билан, айрим ҳолларда эса А аниқлик туркумига мансуб болтлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

### Тўсинлар

15.28 Пайвандлаб ўрнатилган қўштаврли тўсинларнинг белбоғлари учун варақлар пакетларини қўллаш, қоида тариқасида, рухсат этилмайди.

Ўта мустаҳкам болтлардаги тўсинларнинг белбоғлари учун кўпи билан уч варақдан иборат пакетларни қўллашга йўл қўйилади, бунда белбоғ бурчакларининг юзи белбоғ жами юзининг камида 30% га тенг деб олиниши керак.

15.29 Пайвандлаб ўрнатилган тўсинларнинг белбоғ чоклари, шунингдек тўсиннинг асосий кесимига бириктириладиган ёрдамчи элементлар (масалан, бикрлик қовурғалари) узлуксиз қилиб бажарилади. Кўндаланг бикрлик қовурғалари белбоғ чокларини ўтказиш учун қирқимларга эга бўлишлари керак.

15.30 Статик юкни кўтариб турувчи пайвандлаб ўрнатилган қўштаврли тўсинларда бир томонли белбоғ чоклари қўлланганда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

ҳисобий юкланиш тўсиннинг кўндаланг кесимига нисбатан симметрик берилиши керак;

тўсин сиқилган белбоғининг турғунлиги 7.16-банд, а га мувофиқ таъминланиши лозим;

тўсинлар деворларининг турғунлигини ҳисоблаш 9.2 ва 9.3-бандларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак;

тўсин белбоғига жамланган кучлар, шу жумладан қовурғасимон темир-бетон плиталардан кучлар тушувчи жойларда кўндаланг бикрлик қовурғалари ўрнатилиши лозим.

Ромли конструкцияларнинг ригелларида таянч тугунлар яқинида икки томонли белбоғ чоклари қўлланиши, уларнинг узунлиги ригель кесимининг баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

Ушбу меъёрларнинг 7.18 ÷ 7.23-бандларига мувофиқ ҳисобланувчи тўсинларда бир томонли белбоғ чокларини қўллашга йўл қўйилмайди.

15.31 Пайвандлаб ўрнатилган тўсинларнинг бикрлик қовурғалари девор улоқларидан деворнинг камида 10 қалинлигига тенг масофага узоқлаштирилиши керак. Бўйлама бикрлик қовурғасига эга тўсин деворининг туташувчи чоклари кесишган жойларда қовурғани деворга бириктирувчи чоклар туташувчи чокка ( $6t - 20$ ) мм етказилмаслиги керак.

15.32 2 – 4 гуруҳ конструкцияларига кирувчи пайвандлаб ўрнатилган қўштаврли тўсинларда, қоида тариқасида, бир томонли бикрлик қовурғалари қўлланиши, улар тўсиннинг бир томонида жойлаштирилиши ва тўсин белбоғларига пайвандлаб бириктирилиши керак.

Бир томонли белбоғ чокларига эга тўсинларда бикрлик қовурғалари деворнинг бир томонли белбоғ чоклари жойлашган ерга қарама-қарши томонида жойлаштирилиши лозим.

Бир томонли бикрлик қовурғасининг турғунлигини ҳисоблаш 9.10 ва 9.13-бандларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

### Кран ости тўсинлари

15.33 Кран ости тўсинларини мустаҳкамликка ҳисоблаш 7.17-банд талабларига мувофиқ вертикал ва горизонтал кучлар таъсирига амалга оширилиши керак.

15.34 Кран ости тўсинларининг деворларини мустаҳкамликка ҳисоблаш (толиқишга ҳисобланувчи тўсинлар бундан мустасно, металлургия ишлаб чиқаришлари цехларида 7К ва ГОСТ 25546 бўйича 8К иш режимлари гуруҳларининг кранлари учун) (29) формула бўйича бажарилиши, унда қирқмасиз тўсинларнинг таянчларидаги кесимларни ҳисоблашда 0,87 коэффициент ўрнига 0,77 коэффициент олиниши керак.

15.35 Кран ости тўсинларини турғунликка ҳисоблаш 7.15-бандга мувофиқ бажаралиши лозим.

15.36 Кран ости тўсинларининг деворлари ва варақсимон белбоғларини турғунликка текшириш ушбу меъёрлар 9-бўлимининг талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

15.37 Кран ости тўсинларини толиқишга ҳисоблаш ушбу меъёрларнинг 11-бўлимига мувофиқ амалга оширилиши, бунда ГОСТ 25546 бўйича 7К (металлургия ишлаб чиқаришлари цехларида) ва 8К иш режимлари гуруҳларининг кранлари учун  $\alpha = 0,77$  деб, қолган ҳолларда  $\alpha = 1,1$  деб олиниши керак.

ГОСТ 25546 бўйича 7К (металлургия ишлаб чиқаришлари цехларида) ва 8К иш режимлари гуруҳларининг кранлари учун кран ости тўсинларида деворлар қўшимча тарзда 15.38-бандга мувофиқ мустаҳкамликка ва 15.39-бандга мувофиқ толиқишга ҳисобланиши керак.

Кран ости тўсинларини мустаҳкамликка ва толиқишга ҳисоблаш ҚМК 2.01.07 талабларига мувофиқ аниқланадиган кран юкланишлари таъсирига амалга оширилиши лозим.

15.38 Оқувчанлик чегараси  $400 \text{ Н/мм}^2$  гача бўлган пўлатдан ясалган кран ости тўсинлари деворларининг сиқилган зонасида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

$$\sqrt{(\sigma_x + \sigma_{loc,x})^2 - (\sigma_x + \sigma_{loc,x})\sigma_{loc,y} + \sigma_{loc,y}^2 + 3(\tau_{xy} + \tau_{loc,xy})^2} / \beta R_y \leq 1; \quad (150)$$

$$\frac{\sigma_x + \sigma_{loc,x}}{R_y} \leq 1; \quad (151)$$

$$\frac{\sigma_{loc,y} + \sigma_{fy}}{R_y} \leq 1; \quad (152)$$

$$\frac{\tau_{xy} + \tau_{loc,xy} + \tau_{f,xy}}{R_s} \leq 1, \quad (153)$$

бу ерда

$$\left. \begin{aligned} \sigma_x &= \frac{M}{W_{xn}}; \quad \tau_{xy} = \frac{Q}{ht}; \quad \sigma_{loc,y} = \frac{\gamma_{f1} F}{tl_{ef}}; \\ \sigma_{loc,x} &= 0,25\sigma_{loc,y}; \quad \tau_{loc,xy} = 0,3\sigma_{loc,y}; \\ \sigma_{fy} &= \frac{2M_t t}{J_f}; \quad \tau_{f,xy} = 0,25\sigma_{fy}; \end{aligned} \right\} \quad (154)$$

$\beta$  – коэффициент бўлиб, у қирқмали тўсинларни ҳисоблаш учун 1,15 га тенг деб, қирқмасиз тўсинларнинг таянчларидаги кесимларни ҳисоблаш учун эса – 1,3 га тенг деб олинади;

$M, Q$  – тегишли равишда тўсин кесимида ҳисобий юкланишдан букувчи момент ва кўндаланг куч;

$\gamma_{1f}$  – краннинг айрим ғилдирагига жамланган вертикал юкланишнинг кўпайиш коэффициенти бўлиб, у меъёрларнинг юкланиш ва таъсирларга оид талабларига мувофиқ олинади;

$F$  – кран ғилдирагининг ҳаракатчанлик коэффициенти ҳисобга олинмаган ҳисобий босими;

$l_{ef}$  – шартли узунлик бўлиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$l_{ef} = c\sqrt[3]{J_{1f}/t}, \quad (155)$$

бу ерда  $c$  – коэффициент бўлиб, у пайвандлаб уланган ва прокат тўсинлар учун 3,25 га, ўта мустаҳкам болтлардаги тўсинлар учун эса – 4,5 га тенг деб олинади;

$J_{1f}$  – тўсин белбоғи ва кран рельси хусусий инерция моментларининг йиғиндиси ёки рельс унинг ва белбоғнинг биргаликдаги ишини таъминловчи чоклар билан пайвандлаб уланган ҳолда рельс ва белбоғнинг умумий инерция моменти;

$M_t$  – маҳаллий айлантирувчи момент бўлиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_t = Fe + 0,75Q_t h_r, \quad (156)$$

бу ерда  $e$  – шартли эксцентриситет бўлиб, у 15 мм га тенг деб олинади;

$Q_t$  – кўприксимон краннинг қийшайиши ва кран йўлларининг параллель эмаслиги туфайли юзага келувчи горизонтал кўндаланг ҳисобий юкланиш бўлиб, у ҚМҚ 2.01.07 талабларига мувофиқ олинади;

$h_r$  – кран рельсининг баландлиги;

$$J_f = J_t + \frac{b_f t_f^3}{3} - \text{рельс ва белбоғ айланиши хусусий инерция моментларининг}$$

йиғиндиси,

бу ерда  $t_f$  ва  $b_f$  – тегишли равишда тўсин устки (сиқилган) белбоғининг қалинлиги ва кенглиги.

(150) ÷ (156) формулаларда барча кучланишлар «мусбат» белгиси билан олинади лозим.

15.39 Таркибли кран ости тўсинининг юқори зонасини толиқишга ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича бажарилиши лозим:

$$\left(0,5\sqrt{\sigma_x^2 + 0,36\tau_{xy}^2} + 0,4\sigma_{loc,y} + 0,5\sigma_{fy}\right)/R_v \leq 1 \quad (157)$$

бу ерда  $R_v$  – барча пўлатлар учун толиқиш ҳисобий қаршилиги бўлиб, у тегишли равишда пайвандлаб уланган ва ўта мустаҳкам болтлардаги тўсинлар учун тенг деб олинади:

$R_v = 75 \text{ Н/мм}^2$  ва  $95 \text{ Н/мм}^2$  деворнинг сиқилган юқори зонаси (тўсин оралиғидаги кесим) учун;

$R_v = 65 \text{ Н/мм}^2$  ва  $89 \text{ Н/мм}^2$  деворнинг чўзилган юқори зонаси (қирқмасиз тўсинларнинг таянч кесимлари) учун.

(157) формулада кучланишларнинг қийматлари ҚМҚ 2.01.07 талабларига мувофиқ аниқланган кран юкланишларидан 15.38-банд бўйича аниқланиши лозим.

ГОСТ 25546 бўйича 7К (металлургия ишлаб чиқаришлари цехларида) ва 8К иш режимлари гуруҳларининг кранлари кран ости тўсинларидаги устки белбоғ чоклари деворнинг бутун қалинлигига эритиш йўли билан бажарилиши лозим.

15.40 Ҳаракатланадиган таркиблардан юкланишни бевосита қабул қилувчи кран ости тўсинлари ва иш майдончалари тўсинлари чўзилган белбоғларининг бўш қирралари прокатли, машина кислородли ёки плазмали-ёйли қирқиш йўли билан рандаланган ёки қирқилган бўлиши керак.

15.41 Кран ости тўсинлари бикрлик қовурғаларининг ўлчамлари 9.10-банд талабларини қаноатлантириши лозим, бунда икки томонли қовурға бўртиқ қисмининг кенглиги 90 мм дан кам бўлмаслиги керак. Икки томонли кўндаланг бикрлик қовурғалари, қоида тариқасида, тўсин белбоғларига пайвандланмаслиги керак.

Бикрлик қовурғаларининг ён юзалари тўсиннинг устки белбоғига зич мосланиши лозим; бунда ГОСТ 25546 бўйича 7К (металлургия ишлаб чиқаришлари цехларида) ва 8К иш режимлари гуруҳларининг кранлари остидаги тўсинларда устки белбоққа туташувчи ён юзалар рандаланиши лозим.

ГОСТ 25546 бўйича 1К ÷ 5К иш режимлари гуруҳларининг кранлари остидаги тўсинларда бир томонли кўндаланг бикрлик қовурғаларини деворга ва устки белбоққа пайвандлаган ва 15.32-бандга мувофиқ жойлаштирган ҳолда қўллашга йўл қўйилади.

15.42 Кран йўллари (монорельслар) осма тўсинларини мустаҳкамликка ҳисоблаш кран ғилдирагидан босим тушувчи жойдаги тўсин ўқи бўйлаб ва кўндалангига йўналган маҳаллий нормал кучланишларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

### **Варақсимон конструкциялар**

15.43 Қобиклар бикрлиги кўндаланг элементларининг контури туташ қилиб лойиҳаланиши лозим.

15.44 Варақсимон конструкцияларга жамланган юкланишларнинг узатилиши бикрлик элементлари орқали назарда тутилиши лозим.

15.45 Турли шаклдаги қобиклар туташган жойларда маҳаллий кучланишларни камайтириш мақсадида оҳиста ўтишлар қўлланиши лозим.

15.46 Барча туташувчи чокларни ё икки томонли, ё бир томонли пайвандлаш йўли билан ўзакни эритган ҳолда ёки тагликларда бажариш назарда тутилиши лозим.

Конструкциялар уланмаларининг зичлигини таъминлаш талаб этилган ҳолларда бу лойиҳада кўрсатиб ўтилиши лозим.

15.47 Варақсимон конструкцияларда пайвандлаб улаш, қоида тариқасида, тақаб амалга оширилади. Қалинлиги 5 мм ва ундан кам бўлган варақларни улаш, шунингдек монтаж улашларини устма-уст бажаришга йўл қўйилади.

15.48 Варақли конструкцияларни конструкциялашда қуйидагилардан фойдаланиш орқали уларни яшаш ва монтаж қилиш индустриал методлари назарда тутилиши керак:

катта ўлчамли варақлар ва тасмалардан;

рулонлаш, қобиклар кўринишидаги материалларни тайёрлаш усулидан;

мумкин қадар кам чиқинди чиқишини таъминловчи бичимдан;

автоматик пайвандлашдан;

монтажда бажарилувчи пайванд чокларининг минимал сонидан.

15.49 Тўшамалар текисликда тўғри бурчакли ёки квадрат ясси мембраналарини лойиҳалашда таянч контурларнинг бурчаклари, қоида тариқасида, контур элементларини оҳиста бириктириш қўлланиши лозим. Мембранали конструкциялар учун, қоида тариқасида, занглашга чидамлилиги юқори даражада бўлган пўлатлар қўлланиши керак.



## Монтаж уланмалари

15.50 Толиқишга ҳисобланадиган кран ости тўсинларига эга бўлган бинолар ва иншоотларнинг конструкциялари, шунингдек темир йўл таркиблари ости учун конструкцияларнинг монтаж уланмалари пайвандлаш йўли билан ёки ўта мустаҳкам болтларда бажарилиши керак.

Аниқлик туркуми В ва С бўлган болтларни мазкур конструкцияларнинг монтаж уланмаларида қўллашга йўл қўйилади:

сарровларни, фонус конструкцияси элементларини, фермаларнинг устки белбоғлари бўйлаб боғламаларни (пастки белбоғлар бўйлаб боғламалар ёки бикр том ёпма мавжуд бўлганда), фермалар ва фонуслар бўйлаб вертикал боғламаларни, шунингдек фахверк элементларини маҳкамлаш учун;

бикр том ёпма (ғовакли бетонлардан темир-бетон ёки ўзакланган плиталар, профилланган пўлат ёпма ва ш.к.) мавжуд бўлганда фермаларнинг пастки белбоғлари бўйлаб боғламаларни маҳкамлаш учун;

тўсин ва тўсин ости фермаларини устунларга ва тўсин фермаларини тўсин ости фермаларига маҳкамлаш учун, вертикал таянч босим столча орқали узатилган ҳолда;

кран ости қирқма тўсинларни бир-бири билан бириктириш учун, шунингдек уларнинг пастки белбоғини вертикал боғламалар бириктирилмайдиган устунларга маҳкамлаш учун;

динамик юкланишлар таъсир этмайдиган иш майдончаларининг тўсинларини маҳкамлаш учун;

иккинчи даражали конструкцияларни маҳкамлаш учун.

## 16 ТУРАР ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

### Синчли бинолар

16.1 Ромлар системаларининг элементларидаги буқувчи моментларни қайта тақсимлаш учун ригелларнинг устунлар билан уланиш тугунларида пластик босқичда ишловчи пўлат ёпқичларни қўллашга йўл қўйилади.

Ёпқичлар оқувчанлик чегараси 345 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатлардан бажарилиши лозим.

Ёпқичлардаги кучлар оқувчанликнинг минимал чегараси  $\sigma_{y,\min} = R_{yn}$  бўлган ва оқувчанликнинг максимал чегараси  $\sigma_{y,\max} = R_{yn} + 100$  Н/мм<sup>2</sup> бўлган ҳолатда аниқланиши лозим.

Пластик босқичда ишловчи ёпқичлар рандаланган ёки қирқилган бўйлама қирраларга эга бўлиши керак.

### Осма тўшамалар

16.2 Иплардан ясалган конструкциялар учун, қоида тариқасида, ситарқонлар, эшилган иплар ва ўта мустаҳкам симлар қўлланилиши лозим. Прокат қўллашга йўл қўйилади.

16.3 Осма тўшаманинг том ёпмаси, қоида тариқасида, кўтариб турувчи ипларда жойлаштирилиши ва улар ҳосил қилувчи шаклни такрорлаши лозим. Том ёпмани махсус устқурма конструкцияга тираш йўли билан иплар устида кўтаришга ёки ипларга пастдан осиб қўйишга йўл қўйилади.

Бу ҳолда том ёпма шакли ипларнинг осилиш шаклидан фарқ қилиши мумкин.

16.4 Таянч контурларнинг шакл-шамойили ҳисобий юкланишларда уларга бириктирилган иплардаги кучлардан тушувчи босим эгри чизикларини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши лозим.

16.5 Осма тўшамалар шаклнинг муваққат юкланишлардан, шу жумладан шамол сўришидан барқарорлигига ҳисобланиши, у том ёпма қабул қилинган конструкциясининг герметиклигини таъминлаши лозим. Бунда тўшама эгрилигининг ўзгариши икки йўналишда – иплар бўйлаб ва уларнинг кўндаланг йўналишида текширилиши керак. Зарурий барқарорликка конструктив тадбирлар ёдамида: ипнинг тортилишини тўшама оғирлиги ёки дастлабки кучланиш ҳисобига қўпайтириш; барқарорлаштирувчи махсус конструкцияни яратиш; букилувчи-бикр ипларни қўллаш; иплар ва том ёпма плиталари системасини ягона конструкцияга айлантириш йўли билан эришилади.

16.6 Ип кесими ҳисобий юкланишда юзага келувчи энг катта куч бўйича, тўшаманинг берилган геометрияси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши керак. Тўрсимон системаларда, бундан ташқари, ип кесими фақат мазкур ип бўйлаб жойлашган муваққат юкланиш таъсирида ҳосил бўлувчи кучга текширилиши лозим.

16.7 Ипларнинг вертикал ва горизонтал силжишлари ва улардаги кучлар тўшама конструкцияси ишининг ночизиклигини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

16.8 Симарқонлар ва уларнинг уланмаларидан ҳосил қилинган ипларнинг иш шароитлари коэффицентлари 18-бўлимга мувофиқ олиниши керак. Барқарорлаштирувчи симарқонлар учун, агар улар таянч контур учун тортқичлар ҳисобланмаса, иш шароитлари коэффиценти  $\gamma_c = 1$ .

16.9 Прокат профиллардан ҳосил қилинган ипларнинг таянч тугунлари, қоида тариқасида, ошиқ-мошиқли қилиб бажарилиши керак.

## **17 ҲАВОДАН ЎТУВЧИ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИНИНГ ТАЯНЧЛАРИНИ, ОЧИҚ ТАҚСИМЛАШ МОСЛАМАЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ КОНТАКТ ТАРМОҚЛАРИ ЛИНИЯЛАРИНИНГ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР**

17.1 Баландлиги 100 м гача бўлган ҳаводан ўтувчи электр узатиш линиялари (ХЛ)нинг таянчлари ва очик тақсимлаш мосламалари (ОТМ)нинг конструкциялари учун болтлар толиқишга ҳисобланмайдиган конструкциялар учун сингари, баландлиги 100 м дан ортиқ бўлган таянчлар учун эса – толиқишга ҳисобланадиган конструкциялар учун сингари қабул қилиниши керак.

17.2 ХЛ таянчлари, ОТМ ва транспорт контакт тармоқлари линиялари (КТ) конструкцияларини ҳисоблашда иш шароитлари коэффицентлари  $F$  иловадан, шунингдек ушбу меъёрларнинг 32-жадвали ва 17.12-банди бўйича олиниши лозим.

Таянч элементларини мустаҳкамликка ҳисоблашга 7.2-бандга мувофиқ йўл қўйилмайди, бир токчага болтлар билан бириктириладиган якка бурчаклардан иборат чўзилган элементларни маҳкамлаш жойларидаги кесимларни ҳисоблаш бундан мустасно.

Ясси траверслар элементларининг эгилювчанлигини аниқлашда ҳисобий узунликлар  $l_{ef}$  ва кесимларнинг инерция радиуслари  $i$  33-жадвалдан олиниши керак.

17.3 Келтирилган эгилювчанликни 1-жадвал бўйича аниқлашда бутун ўзакнинг энг катта эгилювчанлиги  $\lambda$  қуйидаги формулалар бўйича ҳисоблаб топилиши лозим:

учлари бўйлаб ошиқ-мошиқлар билан тиралган, параллель белбоғларга эга тўрт қиррали ўзак учун

$$\lambda = 2l/b; \quad (158)$$

учлари бўйлаб ошиқ-мошиқлар билан тиралган, параллель белбоғларга эга уч қиррали тенг томонли ўзак учун

$$\lambda = 2,5l/b; \quad (159)$$

эркин турувчи пирамидасимон шаклдаги устун учун (10-расм)

$$\lambda = 2\mu_1 h/b_i. \quad (160)$$

(158) ÷ (160) формулаларда қабул қилинган белгилар:

$\mu_1 = 1,25(b_s/b_i)^2 - 2,75(b_s/b_i) + 3,5$  – ҳисобий узунликни аниқлаш учун коэффициент;

$l$  – икки томони очик ўзакнинг геометрик узунлиги;

$b$  – параллель белбоғларга эга ўзак тор қирраси белбоғларининг ўқлари ўртасидаги масофа;

$h$  – бўш турган устун баландлиги;

$b_s$  ва  $b_i$  – энг тор қирранинг устки ва пастки асосларидаги пирамидасимон таянч белбоғларининг ўқлари ўртасидаги масофа.

### 32-жадвал

№ т.б.	Конструкциялар элементи	Иш шароитлари коэффициенти $\gamma_c$
1	Якка бурчаклардан, бошмоқдан эътиборан дастлабки икки панелдаги бўш турган таянчларнинг устунларидан сиқилган белбоғлар тугунларнинг қуйидаги уланмаларида: а) пайвандлаб уланган б) болтлар билан бириктирилган	0,95 0,90
2	Бир тоқчада бириктириладиган тенг тоқчали якка бурчаклардан ясси панжарасимон траверсларнинг сиқилган элементлари (24-расм): а) таянч устунига траверс белбоғи бўйлаб қўйилган икки ва ундан ортиқ болтлар билан бириктириладиган белбоғлар б) таянч устунига битта болт билан ёки фасонка орқали бириктириладиган белбоғлар в) кашаклар ва тиргаклар	0,90 0,75 0,75
3	Пўлат симарқонлардан ёки ўта мустаҳкам симлар дастасидан тортқичлар: а) нормал иш режимидаги оралик таянчлар учун б) зулфинли, зулфинли-бурчакли ва бурчакли таянчлар учун: нормал иш режимида аварияли иш режимида	0,90 0,80 0,90
Изоҳ. Иш шароитлари коэффициентининг жадвалда кўрсатилган қийматлари тугунлардаги элементларнинг уланмаларига татбиқ этилмайди.		

17.4 Икки томони очик, узунлик бўйича ўзгармас марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи ўзакларни турғунликка ҳисоблаш ушбу меъёрларнинг 7-бўлими талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Икки томони очик, узунлик бўйича ўзгармас, панжара ва планкалардан иборат тенг томонли уч қиррали ўзаклар учун нисбий эксцентриситет  $m$  қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланиши лозим:

қирраларидан бири перпендикуляр текисликда букилганда


$$m = 3,48\beta M / (Nb); \quad (161)$$

қирраларидан бири параллель текисликда букилганда

$$m = 3\beta M / (Nb), \quad (162)$$

бу ерда  $b$  – қирра текислигида белбоғларнинг ўқлари ўртасидаги масофа;

$\beta$  – болтли уланмаларда 1,2 га, пайвандли уланмаларда 1,0 га тенг бўлган коэффициент.



24-расм. Траверслар схемаси

$a$  – учбурчак панжарали;  $b$  – шунинг ўзи, устунлар билан

33-жадвал

Траверс конструкцияси	Ҳисобий узунлик $l_{ef}$ ва кесим инерцияси радиуси $i$			
	белбоғларники		панжараники	
	$l_{ef}$	$i$	$l_{ef}$	$i$
Якка бурчаклардан белбоғлар ва панжара билан (24-расм, а)	$l_m$	$i_{\min}$	$l_d, l_c$	$i_{\min}$
	$l_{m1}$	$i_x$	–	–
Швеллерлардан белбоғлар ва якка бурчаклардан панжара билан (24-расм, б)	$l_m$	$i_y$	$l_d, l_c$	$i_{\min}$
	$1,12l_{m1}$	$i_x$	–	–

33-жадвалда қабул қилинган белгилар:  
 $i_x$  – траверс панжараси текислигига параллель ўққа нисбатан кесим инерцияси радиуси.

17.5 Икки томони очик кесимли марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи ўзақларни ҳисоблашда ушбу меъёрлар 7.27-бандининг талабларига мувофиқ элементларнинг болтли уланмаларида эксцентриситет қиймати 1,2 коэффициентга кўпайтирилиши лозим.

17.6 Тортқичларга эга бўлган таянчларнинг икки томони очик кесимли марказдан сиртда сиқилган ва сиқилган-букилувчи устунлари айрим белбоғларининг турғунлигини текширишда ҳар бир белбоғдаги бўйлама куч деформацияланган схемага мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган букувчи момент  $M$  ни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим. Мазкур моментнинг ошиқ-мошиқ билан тиралган устун узунлигининг ўртасидаги қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$M = M_q + \frac{\beta N}{\delta} (f_q + f_0) \quad (163)$$

бу ерда  $M_q$  – узунлик ўртасида кўндаланг юкланишдан бериладиган букувчи момент бўлиб, у оддий тўсинлардаги сингари аниқланади;

$\delta = 1 - 0,1Nl^2/(EJ)$ ; бу ерда  $J$  – кўндаланг юкланиш амал қилувчи текисликка перпендикуляр бўлган ўққа нисбатан устун кесимининг инерция моменти;

$l$  – устуннинг узунлиги;

$N$  – устундаги бўйлама куч;

$f_q$  – узунлик ўртасида кўндаланг юкланиш таъсирида устуннинг букилиши бўлиб, у оддий тўсинлардаги сингари аниқланади;

$f_0 = l/750$  – устуннинг бошланғич қийшайиш кўрсаткичи;

$\beta$  – 17.4-бандга мувофиқ олинувчи коэффициент.

17.7 Икки томони очиқ кесимли сиқилган-букилувчи ва ошиқ-мошиқ билан тиралган устунлардаги узунлик бўйлаб ўзгармас кўндаланг куч  $Q$  тортчиқли таянчларда устун узунлиги бўйлаб ўзгармас деб олинishi ва қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$Q = Q_{\max} + \frac{3,14\beta N}{\delta l} (f_q + f_0) \quad (164)$$

бу ерда  $Q_{\max}$  – ташқи юкланишдан берилувчи максимал кўндаланг куч.

(164) формулада қолган ифодалар (163) формуладаги сингари қабул қилинган.

17.8 Якка бурчаклардан ясалган конструкцияларнинг сиқилган ўзакларини турғунликка ҳисоблаш, қоида тариқасида, бўйлама кучларнинг эксцентрик берилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Бўйлама кучларни камида 1,0 деб олинадиган коэффициентлар  $\alpha_m$  ва  $\alpha_d$  кўпайтириш шарти билан бу ўзакларни (3) формула бўйича марказда сиқилган ўзаклар сифатида ҳисоблашга йўл қўйилади.

10-расмдаги кўламли болтли конструкцияларда (10-расм, в ва учлардаги таянчлардан ташқари) тенг токчали якка бурчаклардан ўзакларнинг тугунларида уларнинг белгилари бўйича марказлашда панжара элементларида болтлар бир қаторда жойлашганда ва кашаклар тугунда белбоғ токчасининг икки томонидан бириктирилганда  $\alpha_m$  ва  $\alpha_d$  коэффициентларнинг қийматлари аниқланади:

$\bar{\lambda} \leq 3,5$  бўлган белбоғлар учун ( $\bar{\lambda} > 3,5$  бўлса,  $\bar{\lambda} = 3,5$  деб олинishi керак) қуйидаги формулалар бўйича:

$$0,55 \leq c/b \leq 0,66 \text{ ва } N_{md}/N_m \leq 0,7 \text{ бўлса,} \\ \alpha_m = 1 + [c/b - 0,55 + \bar{\lambda}(0,2 - 0,05\bar{\lambda})]N_{md}/N_m; \quad (165)$$

$$0,4 \leq c/b < 0,55 \text{ ва } N_{md}/N_m \leq (2,33c/b - 0,58) \text{ бўлса,} \\ \alpha_m = 0,95 + 0,1c/b + [0,34 - 0,62c/b + \bar{\lambda}(0,2 - 0,05\bar{\lambda})]N_{md}/N_m; \quad (166)$$

белбоғнинг ҳисобланаётган панелига туташ кашаклар учун (кашакнинг бурчак токчаси бўйлаб муҳрадан болтлар ўрнатилган белгигача бўлган масофасининг кашак бурчаги токчасининг кенглигига нисбати 0,54 дан 0,60 гача тенг бўлганда) қуйидаги формулалар бўйича:

$$0,55 \leq c/b \leq 0,66 \text{ ва } N_{md}/N_m < 0,7 \text{ бўлса,}$$

$$\alpha_d = 1,18 - 0,36c/b + (1,8c/b - 0,86)N_{md}/N_m ; \quad (167)$$

$$0,4 \leq c/b < 0,55 \text{ ва } N_{md}/N_m \leq (2,33c/b - 0,58) \text{ бўлса,} \\ \alpha_d = 1 - 0,04c/b + (0,36 - 0,41c/b)N_{md}/N_m . \quad (168)$$

10-расм, г, д, е даги кўламли болтли конструкциялар учун (166) ва (168) формулаларда  $0,45 \leq c/b < 0,55$  деб олинishi керак.

10-расм, б, г даги тенг токчали якка бурчаклардан пайвандлаб уланган кўламли конструкцияларда (учлардаги таянчлардан ташқари) тугундаги кашаклар белбоғ тоқчасининг ички томонидангина бириктирилганда,  $N_{md}/N_m \leq 0,7$  бўлса,  $\alpha_m$  ва  $\alpha_d$  коэффициентларнинг қийматлари қуйидагича олинади:

ўзақларнинг тугунларида марказлаш кесимларнинг оғирлик марказлари бўйича амалга оширилганда

$$\alpha_m = \alpha_d = 1,0 ;$$

кашаклар ўқларининг тугунларида марказлаш белбоғнинг муҳрасига нисбатан амалга оширилганда

$$\alpha_m = \alpha_d = 1 + 0,12N_{md}/N_m .$$

Конструкцияларни вертикал ва кўндаланг юкланишлар ҳамда симлар ёки тросларнинг узилиши натижасида ҳосил бўлган айлантирувчи моментнинг биргаликдаги таъсирига ҳисоблашда  $\alpha_m = \alpha_d = 1,0$  деб олишга йўл қўйилади.

(165) ÷ (167) формулаларда  $\alpha_m$  ва  $\alpha_d$  ни аниқлаш учун қабул қилинган белгилар:

$c$  – белбоғ бурчагининг тоқчаси бўйлаб унинг муҳрасидан тугун маркази жойлашган белгигача бўлган масофа;

$b$  – белбоғ бурчаги тоқчасининг кенглиги;

$\bar{\lambda}$  – белбоғнинг шартли эгилувчанлиги;

$N_m$  – белбоғ панелидаги бўйлама куч;

$N_{md}$  – белбоғнинг бир тоқчасига туташувчи кашаклардаги кучлар белбоғ ўқиға проекцияларининг унга тугунда узатиладиган ва  $N_m$  учун назарда тутилган юкланишлар бирикмасида аниқланадиган йиғиндиси;

белбоғни ҳисоблашда тугунлар учун панель учлари бўйича, кашакларни ҳисоблашда эса – кашак туташган тугун учун олинган  $N_{md}$  қийматларидан энг каттаси олинади.

17.9 Бўш турган панжарасимон устуннинг якка бурчагидан ясалган қуйидан биринчи кашакнинг эгилувчанлиги 160 дан ошмаслиги керак.

17.10 Таянч устининг оғишлари ва траверсларнинг вертикал букилишлари 34-жадвалда келтирилган қийматлардан ошмаслиги керак.

17.11 ХЛ ва ОТМ якка бурчаклардан ясалган таянчларининг пўлат конструкцияларида диафрагмалар кўпи билан 15 м оралатиб, шунингдек жамланган юкланишлар бериладиган ва белбоғларнинг синиқлари жойлашган ерларда жойлаштирилиши лозим.

17.12 Панжара элементлари (кашаклар ва тиргаклар)нинг бир болтли уланмаларида, чўзилишга доимий ишлайдиган уланмалардан ташқари, оқувчанлик чегараси  $380 \text{ Н/мм}^2$  гача бўлган пўлатлардан тоқча қалинлиги 6 мм гача бўлганда элемент киррасидан тешик марказигача бўлган масофани куч бўйлаб  $1,35d$  деб (бу ерда  $d$  – тешик диаметри) олишга йўл қўйилади, элементларни ясашда бу қиймат камайтириш томонга ўзгартирилиши мумкин эмас ва бу лойиҳада кўрсатилиши лозим. Бунда уланаётган элементларни эзилишга ҳисоблашда уланма иш шароитлари коэффициенти  $\gamma_b$  (137) формулада 0,65 га тенг деб олинishi керак.

Чўзилишга доимий ишлайдиган элементлар (траверсларнинг тортқилари, симлар ва трослар маҳкамланган тугунларга туташ элементлар)нинг бир болтли уланмаларида (ва қурилмалар маҳкамланган жойларда) элемент қиррасидан тешик марказигача бўлган масофа куч бўйлаб камида  $2d$  деб олиниши керак.

17.13 Белбоққа болтлар билан маҳкамладиган кашаклар, қоида тарикасида, бир тугунда белбоғ бурчаги токчасининг икки томонида жойлаштирилиши лозим.

17.14 Белбоғ тенг токчали бурчакларининг болтли уланмаларида улоқдаги болтлар сони жуфт тайинланиши ва болтлар бурчак токчалари ўртасида тенг тақсимланиши керак.

Болтлар бир қаторда ва шахмат тартибда жойлаштирилганда уларнинг сони, шунингдек болтлар икки қаторда жойлаштирилганда уларнинг кўндаланг қаторлари сони улоқнинг ҳар бир томонида бурчакнинг бир токчасида бештадан ортиқ тайинланмаслиги керак.

## 34-жадвал

Конструкциялар ва оғиш йўналиши	Устунларнинг нисбий оғиши (баландлик $h$ га нисбатан)	Траверсларнинг нисбий букилишлари (оралиқ ёки рафақ узунлигига нисбатан)			
		вертикал		горизонтал	
		оралиқда	рафақда	оралиқда	рафақда
1. ҲЛ анкер типдаги уч ва бурчак таянчлари, баландлиги симлар бўйлаб 60 м гача	1/120	1/200	1/70	Чекланмайди	
2. ҲЛ анкер типдаги таянчлари, баландлиги симлар бўйлаб 60 м гача	1/100	1/200	1/70	Чекланмайди	
3. ҲЛ оралиқ таянчлари (ўтиш таянчларидан ташқари), симлар бўйлаб	Чекланмайди	1/150	1/50	Чекланмайди	
4. ҲЛ барча типдаги ўтиш таянчлари, баландлиги симлар бўйлаб 60 м дан ортиқ	1/140	1/200	1/70	Чекланмайди	
5. ОТМ таянчлари, симлар бўйлаб	1/100	1/200	1/70	1/200	1/70
6. ОТМ таянчлари, симларга нисбатан кўндаланг йўналишда	1/70	Чекланмайди			
7. Қурилмалар остига таянчларнинг устунлари	1/100	–	–	–	–
8. Қурилма остига тўсинлар	–	1/300	1/250	–	–
<p>Изоҳлар:</p> <p>1. ОТМ таянчлари ва ҲЛ таянчлари траверсларининг авария ва монтаж режимида оғишлари меъёрлаштирилмайди.</p> <p>2. Жадвалнинг 7 ва 8-бандлари бўйича оғишлар ва букилишлар, агар қурилмадан фойдаланиш техник шартларида қаттиқроқ талаблар белгиланган бўлса, камайтирилиши лозим.</p>					

**18 КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР**

18.1 АИни лойиҳалашда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:  
иншоот ва унинг айрим элементлари аэродинамик қаршилигини пасайтириш;  
конструкцияларнинг элементларида кучларни бошланғич кучланишдан фойдаланиш йўли билан оқилона тақсимлаш;

кўтариб туриш ва радиотехника функцияларини бирлаштириш.

18.2 Тортқичлар ва антенна кўтармаларининг элементлари учун СС гуруҳи бўйича рухланган юмалоқ, яқка ўрилган ўралмайдиган (эшма) ёки қўш хочсимон ўрилган металл ўзакли (юмалоқ тўқимали) ўралмайдиган, пўлатдан ясалган юк симарқонлари қўлланилиши лозим, бунда эшма симарқонлар ҳисобий кучлар 325 кН гача бўлган шароитда қўлланилиши керак. Симарқонларда 1 туркумли энг катта диаметрли юмалоқ пўлат сим ишлатилиши лозим. Ўртача ва кучли агрессив муҳитларда ЖС гуруҳи бўйича рухланган симарқонлардан СС гуруҳи симарқонлари учун белгиланган талабларга мувофиқ фойдаланишга йўл қўйилади. Ўраладиган симарқонлардан уларнинг учларида рухланган юмшоқ симдан боғичларни 25% га узунлаштирган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.

Ёнғоқсимон изоляторлар ўрнатилган тортқичлар учун, агар радиотехника талаблари бунга йўл қўйса, нометалл ўзакли пўлат симарқонлар қўлланиши лозим.

Юмалоқ симдан ясалган симарқонларнинг кўтариб туриш қобилятидан ортик кучларга эга бўлган тортқичлар учун зетасимон ва понасимон рухланган симлардан ясалган берк пўлат симарқонларни қўллашга йўл қўйилади.

18.3 АИ конструкцияларини ҳисоблашда 13-бўлим ва F иловада, шунингдек 35-жадвалда белгиланган иш шароитлари коэффицентлари олиниши керак.

35-жадвал

Конструкцияларнинг элементлари	Иш шароитлари коэффицентлари $\gamma_c$
Панжаранинг дастлабки тарзда кучланган элементлари	0,90
Фланецлар:	
ҳалқасимон	1,10
қолган типлари	0,90
Мачталар тортқичларининг пўлат симарқонлари ёки антенна кўтармаларининг элементлари уларнинг қуйидаги сонларида:	
поғонада 3-5 тортқич ёки антенна кўтармаларининг элементлари	0,80
поғонада 6-8 тортқич	0,90
поғонада 9 ва ундан ортик тортқич	0,95
Учларни коушда қисқичлар билан маҳкамлаш ёки втулкада нуктасимон преслаш	0,75
Симарқоннинг коуш ёки изолятордаги тўқимаси	0,55
Тортқичлар, антенна кўтармалари, симларни, таянч конструкциялар ва анкерли пойдеворларга тирговучларни маҳкамлаш элементлари	0,90
Қирқмали уланмаларсиз анкерли тортқилар, улар букиш билан чўзилишга ишлаганда	0,65
Чўзилишга ишлаганда ҳалқалар	0,65
Пўлат симарқонлар маҳкамлагичлари ва уланмаларининг деталлари:	
механик, ошиқ-мошиқларнинг ўқларидан ташқари	0,80
эзилганда ошиқ-мошиқларнинг ўқлари	0,90



18.4 Таянчларнинг нисбий оғишлари 36-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак, лойиҳалашга техник топшириқда бошқача қийматлар белгиланган таянчларнинг оғишлари бундан мустасно.

36-жадвал

Юкланма тури	Нисбий оғишлар (баландликка нисбатан)
Шамол ёки музлама юкланиши	1/100
Таянчга бир томонлама осилган антенналар шамол бўлмаганда	1/300

18.5 Таянчни динамик ҳисоблашда антенна кўтармасининг таянчига бириктирилган масса ҳисобга олинмайди.

18.6 Шамол ва музлама юкланишларининг қийматларини мачта танаси поғоналари ўртасининг баландлигида ёки эгилувчан элемент (тортқич) осмаси баландлигининг учдан икки қисмида олишга ва мазкур қийматларни поғона ёки элемент узунлиги бўйлаб бир тексим тақсимланган деб ҳисоблашга йўл қўйилади.

18.7 Мачталар тортқичлари оралиғида изоляторлар массаси, шамол ва музлама юкланишларидан жамланган кучларни қиймат жиҳатидан тўсин моментига эквивалент, бир текис тақсимланган юкланиш деб олишга йўл қўйилади.

18.8 АИ қия элементларини (мачталарнинг тортқичлари, антенна кўтармаларининг элементлари, тирговучларни) ҳисоблашда фақат уларга таъсир этувчи юкланишларнинг элемент ўқиға ёки унинг хордасига перпендикуляр йўналган проекцияси ҳисобга олиниши лозим.

18.9 Тортқичлардан иборат мачталар умумий ва улар айрим элементларининг турғунлигига қуйидаги юкланишларда ҳисобланиши керак:

шамол бўлмаганда тортқичларнинг монтажга оид тортилишидан;

шамол юкланиши – тортқичлардан бирига йўналганда;

музлама юкланиши – шамол бўлмаганда;

музлама ва шамол юкланиши – тортқичлардан бирига йўналганда.

Мачтанинг умумий турғунлигини текширишда танадаги ҳисобий куч критик кучдан 1,3 барабар кам бўлиши керак.

18.10 Лойиҳада мачта ўрнатилаётган ҳудуддаги ҳавонинг ўртача йиллик ҳароратсида, шунингдек  $\pm 40^{\circ}\text{C}$  ҳароратда тортқичларнинг симарқонларидаги монтажга оид тортилишларнинг қийматлари кўрсатилиши лозим.

18.11 Конструкциялар элементларининг ҳисобий кучларни узатувчи монтаж уланмалари, қоида тариқасида, В аниқлик туркуми болтларида ва тортилиш ростланмайдиган ўта мустаҳкам болтларда лойиҳаланиши керак. Белгиси ўзгарувчан кучлар таъсир этганда, қоида тариқасида, ўта мустаҳкам болтлардаги ёки пайвандлаб ўрнатиладиган уланмалар қабул қилиниши лозим.

Фланецли уланмаларда, қоида тариқасида, тортилиш ростланмайдиган ўта мустаҳкам болтлар қўлланиши лозим.

Пайвандлаб ўрнатишни ёки А аниқлик туркуми болтларини қўллаш монтаж қилувчи ташкилот билан келишилиши керак.

18.12 Эгилувчанлиги 250 дан ортиқ бўлган кашаклар кесишув жойларида чапараста панжара ўрнатилганда ўзаро бириктирилиши лозим.

Диафрагмалар ва технологик майдончалар элементларининг вертикал ва горизонтал текисликлардаги тиргаklarининг букилишлари 1/250 оралиқдан ошмаслиги керак.

18.13 Панжарасимон таянчларнинг конструкцияларида диафрагмалар таянч секцияси ўрта кўндаланг кесимининг уч ўлчамидан ортиқ бўлмаган масофа оралатиб,

шунингдек жамланган юкланишлар бериладиган ва белбоғларнинг синиқлари жойлашган ерларда жойлаштирилиши лозим.

18.14 Кувурлар фланецли уланмаларининг болтлари минимал мумкин бўлган диаметрли битта доирада, қоида тариқасида, болтлар ўртасидаги тенг масофаларда жойлаштирилиши керак.

18.15 Фермалар панжарасининг бир тугунда туташувчи элементлари белбоғ ўқиға нисбатан уларнинг ўқлари кесишувчи нуқтада марказланиши лозим. Кашаклар фланецларга туташувчи жойларда уларни белбоғ кўндаланг кесими ўлчамининг учдан биригача масофада марказдан узоқлаштиришга йўл қўйилади. Марказдан узоқлаштириш бундан катта ўлчамга амалга оширилганда элементлар ҳисоби тугунларнинг моментларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

Юмалоқ пўлатдан ясалган кашакларни маҳкамлаш учун қирқмали фасонкааларда қирқманинг учи кашак диаметридан 1,2 барабар каттароқ очилиши керак.

18.16 Панжарасимон танали матчалардаги тортқичлар белбоғлар ва тиргаклар ўқларининг кесишиш нуқтасига марказланиши лозим. Тортқичларнинг шартли ўқи сифатида хорда олиниши керак.

Тортқичларни маҳкамлаш учун варақсимон ҳалқалар уларни букилишдан асровчи бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланиши лозим.

Тортқичларни маҳкамлаш тугунларининг матчалар таналари секцияларининг транспорт габаритларига сиғмайдиган конструкциялари танада айрим киритмаларда бикр габарит диафрагмалар кўринишида лойиҳаланиши керак.

18.17 Мачтанинг таянч секцияси, қоида тариқасида, мачта танасидан юкланишни пойдеворга таянч ошиқ-мошиқ орқали узатадиган қилиб бажарилиши лозим. Тегишли асослаш мавжуд бўлганда пойдеворда қисилган таянч секциясини қўллашга йўл қўйилади.

18.18 Технологик майдончаларнинг кронштейнлари ва осмалари тана асосий конструкцияларининг тугунларида жойлаштирилиши лозим.

18.19 Мачталар тортқичларининг узунлигини ростлаш ва уларни маҳкамлашга хизмат қилувчи чўзма қурилмалар (муфталар) анкерли қурилмаларга эгилувчан симарқонли киритма билан маҳкамланиши лозим. Втулкаларнинг ён юзалари ўртасида симарқонли киритманинг узунлиги симарқоннинг 20 диаметридан кам бўлмаслиги керак.

18.20 АИ элементлари учун мустаҳкамлик ва толиқишга синовдан ўтган намунавий механик деталлар қўлланиши лозим.

Чўзилган элементларда резьба ГОСТ 8724, ГОСТ 9150, ГОСТ 24705 стандартлари (қайрилмали резьба ботиғини бажариш) бўйича олиниши керак.

18.21 Мачталарнинг тортқичларида, горизонтал антенна кўтармаларининг симлари ва симарқонларида вибрацияни сўндириш учун рессор типидagi паст частотали (1-2,5 Гц) ва юқори частотали (4-40 Гц) жуфт вибрация сўндиргичларни олдинма-кетин ўрнатиш назарда тутилиши лозим.

Паст частотали сўндиргичлар тортқич, сим ёки симарқоннинг асосий тони частотасига қараб танланиши керак. Симарқоннинг учи маҳкамланган жойдан сўндиргичлар осмаси ўрнатилган жойгача бўлган масофа  $s$  қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$s \geq \beta d \sqrt{\frac{P}{m}},$$

бу ерда  $d$  – симарқон, сим диаметри, мм;

$m$  – симарқон, сим 1 м массаси, кг;

$P$  – симарқон, симдаги бошланғич чўзилиш, Н;

$\beta$  – коэффициент бўлиб, у 0,00041, Н га тенг.

Юқори частотали сўндиргичлар паст частотали сўндиргичлардан юқорида  $s$  масофада ўрнатилади. Антенна кўтармалари симлари ва симарқонларининг 300 м дан ортик ораликларида сўндиргичлар ҳисобдан қатъи назар ўрнатилиши лозим.

“Лапанглаш” қабилидаги тебранишларни сўндириш учун ситарқон (сим) узунлиги етаклаш тортқилари билан ўзгартирилиши керак.

18.22 Радиоалоқа антенна иншоотлари баланд тўсиқларни тамғалаш ва ёруғлик билан тўсишга оид талабларга мувофиқ рангли тамғалаш бўлаклари билан оралатиб бўялиши лозим.

18.23 Тортқичлар, изоляторлар арматурасининг механик деталлари, шунингдек металл ашёлари, қоида тариқасида, рухланган бўлиши керак.

## 19 ДАРЁ ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

19.1 Дарё гидротехника иншоотларининг пўлат конструкцияларини ҳисоблашда 13-бўлим ва F иловада, шунингдек 37-жадвалда белгиланган иш шароитлари коэффициентлари олиниши керак.

19.2 Нам муҳит таъсир этмайдиган пўлат конструкциялар 1÷14-бўлимларнинг талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

Нам муҳит таъсир этувчи конструкцияларни ҳисоблашда мустаҳкамлик коэффициентлари гидротехника иншоотларини лойиҳалаш меъёрларининг талабларига мувофиқ олиниши керак.

19.3 Қувур йўлларининг учланмалари ва айрилиш жойларини толиқишга ҳисоблаш, агар лойиҳалаш учун топшириқда қувур йўлида оқим босимининг маромий ҳаракатланувчи элементи мавжудлиги айтиб қўйилган бўлса, 11-бўлим талабларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Икки ўқли чўзилишга учрайдиган элементларни толиқишга ҳисоблашни ҳақиқий кучланган ҳолатни ҳисобга олган ҳолда аниқроқ методлар билан амалга оширишга йўл қўйилади.

37-жадвал

Конструкцияларнинг элементлари	Юкланишларнинг қуйидаги бирикмаларида иш шароитлари коэффициенти $\gamma_c$	
	асосий	алоҳида
1. Қувур йўлларининг элементлари, ясси тикинларнинг қопламаларидан ташқари, маҳаллий кучланишларни ҳисобга олмасдан ички босимга ҳисоблаганда	0,70	0,95
2. Шунинг ўзи, тўсин катагисиз ясси тикинлардан ташқари, маҳаллий кучланишларни ҳисобга олган ҳолда ички босимга ҳисоблаганда	1,10	1,5
3. Қувур йўлларининг тўсин катагисиз ясси тикинлари ички босимга ҳисоблаганда	0,55	0,7
4. Қувур йўлларининг элементлари ташқи босимга ҳисоблаганда:		
тўғри чизикли участкалар ва тирсақларнинг қобиқлари	0,80	0,9
бикрлик ҳалқалари	0,65	0,75
5. Ясси қопламаларнинг анкерлари	0,85	—

19.4 Затвор камералари ва тарновларнинг яққи қопламалари қуйидаги шартларда мустаҳкамликка ҳисобланиши лозим:

янги ётқизилган бетон ва қоплама ортига босим остида юборилувчи цемент қоришма босими;

тарновдаги сув босимини ҳисобга олганда, қоплама ортидаги бетонда филтрацион сув босими.

19.5 Ғилдиракли ва ғалтакли затворлар остига ишчи йўллари мустаҳкамликка ҳисоблаш ғилдираш юзаларининг букилиши ва маҳаллий эзилиши, деворнинг маҳаллий сиқилиши, асос остида бетоннинг сиқилиши шартларида бажарилиши лозим.

19.6 Узунлик бўйича ўзгарувчи диаметрларга эга қувур йўллари ўзгармас диаметрли қисмларга бўлиниши керак. Қувурнинг бир диаметрдан бошқасига ўтиш конуссимон гардишлар ёки бўғинлар билан бажарилиши лозим.

## 20 ЭГИЛУВЧАН ДЕВОРЛИ ТЎСИНЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

20.1 Симметрик кўштавр кесимли эгилювчан деворли, статик юкланишни кўтарувчи ва девор текислигида букилувчи қирқма тўсинлар учун, қоида тариқасида, оқувчанлик чегараси 430 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатлар қўлланилиши лозим.

20.2 Статик юкланишни кўтарувчи, фақат кўндаланг бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланган девор текислигида букилувчи қирқма тўсинлар (25-расм)нинг мустаҳкамлиги, деворнинг шартли эгилювчанлиги  $6 \leq \bar{\lambda}_w \leq 13$  бўлганда, қуйидаги формула бўйича текширилиши лозим:

$$\left(\frac{M}{M_u}\right)^4 + \left(\frac{Q}{Q_u}\right)^4 \leq 1, \quad (169)$$

бу ерда  $M$  ва  $Q$  – тўсиннинг кўрилётган кесимидаги момент ва кўндаланг куч қийматлари;

$M_u$  – қуйидаги формула бўйича аниқланувчи моментнинг чегаравий қиймати

$$M_u = R_y t h^2 \left[ \frac{A_f}{t h} + \frac{0,85}{\bar{\lambda}_w} \left( 1 - \frac{1}{\bar{\lambda}_w} \right) \right]; \quad (170)$$

$Q_u$  - қуйидаги формула бўйича аниқланувчи кўндаланг кучнинг чегаравий қиймати

$$Q_u = R_s t h \left[ \frac{\tau_{cr}}{R_s} + 3,3 \left( 1 - \frac{\tau_{cr}}{R_s} \right) \frac{\beta \mu}{1 + \mu^2} \right]. \quad (171)$$

(170) ва (171) формулаларда:

$t$  ва  $h$  – девор қалинлиги ва баландлиги;

$A_f$  – тўсин белбоғи кесимининг юзи;

$\tau_{cr}$  ва  $\mu$  – критик кучланиш ва девор бўлими ўлчамларининг нисбати бўлиб, улар

9.4-бандга мувофиқ аниқланади;

$\beta$  – коэффициент бўлиб, у қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\alpha \leq 0,03 \text{ бўлса,}$$

$$\beta = 0,05 + 5\alpha \geq 0,15; \quad (172)$$

$$0,03 < \alpha \leq 0,1 \text{ бўлса,}$$

$$\beta = 0,11 + 3\alpha \leq 0,40. \quad (173)$$

$$\text{Бу ерда } \alpha = \frac{8W_{\min}}{th^2 a^2} (h^2 + a^2),$$

бунда  $W_{\min}$  – тўсиннинг сиқилган беобоғидан ва деворнинг унга туташадиган, баландлиги  $0,5t\sqrt{E/R_y}$  бўлган қисмидан иборат таврли кесим қаршилигининг минимал моменти (таврнинг тўсин белбоғига параллель бўлган ўз ўқиға нисбатан);

$a$  – бикрлик қовурғаларининг одими.

20.3 Кесими 9.10-бандда кўрсатилгандан кам қабул қилиниши мумкин бўлмаган кўндаланг бикрлик қовурғалари қуйидаги формула бўйича аниқланувчи куч  $N$  билан сиқилган ўзақлар сифатида турғунликка ҳисобланиши лозим:

$$N = 3,3R_s th \left( 1 - \frac{\tau_{cr}}{R_s} \right) \frac{\beta \mu}{1 + \mu^2}, \quad (174)$$

бу ерда барча белгилар 20.2-банд бўйича қабул қилиниши керак.

$N$  қиймати қовурға устида жойлашган жамланган кучдан кам қабул қилинмаслиги лозим.

Ўзакнинг ҳисобий узунлиги  $l_{ef} = h(1 - \beta)$  га тенг деб олиниши, бироқ у  $0,7h$  дан кам бўлмаслиги керак.

Икки томонли симметрик қовурға марказда сиқилишга, бир томонли қовурға эса – марказдан сиртда сиқилишга, девор ўқидан ўзак ҳисобий кесимининг оғирлик марказигача бўлган масофага тенг эксцентриситет билан ҳисобланиши лозим.

Ўзакнинг ҳисобий кесимиға бикрлик қовурғасининг ва қовурға ҳар бир томонидаги деворнинг кенглиги  $0,65t\sqrt{E/R_y}$  бўлган бўлагининг кесими киритилиши керак.

20.4 Тўсин деворининг таянч устидаги қисми икки томонли таянч бикрлик қовурғаси билан мустаҳкамланиши ва у 9.12-бандга мувофиқ ҳисобланиши лозим.

Қовурға кенлигидан кам ва таянч қовурғадан  $1,3t\sqrt{E/R_y}$  ортиқ бўлмаган масофада 20.3-бандга мувофиқ ўлчамли қўшимча икки томонли бикрлик қовурғаси ўрнатилиши керак.

20.5 Ушбу меъёрларнинг 7.16-банди, а талаблари бажарилганда ёки ҳисобий узунлик  $l_{ef} \leq 0,21b_f\sqrt{E/R_y}$  бўлганда (бу ерда  $b_f$  – сиқилган белбоғ кенглиги) тўсинларнинг турғунлиги текширилмайди.


20.6 Сиқилган белбоғ осилмаси кенлигининг белбоғ қалинлигига нисбати  $0,38\sqrt{E/R_y}$  дан кам бўлмаслиги керак.

20.7 (27) формуладан аниқланувчи тўсин деворидаги маҳаллий кучланиш  $\sigma_{loc}$   $0,75R_y$  дан ошмаслиги керак, бунда  $l_{ef}$  қиймати (155) формула бўйича ҳисобланиши лозим.

20.8 Тўсинлар букилишини аниқлашда брутто тўсин кўндаланг кесимининг инерция моменти камайтирилиши лозим: ораликда қовурғалар мавжуд тўсинлар учун –  $\alpha = 1,2 - 0,033\bar{\lambda}_w$  коэффициентга кўпайтириш йўли билан, ораликда қовурғаларсиз тўсинлар учун –  $\alpha = 1,2 - 0,033\bar{\lambda}_w - h/l$  коэффициентга кўпайтириш йўли билан.

20.9 20.1-банд бўйича тўсинларда деворнинг шартли эгилювчанлиги  $7 \leq \bar{\lambda}_w \leq 10$  бўлганда, текис тақсимланган юкланиш таъсир этганда ёки ораликда жамланган бир хил

юкланишлар сони 5 та ва ундан ортиқ бўлганда, улар бир-биридан ва таянчлардан тенг масофаларда жойлашганда, ораликда деворни 25-расм бўйича кўндаланг қовурғалар билан мустаҳкамламасликка йўл қўйилади, бунда юкланиш девор текислигига нисбатан симметрик берилиши лозим.



25-расм. Эгилувчан деворли тўсин схемаси

Бундай тўсинларнинг мустаҳкамлиги қуйидаги формула бўйича текширилиши лозим:

$$M / R_y t h^2 \left[ \frac{A_f}{t h} + \frac{1,4}{\bar{\lambda}_w} \left( 1 - \frac{1}{\bar{\lambda}_w} \right) \right] \delta \leq 1, \quad (175)$$

бу ерда  $\delta$  – тўсиннинг кўтариш қобилятига кўндаланг куч таъсирини ҳисобга олувчи ва  $\delta = 1 - 5,6 A_f h / (A_w l)$  формуладан аниқланувчи коэффициент.

Бунда  $t_f \geq 0,3 \bar{\lambda}_w t$  ва  $0,025 \leq \frac{A_f h}{A_w l} \leq 0,1$  деб олиниши керак.

## 21 ПЕРФОРАЦИЯЛАНГАН ДЕВОРЛИ ТЎСИНЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

21.1 Перфорацияланган деворли тўсинлар оқувчанлик чегараси 530 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатдан ясалган қўш таврли прокат тўсинлардан лойиҳаланиши лозим.

Деворларни пайвандлаб улаш тўлиқ эритилган уланма чок билан бажарилиши лозим.

21.2 Девор текислигида букиладиган тўсинларни (26-расм) мустаҳкамликка ҳисоблаш 38-жадвал формулалари бўйича бажарилиши лозим.

21.3 Тўсинларни турғунликка ҳисоблаш 7.15-банд талабларига мувофиқ бажарилиши, бунда геометрик кўрсаткичлар тешикли кесим учун ҳисобланиши керак.

7.16-банд талаблари бажарилганда, тўсинларнинг турғунлиги текширилмайди.


21.4  $h_{ef} / t > 40$  бўлса (бу ерда  $t$  – деворнинг кичик қалинлиги), тўсинлар девори таянч кесимларда бикрлик қовурғалари билан мустаҳкамланиши ва 9.12-бандга мувофиқ ҳисобланиши, бунда таянч кесими яқинида  $c \geq 250$  мм деб олиниши керак (26-расм).

21.5  $\frac{h_{ef}}{t} > 2,5 \sqrt{\frac{E}{R_y}}$  нисбат мавжуд бўлганда ёки 7.13-банд талаблари

бажарилмаганда тўсин кесимларида бикрлик қовурғалари 9.10-банд талабларига мувофиқ ўрнатилиши лозим. Жамланган юklar тўсиннинг тешиклар билан кучсизланмаган кесимларидагина жойлаштирилиши керак.

Сикилган таврли кесим деворларининг баландлиги ушбу меъёрларнинг 9.17-банди талабларини қаноатлантириши, унинг (98) формуласида  $\bar{\lambda} = 1,4$  деб олиниши лозим.

21.6  $l/h_{ef} \geq 12$  нисбатли тўсинларнинг букилишини аниқлашда (бу ерда  $l$  – тўсин оралиғи) тешикли тўсин кесимининг инерция моменти 0,95 коэффициентга кўпайтирилиши керак.



26-расм. Перфорацияланган деворли тўсин қисмининг схемаси

38-жадвал

Тўсин кесимларини мустаҳкамликка ҳисоблаш учун формулалар (26-расм)					
устки таврли		пастки таврли		таянч	
1 нукта	$\frac{M h_1}{J_x} + \frac{Q_1 a}{2W_{1,max}} \leq R_{y1} \gamma_c$	3 нукта	$\frac{M h_2}{J_x} + \frac{Q_2 a}{2W_{2,max}} \leq R_{y2} \gamma_c$	$\frac{Q_3 s}{tah_3} \leq R_s \gamma_c$	
2 нукта	$\frac{M d_1}{J_x} + \frac{Q_1 a}{2W_{1,min}} \leq \frac{R_{u1} \gamma_c}{\gamma_u}$	4 нукта	$\frac{M d_2}{J_x} + \frac{Q_2 a}{2W_{2,min}} \leq \frac{R_{u2} \gamma_c}{\gamma_u}$		
<p>26-жадвалда қабул қилинган белгилар:  <math>M</math> – тўсин кесимидаги букувчи момент;  <math>Q_1</math> ва <math>Q_2</math> – таврли кесимлар қабул қиладиган,  <math>Q_1 = Q \frac{J_1}{J_1 + J_2}</math> ва <math>Q_2 = Q \frac{J_2}{J_1 + J_2}</math> га тенг бўлган кўндаланг кучлар,  бу ерда <math>Q</math> – тўсин кесимидаги кўндаланг куч;  <math>J_1</math> ва <math>J_2</math> – устки ва пастки таврли кесимларнинг токчаларга параллель бўлган ўз ўқларига нисбатан инерция моментлари;  <math>Q_3</math> – таянчдан <math>(c + s - 0,5a)</math> масофада тўсин кесимидаги кўндаланг куч (26-расм);  <math>J_x</math> – тешикли тўсин кесимининг <math>x</math>-<math>x</math> ўққа нисбатан инерция моменти;  <math>W_{1,max}</math> ва <math>W_{1,min}</math> – устки таврли кесимнинг энг катта ва энг кичик қаршилик моментлари;  <math>W_{2,max}</math> ва <math>W_{2,min}</math> – пастки таврли кесимнинг энг катта ва энг кичик қаршилик моментлари;  <math>R_{y1}, R_{u1}, R_{y2}, R_{u2}</math> – устки ва пастки таврли кесимлар учун прокатнинг ҳисобий қаршиликлари.</p>					

## 22 РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН БИНОЛАР ВА ИНШОТЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

### Умумий қоидалар

22.1 Бинолар ва иншоотлар конструкцияларининг қолдиқ ресурсини баҳолаш мавжуд техник ҳужжатлар, визуал, инструментал гувоҳлантиришлар, нуқсонли ёки фойдаланиш жараёнида шикастланган конструктив элементларнинг кўтариш қобилияти ва деформативлигига оид текшириш ҳисоблари таҳлили асосида амалга оширилиши лозим. Гувоҳлантириш натижасида бинолар ва иншоотлар элементларининг техник ҳолати куйидагича тавсифланиши керак:

нуқсонлар ва шикастланишлар мавжуд бўлмаганда, айти вақтда амалдаги меъёрлар ва давлат стандартларининг барча талаблари бажарилганда – **соз** деб;

**В** тоифа нуқсонлар ва шикастланишлар мавжуд бўлганда, айти вақтда ишлаб чиқариш жараёнини ва бундан буён хавфсиз фойдаланишни таъминлаш талаблари қаноатлантирилган, бироқ амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва лойиҳадан аҳамиятсиз оғишлар мавжуд бўлганда, яъни биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатларига оид талаблар (ГОСТ 27751)ни безмасдан меъёрларнинг талабларидан қисман оғилганда ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатларига оид талаблар муайян шароитда бино (иншоот)дан нормал фойдаланиш имкониятини чекламайдиган тарзда бузилганда – **ишга яроқли** деб;

**Б** тоифа нуқсонлар ва шикастланишлар мавжуд бўлганда, айти вақтда муайян чеклашларда ва конструкцияларнинг ҳолати, технологик жараён параметрлари, юкланишлар ва таъсирлар устидан назорат тадбирлари ишлаб чиқилганда (масалан, кўприксимон кранларнинг юк кўтариш қобилиятини чеклаш), шунингдек аниқланган нуқсонлар ва шикастланишларни белгиланган муддатларда бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилганда бундан буён фойдаланиш мумкин бўлганда – **ишга яроқлилик даражаси чекланган** деб;

**аварияли** – **А** тоифа нуқсонлар ва шикастланишлар мавжуд бўлганда, айти вақтда асосий элементлар ёки бутун иншоот бундан буён фойдаланиш имкониятини истисно қилувчи кўтариш қобилиятини йўқотиши мумкин бўлганда, яъни биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатларига оид талаблар бузилганда ёки уларнинг бузилиши эҳтимолининг олдини олиш мумкин бўлмаганда – **аварияли** деб;

#### **нуқсонлар ва шикастланишларнинг хавфлилик тоифалари:**

**А** – асосий кўтариб турувчи конструкцияларнинг улар бузилиши хавфини бевосита туғдирувчи нуқсонлари ва шикастланишлари;

**Б** – аниқланганда кўтариб турувчи конструкцияларнинг бузилиши хавфини бевосита туғдирмайдиган, бироқ кейинчалик бошқа элементлар ва тугунларнинг шикастланишига сабаб бўлишга ёки шикастланиш ривожланганда **А** тоифасига ўтишга қодир бўлган нуқсонлар ва шикастланишлар;

**В** – кейинчалик ривожланганда бино ва иншоотнинг асосий кўтариб турувчи конструкцияларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлмаган локал тусдаги нуқсонлар ва шикастланишлар.

22.2 Сақланувчи конструкциялар кучайтирилганда ёки уларнинг иш шароитлари ўзгартирилганда ҳеч бўлмаса уларнинг ишга яроқли ҳолати таъминланиши лозим.

Зарурий назорат таъминланган ҳолда, ишга лаёқатлилиги чекланган ҳолатдаги конструкцияларни текшириш ўтказиш ва реконструкция қилишгача бўлган даврда кучайтирмасликка йўл қўйилади.

22.3 Илгари амалда бўлган меъёрлар ва техник шартларга мувофиқ лойиҳаланган конструкциялар учун, агар камида 15 йиллик фойдаланиш даври мобайнида уларда нуқсонлар ва шикастланишлар юзага келмаган, бундан буён фойдаланиш шароитлари, юкланишлар ва таъсирлар ўзгармаган, улар ўзгарган ҳолда эса асосий элементларда кучлар кўпаймаган бўлса, текшириш ҳисобини амалга оширмасликка йўл қўйилади.



22.4 Конструкциялар кучайтирилганда кучайтириш элементлари ва конструкциялари сақланаётган конструкциялар билан бирга ишлашга оҳиста киритилишини таъминловчи ишларни бажариш конструктив ечимлари ва методлари назарда тутилиши керак. Зарур ҳолларда конструкцияларнинг кучлари ва муваққат юкланишларини сунъий тартибга солишдан фойдаланиш лозим.

### Пўлат ва уланмаларнинг ҳисобий тавсифлари

22.5 Конструкциялар материалнинг сифатини баҳолаш завод сертификатлари маълумотларига ёки намуналарни синаш натижаларига кўра амалга оширилиши лозим. Синовлар ижро ҳужжатлари ёки сертификатлар мавжуд бўлмаганда, улардаги маълумотлар етарли бўлмаганда ёки металл сифатининг пастлиги туфайли юз бериши мумкин бўлган шикастланишлар аниқланганда ўтказилади.

22.6 Металлни текшириш ва синашда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланиши лозим:

пўлатга давлат стандартлари ёки техник шартлар билан меъёрлаштирилувчи элементларнинг кимёвий таркиби – масса улуши;

ГОСТ 1497 бўйича чўзилишга синалганда оқувчанлик чегараси, муваққат қаршилиги ва нисбий узунлашиши (синовлар пўлат ишининг диаграммасини тузиш йўли билан ўтказилиши лозим);

D.4 жадвал бўйича конструкциялар гуруҳи ва ҳисобий ҳароратга мос келувчи ҳароратлар учун ГОСТ 9454 бўйича зарбдор қайишқоқлик;

D.4 жадвал бўйича конструкциялар гуруҳлари ва ҳисобий ҳароратлар учун ГОСТ 7268 бўйича механик қаригандан кейинги зарбдор қайишқоқлик;

айрим ҳолларда пўлатнинг макро- ва микроструктураси (шу жумладан йўғонлиги 12 мм дан ортиқ бўлган қайноқ пўлатдан бажарилган ва манфий ҳароратларда фойдаланиладиган 4.4-банднинг 1-чи ва 2-чи гуруҳлари конструкциялари учун).

Санаб ўтилган кўрсаткичларни аниқлаш учун намуналар олиш жойлари, намуналар сони ва кесилган жойларни кучайтириш заруриятини конструкцияларни текширишни амалга ошираётган ташкилот аниқлайди.

22.7 1932 йилгача ясалган конструкциялар металлни текшириш ва синаш ихтисослашган ташкилотларда ўтказилиши лозим. Бу ерда, металл хоссаларидан ташқари, пўлат ишлаб чиқариш усули аниқланади: пудлинг усули, ҳаво юбориб пуфланадиган конвертерли усул (бессемер ёки томас усули), мартен ёки электр пўлат усули.

22.8 Сақланаётган конструкциялар прокати, букилган профиллари ва қувурларининг ҳисобий қаршиликлари 5.16-банд талабларига мувофиқ тайинланиши, бунда  $R_{yn}$ ,  $R_{un}$  ва  $\gamma_m$  қийматлари қуйидагича олиниши лозим:

1932 йилгача ясалган конструкциялар металли учун – оқувчанлик чегараси ва муваққат қаршилиқнинг синовда олинган минимал қийматлари бўйича,  $\gamma_m = 1,2$ ; пудлинг пўлати учун  $R_y$  170 Н/мм<sup>2</sup> дан, конвертерли, мартен ва электр пўлат учун – 210 Н/мм<sup>2</sup> дан ошмаслиги керак;

1932 йилдан кейин ясалган конструкциялар металли учун:

а) сертификат мавжуд бўлганда – оқувчанлик чегараси ва муваққат қаршилиқнинг мазкур металл маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланилган давлат стандартлари ва техник шартлардаги минимал қийматлари бўйича; ГОСТ 27772 бўйича тайёрланган прокат учун  $\gamma_m = 1,025$ ; 1982 йилдан кейин ГОСТ 380 ва ГОСТ 19281 бўйича тайёрланган прокат учун  $\gamma_m = 1,05$ ; қолган барча прокат учун  $\gamma_m = 1,1$ ;

б) сертификат мавжуд бўлмаганда (металлни 22.6-бандга мувофиқ текшириш натижаларига кўра, шунингдек прокат тури ва қурилиш вақти маълумотларига кўра пўлат туркуми ва мазкур металл маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланилган меъёрий ҳужжат аниқланиши лозим) – оқувчанлик чегараси ва муваққат қаршилиқнинг мазкур металл маҳсулот учун меъёрий ҳужжатдаги минимал қийматлари бўйича,  $\gamma_m = 1,1$ ;

в) пўлатни идентификация қилишнинг иложи бўлмаганда – синовларнинг минимал натижасига кўра,  $\gamma_m = 1,1$ ;  $R_y$  210 Н/мм<sup>2</sup> дан ошмаслиги керак.

Элементларида нормал кучланишлар 165 Н/мм<sup>2</sup> дан ошмайдиган конструкциялар металлани синовдан ўтказмасликка йўл қўйилади.

22.9 Реконструкция қилиниши ёки кучайтирилиши лозим бўлган сақланаётган конструкциялар пайвандли уланмаларининг ҳисобий қаршиликлари конструкцияларда қўлланилган пўлат туркуми, пайвандлаш материаллари, пайвандлаш тури, чокларнинг ўрни ва уларни назорат қилиш усуллари ҳисобга олган ҳолда тайинланиши керак.

Меъёрларда белгиланган зарурий маълумотлар мавжуд бўлмаса, қуйидагиларни қабул қилишга йўл қўйилади:

бурчак чоклари учун  $R_{wf} = R_{wz} = 0,44R_{um}$ ;  $\beta_f = 0,7$  ва  $\beta_z = 1,0$ , бунда  $\gamma_c = 0,8$  деб ҳисобланади;

чўзилган улоқ чоклари учун 1972 йилгача ясалган конструкцияларда  $R_{wy} = 0,55R_y$  ва 1972 йилдан кейин ясалган конструкцияларда  $R_{wy} = 0,85R_y$ . Пайвандлаб уланган конструкцияларнинг кўтариш қобилиятини конструкциядан олинган намуналарни синаш натижаларига кўра аниқлашга йўл қўйилади.

22.10 Болтларнинг қирқими ва чўзилишига, шунингдек болтлар билан бириктирилган элементларнинг эзилишига қарши ҳисобий қаршиликлар 5.21-банд кўрсатмаларига мувофиқ аниқланиши лозим. Болтларнинг мустаҳкамлик тоифасини аниқлашнинг иложи бўлмаса, бир болтли уланмалар ҳисобий қаршиликларининг қийматлари  $R_{bs} = 150$  Н/мм<sup>2</sup> ва  $R_{bt} = 160$  Н/мм<sup>2</sup> деб олиниши керак.

22.11 Парчинмихли уланмаларнинг ҳисобий қаршиликлари 39-жадвалдан олиниши лозим.

Агар ижро ҳужжатларида тешикларни очиш усули ва парчинмихлар материали тўғрисида кўрсатмалар мавжуд бўлмаса ва уларни мавжуд маълумотларга кўра аниқлашнинг иложи бўлмаса, ҳисобий қаршиликлар 39-жадвалдан Ст 2 туркумли пўлатдан С гуруҳи парчинмихларидаги уланмалар учун сингари олиниши керак.

Парчинмихли уланмаларни ҳисоблаш 13.7-банд формулалари бўйича бажарилиши,  $R_{bs} = R_{rs}$ ;  $R_{bp} = R_{rp}$ ;  $R_{bt} = R_{rt}$ ;  $A_b = A_{bn} = A_r = 0,785 d_r^2$ ;  $\gamma_b = 1$ ;  $d_b = d_r$  деб олиниши керак.

### Конструкцияларни кучайтириш

22.12 Мусбат ҳароратда фойдаланилаётган ва кам углеродли қайноқ пўлатдан, шунингдек синовларнинг натижаларига кўра зарбдор қайишқоқлик қийматлари 4.4-банд талабларига мувофиқ конструкциялар гуруҳлари учун пўлатларга доир давлат стандартлари билан кафолатлангандан паст бўлган бошқа пўлатлардан ясалган конструкциялар, агар мазкур пўлатлардан ясалган элементлардаги кучланишлар реконструкцияга қадар мавжуд бўлган қийматлардан ошмаса, кучайтирилиши ёки алмаштирилиши мумкин эмас. Мазкур конструкциялардан фойдаланиш, уларни кучайтириш ёки алмаштириш тўғрисида қарор, агар улардан фойдаланиш кўрсатилган шартга мос келмаса, пўлат конструкциялар бўйича ихтисослашган лойиҳалаш ташкилотининг хулосаси асосида қабул қилиниши лозим.

22.13 Конструкциянинг ҳисобий схемаси унинг ҳақиқий иш хусусиятларини, шу жумладан геометрик шаклнинг амалдаги оғишларини, элементларни улаш тугунларини маҳкамлаш ва бажариш шартларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Конструкциялар ва уларнинг уланмалари элементларининг текшириш ҳисоблари аниқланган нуқсонлар ва шикастланишларни, занглашдан эскиришни, улаш ва тираш ҳақиқий шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим. Элементлар ҳисобини деформацияланган схема бўйича бажаришга, бунда иш шароитлари коэффицентини F.1 жадвалнинг 7 ва 10-бандлари учун  $\gamma_c = 1,0$  деб олишга йўл қўйилади.

39-жадвал

Кучланган ҳолати	Шартли белгиси	Уланма гуруҳи	Парчинмихли уланмаларнинг ҳисобий қаршиликлари, Н/мм <sup>2</sup>		
			пўлат туркумили парчинмихларнинг кесиш ва чўзилишга		уланаётган элементларнинг эзилишга
			Ст2,Ст3	09Г2	
Кесиш	$R_{rs}$	В	180	220	–
		С	160	–	–
Чўзилиш (каллак узилиши)	$R_{rt}$	В, С	120	150	–
Эзилиш	$R_{rp}$	В	–	–	$R_{rp} = 2R_y$
		С			$R_{rp} = 1,7R_y$
<p>Изоҳ:</p> <p>1. В гуруҳига парчинмихлар терилган элементларда очилган тешиқларга ёки деталларда кондукторлар бўйлаб қўйилган уланмалар киради. С гуруҳига парчинмихлар босиб очилган тешиқларга ёки айрим деталларда кондукторсиз пармаланган тешиқларга қўйилган уланмалар киради.</p> <p>2. Яширин ёки ярим яширин каллакли парчинмихлар қўлланилганда парчинмихли уланмаларнинг кесиш ва эзилишга ҳисобий қаршиликлари 0,8 коэффициентга кўпайтириш орқали пасайтирали. Мазкур парчинмихлар чўзилишга ишлашига йўл қўйилмайди.</p>					

22.14 7, 9÷13, 15-бўлимлар (15.33 ÷ 15.47, 15.49-бандлар) ва 18.2-банд талабларини, шунингдек меъёрларнинг юкланишларга ва вертикал букилишларни чекловчи таъсирларга доир талабларини қаноатлантирмайдиган конструкциялар, қоида тариқасида, кучайтирилиши ёки алмаштирилиши лозим, мазкур бўлимда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Геометрик шаклнинг, элементлар ва уланмалар ўлчамларининг номинал қийматлардан оғишлари, агар улар ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари билан йўл қўйиладиган қийматлардан ортиқ бўлса, бироқ нормал фойдаланишга монелик қилмаса, конструкцияларнинг кўтариш қобиляти 22.13-банд талабларини ҳисобга олган ҳолда таъминланган тақдирда бартараф этилмаслиги мумкин.

22.15 Конструкцияларнинг элементларини кучайтирмасликка йўл қўйилади, агар:

уларнинг вертикал ва горизонтал букилишлари ва силжишлари ҚМҚ 2.01.07 ва 18.4-банд меъёрлари билан белгиланган чегаравий қийматлардан ортиқ бўлса, бироқ технологик талаблардан келиб чиқиб нормал фойдаланишга монелик қилмаса;

уларнинг эгилувчанлиги 8.18-бандда белгиланган чегаравий қийматлардан ортиқ бўлса, бироқ конструкциялар ҳолатидаги оғишлар ҚМҚ 3.03.02 да белгиланган қийматлардан ошмаса ва элементлардаги кучлар бундан буён фойдаланиш жараёнида ўсиб бормаса, шунингдек мазкур элементлардан фойдаланиш имконияти ҳисоб ёки синовлар билан текширилган ҳолларда.

22.16 Бинолар ва иншоотларнинг пўлат конструкцияларини реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўтариш қобиляти захираларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш, қоида тариқасида, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмасдан реконструкция қилишни амалга ошириш имконини берувчи конструктив ечимларни қўллаш зарур.

Конструкцияларни кучайтиришда дастлабки тарзда кучлантириш ва кучларни фаол тартибга солиш (шу жумладан пайвандлаш, конструктив ва ҳисобий схемаларни ўзгартириш ҳисобига) имкониятини, шунингдек пўлатнинг таранг-пластик ишини, конструкцияларнинг ингичка деворли элементлари ва қопламалари ишини амалдаги меъёрларга мувофиқ ҳисобга олишга йўл қўйилади.

22.17 Кучайтириш конструкциялари ва уни бажариш усуллари 14.13-бандга мувофиқ кучайтириш жараёнида элементларнинг номақбул қўшимча деформацияларини пасайтириш чораларини назарда тутиши лозим.

Кучайтириш ишларини бажариш жараёнида конструкцияларнинг кўтариш қобилияти кесимларнинг болтлар учун қўшимча тешиқлар билан кучсизланиши ва пайвандлаш таъсирларини ҳисобга олган ҳолда таъминланиши лозим.

Зарур ҳолларда кучайтириш даврида конструкция тўлиқ ёки қисман юксизланиши керак.

22.18 Ноагрессив ёки кам агрессив муҳитда минус 40°С дан кам бўлмаган ҳисобий ҳароратда фойдаланилаётган 2-чи, 3-чи ва 4-чи гуруҳлар конструкцияларида (4.4-бандга мувофиқ) кучайтириш деталлари ва мавжуд конструкция биргаликда ишлашини таъминлаш учун узлукли қанот чокларини қўллашга йўл қўйилади.

Бурчак чоклари қўлланадиган барча ҳолларда, қоида тариқасида, минимал зарур катетлар тайинланиши лозим. Чокларнинг уч қисмларини оралик қисмлар катетидан катта катет билан лойиҳалашга ва уларнинг ўлчамларини ҳисобга мувофиқ белгилашга йўл қўйилади.

22.19 Конструкцияларнинг элементларини кучайтиришда мураккаб уланмаларни: парчинмихли уланмаларни фриқцион уланмалар билан бирга; парчинмихли уланмаларни А аниқлик тоифаси болтлари билан бирга қўллашга йўл қўйилади.

22.20 Кучайтириш пайтида пайвандлаш туфайли қизишга йўлиқадиган 1, 2, 3 ёки 4 конструкциялар гуруҳларининг (4.4-бандга мувофиқ) элементларида ҳисобий кучланиш  $\sigma_d$  тегишли равишда  $0,2R_y$ ;  $0,4R_y$ ;  $0,6R_y$  ёки  $0,8R_y$  қийматларидан ошмаслиги керак.

$\sigma_d$  кучланиш кучайтириш пайтида амал қилувчи юкланишлардан, кучайтирилмаган кесим учун конструкцияларнинг ҳақиқий ҳолати (кесимнинг кучсизланиши, элементнинг қийшайиши ва бошқ.)ни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Мазкур кучланишлар меъёрдан ортиқ бўлганда конструкциялар юксизланиши ёки муваққат таянчлар ўрнатилиши лозим.

22.21 Конструкцияларнинг кесимни катталаштириш йўли билан кучайтирилган элементларини ҳисоблашда, қоида тариқасида, конструкция ва кучайтириш материалларининг турли ҳисобий қаршиликлари ҳисобга олиниши лозим. Ҳисобий қаршилиқлар ўртасидаги фарқ 15% дан ошмаса, уларнинг кичигига тенг бўлган битта ҳисобий қаршилиқни олишга қўл қўйилади.

22.22 Марказда сиқиш ва букилишли сиқиш ҳолатида элементларни турғунликка ҳисоблашда кучайтирилган кесим учун ҳисобий қаршилиқнинг қуйидаги формула бўйича аниқланадиган келтирилган қийматини олишга йўл қўйилади:

$$R_{y,ef} = R_y \sqrt{k}, \quad (176)$$

бу ерда  $R_y$  – асосий металлнинг ҳисобий қаршилиги бўлиб, у 22.8-банд талабларига мувофиқ аниқланади;

$k$  – қуйидаги формуладан аниқланадиган коэффицент:

$$k = \left[ \frac{R_{ya}}{R_y} \left( 1 - \frac{A}{A_a} \right) + \frac{A}{A_a} \right] \left[ \frac{R_{ya}}{R_y} \left( 1 - \frac{I}{I_a} \right) + \frac{I}{I_a} \right], \quad (177)$$

бу ерда  $R_{ya}$  – кучайтириш металлининг ҳисобий қаршилиги;

$A$ ,  $I$  – элемент кучайтирилмаган кесимининг турғунликни текшириш текислигига перпендикуляр бўлган ўқига нисбатан юзи ва инерция моменти;

$A_a$ ,  $I_a$  – шунинг ўзи, элементнинг кучайтирилган кесими учун.

22.23 Кесимларни катталаштириш йўли билан кучайтирилган элементларни мустаҳкамлик ва турғунликка ҳисоблаш, қоида тарикасида, кучайтириш пайтида элементда мавжуд бўлган кучланишларни (конструкцияларнинг юксизланишини) ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим. Бунда элементларнинг бошланғич қийшайишлари, кучайтирилган кесим оғирлик марказининг силжиши ва пайвандлаш натижасида қийшайишлар ҳисобга олиниши керак.

Пайвандлашдан қийшайишларни марказда сиқилиш ва букилишли сиқилиш ҳолатида элементларнинг турғунлигини текширишда иш шароитлари қўшимча коэффиценти  $\gamma_{c,ad} = 0,8$  ни киритиш орқали ҳисобга олишга йўл қўйилади.

22.21-бандга мувофиқ битта ҳисобий қаршилиқ қабул қилинган элементларни мустаҳкамликка текшириш, (37), (38) ва (47) формулалар бўйича ҳисоблашдан ташқари, кучайтиришдан олдин мавжуд бўлган кучланишларни ҳисобга олмасдан тўлиқ ҳисобий кучга бажарилишига йўл қўйилади, тўсинларининг деворларини маҳаллий турғунликка текширишда эса иш шароитлари қўшимча коэффиценти  $\gamma_{c,ad} = 0,8$  дан фойдаланишга йўл қўйилади.

22.24 Конструкцияларнинг кесимларни катталаштириш йўли билан кучайтириладиган элементларини мустаҳкамликка ҳисоблаш қуйидаги формулалар бўйича бажарилиши лозим:

- а) симметрик кучайтириладиган марказда чўзилган элементлар учун – (1) формула;
- б) симметрик кучайтириладиган марказда сиқилган элементлар учун

$$N / (AR_y \gamma_N \gamma_c) \leq 1, \quad (178)$$

бу ерда  $\gamma_N = 0,95$  – пайвандлашни қўллагмасдан кучайтирилганда;

$\gamma_N = 0,95 - 0,25 \sigma_d / R_y$  – пайвандлашни қўллаб кучайтирилганда;

в) носимметрик кучайтириладиган марказда чўзилган, марказда сиқилган ва марказдан сиртда сиқилган элементлар учун

$$\frac{1}{R_y \gamma_M \gamma_c} \times \left( \frac{N}{A} + \frac{M_x}{I_x} y + \frac{M_y}{I_y} x \right) \leq 1, \quad (179)$$

бу ерда  $\gamma_M = 0,95 - 1$  гуруҳ конструкциялари учун;

$\gamma_M = 1 - 2, 3$  ва  $4$  гуруҳлар конструкциялари учун;

бунда  $N / (AR_y) \geq 0,6$   $\gamma_M = \gamma_N$  деб олиниши керак, бу ерда  $\gamma_N$  (178) формуладаги сингари аниқланиши лозим.

Букувчи моментлар  $M_x$  ва  $M_y$  кучайтирилган кесимнинг марказий ўқларига нисбатан аниқланиши керак.

22.25 14.15, 14.19, 14.25, 15.2, 15.3, 15.6, 15.12, 15.14, 15.17, 15.29, 15.31, 15.50, 17.9, 17.11, 18.11 ÷ 18.14, 18.19-бандларнинг талабларидан четга чиқиб бажарилган мавжуд пўлат конструкцияларни кучайтирмасликка йўл қўйилади, башарти:

мазкур четга чиқишлар туфайли юз берган конструкциялар элементларининг шикастланишлари мавжуд бўлмаса;

конструкциялардан фойдаланиш шароитларида ноқулай томонга ўзгаришлар истисно этилган бўлса;

кўтариш қобилияти ва бикрлик ҳисобда 22.13, 22.15 ва 22.19-банд талабларини ҳисобга олган ҳолда асосланган бўлса;

11.1, 11.3-бандлар ва 12-бўлим кўрсатмаларига мувофиқ конструкциялар толиқишдан ва мўртликдан бузилишининг олдини олиш тадбирлари ўтказилаётган бўлса.

**МЕЪЁРЛАРГА ҲАВОЛАЛАР**

ҚМҚ 1.01.01-09	«Қурилишда меъёрий ҳужжатлар тизими. Асосий қоидалар»
ҚМҚ 2.01.01-94	«Лойиҳалаш учун иқлимий ва физика-геологик маълумотлар»
ШНК 2.01.02-04	«Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»
ҚМҚ 2.01.03-96	«Сейсмик жойларда қурилиш»
ҚМҚ 2.01.06-97	«Қурилишда қўлланиладиган физикавий қийматлар бирликлари рўйхати»
ҚМҚ 2.01.07-96	«Юкланиш ва таъсирлар»
ҚМҚ 3.03.01-98	«Кўтариб турувчи ва тўсувчи конструкциялар»
ҚМҚ 3.03.02-98	«Металл конструкциялар. Ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари»
ГОСТ 380-2005	Одий сифатли углеродли пўлат. Навлар
ГОСТ 535-2005	Одий сифатли углеродли пўлатдан навли ва шаклдор прокат. Умумий техник шартлар.
ГОСТ 977-88	Пўлат қуймалар. Умумий техник шартлар.
ГОСТ 1050-88	Углеродли, сифатли конструкциявий пўлатдан навли, калибрланган, махсус ишловли юзали прокат. Умумий техник шартлар.
ГОСТ 1497-84	Металллар. Чўзилишга синаш усуллари
ГОСТ 1759.0-87*	Болт, винт, шпилька ва гайкалар. Техник шартлар.
ГОСТ 2246-70*	Пўлат пайвандлаш сими. Техник шартлар.
ГОСТ 3062-80*	ЛК-0 турли, 1х7 (1х6) конструкцияли бир маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 3063-80*	ТК турли, 1х19 (1х6х12) конструкцияли бир маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 3064-80*	ТК турли, 1х37 (1х6х12х18) конструкцияли бир маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 3066-80*	ЛК-0 турли, 6х7 (1+6)+1х7(1+6) конструкцияли икки маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 3067-88	ТК турли, 6х19(1+6+12)+1х19х(1+6+12) конструкцияли икки маротаба эшилган пўлат канат. Сортамент
ГОСТ 3068-88	ТК турли, 6х37(1+6+12+18)+1х37х(1+6+12+18) конструкцияли икки маротаба эшилган пўлат канат. Сортамент
ГОСТ 3081-80*	ЛК-0 турли, 6х19 (1+9+9)+7х7(1+6) конструкцияли икки маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 3090-73*	Пўлат канатлар. ТК турли ўзакли ва бир қават зетсимон симли кўтариб турувчи ёпиқ канат. Сортамент
ГОСТ 5264-80	Қўлда ёйли пайвандлаш. Пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар
ГОСТ 5915-70*	Олти қиррали, аниқликнинг В синфли гайкалар. Конструкция ва ўлчамлар.
ГОСТ 5927-70*	Олти қиррали, аниқликнинг А синфли гайкалар. Конструкция ва ўлчамлар.
ГОСТ 6402-70*	Пружинали шайбалар. Техник шартлар.
ГОСТ 7268-82	Пўлат. Зарбавий эгилишга синов бўйича механик эскиришга мойилликни аниқлаш усули
ГОСТ 7372-79*	Пўлат канат сими. Техник шартлар

ГОСТ 7669-80*	ЛК-РО турли, 6x36 (1+7+7/7+14))+7x7(1+6) конструкцияли икки маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 7675-73*	Пўлат канатлар. ТК турли ўзакли ва бир қават зетсимон ва бир қават понасимон симли кўтариб турувчи ёпиқ канат. Сортамент
ГОСТ 7676-73*	Пўлат канатлар. ТК турли ўзакли ва бир қават зетсимон ва икки қават понасимон симли кўтариб турувчи ёпиқ канат. Сортамент
ГОСТ 7796-70*	Олти қиррали, кичиклаштирилган бошли, аниқликнинг В синфли болтлар. Конструкция ва ўлчамлар.
ГОСТ 7798-70*	Олти қиррали бошли, аниқликнинг В синфли болтлар. Конструкция ва ўлчамлар.
ГОСТ 7805-70*	Олти қиррали бошли, аниқликнинг А синфли болтлар. Конструкция ва ўлчамлар.
ГОСТ 8050-85	газсимон ва суяқ углерод икки оксиди. Техник шартлар
ГОСТ 8713-79	Флюс остида пайвандлаш. Пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар
ГОСТ 8724-2002	Ўзаро алмашинувчанликнинг асосий меъёрлари. Метрик резьба. Диаметр ва қадамлар
ГОСТ 8731-87	Чоксиз, иссиқлайин деформацияланган пўлат қувурлар. Техник шартлар.
ГОСТ 9087-81*	Эритилган пайванд флюслар. Техник шартлар.
ГОСТ 9150-2002	Ўзаро алмашинувчанликнинг асосий меъёрлари. Метрик резьба. Профиль
ГОСТ 9454-78	Металллар. Пасайтирилган, хона ва юқори хароратларда зарбавий эгилишга синов усули
ГОСТ 9467-75*	Конструкциявий ва иссиқликка чидамли пўлатни қўлда ёйли пайвандлаш учун қопланган, металл электродлар. Турлари
ГОСТ 10157-79*	Газсимон ва суяқ аргон. Техник шартлар
ГОСТ 10605-94	Олти қиррали, резьба диаметри 48 мм дан ортиқ, аниқлиликнинг В синфли гайкалар. Техник шартлар
ГОСТ 10705-80	Электр пайвандланган пўлат қувурлар. Техник шартлар.
ГОСТ 10706-76	Электр пайвандланган тўғри чокли пўлат қувурлар. Техник шартлар.
ГОСТ 10906-78*	Қия шайбалар. Техник шартлар
ГОСТ 11371-78*	Шайбалар. Техник шартлар
ГОСТ 11474-76	Пўлат букик профиллар. Техник шартлар
ГОСТ 11533-75	Флюс остида автоматик ва ярим автоматик пайвандлаш. Ўтқир ва ўтмас бурчак остида пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар
ГОСТ 11534-75	Қўлда ёйли пайвандлаш. Ўтқир ва ўтмас бурчак остида пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар
ГОСТ 14637-89	Оддий сифатли углеродли пўлатдан қалин варақли прокат. Техник шартлар
ГОСТ 14771-76	Ҳимояловчи газда ёйли пайвандлаш. Пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар.
ГОСТ 14776-79	Ёйли пайвандлаш. Нуқтали пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар
ГОСТ 14954-80	ЛК-Р турли, 6x19 (1+6+6/6)+7x7(1+6) конструкцияли икки маротаба эшилган канат. Сортамент
ГОСТ 15589-70*	Олти қиррали бошли, аниқликнинг С синфли болтлар. Конструкция ва ўлчамлар.

ГОСТ 15591-70*	Олти қиррали, кичиклаштирилган бошли, аниқликнинг С синфли болтлар. Конструкция ва ўлчамлар.
ГОСТ 16523-97	Сифатли ва оддий сифатли, умумий мақсадли углеродли пўлатдан юққа варақли прокат. Техник шартлар
ГОСТ 17066-94	Ўта мустаҳкам пўлатдан юққа варақли прокат. Техник шартлар
ГОСТ 18123-82*	Шайбалар. Умумий техник шартлар
ГОСТ 18126-94	Резьба диаметри 48 мм ортиқ болт ва гайкалар. Умумий техник шартлар
ГОСТ 18901-73*	Пўлат канатлар. ТК турли ўзакли ва икки қават зетсимон симли кўтариб турувчи ёпиқ канат. Сортамент
ГОСТ 19281-89	Ўта мустаҳкам пўлатдан прокат. Умумий техник шартлар
ГОСТ 19425-74*	Пўлат махсус қўштавр тўсинлар ва швеллерлар. Сортамент
ГОСТ 21437-95	Антифрикцион рух қотишмалар. Навлар, техник талаблар ва синов усуллари
ГОСТ 21780-2006	Қурилишда геометрик кўрсаткичлар аниқлигини таъминлаш тизими. Аниқликни ҳисоблаш.
ГОСТ 22353-77*	Ўта мустаҳкам, аниқликнинг В синфли болтлар. Конструкция ва ўлчамлар
ГОСТ 22354-77*	Ўта мустаҳкам, аниқликнинг В синфли гайкалар. Конструкция ва ўлчамлар
ГОСТ 22355-77*	Ўта мустаҳкам болтларга аниқликнинг С синфли шайбалар. Конструкция ва ўлчамлар
ГОСТ 22356-77*	Ўта мустаҳкам болтлар ва гайкалар, шайбалар. Умумий техник шартлар
ГОСТ 22727-88	Варақли прокат. Ўльтратовуш билан назорат қилиш усуллари
ГОСТ 23118-99	Қурилиш пўлат конструкциялари. Умумий техник шартлар
ГОСТ 23518-79	Ҳимояловчи газда ёйли пайвандлаш. Ўткир ва ўтмас бурчалар остида пайванд бирикмалар. Асосий турлар, конструктив элементлар ва ўлчамлар.
ГОСТ 24705-2004	Ўзаро алмашинувчанликнинг асосий меъёрлари. Метрик резьба. Асосий ўлчамлар
ГОСТ 24379.0-80	Пойдевор болтлари. Умумий техник шартлар
ГОСТ 24379.1-80*	Пойдевор болтлари. Конструкция ва ўлчамлар
ГОСТ 24839-81	Қурилиш пўлат конструкциялари. Прокат профилларда тешиқлар жойлашуви. Ўлчамлар
ГОСТ 25546-82	Юк кўтарувчи кранлар. Иш режимлари
ГОСТ 26271-84	Углеродли ва паст легирланган пўлатни ёйли пайвандлаш учун кукунли сим. Умумий техник шартлар.
ГОСТ 27751-88*	Қурилиш конструкциялар ва асосларнинг ишончилиги. Ҳисоблаш бўйича асосий қоидалар
ГОСТ 27772-88	Қурилиш конструкциялари учун прокат. Умумий техник шартлар
ГОСТ 28870-90	Пўлат. Қалин варақли прокатни қалинлик йўналишида чўзилишга синаш усуллари
ГОСТ 30245-2003	Қурилиш конструкциялари учун пўлат букилган ёпиқ пайванд квадрат ва тўғрибурчак профиллар. Техник шартлар
ТУ 14-2-427-80	Иссиқлайин жўваланган махсус юқори аниқликликли қўштаврлар



## АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Атама	Таъриф
1. Хавфсизлик	Объектнинг нормал фойдаланишда ва авариявий вазиятда хавфли ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлар вужудга келиши имкониятини йўл қўйиб бўладиган даражагача чеклаш қобилияти
2. Геометрик ночизиқлик	Деформациялар ва силжишлар ўртасида ночизиқий ёки бўлак-чизиқий боғлиқлик билан аниқланадиган хусусият
3. Ўзак эгилувчанлиги	Ўзакнинг узунлиги (ҳисобланган узунлиги) унинг кўндаланг кесимининг инерция радиусига нисбат билан аниқланадиган қиймат
4. Пластинка (девор, белбоғ) эгилувчанлиги	Пластинка узунлиги (девор баландлиги, белбоғ эни ёки унинг чиқиқи эни)нинг унинг қалинлигига нисбати билан аниқланадиган қиймат
5. Деформацияланган (деформацияланмаган) схема	Дастлабки юкланмаган ҳолатдан силжишлар ва тизим деформацияси оқибатида юкланишлар жойлашуви ўзгариши инobatга олинадиган (инobatга олинмайдиган) ҳисоблаш схемаси
6. Кўндаланг кесимнинг депланацияси	Кўндаланг кесим нуқталарининг, кесимни ночизиқий юзага ёки текисликлар мажмуига ўзгартирувчи силжишлари
7. Пўлат иши (деформацияси) диаграммаси	Пўлат стандарт намуналарни чўзилишга синаганда олинадиган, кучланишлар ва нисбий чўзилишлар ўртасидаги боғлиқлик
8. Узоқ муддатга чидамлилиқ	Техник хизмат кўрсатишнинг белгиланган тизимида ва таъмирлар ўтказишнинг қабул қилинган тартибида, объектнинг иш қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб келиш хусусияти
9. Қаттиқлик	Жисм ва конструкцияларнинг ташқи юкланиш ва таъсирлар остида деформациялар ва силжишлар вужудга келишига қаршилик кўрсатиш қобилияти
10. Бенуқсон тизим	Дастлабки камчиликларга эга бўлмаган тизим, юкланиш унга шу тарзда қўлланиладигани, критик юкланишларга эришилганда, сифатий янги силжишлар (масалан барқарорлик йўқолиши натижасида) вужудга келиши мумкин.
11. Сифат ўзгариши	Ортиқча қолдиқ силжишлар, шу жумладан бирикмаларда силжишлар муносабати билан фойдаланишни тугатишни талаб этувчи ҳолат
12. Аниқлик синфи	Геометрик кўрсаткичларнинг номинал қийматларига боғлиқ технологик жоизликлар қийматларининг тўплами
13. Критик юкланиш	Бенуқсон тизимнинг барқарорлиги йўқолишига олиб келадиган ва барқарорлик юқолишидан аввал мавжуд бўлган силжишлардан кеские ажралиб турувчи силжишларга олиб келадиган энг кам юкланиш (мувозанат шакллари тармоқланиши)
14. Монтаж	Қурилиш майдончасида монтаж элементларини

Атама	Таъриф
бириктирилиши	(блокларни) бирлаштириш
15. Монтаж блоки	Қурилиш майдончасида лойиҳавий ҳолатига ўрнатилишидан аввал юборилган элементлардан йиғиладиган блок
16. Ишончилилик	Объектнинг талаб этилган вақт оралиғи давомида белгиланган вазифаларни бажариш хусусияти
17. Зўриққан (деформацияланган) ҳолат	Жисмнинг, унга ташқи юкланишлар ҳаракати ва бошқа таъсирлар оқидатида вужудга келадиган, ва бунда вужудга келувчи зўриқишлар (деформациялар) турлари ва улар кесимда тақсимланиши тавсифи билан аниқланадиган ҳолат
18. Дастлабки камчиликлар	Ишлаб чиқариш, ташиш ва қуришда вужудга келиши мумкин бўлган ва конструкциянинг кўтариб туриш қобилиятини пасайтирувчи номувофиқ омиллар тўплами (кесим шакли ёки ўлчамлари номинал кўрсаткичлардан оғиши, ҳисобланган схемадан оғишлар, ўз дастлабки кучланишлар ва ҳоказолар)
19. Ночизиқ таранг материал	Юклашда ва юкдан бўшатишда деформациялар ва кучланишлар ўртасида бир хил ночизиқий ёки бўлак-чизиқий боғлиқлик билан тавсифланадиган шартли материал
20. Кўтариб туриш қобилияти	Элементлар ва конструкцияларнинг юкланиш ёки таъсирнинг маълум тури ва даражасига қаршилик кўрсатиш қобилияти
21. Нормал фойдаланиш	Лойиҳалаш меъёрлари ёки лойиҳалашга техник топшириқларда назарда тутилган технологик ёки маиший шартларга мувофиқ чекловсиз амалга оширилаётган фойдаланиш
22. Қолдик (пластик) деформация	Деформацияни вужудга келтирадиган ташқи кучланишлар ёки таъсирлар бартараф этилганидан сўнг қолган деформация
23. Юбориладиган марка	Ишлаб чиқарувчи заводдан қурилиш майдонига жўнатиладиган конструкция элементи ёки унинг қисми
24. Силжиш	Нуқта, нуқталар тизими ёки жисм жойлашуви ўзгариши
25. Ўзгарувчан тизимга ўтиш	Тизим ташқи юкланиш таъсири остида механизмга айланадиган, ва унинг қисмларининг учлари деформациясиз силжийдиган ҳолат
26. Пластик (ковушқоқ) бузилиш	Пластик деформация сезиларли даражада ривожланиши оқибатида бузилиш
27. Ўзаро таъсирланиш юзаси	Нуқталари кесим, элемент ёки тизимнинг ҳисобланган чегаравий ёки критик ҳолатларини тавсифлайдиган кучланиш ёки зўриқишлар майдонидаги юза
28. Шакл, турғунлик, ҳолат йўқолиши	Конструкция ёки элемент ташқи юкланиш таъсири остида ўзининг мувозанатли ҳолатини сақлаш қобилиятини йўқотган вазият
29. Момент ҳаракатининг (эгилиш текислиги) барқарорлиги йўқолиши	Момент ҳаракати текислигига (эгилиш текислигига) перпендикуляр йўналишда силжишлар билан бирга осдир бўладиган барқарорлик йўқолиши
30. Чегаравий	Кўриб чиқиладиган кесим ёки элементнинг кўтариб

Атама	Таъриф
юкланиш	турувчи қобилияти тамом бўладиган юкланиш
31. Чегаравий мувозанат	Қоидага кўра, материал таранглик чегараси доирасидан ташқари ишлаганда, чегаравий юкланишга эришишга мувофиқ бўлган тизимнинг мувозанат ҳолати
32. Чегаравий ҳолат	Элемент, конструкция, бино ёки иншоот умуман ёки унинг қисми белгиланган талабларга жавоб бермай қолган ҳолат
33. Икки учи очик ўзакнинг келтирилган эгилувчанлиги	Критик кучи, мосланувчан бириктирувчи элементли белгиланган ўтадиган ўзакнинг критик кучи билан бир хил бўлган, мутлақ қаттиқ бирлаштирувчи элементли, идеал тўғри таранг ўзакнинг эгилувчанлиги
34. Келтирилган кучланиш	Кўриб чиқиладиган мураккаб зўриқиш ҳолатда материалнинг хавфли ҳолати билан бир хил ҳолатга олиб келадиган оддий чўзиш ёки қисимдаги кучланиш
35. Оддий (бир кўрсаткичли) юклаш	Тизимни бир нечта, бир вақтда таъсир кўрсатувчи, битта кўрсаткичга мутаносиб равишда ўсиб боровчи турли юklar билан юклаш
36. Ўзакнинг ҳисобланган (эркин) узунлиги	Учлари шарнирлар билан маҳкамланганда учларининг критик кучи (эркин) белгиланган ўзак кучи билан бир хил бўлган бир раванли ўзакнинг шартли узунлиги. Геометрик ҳисобланган узунлик белгиланган ўзакнинг таранг қийшиқ чизигининг эгилган жойининг икки туташган нуқтаси орасидаги масофа сифатида ифодаланиши мумкин.
37. Ҳисобланган вазият	Конструкцияга ҳисобланган талабларни аниқловчи, ва ўзига ҳисоблаш схемалари, юкланиш ва таъсирлар турлари, текширилиши лозим бўлган алоҳида ҳолатлар рўйхатини оловчи, лойиҳалашда инobatга олинадиган шартлар мажмуи
38. Ҳақиқий тизим	Чегаравий юкланишга эришгунча сақланадиган, юклашнинг энг бошидан силжишлар вужудга келадиган, дастлабки камчиликларга эга тизим
39. Қайта куриш	Технологик жиҳозларнинг маънавий ёки жисмоний эскириши, технологик жараён алмашиши ёки замонавийлаштирилиши оқибатида курилиш объектларини қайта жиҳозлашга қаратилган тадбирлар мажмуи
40. Эркин айланиш	Юпқа деворли ўзакнинг барча кесимлари бир хил депланацияга эга бўлган ва кесимда фақат уринма кучланишларни вужудга келтирувчи айланиш
41. Мураккаб зўриққан ҳолат	Жисм нуқталарида камида иккита зўриқиш компоненти амал қилган зўриққан ҳолат
42. Ўз қолдиқ кучланишлар	Конструкцияга бирон бир ташқи юкланишлар таъсир қилмаганда, унда мавжуд кучланишлар
43. Сикилган айланиш	Юпқа деворли ўзакнинг кўндаланг кесимлари ҳар хил депланацияга эга бўлган ва кесимларда уринма ва нормал кучланишларни вужудга келтирувчи айланиш
44. Объектнинг техник ҳолати	Объектнинг нормал фойдаланишга яроқлилигини аниқловчи ёки таъмир ишларини ёки қайта куришни ўтказиш заруриятини кўрсатувчи, ва текшириш, текширув ҳисоблари натижалари, ҳамда лойиҳавий-техник ҳужжатларни таҳлил қилиш натижалари бўйича аниқланадиган физикавий

Атама	Таъриф
	хусусиятларининг мажмуи
45. Зарбавий ковушқоқлик	Пўлатнинг турли ҳароратларда мўрт бузилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти, к юкланишнинг зарбавий таъсирда стандарт намуналарини бузишга сарфланган иш билан аниқланади.
46. Шартли кўндаланг куч	Ўзакнинг эгилган ўқига перпендикуляр йўналишга кисувчи куч проекциясига тенг кўндаланг куч.
47. Толиқишдан бузилиш	Кўп маротаба такрорланадиган куч ва бошқа таъсирлар натижасида ёрилишлар пайдо бўлиши ва ривожланиши оқибатида бузилиш
48. Эластик деформация	Деформацияни вужудга келтирган таўқи юкланиш ва таъсирлар батратарф этилганидан сўнг, йўқ бўлиб кетадиган деформация
49. Таранг пластик материал	Юклашда деформациялар ва кучланишлар ўртасида ночизиқий ёки бўлак-чизиқий боғлиқлик билан, юкдан бўшатишда чизиқий боғлиқлик билан тавсифланадиган шартли материал
50. Жисмоний ночизиқлик	Материалнинг деформациялар ва кучланишлар ўртасида ночизиқий ёки бўлак-чизиқий боғлиқлик билан аниқланадиган хусусияти
51. Мўрт бузилиш	Одатда, кучланишлар жамловчилари, паст ҳароратлар ва зарбавий таъсирлар мавжудлигида кичик деформация билан бирга бўладиган, узилиш кўринишидаги бузилиш.

**ҚИЙМАТЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲАРФЛИ ИШОРАЛАРИ**

- $A$  - брутто кесимнинг майдони;  
 $A_{bn}$  - болтнинг нетто кесими майдони;  
 $A_d$  - кашак кесимининг майдони;  
 $A_f$  - тоқча (белбоғ) кесимининг майдони;  
 $A_n$  - нетто кесимнинг майдони;  
 $A_w$  - девор кесимининг майдони;  
 $A_{wf}$  - бурчак чоки металл бўйича кесимнинг майдони;  
 $A_{wz}$  - эриш чегараси металл бўйича кесим майдони;  
 $E$  – таранглик модели;  
 $F$  - куч;  
 $G$  – силжиш модули;  
 $J_b$  - тармоқ кесимининг инерция моменти;  
 $J_m; J_d$  - белбоғ кесимлари ва ферма кашагининг инерция моментлари;  
 $J_s$  - қирра, планка кесимининг инерция моменти;  
 $J_{sl}$  - бўйлама қирра кесимининг инерция моменти;  
 $J_t$  - тўсин, рельс айланишининг инерция моменти;  
 $J_x; J_y$  - тегишлича  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга нисбатан брутто кесимининг инерция моментлари;  
 $J_{xn}; J_{yn}$  - шунинг ўзи, нетто кесим учун;  
 $M$  - момент, эгувчи момент;  
 $M_x; M_y$  - тегишлича  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга нисбатан моментлар;  
 $N$  - бўйлама куч;  
 $N_{ad}$  - кўшимча кучланиш;  
 $N_{bm}$  - колонна шохида моментдан бўйлама куч;  
 $Q$  - кўндаланг куч, силжиш кучи;  
 $Q_{fic}$  - бириктирувчи элементлар учун шартли кўндаланг куч;  
 $Q_s$  - битта текисликда жойлашган планкалар тизимига таъсир этувчи шартли кўндаланг куч;  
 $R_{ba}$  - пойдевор болтларнинг чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;  
 $R_{bh}$  - ўта мустаҳкам болтларнинг чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;  
 $R_{bp}$  - болт бирикмаларнинг эзилишга ҳисобланган қаршилиги;  
 $R_{bs}$  - болтларнинг кесилишга ҳисобланган қаршилиги;  
 $R_{bt}$  - болтларнинг чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;  
 $R_{bun}$  - болтлар пўлатининг меъёрий қаршилиги, у болтларга давлат стандартлари ва техник шартлари бўйича вақтдаги қаршилик  $\sigma_B$  га тенг қабул қилинади;

$R_{bU}$  - U-симон болтларнинг чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{cd}$  - ғалтақларнинг диаметрал қисилишга ҳисобланган қаршилиги (ҳаракатланиши чекланган конструкцияларда эркин тегишда);

$R_{dh}$  - ўта мустаҳкам симнинг чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{lp}$  - зич тегишда цилиндр шарнирларда (цапфаларда) маҳаллий эзилишга ҳисобланган қаршилик;

$R_p$  - ён (торец) юзанинг эзилишга ҳисобланган қаршилиги (жойига мослаб қўйиш мавжудлигида);

$R_s$  - пўлатнинг силжишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{th}$  - пўлатнинг прокат қалинлиги йўналишда чўзилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_u$  - пўлатнинг вақтдаги қаршиликда чўзилиш, сиқилиш, эгилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{un}$  - пўлатнинг узилишга вақтдаги (меъёрий) қаршилиги, у пўлатга давлат стандартлари ва техник шартлари бўйича  $\sigma_B$  нинг максимал қийматига тенг қабул қилинади;

$R_{wf}$  - чок метали бўйича бурчак чокларнинг кесилишга (шартли) ҳисобланган қаршилиги;

$R_{wu}$  - уланма пайванд бирикмаларнинг вақтдаги қаршиликда чўзилиш, сиқилиш, эгилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{wun}$  - чок металнинг вақтдаги қаршилик бўйича меъёрий қаршилиги;

$R_{ws}$  - уланма пайванд бирикмаларнинг силжишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{wy}$  - уланма пайванд бирикмаларнинг оқувчанлик чегараси бўйича чўзилиш, сиқилиш, эгилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{wz}$  - эриш чегараси метали бўйича бурчак чокларнинг кесилишга (шартли) ҳисобланган қаршилиги;

$R_y$  - пўлатнинг оқувчанлик чегараси бўйича чўзилиш, сиқилиш, эгилишга ҳисобланган қаршилиги;

$R_{yn}$  - пўлатнинг оқувчанлик чегараси (меъёрий қаршилиги), у пўлатга давлат стандартлари ва техник шартлари бўйича  $\sigma_T$  оқувчанлик чегараси қийматига тенг қабул қилинади;

$S$  - нейтрал ўққа нисбатан брутто кесимнинг силжийдиган қисмининг статик моменти;

$W_x; W_y$  - тегишлича  $x-x$  ва  $y-y$  ўқларга нисбатан брутто кесимнинг қаршилик моментлари;

$W_{xn}; W_{yn}$  - тегишлича  $x-x$  ва  $y-y$  ўқларга нисбатан нетто кесимнинг қаршилик моментлари;

$b$  - кенглик;

$b_{ef}$  - ҳисобланган кенглик;

$b_f$  - токча (белбоғ) кенлиги;

$b_h$  - қирра, чиқикнинг чиқиб турган қисмининг кенлиги;

$c; c_x; c_y$  - тегишлича  $x-x$  ва  $y-y$  ўқларга нисбатан эгилишда пластик деформацияларни инобатга олган ҳолда мустаҳкамликни ҳисоблаш учун коэффициентлар;

- $e$  - куч эксцентриситети;  
 $h$  - баландлик;  
 $h_{ef}$  - деворнинг ҳисобланган баландлиги;  
 $h_w$  - девор баландлиги;  
 $i$  - кесим инерцияси радиуси;  
 $i_{\min}$  - кесим инерциясининг энг кичик радиуси;  
 $i_x; i_y$  - тегишлича  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга нисбатан кесим инерцияси радиуслари;  
 $k_f$  - бурчак чок катети;  
 $l$  - узунлик, оралик;  
 $l_c$  - тиргак, устун, тиргович узунлиги;  
 $l_d$  - кашак узунлиги;  
 $l_{ef}$  - ҳисобланган, шартли узунлик;  
 $l_m$  - Ферма ёки устун белбоғи панелининг узунлиги;  
 $l_s$  - планка узунлиги;  
 $l_w$  - пайванд чок узунлиги;  
 $l_x; l_y$  - тегишлича  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга перпендикуляр текисликларда элементнинг ҳисобланган узунликлари;  
 $m$  - нисбий эксцентриситет ( $m = eA/W_c$ );  
 $m_{ef}$  - келтирилган нисбий эксцентриситет ( $m_{ef} = m\eta$ );  
 $r$  - радиус;  
 $t$  - қалинлик;  
 $t_f$  - токча (белбоғ) қалинлиги;  
 $t_w$  - девор қалинлиги;  
 $\beta_f, \beta_z$  - тегишлича чок металл ва эриш чегараси металл бўйича бурчак чокини ҳисоблаш учун коэффициентлар;  
 $\gamma_b$  - бирикма иши шароитлари коэффициенти;  
 $\gamma_c$  - иш шароитлари коэффициенти;  
 $\gamma_n$  - белгиланган мақсад бўйича ишончлилик коэффициенти;  
 $\gamma_m$  - материал бўйича ишончлилик коэффициенти;  
 $\gamma_u$  - вақтдаги қаршилиқ бўйича ҳисобларда ишончлилик коэффициенти;  
 $\eta$  - кесим шакли таъсир кўрсатиши коэффициенти;  
 $\lambda$  - эгилувчанлик ( $\lambda = l_{ef}/i$ );  
 $\bar{\lambda}$  - шартли эгилувчанлик ( $\bar{\lambda} = \lambda\sqrt{R_y/E}$ );  
 $\lambda_{ef}$  - икки томони очик кесимли ўзакнинг келтирилган эгилувчанлиги;  
 $\bar{\lambda}_{ef}$  - икки томони очик кесимли ўзакнинг келтирилган шартли эгилувчанлиги ( $\bar{\lambda}_{ef} = \lambda_{ef}\sqrt{R_y/E}$ );  
 $\bar{\lambda}_w$  - деворнинг шартли эгилувчанлиги ( $\bar{\lambda}_w = \frac{h}{t}\sqrt{R_y/E}$ );

$\bar{\lambda}_{uw}$  - деворнинг энг юқори шартли эгилувчанлиги;

$\lambda_x; \lambda_y$  - тегишлича  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга перпендикуляр текисликларда элементнинг ҳисобланган эгилувчанликлари;

$\nu$  - пўлатнинг кўндаланг деформацияси коэффиценти (Пуассон);

$\sigma_{loc}$  - маҳаллик кучланиш;

$\sigma_x; \sigma_y$  - тегишлича  $x$ - $x$  ва  $y$ - $y$  ўқларга параллел нормал кучланишлар;

$\tau_{xy}$  - уринма кучланиш;

$\varphi_{(x,y)}$  - бўйлама эгилишнинг коэффиценти;

$\varphi_b$  - тўсинларнинг барқарорлиги йўқолишининг эгилиш-бурилиш шаклида ҳисобланган қаршилиқлар пасайишининг коэффиценти;

$\varphi_e$  - марказдан ташқари сиқишда ҳисобланган қаршилиқлар пасайишининг коэффиценти;



**КОНСТРУКЦИЯ ВА БИРИКМАЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР****D.1-жадвали – Пўлат конструкциялар учун пўлатлар**

ГОСТ бўйича пўлат			$t \geq -40$ да конструкциялар гуруҳи			
27772	535, 14637	19281	1	2	3	4
C235	Ст3кп2, Ст3пс2		-	-	+ <sup>a)</sup>	+
C245	Ст3пс5		-	+ <sup>б)</sup>	+	-
C255	Ст3сп5		+	+	+	-
C275			-	+ <sup>б)</sup>	+	-
C285	Ст3сп5		+	+	+	-
C345		09Г2С	+3/12	+1/4	+1/4	-
C345К			-	+	+	-
C375		09Г2С	+3/12	+1/4	+1/4	-
C390		10ХСНД	+/12	+/6	+/6	-
C440			+	+	+	-
C590			-	+	+	-
C590К			-	-	-	-

D.1-жадвалда қўлланган белгилар.

«+» ва «-» белгилари, тегишлича ушбу пўлатдан фойдаланиш керак ёки фойдаланиш керак эмаслигини билдиришади. «+» белгиси ёнидаги рақам пўлат тоифасини кўрсатади, ушбу белги ёнидаги ҳарфлар эса, қуйидагиларни ифодалашади:

<sup>a)</sup> – ташқи ҳарорат шароитларида эксплуатация қилинадиган, иситилмайдиган бино ва конструкцияларда қўлланилмасин;

<sup>б)</sup> - ташқи ҳарорат шароитларида эксплуатация қилинадиган, иситилмайдиган бино ва конструкцияларда 10 мм дан ошмаган қалинликка эга прокат қўлланилсин;

Изоҳлар:

1. Жадвал талаблари 2 мм ва ундан қалин варақ прокатга ва 4 мм ва ундан қалин шаклдор прокатга тарқалади. Қалинлик 5 мм дан кам бўлганда, жадвалда келтирилган пўлатлар зарбавий қовушқоқлик бўйича талабларсиз қўлланилади (тоифани кўрсатмаган ҳолда).

2. C235 пўлатдан 5 мм дан юққа прокатни барча гуруҳдаги конструкциялар учун қўллаш мумкин.

3. C345Т ва C375Т пўлатдан прокат иситишда термомустаҳкамланган C345 ва C375 пўлати сифатида етказиб бериладиган шаклдор прокатни, тайёрланганда 700 °С ҳароратдан юқори ҳароратда металлзация ёки пластик деформациядан ўтказиладиган конструкцияларда қўллаш ман этилади.

4. C345, C375, C390 ва 09Г2С, 10ХСНД пўлатлар учун зарбавий қовушқоқлик бўйича талаблар тоифалари суратда ГОСТ 27772 бўйича, махражда ГОСТ 19281 бўйича келтирилган.

## D.2-жадвал – Қувурлар учун пўлатлар

Пўлат маркаси (қалинлиги, мм)	ГОСТ ёки ТШ	$t \geq -40$ да конструкциялар гуруҳи			
		1	2	3	4
ВСтЗкп (4 гача)	ГОСТ 10705 <sup>а)</sup>	–	+2 <sup>г)</sup>	+2 <sup>г)</sup>	+2 <sup>г)</sup>
ВСтЗкп (4,5-10)	ГОСТ 10705 <sup>а)</sup>	–	–	+2 <sup>в, г)</sup>	+2 <sup>в, г)</sup>
ВСтЗпс (5,5 гача)	ГОСТ 10705 <sup>а)</sup>	–	+2 <sup>г)</sup>	+2 <sup>г)</sup>	+2 <sup>г)</sup>
ВСтЗпс (6-10)	ГОСТ 10705 <sup>а)</sup>	–	+6	+6	+6
ВСтЗпс (5-15)	ГОСТ 10706 <sup>б)</sup>	–	–	+4	+4
20	ГОСТ 8731	+ <sup>д)</sup>	+	+	–
09Г2С	ГОСТ 8731	+ <sup>д)</sup>	+	+	–

D.2-жадвалда қўлланган белгилар.

«+» ва «-» белгилари, тегишлича ушбу пўлатдан фойдаланиш керак ёки фойдаланиш керак эмаслигини билдиришади. «+» белгиси ёнидаги рақам пўлат тоифасини кўрсатади, ушбу белги ёнидаги ҳарфлар эса, қуйидагиларни ифодалашади:

<sup>а)</sup> В гуруҳи, ГОСТ 10705 1-жадвал;

<sup>б)</sup> В гуруҳи ГОСТ 10706, 1.6-банд бўйича қўшимча талаблар билан;

<sup>в)</sup> қалинлиги 10 мм гача прокат қўлланилсин, устун ва таянчларда эса, қалинлиги 16 мм гача прокат қўлланилсин;

<sup>г)</sup> ЮКЛ, ОТМ, КТ таянчларидан бошқа

<sup>д)</sup> ГОСТ 8731 бўйича чоксиз, иссиқлайин деформацияланган қувурларни баландлиги 60 метрдан ортиқ юқори кучланишли электр узатиш линияларининг катта ўтишларининг махсус пайванд таянчлари, алоқанинг антенна иншоотлари ва бошқа махсус иншоотлар учун, зарбавий қовушқоқлик бўйича 30 Дж/см<sup>2</sup> дан кам бўлмаган қўшимча талаб билан (синов ҳарорати минус 20°С) қўллаш рухат этилади.

Қуймалардан тайёрланган, “Л” маркировкали, бузмайдиган усул билан назоратдан ўтмаган чоксиз, иссиқлайин деформацияланган қувурлардан фойдаланиш ман этилади.

**D.3-жадвал – Бино ва иншоотларнинг (кўприклардан ташқари) пайванд конструкциялари учун пўлатга талаблар**

Пўлатнинг меъерий қаршиликлари, Н/мм <sup>2</sup>	Элементлар мавжудлиги <sup>1)</sup> , % (дан ортиқ эмас)			C <sub>э</sub> , % (дан ортиқ эмас)
	C	P	S	
$R_{yn} < 290$	0,22	0,040	0,045 <sup>2)</sup>	-
$290 \leq R_{yn} < 390$	0,14	0,035	0,035 <sup>2)</sup>	0,45
$390 \leq R_{yn} < 490$	0,12	0,015 <sup>3)</sup>	0,015 <sup>3)</sup>	0,46
$490 \leq R_{yn} < 590$	0,13	0,015	0,010	0,47
$R_{yn} \geq 590$	0,15	0,010	0,005	0,51

1) Тайёр прокатда кимёвий таркиб бўйича чегаравий оғишлар ГОСТ 27772 бўйича.  
 2) Донадорликни майдалашга қаратилган термик ишлов берилса,  $S \leq 0,025\%$ .  
 3)  $S + P \leq 0,020\%$ .  
 Изоҳлар:  
 1. (C<sub>э</sub>, %) углерод эквивалентини қуйидги формула бўйича аниқлаш керак:  

$$C_э = C + \frac{Mn}{6} + \frac{Si}{24} + \frac{Cr}{5} + \frac{Ni}{40} + \frac{Cu}{13} + \frac{V + Nb}{14} + \frac{Mo}{4} + \frac{P}{2}$$
 Бу ерда, C, Mn, Si, Cr, Ni, Cu, V, Nb, Mo, P – элементларнинг вазний улушлари, % (углерод, марганец, кремний, хром, никель, мис, ванадий, ниобий, молибден, фосфор)  
 2. Меъерий қаршилиги  $290 \leq R_{yn} < 390$  Н/мм<sup>2</sup> бўлган пўлатлар учун, меъёрлар тузувчи ташкилот билан келишган ҳолда, таркибида углерод мавжудлигини 0,17% гача оширишга йўл қўйиш рухсат этилади. Меъерий қаршилиги  $390 \leq R_{yn} < 490$  Н/мм<sup>2</sup> бўлган шаклдор профиллар учун, меъёрлар тузувчи ташкилот билан келишган ҳолда, таркибида фосфора мавжудлигини  $P \leq 0,030\%$  гача олтингургурт мавжудлигини  $S \leq 0,025\%$  гача оширишга йўл қўйиш рухсат этилади.

**D.4-жадвал – Пўлат прокатга зарбавий қовушқоқлик бўйича талаблар**

Ҳисоб харорати, °C	Конструкциялар гуруҳи	Прокатнинг оқувчанлик чегараси, Н/мм <sup>2</sup>								
		$R_{yn} < 290$			$290 \leq R_{yn} < 390$			$390 \leq R_{yn} < 490$		$R_{yn} \geq 490$
		Зарбавий қовушқоқлик кўрсаткичлари, Дж/см <sup>2</sup>								
		КСА	КСV		КСV			КСV		КСV
		Зарбавий эгилиш синови харорати, °C да								
		+20	+20	0	-20	-20	-40	-40	-60	-60
$t \geq -40$	1, 2, 3	29	34	-	-	34	-	34	-	40

Изоҳлар:  
 1. КСА – механик эскиртиришдан сўнг U-симон кесик билан +20 °C хароратда синов ўтказганда, ГОСТ 9454 бўйича 1-турдаги намуналарнинг зарбавий қовушқоқлиги;  
 КСV - V-симон кесикли намуналарнинг зарбавий қовушқоқлиги (ГОСТ 9454 бўйича 11-тур)  
 2. Қалин варақли прокатда кўндаланг намуналар, шаклдор ва навлида – бўйлама намуналар синалади.

## D.5-жадвал – Пўлатга мувофиқ пайвандлаш учун материаллар

Пўлат	Пайвандлаш учун материаллар				
	Карбонат ангидрид газида (ГОСТ 8050 бўйича) ёки унинг аргон билан аралашмасида (ГОСТ 10157 бўйича)	Флюс остида (ГОСТ 9087 бўйича)		Кукунли сим билан (ГОСТ 26271 бўйича)	Қопланган электродлар билан (ГОСТ 9467 бўйича)
	Марка				Электрод тури
пайвандлаш сими		флюс	кукунли сим		
$R_{yn} < 290$		Св-08А	АН348-А, АН60 <sup>а)</sup>	ПП-АН-3, ПП-АН-8	Э42 <sup>а)</sup> , Э42А
		Св-08ГА			Э46 <sup>а)</sup> , Э46А
$290 \leq R_{yn} < 590$	Св-08Г2С	Св-10ГА <sup>б)</sup>	АН-17-М, АН-43, АН-47, АН-348-А <sup>в)</sup>		Э50 <sup>а)</sup> , Э50А
		Св-10Г2 <sup>б)</sup> , Св-10НМА			-
$R_{yn} \geq 590$	Св-08Г2С, Св-08ХГСМА	Св10НМА	АН-17-М		Э60
	Св-10ХГ2СМА	Св-08ХН2ГМЮ		Э70	

<sup>а)</sup> АН-60 флюси ва Э42, Э46, Э50 турдаги электродлар  $t \geq -40$  °С ҳисоб ҳароратида 2, 3 гуруҳ конструкциялари учун қўлланилади.

<sup>б)</sup> АН-43 флюси билан бирга қўлланмасин.

<sup>в)</sup> АН-348-А флюси учун  $t < -40$  °С ҳисоб ҳароратларида барча қалинликка эга элементларни пайвандлаганда чок металлининг механик хусусиятларининг кўшимча назорати талаб этилади, ҳисоб ҳароратлари  $t \geq -40$  °С бўлганда, 32 мм дан ортиқ қалинликлар назоратдан ўтказилиши керак.

Изоҳ. Тегишли техник-иқтисодий асосланиш мавжудлигида, конструкцияларни пайвандлаш учун мазкур жадалда келтирилмаган пайванд материалларидан (сим, флюслар, химояловчи газлар) фойдаланиш рухсат этилади. Бунда улардан фойдаланган ҳолда бажарилаётган чок металлининг механик хусусиятлари, мазкур жадалга мувофиқ қўлланилган материаллар билан таъминланадиган хусусиятлардан паст бўлмаслиги шарт.

**D.6-жадвал – Пойдевор болтлар пўлатлари маркалари ва уларни қўллаш шартлари**

Конструкциялар	Меъёрий ҳужжат	Ҳисоб ҳарорати, $t$ °C $\geq -40$ да пўлат маркалари
Электр узатиш ҳаво линиялари, тақсимловчи мосламалар ва контактли тармоқлар таянчларидан ташқари конструкциялар	ГОСТ 535	Ст3пс2, Ст3сп2,
	ГОСТ 1050	20
U-симон болтлар учун, ҳамда электр узатиш ҳаво линиялари, тақсимловчи мосламалар ва контактли тармоқлар таянчларининг пойдевор болтлари учун	ГОСТ 535	Ст3пс4, Ст3сп4

**D.7-жадвал – Пўлат конструкциялар учун материалларнинг физикавий тавсифлари**

Тавсиф	Қиймат
Зичлик $\rho$ , кг / м <sup>3</sup> :	
пулат прокат ва пўлат қуймалар	7850
кул ранг чўяндан қуймалар	7200
Чизиқий кенгайиш коэффициенти $\alpha$ , °C <sup>-1</sup> :	
пулат прокат ва пўлат қуймалар	$0,12 \cdot 10^{-4}$
кул ранг чўяндан қуймалар	$0,11 \cdot 10^{-4}$
Таранглик модули $E$ , Н/мм <sup>2</sup> :	
пулат прокат ва пўлат қуймалар	$2,06 \cdot 10^5$
қуйидаги маркали кул ранг чўяндан қуймалар:	
СЧ15	$0,83 \cdot 10^5$
СЧ20, СЧ25, СЧ30;	$0,98 \cdot 10^5$
Параллел симлар боғлари ва арқонлари	$1,96 \cdot 10^5$
Пўлат канатлар:	
спиралли ва ёпиқ кўтариб турувчи	$1,67 \cdot 10^5$
икки карра эшилган	$1,47 \cdot 10^5$
икки карра эшилган нометал ўзакли	$1,27 \cdot 10^5$
Прокат пўлати ва пўлат қуймаларнинг силжиш модули $G$ , Н/мм <sup>2</sup> :	
пулат прокат ва пўлат қуймалар	$0,78 \cdot 10^5$
кул ранг чўяндан қуймалар	$0,44 \cdot 10^5$
Кўндаланг деформация коэффициенти (Пуассон) $\nu$ :	
пулат прокат ва пўлат қуймалар	0,30
кул ранг чўяндан қуймалар	0,25
Изоҳ: таранглик модули қийматлари, бутун канат учун узилиш кучланишининг 60% дан кам бўлмаган кучланиш билан дастлаб чўзилган канатлар учун берилган.	

**МАТЕРИАЛ ВА БИРИКМАЛАРНИНГ ҲИСОБЛАНГАН ТАВСИФЛАРИ****Е.1-жадвал – Пўлат прокат ва қувурларнинг ҳисобланган қаршиликлари**

Зўриққан ҳолат ва ҳисобланган ҳолатнинг тавсифи	Шартли белги	Прокат ва қувурнинг ҳисобланган қаршилиги
Чўзилиш, сиқилиш ва эгилиш: оқувчанлик чегараси бўйича вақтдаги қаршилик бўйича	$R_y$	$R_y = R_{yn} / \gamma_m$
	$R_u$	$R_u = R_{un} / \gamma_m$
Силжиш	$R_s$	$R_s = 0,58 R_{yn} / \gamma_m$
Эзилиш: ён (торец) юзанинг (мослаб жойлаштириш мавжудлигида) маҳаллий цилиндр шарнирларда (цапфаларда) зич тегиб турганда	$R_p$	$R_p = R_{un} / \gamma_m$
	$R_{lp}$	$R_{lp} = 0,5 R_{un} / \gamma_m$
Ғалтакларнинг диаметрал қисилишга ҳисобланган қаршилиги (ҳаракатланиши чекланган конструкцияларда эркин тегишда)	$R_{cd}$	$R_{cd} = 0,025 R_{un} / \gamma_m$
Прокат қалинлиги йўналишда чўзилиш $t$ ( $t$ 60 мм гача бўлганда)	$R_{th}$	$R_{th} = 0,5 R_{un} / \gamma_m$
<p>Бу ерда, <math>\gamma_m</math> – материал бўйича ишонччилик коэффиценти. Изох: <math>R_{yn}</math> оқувчанлик чегараси бўйича ва <math>R_{un}</math> вақтдаги қаршилик бўйича меъёрий қаршиликларни, стандарт ва техник шартларда белгиланган <math>\sigma_T</math> оқувчанли чегарасининг ва <math>\sigma_B</math> вақтдаги қаршиликнинг минимал қийматларига тенг деб қабул қилиш керак, ишлатилаётган конструкцияларнинг техник ҳолатини баҳолаганда эса, конструкциялардан танланган намуналарни синаш маълумотларини статистик ишлаш натижалари асосида олинади.</p>		

**Е.2-жадвал – Пўлат прокат ва қувурлар учун материал бўйича ишонччилик коэффиценти**

Прокат ва қувурларга давлат стандарти ёки техник шартлар	Материал бўйича ишонччилик коэффиценти $\gamma_m$
ГОСТ 27772 (С590 ва С590К пўлатлардан ташқари) ва ГОСТ 27772 бўйича прокат хусусиятлари назорати процедурасини қўллайдиган бошқа меъёрий ҳужжатлар	1,025
Оқувчанлик чегараси 380 Н/мм <sup>2</sup> дан ортиқ бўлган навли прокат учун ГОСТ 19281, қувурлар учун ГОСТ 8731	1,100
Қолган прокат ва қувурлар учун мазкур меъёрлар талаблари	1,050
Прокат ва қувурлар учун хорижий меъёрий ҳужжатлар	1,100

Е.3-жадвали (маълумот учун) – **Варақли, кенг қўламли универсал ва шаклдор прокатни чўзиш, сиқиш ва эгишда меъерий ва ҳисобланган қаршиликлар**

ГОСТ 27772 бўйича пўлат	Прокат қалинлиги <sup>1)</sup> , мм	Прокатнинг меъерий қаршилиги <sup>2)</sup> , Н/мм <sup>2</sup>		Прокатнинг ҳисобланган қаршилиги <sup>3)</sup> , Н/мм <sup>2</sup>	
		$R_{yn}$	$R_{un}$	$R_y$	$R_u$
C235	От 2 до 8	235	360	230/225	350/345
C245	От 2 до 20	245	370	240/235	360/350
	Св. 20 до 30	235	370	230/225	360/350
C255	От 2 до 20	245	370	240/235	360/350
	Св. 20 до 40	235	370	230/225	360/350
C285	От 2 до 10	275	390	270/260	380/370
	Св. 10 до 20	265	380	260/250	370/360
C345	От 2 до 20	325	470	315/310	460/450
	Св. 20 до 40	305	460	300/290	450/440
	Св. 40 до 80	285	450	280/270	440/430
	Св. 80 до 100	265	430	260/250	420/410
C345K	От 4 до 10	345	470	335/330	460/450
C375	От 2 до 20	355	490	345/340	480/465
	Св. 20 до 40	335	480	325/320	470/455
C390	От 4 до 50	390	540	380/370	525/515
C440	От 4 до 30	440	590	430/420	575/560
	Св. 30 до 50	410	570	400/390	555/540
C590,C590K	От 10 до 40	590	685	575/560	670/650

<sup>1)</sup> Шаклдор прокатнинг қалинлиги сифатида токча қалинлиги олинади.

<sup>2)</sup> Меъерий қаршилик сифатида давлат стандартлари ёки техник шартларда келтирилган оқувчанлик чегараси ва вақтдаги қаршиликнинг кафолатланган қийматлари олинади. Ушбу қийматлар фақат битта бирликлар тизимида келтирилган вазиятларда (кгс/мм<sup>2</sup>), меъерий қаршиликлар (Н/мм<sup>2</sup>) тегишли қийматларни 9,81 га кўпайтириш ва 5 Н/мм<sup>2</sup> гача яхлитлаш йўли билан ҳисобланади.

<sup>3)</sup> Ҳисобланган қаршиликларнинг қийматлари меъерий қаршиликларни Е.2-жадвалга мувофиқ аниқланган материал бўйича ишончлилик коэффициентларига бўлиш, ва 5 Н/мм<sup>2</sup> гача яхилтлаш йўли билан ҳисобланган. Суратда ГОСТ 27772 асосида ёки ГОСТ 27772 бўйича прокат хусусиятлари назорати процедурасини қўлайдиган бошқа меъерий ҳужжатлар ( $\gamma_m = 1,025$ ) асосида етказиб бериладиган прокатнинг (C590K пўлатдан ташқари) ҳисобланган қаршиликлари қийматлари келтирилган, махражда – қолган прокатнинг ( $\gamma_m = 1,050$ ) да ҳисобланган қаршиликлари келтирилган.

Е.4-жадвал (маълумот учун) – Қувурларни чўзиш, қисиш ва эгишда меъёрий ва ҳисобланган қаршилиқлар

Пўлат маркаси	ГОСТ	Девор калинлиги, мм	Меъёрий қаршилиқ, Н/мм <sup>2</sup>		Ҳисобланган қаршилиқ, Н/мм <sup>2</sup>	
			$R_{yn}$	$R_{un}$	$R_y$	$R_u$
ВСт3кп, ВСт3пс, ВСт3сп	ГОСТ 10705	До 10	225	370	215	350
ВСт3пс4, ВСт3сп4	ГОСТ 10706	4-15	245	370	235	350
20	ГОСТ 8731	4-36	245	410	225	375

Изоҳ – ГОСТ 8731 бўйича 09Г2С маркали пўлатдан қувурлар учун меъёри қаршилиқ тарафлар келишуви бўйича мазкур стандарт талабларига мувофиқ белгиланади.

Е.5-жадвал (маълумот учун) – Прокатнинг ён тарафининг эзилишга, цилиндр шарнирларда маҳаллий эзилишга, ғалтакларнинг диаметрал қисилишига ҳисобланган қаршилиқлари

Вақтдаги қаршилиқ, Н/мм <sup>2</sup>	Ҳисобланган қаршилиқ, Н/мм <sup>2</sup>		
	Эзилишга		Ғалтакларнинг диаметрал қисилишга (ҳаракатланиши чекланган конструкцияларда эркин тегишда) $R_{cd}$
	Ён тарафнинг (мослаб жойлаштириш мавжудлигида) $R_p$	Цилиндр шарнирларда (цапфаларда) зич тегиб турганда $R_{lp}$	
360	351/343	176/171	9/9
370	361/352	180/176	9/9
380	371/362	185/181	9/9
390	380/371	190/185	10/10
400	390/381	195/190	10/10
430	420/409	210/204	10/10
440	429/419	215/209	11/11
450	439/428	220/214	11/11
460	449/438	224/219	11/11
470	459/448	229/224	11/11
480	468/457	234/228	12/12
490	478/467	239/233	12/12
510	498/486	249/243	12/12
540	527/514	263/257	13/13
570	556/543	278/271	14/14
590	576/562	288/281	14/14

Изоҳ. Жадвалда Е.1-жадвали формулалари асосида,  $\gamma_m = 1,025$  (суратда) ва  $\gamma_m = 1,050$  (маҳражда) ҳисобланган ҳисобланган қаршилиқлар қиймати келтирилган.



**Е.6-жадвал – Қуйма, болғаланган буюмлар (поковка), пўлат канатлар, симлар боғлари ва эшилган иплари, пойдевор ва U-симон болтлар, ишқаланма бирикмалардаги болтларнинг ҳисобланган қаршиликлари**

Конструкция элементлари ва зўриққан ҳолат	Шартли белги	Ҳисобланган қаршилик
Углеродли пўлатдан қуймалар: чўзилиш, қисилиш, эзилиш	$R_y$	$R_y = R_{yn} / 1,3$
силжиш	$R_s$	$R_s = R_{yn} / 2,2$
Кул ранг чўяндан қуймалар: чўзилиш қисилиш силжиш	$R_t$	$R_t = R_{tun} / 3$
	$R_c$	$R_c = R_{cun} / 2$
	$R_s$	$R_s = R_{tun} / 4$
Пўлат канатлар	$N_{dh}$	$N_{dh} = N_{un} / 1,6$
Симлар боғлари ва эшилган иплари	$R_{dh}$	$R_{dh} = R_{un} / 1,6$
Пойдевор болтлари (ҳисобланган)	$R_{ba}$	$R_{ba} = R_{yn} / 1,25$
U-симон болтлар	$R_{bU}$	$R_{bU} = R_{yn} / 1,18$
Ишқаланма бирикмалардаги ўта мустаҳкам болтлар	$R_{bh}$	$R_{bh} = R_{bun} / 1,43$
<p>Бу ерда, <math>R_{tun}</math> – кул ранг чўяннинг чўзилишда меъерий қаршилиги;  <math>R_{cun}</math> – шунинг ўзи, эгилишда;  <math>N_{un}</math> – канат учун узишга кучланишда меъерий қиймат.  Изоҳ: Канат, боғ, ип ва болтлар учун ҳисобланган қаршиликлар чўзилиш учун келтирилган</p>		

**Е.7-жадвал (маълумот учун) – Углеродли пўлатдан қуймалар учун ҳисобланган қаршиликлар**

Зўриққан ҳолат	Шартли белги	Қуйидаги маркали пўлатдан қуймалар учун ҳисобланган қаршиликлар, Н/мм <sup>2</sup> ,			
		15Л	25Л	35Л	45Л
Чўзилиш, қисилиш ва эгилиш	$R_u$	150	180	210	250
Силжиш	$R_s$	90	110	130	150
Ён тарафнинг (мослаб жойлаштириш мавжудлигида) эзилиши	$R_p$	230	270	320	370
Цилиндр шарнирларда (цапфаларда) ясси тегиб турганда маҳаллий эзилиш	$R_{lp}$	110	130	160	180
Ғалтақларнинг диаметрал қисилиши (ҳаракатланиши чекланган конструкцияларда эркин тегишда)	$R_{cd}$	6	7	8	10
<p>Изоҳ: бошқа стандарт ва техник шартлар бўйича етказиб бериладиган паст легирланган пўлатан қуймалар, шу жумладан хорижий маҳсулотлар учун ҳисобланган қаршиликларни, меъёрлар тузувчи ташкилот билан келишилган ҳолда аниқлаш керак.</p>					

Е.8-жадвал (маълумот учун) – Кул ранг чўядан қўймаларнинг ҳисобланган қаршиликлари

Зўриққан ҳолат	Шартли белги	Қўйдаги маркали кул ранг чўядан қўймалар учун ҳисобланган қаршиликлар, Н/мм <sup>2</sup> ,			
		СЧ 15	СЧ 20	СЧ 25	СЧ 30
Марказий чўзилиш ва эгилиш	$R_t$	55	65	85	100
Марказий қисилиш ва эгилиш	$R_c$	160	200	230	250
Силжиш	$R_s$	40	50	65	75
Ён тарафнинг (мослаб жойлаштириш мавжудлигида) эзилиши	$R_p$	240	300	340	370

Е.9-жадвал – Пайванд бирикмаларнинг ҳисобланган қаршиликлари

Пайванд бирикма	Зўриққан ҳолат	Ҳисобланган қаршилик тавсифи	Шартли белги	Пайванд бирикманинг ҳисобланган қаршилиги
Уланма	Чок сифатининг физикавий назорат билан механик ёки қўлда пайвандлашда эзилиш, чўзилиш ва эгилиш	Оқувчанлик чегараси бўйича	$R_{wy}$	$R_{wy} = R_y$
		Вақтдаги қаршилик бўйича	$R_{wu}$	$R_{wu} = R_u$
	механик ёки қўлда пайвандлашда чўзилиш ва эгилиш	Оқувчанлик чегараси бўйича	$R_{wy}$	$R_{wy} = R_y / 1,18$
	силжиш		$R_{ws}$	$R_{ws} = R_s$
Бурчак чокли	Кесилиш (шартли)	Чок металли бўйича	$R_{wf}$	$R_{wf} = R_{wun} / 2,2$
		Эриш металли чегараси бўйича	$R_{wz}$	$R_{wz} = R_{un} / 2,2$

Бу ерда,  $R_{wun}$  – чок металлининг вақтдаги қаршилиги бўйича меъерий қаршилик.  
Изох:  $R_{wun} > 590$  Н/мм<sup>2</sup> бўлганда  $R_{wf} = R_{wun} / 2,4$  қабул қилиш керак.

Е.10-жадвал – Бурчак чокли пайванд бирикмалар чок металлининг меъерий ва ҳисобланган қаршиликлари

Пайванд материаллари		$R_{wun}$ , Н/мм <sup>2</sup>	$R_{wf}$ , Н/мм <sup>2</sup>
Электрод тури (ГОСТ 9467 бўйича)	Сим маркаси		
Э42, Э42А	СВ-08, СВ-08А	410	180
Э46, Э46А	СВ-08ГА,	450	200
Э50, Э50А	СВ-08Г2С, СВ-10ГА, ПП-АН-8, ПП-АН-3	490	215
Э60	СВ-08Г2С <sup>1)</sup> , СВ-10НМА, СВ-10Г2	590	240
Э70	СВ-10ХГ2СМА, СВ-08ХН2ГМЮ	685	280
Э85	-	835	340

<sup>1)</sup> Фақат оқувчанлик чегараси 440 Н/мм<sup>2</sup> ва юқорироқ пўлатдан конструкцияларда катети  $k_f \leq 8$  мм бўлган чоклар учун.

## Е.11-жадвал – Бир болтли бирикмаларнинг ҳисобланган қаршиликлари

Зўриққан ҳолат	Шартли белги	Бир болтли бирикмаларнинг ҳисобланган қаршиликлари				40X «селект» маркали пўлатдан ўта мутаҳкам болтларнинг
		қуйидаги мустаҳкамлик синфли болтларнинг кесилишга ва чўзилишга				
		5,6	5,8	8,8	10,9	
Кесилиш	$R_{bs}$	0,38 $R_{bun}$	0,4 $R_{bun}$	0,4 $R_{bun}$		0,37 $R_{bun}$
Чўзилиш	$R_{bt}$	0,42 $R_{bun}$	0,4 $R_{bun}$	0,5 $R_{bun}$		0,5 $R_{bun}$
Эзилиш: Аниқликнинг А синфли болтлар	$R_{bp}$	$R_{bp} = (0,6 + 410 \frac{R_{un}}{E}) R_{un}$				
Аниқликнинг В ва С синфли болтлар						
Изоҳлар:						
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мустаҳкамликнинг 8.8 ва 10.9 синфли ва 40X «селект» пўлатидан тайёрланган болтлар учун <math>R_{bs}</math> ва <math>R_{bt}</math> қийматлари, қопламасиз (масалан, рухлаш, алюминийлаш) болтларга тегишли бўлиб, иситиш оқибатида мустаҳкамлик пасайиши инobatга олинмаган.</li> <li>2. Мустаҳкамликнинг 5.8 ва 10.9 синфли болтлар учун <math>R_{bt}</math> қиймати 650°C ҳароратида кейинчалик кўшимча бўшатиш шarti билан келтирилган.</li> <li>3. <math>R_{bp}</math> қиймати оқувчанлик чегараси 400 Н/мм<sup>2</sup> гача бўлган пўлатдан қўшиладиган элементлар учун ва <math>R_{bun} &gt; R_{un}</math> да келтирилган.</li> </ol>						

Е.12-жадвал (маълумот учун) – Болтлар пўлатининг меъёрий қаршиликлари ва бир болтли бирикмаларнинг кесилиш ва чўзилишга ҳисобланган қаршиликлари, Н/мм<sup>2</sup>

Болтнинг мустаҳкамлик синфи	$R_{bun}$	$R_{byn}$	$R_{bs}$	$R_{bt}$
5,6	500	300	190	210
5,8	520	420	210	210
8,8	830	660	330	415
10,9	1040	940	415	520
Изоҳ. Жадвалда келтирилган ҳисобланган қаршиликлар қийматлари мазкур меъёрларнинг Е.11-жадвал формулалари асосида, 5 Н/мм <sup>2</sup> гача яхлитлаш билан ҳисобланган.				

Е.13-жадвал (маълумот учун) – Болтлар билан бирлаштириладиган элементларнинг ҳисобланган қаршиликлари

Бирлаштирилаётган элементлар пўлатининг вақтдаги қаршилиги $R_{un}$ , Н/мм <sup>2</sup>	Болтлар билан бирлаштириладиган элементларнинг эзилишга ҳисобланган қаршиликлари $R_{bp}$ , Н/мм <sup>2</sup>	
	Аниқликнинг А синфли	Аниқликнинг В ва С синфли
360	475	430
365	485	440
